

АБУ АЛИ
ИБН СИНО

تذکره

ҚОНУНЛАРИ

V

61(02)
C 580

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АБУ АЛҲ
УБН СУНО

ТАВ
ҚОШУМАЛАРИ

V
КИТОБ

УЧИНЧИ НАШРИ

Sam DTI
axborot-resurs markazi
317280

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2020

УЎК: 614.2(094)

КБК: 51

C-58

Ибн Сино, Абу Али

Тиб қонунлари: К. V (5) / Абу Али Ибн Сино; Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик
институти – Тошкент: «Sharq», 2020. – 376 б.

УЎК: 614.2(094)

КБК: 51

ISBN 978-9943-5992-7-7

Учинчи нашрнинг таҳрир хайъати:

У.И. Каримов, ЎЗР ФА академиги, филология фанлари доктори

Б.А. Абдухалимов, тарих фанлари доктори, профессор

С.У. Каримова, тарих фанлари доктори

М. Ҳасаний, тарих фанлари доктори

Ҳ. Ҳикматуллаев, филология фанлари номзоди

А. Усмонхўжаев, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-5992-7-7

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти, 2020.

Арабчадан таржима қилувчи ва изохлар муаллифи:
У.И. КАРИМОВ

Учинчи нашрни тайёрловчилар:
М. ҲАСАНИЙ, С.У. КАРИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН

“Тиб қонунлари” Бешинчи китоби Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси, филология фанлари доктори У.И. Каримов томонидан таржима қилинган, изоҳлар ҳам таржимон томонидан берилган.

Бешинчи китоб асарнинг сўнгги қисми бўлиб, у ҳам Иккинчи китоб сингари дориларга бағишланган. Агар Иккинчи китобга содда, яъни яққа ҳолда ишлатиладиган дорилар тавсифи ва уларнинг тиббий таъсири киритилган бўлса, Бешинчи китоб мураккаб, яъни кўп компонентли дориларни ўз ичига олади. Асар икки қисм (жумла)дан иборат. Биринчисида мураккаб дори турлари ва уларни тайёрлаш усуллари, иккинчисида шу дорилар ёрдамида даволанадиган турли аъзо касалликлари баён қилинган.

Китоб таржимасига унинг XII асрда кўчирилган ва Озарбайжон ФА Қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзмаси асос қилиб олинган [сигл О].

Аввалги тўрт китобда бўлганидек, бу гал ҳам таржима учун ёрдамчи манба сифатида “Тиб қонунлари”нинг 1877 йилда Булок (Миср)да босилган матнидан фойдаланилган [сигл Б]. О билан Б ўртасидаги фарқлар изоҳда қайд қилинган. Айрим ҳолларда “Қонун”нинг Париж миллий кутубхонасида сақланаётган 619/1222 йилда кўчирилган нусхасидан ҳам фойдаланилган [сигл П].

Ушбу китоб ОТ-Ф1-65 “Марказий Осиё халқлари ёзма ёдгорликлари (тадқиқот, асл матн ва илмий таржима)” фундаментал лойиҳа доирасида нашрга тайёрланди.



[309] РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН ТАНГРИ НОМИ БИЛАН!
УНИНГ ЎЗИГА ТАВАККАЛ ҚИЛАМИЗ

455

Биз тўрт китобда соғлиқни сақлаш ва уни қайтариш илмининг назарий ва амалий қисмларининг асосларини баён қилиб бўлдик. Энди «Қонун» китобини мураккаб дориларга бағишланган ва «Қарободин»¹ вазифасини ўтовчи Бешинчи китоб билан тугаллашимиз лозим.

Бу китобни биз дориларни таркиб қилиш илмининг асосларини кўрсатувчи бир назарий мақолага ва икки жумлага тақсим этдик; бир жумла «Қарободин»ларда келтириладиган мураккаб [дориларга], бошқаси эса айрим касалликлар учун синаб кўрилган мураккаб дориларга бағишланади. Шу масалани баён қилсак, [«Қонун»] китобини ҳам тугаллаган бўламиз.



НАЗАРИЙ МАҚОЛА

МУРАККАБ ДОРИЛАРНИНГ КЕРАКЛИГИ

Биз ҳар бир касалликда, хусусан, мураккаб касалликда¹ унга қарши тура оладиган содда дорини топа олмаймиз, агар [ундай дори] топилганда ҳам, биз уни афзал кўрмаймиз. Ҳатто биз, кўпинча, мураккаб [касалликка] қарши тура оладиган мураккаб [дорини] ҳам топа олмаймиз ёки уни топамиз, бироқ бизга унинг таркибий қисмларидан биронтасининг қуввати ортиқроқ бўлиши зарур бўлади ва натижада унинг қувватини кучайтирувчи бирон содда [дори] қўшишга муҳтож бўламиз. Масалан, бобунани олайлик, унда эритиб тарқатиш қуввати кўпроқ, буруштириш қуввати эса озроқдир, шунинг учун унга биронта буриштирувчи содда дори қўшиб, унинг буриштириш қуввати кучайтирилади. Баъзан бизда бирон қиздирувчи содда дори мавжуд бўлади, лекин биз учун унга нисбатан камроқ қиздириш зарур бўлади, натижада унга биронта совутувчи [дорини] қўшишга тўғри келади; ёки унга караганда кўпроқ қиздириш [керак бўлиб], унга яна бошқа бир қиздирувчини қўшишга муҳтож бўламиз. Кўпинча, бизга тўрт жуз билан қиздирувчи² дори керак бўлади, аммо бизда фақат уч жуз билан қиздирадиган бир дори ва беш жуз билан қиздирадиган бошқа бир доригина мавжуд бўлади; шунда тўрт жуз билан қиздирувчи [дори] ҳосил қилиш учун уларни бир-бири билан қўшамиз.

Гоҳо биз истаган дори бизга зарур соҳада етук [таъсирга] эга бўлса-да, бироқ бошқа жиҳатдан зарарли бўлади, шунинг учун унга унинг зарарини синдирадиган нарса аралаштириш зарур бўлиб қолади. Баъзан [дори] инсон табиатига ёқимсиз ва кароҳатли бўлиб, меъда уни ёқтирмайди ва қайтариб чиқаради, шунда уни ёқимли қиладиган бирон нарса билан аралаштиришга мажбур бўламиз. Гоҳо дори ўз таъсирини [гавданинг] узоқроқ ерида кўрсатиши мақсад қилиб қўйилади, бироқ биринчи ва иккинчи ҳазм унинг қувватини синдириб юборади, деб кўрқилади, шундай ҳолларда у [дори] мўлжалланган аъзога бузилмаган ҳолда етиб бориши учун

унга ўзи таъсирланмасдан¹, иккала ҳазмнинг таъсирини [доридан] узоклатадиган сақловчини кўшишга тўғри келади, масалан, тарёк² дорисига афюн кўшилади.

Баъзан дорини [ичкарироқ] олиб бориш мақсад қилиб қўйилади, масалан, кофур кулчаларини юракка етказиш учун уларга заъфарон кўшилади, улар юракка бориб етгач, ажратувчи қувват ишга киришиб, заъфаронни [кулчалардан] ажратади ва уни йўкотади; совутувчи ва сўндирувчи [дорилар] эса юракка ўз таъсирини кўрсатади. Ажратувчи қувват эритиб, тарқатувчи қувват билан буриштирувчи қувватни бир-биридан айирганда ҳам шундай таъсир кўрсатади; дори табиий ёки сунъий бўлишидан қатъи назар шундай бўлади, натижада эритиб тарқатувчи [қувват] оғриётган аъзонинг ўзига таъсир этиб, моддани таркатади, қайтарувчи³ [қувват] эса модда юрадиган йўлларга таъсир кўрсатиб, уни қайтаради.

Гоҳо биз дори ўтиш йўлларида жуда етарли даражада таъсир кўрсатиши учун, унинг бир оз ушланиб туришини истаймиз, бироқ дори тез сингиб ўтадиган бўлади, шунда уни тутиб турувчи [дори] билан аралаштирамиз. Масалан, [тиқилмаларни] очувчи дориларнинг кўпи жигардан тез ўтиб кетадиган бўлади, кўпинча эса, уларнинг жигарда ушланиб туришлари жуда зарур бўлади, шундай ҳолларда уларни жигарнинг қарши томонига тортувчи дорилар билан аралаштирамиз; масалан, турп уруғи дорини меъда оғзи томон тортади, натижада дорининг фойдаси жигарга ўтгунга қадар у гўё тараддудланиб [тўхтаб туради], сўнгра ўтиб кетади.

Кўпинча, биздаги дори иккала томон учун ҳам умумий бўлади⁴, бизнинг мақсадимиз эса, уни фақат бир томонга [йўналтириш] бўлади ва уни ўша томонга олиб борадиган нарса билан қўшамиз, масалан, [тиқилмаларни] очиб, сийдикни юргизувчи дориларни томирлардан буйрак ва қовуқ томонга йўналтириш учун уларга олакуланг кўшилади.

Билгинки, кўп [310] дориларнинг [баданга] тушиш ўринлари билан таъсир кўрсатадиган ўринлари [бошқа-бошқа] бўлади. Баъзан [дорининг] тушиш ўрни унинг таъсир кўрсатиш ўрнидан узокроқ бўлиши назарда тутилади, шунда биронта олиб борувчи [дори]га эҳтиёж туғилади. Баъзан эса, таъсир кўрсатиш ўрнининг тушиш ўрнидан якинроқ бўлиши мақсад қилиб қўйилади, бундай ҳолда тутиб қолувчи [дорига] эҳтиёж тушади.

Билгинки, тажрибадан ўтказилган [дори] тажрибадан ўтказилмаганидан яхшидир; бир мақсад учун дорининг ози кўпидан кўра

яхшироқдир. Дорининг ози кўпидан яхши эканлигининг сабаби Иккинчи китобнинг бошида изоҳланган. Тажрибадан ўтган дорининг яхши эканлигининг сабаби шуки, ҳар бир мураккаб дори учун унинг таркибидаги содда қисмлари юзасидан бир турли ҳукм ва бириккан ҳолатидаги сурати¹ юзасидан бир ҳукм бўлади. Тажрибадан ўтказилмаган дори фақат ўзининг содда қисмлари эътибори билангина фойда келтириши мумкин, уларнинг кўшилиши натижасида нима юз беришини биз билмаймиз: бунда улар кучлироқ бўлиб қоладими ёки кучсизроқми? Тажрибадан ўтган дорида эса, бу икки ҳол текшириб кўрилган бўлади. Кўпинча [мураккаб дорининг] таркиб ҳолидаги фойдаси унинг таркибий қисмларидан қутилганига қараганда кўпроқ бўлади.

[Дорилар] қандай таркиб қилинади. Билгинки, агар сенда [даволаш учун] тўрт хил эҳтиёж туғилса ва улар учун [етарли бўлган] табиий дорини тополмай сунъий дорига муҳтож бўлсанг, масалан, *сақамуниё*, Абу Жаҳл тарвuzининг эти, сабр ва турбуд билан бўшатишга эҳтиёжинг тушиб, бир умумий дори ҳосил қилиш учун уларни бир-бири билан қўшишни истасанг, қарашинг керак: агар [дориларга] ва уларнинг таъсирига бўлган ҳожат бир хилда бўлса ва улар тўртта бўлса, уларнинг ҳар биридан бир ичимнинг тўртдан 456 бирича олиб қўш. || Агар уларга бўлган эҳтиёж бир хилда бўлмаса, балки бирига кўпроқ ва бошқасига озроқ бўлса, тиб санъатига асосланиб чамалаб, [уларнинг ҳар бирига бўлган] эҳтиёж даражасини аниқла ва [бирига] бўлган эҳтиёжнинг [иккинчисига] бўлган эҳтиёжга нисбатини асосий қоида қилиб ва шу нисбатга асосланиб, умумий таркибнинг бир ичимига қирадиган баъзи [содда дориларнинг] миқдорини ошир, баъзилариникини қамайтир, сўнгра ҳаммасини қўш!

Билгинки, тарёқ каби нажот келтирувчи мураккаб дори ўз таркибидаги содда қисмлари туфайли бир турли таъсир ва қувватларга эга бўлганидек, у дорида маълум бир мизож ҳосил бўлиши учун уни бир қанча муддат давомида ачитиш натижасида пайдо бўладиган сурати² туфайли ҳам бир турли таъсир ва қувватларга эга бўлади. Кўпинча [сурати] таркибидаги содда қисмларига қараганда афзалроқ бўлади. Табибларнинг: – Тарёқ фалон касалликка [ўз таркибидаги] сунбул туфайли, фалон касалликка эса *мурр*³ туфайли фойда қилади, – деган сўзига аҳамият бермаслик керак, тўғри, [тарёқ] шу [қисмлари] туфайли ҳам фойда етказди, бироқ ундаги асосий нарса унинг суратидир⁴. [Таркибий қисмлари] ҳаммаси биргалашиб, жуда яхши

фойда келтиради, бироқ биз у қисмларнинг [тарёқнинг] таъсирига муносабати қандай зканлигини аниқ кўрсатиб бера олмаймиз.

Сенга яна маълум бўлсинки, мураккаб дорилар таркибида асосий қисм ва асл вазифасини бажарувчи дорилар бўлади ва уларни таркибдан чиқарилса, [мураккаб дорининг] фойдаси йўқолади, масалан, тарёқдаги *афъо* илонининг гўшти, *иёраж фикродаги* сабр ва *Лугозиё иёражидаги* харбаклар¹ шундай. Баъзи дорилар борки, уларни тушириб қолдириш, бошқаси билан алмаштириш, [микдорини] кўпайтириш ёки камайтириш ҳам мумкин. Баъзи дорилар ҳам борки, агар улар [мураккаб дорига] қўшилса, зарар етказди, [масалан], тарёққа балозур қўшилса, у дорини, айниқса *афъо* илони гўштини бузган бўлар эди; дориларнинг ичида шундайлари ҳам борки, агар уларнинг микдори орттирилса, зарар етказмайди, масалан, сен тарёққа мускат ёнғоғини қўшсанг, катта гуноҳ қилган бўлмайсан.

Билгинки, кўп таркиблар [дориларнинг таъсирини] бузишга сабаб бўлади, кўплари эса жуда яхши таъсирли бўлиб чиқади. Кўп таркиблар содда ҳам мураккаб дорилардан тузилади, масалан, тарёқ содда қисмлардан ва уч хил кулчадан таркиб топади, ҳар бир кулча ўзининг мураккаблиги туфайли содда дориларда бўлмайдиган хусусиятга эгадир. Баъзи дори мураккаб дорилардан таркиб топади.



БИРИНЧИ ЖУМЛА

**ҚАРОБОДИНЛАРГА
КИРИТИЛГАН
МУРАККАБ ДОРИЛАР**





БИРИНЧИ МАҚОЛА

ТАРЁҚЛАР¹ ВА КАТТА МАЪЖУНЛАР² ҲАҚИДА

Тарёқ *форук*³. Бу тарёқ мураккаб дориларнинг энг яхшиси ва энг афзалидир, чунки у кўп нарсаларга фойда қилади, хусусан илон, чаён ва кутурган ит заҳарига ҳамда ичилган ўлдирувчи заҳарларга, шунингдек, балғамдан ҳамда савдодан бўладиган касалликларга ва уларнинг иситмаларига, ёмон бодлар, фалаж, сакта, тутқанок, юз фалажи, қалтироклик, васвасалик, жинилик, айниқса мохов касаллигига ҳамда песликка фойда қилади.

[311] Бу [тарёқ] юракни тетиклаштиради, ҳисларни ўткирлаштиради, иштаҳаларни қўзғатади, меъдани кучайтиради, нафас олишни осонлаштиради, хафаконни кетказди ва қон туфлашни тўхтатади, буйрак ва қовуқнинг кўпчилик оғриқларига ҳамда улардан [турли нарсаларнинг] оқишига қарши ҳам фойда қилади, тошни майдалайди, шунингдек, ичак яраларига, жигар, талоқ ва бошқа [аъзоларда] бўладиган ички каттикликларга ҳам фойда қилади. [Тарёқ] бу таъсирларни ўз таркибидаги содда [дориларнинг] аралашувидан келиб чиқадиган суратининг хусусияти туфайли амалга оширади, чунки у руҳ билан туғма ҳароратни кучайтиради ва шу орқали [инсон] табиатига совуқлик ва иссиқликка қарши туришда ёрдам беради.

Бу дори учун энг яхши нусха Андромахнинг⁴ дастлабки асл нусхасидир. Жолинус ва бошқа кўп табиблар [тарёқнинг таркибини] орттириш ёки қамайтиришга уриниб кўрганлар, буни улар бирон зарурат ёки кучли сабаб туфайли қилмаганлар, балки [номлари] зикр этилсин ва улардан ҳам Андромахдан қолгани каби ёдгорлик қолсин, деган умидда қилганлар. Тажриба натижасида нажот берувчи бўлиб чиққан [таркибдан] ҳеч нарсани ўзгартирмаслик дурустроқ бўлади. [Тарёқни] ўша хил вазнда таркиб қилиш [зарурлиги] тажрибанинг тақозосидир. Агар ундаги [таркибий қисмларнинг] вазни ўзгартирилса, у бунчалик хусусиятга эга бўлолмайди. Агар бирон [киши] тарёқ қисмларининг, ўша хилдаги вазнлари нима учун

[тарёкда] шу хил хусусиятни келтириб чиқариш сабабини биламан, деб даъво қилса, у киши рад қилинадиган, ёлғон нарсани даъво қилган бўлади; у худди бирон кишининг от, инсон ва бошқалардаги содда унсурларнинг вазнларини билишни даъво қилганига ўхшайди.

Тарёкнинг болалик, ўсмирлик, ёшлик, қариллик ва ўлиш [давралари] бор. У олти ой ёки бир йил ўтгандан кейин бола бўлади, кейин у ўса ва орта бориб, ниҳоят иссиқ мамлакатларда ўн йилдан кейин, совуқ мамлакатларда эса, йигирма йилдан кейин [ўсишдан] тўхтайдди. Сўнгра у ўн ёки йигирма йил давомида тўхтаб туради, кейин йигирма ёки қирқ йилдан сўнг [унинг кучи] камая боради, ниҳоят, унинг тарёклиги ўттиз ёки олтмиш йилдан кейин йўқолади ва у тарёклик даражасидан тушган маъжунлардан бири бўлиб қолади.

[Бирон нарса] чаккан кишига [тарёкнинг] янги ва кучлисини ичириш керак, бошқаларга эса заифроғи ичирилади. Кўпинча, бирон нарса чаккан кишига янги [тарёкдан] ярим мисқолдан бир мисқолгача ичиришга тўғри келади. [Тарёкнинг] янги ва кучлисини эски, || кучсиз ва ёмонидан ажратадиган синовлардан бири шуки, 45 бир кишига биронта сурғи ичириб, ичи суришини кутиб турилади, ичи сурғач, тарёк ичирилади, агар у ични тўхтатса, демак, у янги ва яхши [тарёк], бўлмаса – ёмон. Жолинуз эслатиб ўтган синовлардан бири мана бу: ёввойи хўрозни тутиш лозим, чунки унинг мизожи уйда боқиладиганиникидан кўра қуруқроқ бўлади, – менимча, бу эркак қирғовул бўлса керак, – кейин уни бирон [захарли] хашаротга чактирилади, кейин унга тарёк ичирилади, агар у тирик қолса, тарёк яхши ҳисобланади. Яна [тарёкни] афюн, сассикалаф ва бошқа нарсалар ичган одамга бериб ҳам синаб кўрилади. Аммо аконитга тарёк кам фойда қилади, у фақат ўлим муддатини бир оз кечиктиради, холос; баъзи [табиблар]: бунга мушк дориси бошқа ҳамма нарсадан кўра фойдалироқ бўлса керак, – дейдилар.

Ҳар бир айрим касалликда тарёкдан қанча ичириш кераклигига келсак [шунини айтиш керакки], эски йўтал, кўкрак ва биқин оғриғида ундан бир *турмуса*¹ миқдоридегисини асал суви билан ёки [касалнинг] иситмаси бўлса, гулоб² билан ичирилади. Даврий қалтиратувчи иситма, совуқлик ва қусишнинг дастлабки даврида [тарёкдан] бир *турмуса* миқдоридегиси уч *уқиядан* кам бўлмаган ва тўрт ярим *уқиядан* ортиқ бўлмаган сув ёки шароб билан ичирилади. Қуланжга³ учраган, меъдаси кўпчиган ва ичаги бураб оғрийдиган кишиларга бир *турмуса* миқдоридегиси, билганингдек, асал су-

вида ёки гулоб билан ичирилади. Иштаҳаси тушган кишига ҳам, ўзинг билганингдек, сув ёки шароб билан ичирилади, тарёқдан бир *турмусани* туёғўт қайнатмаси билан ичирилади. Истискода бир *турмуса* [тарёқни] овқатдан олдин юткизилади ёки бир ярим *уқия* микдоригади суюлтирилган сиркада ичирилади. Қон туфлайдиган кишига эса, агар касаллик яқинда бошланган бўлса, [тарёқдан] бир *мисқолгачаси* суюлтирилган сиркада ичирилади, агар [касаллик] эски бўлса, ўша микдорни *сумқутун*¹ қайнатмасида эрталаб ва кечкурун ичирилади. Овози бўғилиб қолган кишига бир *боқила* микдордаги [тарёқни] асалли сув ёки узум шинниси билан ичирилади, ёки тил тагида тутиб туришга буюрилади. Ичак яралари ва ичдан қон ўтишига қарши уни татим суви билан, нафас қисишга қарши эса, бир *уқиядан* камроқ денгиз пиёзи *сиканжубини* билан ичирилади. Тутканокда [тарёқ] билан томоқ чайилади, кейин чорак *мисқолдан* [312] ярим *мисқолгачани* сувда ёки денгиз пиёзи *сиканжубинида* ичирилади; бош оғриғи ва *шақиқада*² ҳам шундай қилинади.

Агар [тарёқ] петрушка қайнатмаси билан ичилса, қовуқ ва буйракдаги тошни майдалайди. У *ҳайзани*³ қайтаради ва табиатни боғлайди. Соғлиқ вақтларида [тарёқ] ичиб юрган кишига заҳарлар зарар қилмайди. У турли офатлардан сакланади ва вабо касалликларидан омон қолади.

[Тарёқнинг] сифати. Денгиз пиёзи кулчаларидан – қирқ саккиз *мисқол*; *афъо* илони кулчаларидан – йигирма тўрт *мисқол*; *андрухурун*⁴ кулчалари, қорамурч ва афюнларнинг ҳар биридан – шунчадан⁵; дорчиндан, – бир ривоятга кўра, – ўн икки *мисқол*, – бошқа бир ривоятга кўра, – йигирма тўрт *мисқол*; қизил гулдан – ўн икки *мисқол*; ёввойи шолғом уруғи, ёввойи саримсоқ, гулсапсар илдизи, дарахт пўкаги, чучукмиянинг қуюлтирилган шираси ва бальзам ёғининг ҳар биридан – шунча вазндан; *мурр*, заъфарон, занжабил, ровоч, *фантафилун*⁶, тоғ ялпизи, канавча, тоғ петрушкаси, Рум райҳони, қуст⁷, оқ мурч, узун мурч, кийигўти, кундур елими, қорачайир гули, сақич, қора Цейлон дорчини, Ҳинд сунбули ва *жулахларнинг* ҳар биридан – олти *мисқолдан*; суюқ майъа елими, петрушка уруғи, Рум сассик қавраги, оқ индов⁸ уруғи, жувона, *камодарюс*, *камофитус*⁹, такасоқол шираси, Иқлит сунбули, содаж, ёввойи укроп илдизи¹⁰, гентиана илдизи, арпабодиён уруғи, муҳр лойи, куйдирилган сарик зок, амом, игир, бальзам дарахти уруғи, далачой, тоғ сунбулининг илдизи, [араб] елими, ёввойи зира, Рум арпабодиёни ва араб ака-

циясининг шираси – шуларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*; ёввойи сабзи уруғи, гальбан елими, *яхуд* муми, говшир, ингичка *луфо* ва узун аристолохияларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан*, – бир ривоятга кўра, – узун аристолохиянинг ўрнига унинг думалоғи кўрсатилган. Қундуз қиридан, – бир ривоятга кўра, – икки *мисқол*, – бошқа бир ривоятга кўра, – тўрт *мисқол* [олинади]; Эрон қавраги ҳақида ҳам гап шундай; асалдан ўн *ратл*, эски хушбўй¹ шаробдан икки *қист* олинади. [Дорилардан] эрийдиганлари эритилади, ивийдиганлари ивителиди, куруқлари эса янчиб эланади. [Сўнгра ҳаммасини] асал билан қориб, сопол ёки қалай, ёки кумуш идишга солиб қўйилади; шунда идишни тўлатмасдан, дори нафас олиши учун бўш жой қолдирилади. Асал ва шаробдан ташқари ҳамма дорилар – олтмиш тўртта.

Бошқа нусха. Денгиз пиёзи кулчаларидан – қирк саккиз *мисқол*; *афъо* илони кулчалари, *андрухурун*² кулчалари, || қорамурч ва яхши *афюннинг* ҳар биридан – йигирма тўрт *мисқолдан*; ёввойи саримсоқ, қуруқ қизил гул, ёввойи шолғом уруғи, гулсапсар илдизи, дарахт пўкаги, гулсапсар шираси, бальзам ёғи ва дорчинларнинг ҳар биридан – ўн икки *мисқолдан*, *мурр*, канавча, заъфарон, узун мурч, занжабил, тоғ ялпизи, тоғ петрушкаси, *фантофилун*, яъни ёввойи ғозпанжа, Хитой ровочи, оқ аччиқ *қуст*, Рум райҳони, оқ мурч, кийигўти, қорачайир гули, сақич, кундур елими, Цейлон дорчини ва сунбулларнинг ҳар биридан – олти *мисқолдан*; гентиана илдизи, *солосфис*, яъни оқ индов, стиракс елими, Рум сассик қавраги, Иклит сунбули, яъни нордин, жувона уруғи, *камофитус*, *камодарюс*, такасоқол шираси, *содаж*, Рум арпабодиёни, тоғ сунбулининг илдизи, ёввойи укроп илдизи, петрушка уруғи, арпабодиён уруғи, муҳр лойи³, қиздирилган сарик зок, амом, далачой, игир, бальзам уруғи, араб акацияси шираси, араб елими ва ёввойи зираларнинг ҳар биридан – тўрт *мисқолдан*; беклар ўти, гальбан елими, говшир, Эрон қавраги, *яхуд* муми, *луфо*, думалоқ аристолохия ва қундуз қирининг ҳар биридан – икки *мисқолдан*. Баъзан бу нусхага ажам нусхаларида кўрсатилган қуйидаги дориларни ҳам қўшадилар: [313] сув ялпизи, чаёнўт, катиरो, *артанисо*⁴, узун⁵ аристолохия ва минг-демона уруғларининг ҳар биридан икки *мисқолдан* олинади. Асалдан ташқари, ҳамма аралашмалар – етмишта; асал дориларга нисбатан икки ҳисса кўпроқ олинади. Шундай қилиб, тарёқ таркибига қирадиган ҳамма нарсалар бир минг тўрт юз ўттиз тўрт *мисқолни* ташкил этади.

Заъфарон алоҳида эзилади, *мурр*, афюн ва кундур елими эса алоҳида янчилади, буларни қайнатилган *тило* шаробида¹ бир кеча ивитилади. Сақич ва гальбан елими бальзам ёғида эритилади; сарик зок алоҳида янчилади, кейин бошқа дориларни янчиб эланади ва хаммаси кўпиги олинган асал билан корилади. Қориш олдидан дориларни аралашиши учун ховончада яхшилаб эзилади. Кейин улар шиша ёки сопол идишга кўтариб қўйилади ва тўрт йилдан кейин истеъмол қилинади. Тўла бир ичими бир *дирҳам* бўлиб, наҳорга² илик сув билан ичилади.

Бошқа нусха: Денгиз пиёзи кулчаларидан – қирқ саккиз *мисқол*; *афъо* илони кулчаларидан – йигирма тўрт *мисқол*; узун мурчдан – йигирма тўрт *мисқол*; *андрухурун* – кулчаларидан – йигирма тўрт *мисқол*; косачасидан ажратилган курук кизил гулдан – ўн икки *мисқол*, кўк гулсапсар илдизидан – ўн икки *мисқол*; чучукмия илдизидан – ўн икки *мисқол*; ёввойи турп уруғидан – ўн икки *мисқол*; ёввойи саримсоқдан – ўн икки *мисқол*; бальзам ёғочидан – ўн *мисқол*; дорчиндан – ўн икки *мисқол*; афюндан – ўн икки *мисқол*; дарахт пўкагидан – ўн икки *мисқол*; бальзам ёғидан – ўн *мисқол*; оқ мурчдан – олти *мисқол*; Хитой ровочидан – олти *мисқол*; петрушка уруғидан – тўрт *мисқол*; тоза *муррдан* – олти *мисқол*; аччиқ кустдан – олти *мисқол*; заъфарондан – олти *мисқол*; Цейлон дорчинидан – олти *мисқол*; Ҳинд сунбулидан – олти *мисқол*; қорамурчдан – йигирма тўрт *мисқол*; кийигўтидан – олти *мисқол*; канавча, қорачайир гули, тоғ ялпизи, эркак кундур елими ва *жулахларнинг* ҳар биридан – олти *мисқолдан*; Рум райҳонидан – олти *мисқол*; *футрасолиюн*, яъни тоғ петрушкаси уруғи, *моқдуний*³дан – олти *мисқол*; мастаки, сақич, занжабил ва ғозпанжаларнинг ҳар биридан – олти *мисқолдан*; *камофитусдан* – тўрт *мисқол*; суюк майъа елиmidан – тўрт *мисқол*; ёввойи укроп илдизидан – тўрт *мисқол*, амомдан – тўрт *мисқол*; *нордин*, яъни Рум сунбулидан – тўрт *мисқол*; муҳр лойидан – тўрт *мисқол*; Ҳинд *содажидан*⁴ – тўрт *мисқол*; киздирилган сарик зокдан – тўрт *мисқол*; тоғ сунбулининг илдизидан – тўрт *мисқол*; *камодарюсдан* – тўрт *мисқол*; Рум гентианаси илдизидан – тўрт *мисқол*; Рум арпабодиёнидан – тўрт *мисқол*; такасоқол ширасидан – тўрт *мисқол*; бальзам донасидан – тўрт *мисқол*; араб елиmidан – тўрт *мисқол*; арпабодиён уруғидан – тўрт *мисқол*; ёввойи зирадан – тўрт *мисқол*; Рум сассиқ қаврагидан – тўрт *мисқол*; араб акацияси шираси⁵, оқ индов ва далачойларнинг ҳар биридан – тўрт *мисқолдан*; жувона ва Эрон қаврагининг ҳар биридан – тўрт *мисқолдан*; кундуз

17

و اول من سمى هذا الدراق دراقا اندرو ماخر



تبریز ابر اولدر
فقدان علیہ

Sam DTI
 axborot-resurs markazi
 317280

Тарёқ тайёрлаш. Жолинуслинг тарёқ хақидаги рисоласининг арабча таржимасидан.
 XII асрга оид бу қўлёзма Париж Миллий кутубхонасида сақланади.

киридан – икки¹ *мисқол*; узун аристолохиядан – икки *мисқол*; ёввойи сабзи уруғи, *яхуд* муми, говшир ва ингичка *луфоларнинг* ҳар биридан – икки *мисқолдан*; *борзад*, яъни гальбан елиמידан икки *мисқол* олинади. Булар || юқорида айтганимиздек қилиб янчилади, эланади ва асал билан қорилади.

Афъо илонидан қилинадиган кулчалар. *Афъо* илонлари баҳорнинг охирида ва кузнинг бошларида тугилади. Агар баҳор совук келса, [тутиш] ёзнинг иссиғигача кечиктирилади. *Афъо* илонлари боши ясси илонлар бўлиб, яссилик, айниқса, ингичка бўйинларига яқин ерда [кўрилади]; уларнинг думи калта бўлиб, ўзи вишиллайди ва пишиллайди. Ҳар қандай *афъо* илони ҳам бу хил кулчалар [тайёрлашга] ярай бермайди, фақат тўқ сарик ранглиси ҳамда урғочиси ишлатилади. Бунинг аломати шуки, эркагининг ҳар чакагида² биттадан тиши бўлади, урғочисиники эса биттадан кўп бўлади. Шохли, ола ва оққа мойил чавқар хилидан сақланиш керак³. Уларни шўрхоқ ерлар, шунингдек дарё, арик ва денгиз қирғоқлари ҳамда дарахтли жойлардан тутмаслик керак⁴, чунки уларнинг ичида [захари] чанков пайдо қиладиган дуб ёнғоқ шаклли⁵ ёмон хиллари бўлади; балки намликдан узоқда бўлган ерлардан тугилади. [Илоннинг] сушт ҳаракат қиладиганини ҳам тутмасдан, тез ҳаракат қиладиган ва бошини кўтариб юрадиганини танлаш керак.

[Илонни] тутгандан кейин имкон борича бепарво бўлмасдан, [314] бош томондан тўрт энлик қолдириб кесилади, дум томондан ҳам шундай қилинади. Шунда [илондан] кўп қон оқса, у кўп кимирласа ва секин ўлса, яхши ҳисобланади; агар қони кам бўлса, оз кимирласа ва тез ўлса, у ёмондир. Яна унинг аломатларидан бири шуки, у тез ҳаракат қилади, қараши журъатли ва қаттиқ бўлиб, ахлат чиқадиган жойи думининг учига яқин бўлади.

[Илон] ўлгандан кейин, ичидаги нарсалари, хусусан, ўт қопчиғи олиб ташланади ва намақоб билан яхшилаб ювилади. Кейин намақобда қайнатилади, бир оз укроп солинса ҳам ёмон бўлмайди; суяги гўштидан осон ажраладиган бўлгунча ҳил-ҳил қилиб пиширилади. Сўнгра гўштини суягидан тозалаб, ҳовончага солинади ва майдалаб эзилади. Шу ишни қилувчи кишига бурнига бальзам ёғи тортиш ва бармоқларига шу ёғдан суртиш тавсия қилинади. [Гўшт] майдалангандан кейин унга *каък* аралаштирилади, бу турли нусхаларда турлича бўлиб, Андромах нусхасига имтиёз берилмайди⁶. Кейин юпка ва нозик кулчалар тайёрлаб, сояда қуритилади ва сақлаб кўйилади. Қуритишдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам [кулчаларга] мутлақо оф-

тоб тегмаслиги керак, чунки офтоб *афъо* илони гўштига хос бўлиб, бирон нарсанинг чакиши ёки ичиш билан [баданга ўтган] заҳарга қарши турадиган кувватни қирқиб қўяди.

Денгиз пиёзи кулчаларини тайёрлаш. Ҳўл денгиз пиёзидан пишқ, бироқ унча катта бўлмаганлари танлаб олинади ва уларга лой эмас, хамир суртиб, то пишгунча қозонда қовурилади ёки қиздириб ичидан олови олинган тандирда, ёки нон пишириладиган товада [қовурилади]. Улар чиқариб олингач, ички юмшоқ қисми олиниб, яхшилаб эзиб майдаланади ва янги ёввойи ясмиқ уни билан аралаштирилади. Андромах бир қисм денгиз пиёзига икки қисм шу ундан аралаштирган, бошқалар эса баробардан аралаштирганлар. Денгиз пиёзи ёввойи ясмиқ уни билан аралаштирилгач, улардан юпқа кулчалар тайёрла, бундан олдин қўлингни гул ёғи билан мойлаб ол; кейин [кулчаларни] қуритиб, *афъо* илони кулчалари сингари сақлаб қўй!

Андрухурун кулчаларини тайёрлаш. Қандул илдизининг пўстлоғидан – олти *мисқол*, хушбўй камиш, куст, бальзам ёғочи, туёғўт, ёввойи укроп илдизи, амом, мастаки, *амороқун*, яъни оқ бобуна ва тоғ сунбули илдизининг ҳар биридан – олти *мисқолдан*; қорачайир гулидан – йигирма *мисқол*; ровоч, Цейлон дорчини ва [оддий] дорчинларнинг ҳар биридан – йигирма *мисқолдан*; *муррдан* – йигирма тўрт *мисқол*; Ҳинд сунбулидан – ўн олти *мисқол*; *содаждан* ҳам – шунча; заъфарондан ўн икки *мисқол* олинади. Буларнинг ҳар бири алоҳида янчиб эланади, бир оз ширин эски хушбўй шароб билан қориб, кулчалар ясалади ва сояда қуритиб, *афъо* илони кулчалари сингари сақлаб қўйилади.

Шу кулчалар учун бошқа нусха. Қандул ёғочи, хушбўй камиш, куст, туёғўт, бальзам ёғочи, амом, ёввойи укроп илдизи, чаёнўт, тоғ сунбули илдизи ва катта хил бобуналарнинг ҳар биридан – ўн саккиз *мисқолдан*; заъфарон, сунбул¹ ва *содажларнинг* ҳар биридан – ўн икки *мисқолдан*; *муррдан* йигирма тўрт *мисқол* олинади ва ҳар бирини янчиб, бундан олдинги нусхада кўрсатилгандек қилиб кулчалар тайёрланади.

Шу кулчалар учун бошқа нусха. *Асфалотус*, яъни қандулдан – олти *мисқол*; қорачайир гулидан – ўн икки *мисқол*; хушбўй камишдан – олти *мисқол*; тоғ сунбули илдизидан – олти *мисқол*; туёғўтдан – олти *мисқол*; бальзам ёғочидан – олти *мисқол*; дорчиндан – йигирма тўрт *мисқол*; амомдан – йигирма тўрт *мисқол*; Цейлон дорчинидан – олти *мисқол*, *амороқун*, яъни оқ бобунадан – || йигирма *мисқол*;

Ҳинд сунбулидан – ўн олти *мисқол*; *жулахдан* – олти *мисқол*; *муррдан* – йигирма тўрт *мисқол*; мастакидан олти *мисқол* ва заъфарондан ўн икки *мисқол* олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин кўшилади, кейин тоза шароб билан қориб, юқорида айтилгандек қилиб кулчалар ясалади ва саклаб кўйилади.

[315] **Митридат.** *Митридат* бир маъжун бўлиб, уни буюк Митридат¹ ясаган ва ўз номи билан атаган. У буни турли захарлар ва хилма-хил касалликларга қарши умумий манфаатга эга бўлиши учун, асосан, захарларга қарши, шунингдек, бошқа касалликларга ҳам қарши ишлатиб, синаб кўрилган дорилардан таркиб қилган. Бу ўша даврдаги тарёк эди. Кейинчалик Андромах илонларнинг гўшти ва бошқа нарсаларнинг манфаатидан хабардор бўлгач, унга *афъо* илони кулчалари ва бошқа нарсаларни кўшиб, [унинг таркибидаги нарсаларни] бир оз орттирди ёки камайтирди, натижада буюк тарёк пайдо бўлди. Буюк тарёк бир нарсадагина, яъни илонларнинг захарига қарши туришда [*митридатдан*] кўра фойдалироқдир, бошқа ҳолларда эса *митридат* тарёқдан деярли қолишмайди, ҳатто кўп ҳолларда у фойдалироқ ва манфаатлироқдир. Биз бу манфаатларни санаб, сўзни чўзиб ўтирмаймиз, улар тарёк қисмида эслатиб ўтилган. Бунинг бир ичими [тарёқникидан] бир оз кўпроқ бўлади.

Умумий нусха². Заъфарон, *мурр*, дарахт пўкаги, занжабил, дорчин ва катироларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; сунбул, кундур елими, *соласфис*³, яъни Бобил индови, қорачайир, бальзам ёғочи, Рум райҳони, Рум сассиқ қавраги, қуст, *камофитус*, гальбан елими, *баност*⁴ узун мурч, такасокол шираси, қундуз қири, *молобосрун*⁵, яъни Ҳинд *содажи*, *майъа* елими ва говширларнинг ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*; Цейлон дорчини, оқ мурч, қорамурч, савринжон, *жулах*, ёввойи саримсоқ, ёввойи сабзи уруғи, қашқарбеда, гентиана илдизи, бальзам ёғи, бальзам уруғи, *қуфиюн* кулчалари⁶ ва муқлларнинг⁷ ҳар биридан – етти *дирҳамдан*; газлагўтдан – икки *дирҳам*; қаврак елими, Рум сунбули, мастаки, [араб] елими, тоғ петрушкаси, ёввойи зира ва арпабодиён уруғининг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; Рум арпабодиёни, игир, ёввойи укроп илдизи, Эрон қавраги ва туёғўтларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; афюн, қизил гул ва кийигўтларининг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; тоғ сунбули илдизи, араб акацияси шираси, *сақанқур* киндиги⁸ ва далачой уруғларининг ҳар биридан – тўрт ярим *дирҳамдан*; эски хушбўй шароб ва кўпиги олинган асалдан етарли микдорда олинади. Ивитиши лозим бўлган нарсалар шаробда ивитилади ва [ҳаммасини]

асал билан аралаштириб, саклаб қўйилади. Олти ойдан кейин истеъмол қилинади; бир ичими бир *бундуқа* микдорида бўлиб, мос келадиган бирон шарбат билан ичилади.

Бу нусхада Жолинус нусхасида йўқ дорилар бор, улар ўн учта: дарахт пўкаги, савринжон, курук газлагўт, қаврак елими, кийигўти, туёғўт, катирос, Рум райхони, *камофитус*, қашқарбеда, бальзам ёғочи, қорамурч ва муқл. Жолинус нусхасида бу нусхада бўлмаган иккита дори бор: чучукмия илдизи ва туз. Бошқа бир нусхада бу нусхада йўқ битта дори бор, у газлагўт уруғидир.

Митридатда ишлатиладиган қуфийонни тайёрлаш. Уруғи олинган майиздан – тўрт *дирҳам*; сақичдан – йигирма тўрт *дирҳам*; қорачайир ва *муррларнинг* ҳар биридан ўн икки *дирҳамдан*; дорчин, кўк муқл, «хушбўй тирнок», Рум сунбули, Цейлон дорчини, қашқарбеда, тўпалок ва дафна дарахти меваларининг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; хушбўй қамишдан тўққиз *дирҳам*; заъфарондан бир *дирҳам*, яҳуд мумидан икки ярим *дирҳам* олинади. Бу нусха *Собур ибн Саҳл нусхаси бўлиб¹ унга яҳуд муми қўшилган. Бошқа нусхада² икки ярим *дирҳам* кандул орттирилган; яна бошқа бир нусхада икки ярим *дирҳам* туёғўт орттирилган.

Азра³ тарёки. Амомдан – ўн икки *мисқол*; қорачайир гулидан – саккиз *мисқол*, назла ўтидан – олти *мисқол*, заъфарондан – ўттиз олти *мисқол*; дорчиндан – олти *мисқол*, *муррдан* – ўн икки *мисқол*; *футрасолиюн*, яъни тоғ петрушкаси уруғи, *дуқу*, яъни Иклит тоғ сабзиси уруғининг ҳар биридан – уч *мисқолдан*; [316] катиродан – ўттиз *мисқол*: такасоқол ширасидан – саккиз *мисқол*, ҳаво ранг гулсапсар илдизидан – ўн беш *мисқол*, арпабодиён уруғидан – олти *мисқол*, кўк муқлдан – саккиз *мисқол*, оқ кундурдан⁴ – йигирма саккиз *мисқол*, олтингугуртдан⁵ – олти *мисқол*, мингдевона уруғидан – йигирма саккиз *мисқол*, Цейлон дорчинидан – тўққиз *мисқол*, оқ кўкнор уруғидан – ўттиз *мисқол*, Ҳинд сунбулидан – ўн икки *мисқол*; газлагўт уруғидан – бир *мисқол*, пўсти тозаланган цитрон уруғи билан Шом татимининг ҳар биридан – икки *мисқолдан*; укроп уруғи, қарқара жигари, туёғўт, ёввойи зира, *фарфиюн* ва афюнларнинг ҳар биридан – олти *мисқолдан*; қорамурчдан || – уч *мисқол*, 461
косчасидан тозаланган курук қизил гулдан – тўққиз *мисқол*, Ҳинд содажидан – ўн икки *мисқол*, бальзам ёғидан – йигирма тўрт *мисқол*; Иклит нордини, яъни Рум сунбули ва *унотис*⁶ яъни ток гули – буларнинг ҳар биридан – олти *мисқолдан*; самбитгул баргидан⁷ – олти *мисқол*; тозаланган *лаккдан* – ўн икки *мисқол*, *моми-*

со ва калампирмунчокларнинг ҳар биридан – ўн икки *мисқолдан*; Рум сунбулининг гулидан – уч *мисқол*, Чин равочидан – ўн икки *мисқол*, тоғ сунбули илдизидан – олти *мисқол*, *мурр*¹ гулидан – тўрт ярим *мисқол*; *қимулиё* тупроғидан – ўн икки *мисқол*; *артамосиё*, яъни бўйимодарон ширасидан, – бу [ўсимлик] ёввойи қайсум деб ҳам юритилади, – йигирма *мисқол*, сачратки илдизидан – йигирма *мисқол*, аччиқ қуст² ва Рум гентианаси илдизининг ҳар биридан – ўн икки *мисқолдан*; цитрон баргидан ўн уч³ *мисқол*; *андрухурун* кулчаларидан тўкқиз *мисқол*, Рум арпабодиёнидан олти *мисқол* ва корачайирдан ўн икки *мисқол* олинади. Бу дориларни янчиб, элагандан кейин бири-бири билан кўшилади; ивителидиганлари тоза яхши жавҳарли шаробда ивителиди, бундай [шароб] асл ёки *жумҳурийдир*⁴, ёки уларни *мусалласда*, ёки майиз ва асалдан қилинган набизда [ивителиди]. Сўнгра кўпиги олинган асалдан керакли миқдорда олиб, [дорилар] қорилади ва идишга кўтариб, олиб кўйилади; уни буюк тарёк каби истеъмол қилинади. Баъзи табиблар бунга бир оз қаврак елими ҳам кўшадилар, баъзилар бундай қилишни маъқул кўрмайдилар, чунки қаврак елими меъдага зарар қилади.

Азра тарёкиннинг бошқа нусхаси. Амом ва *муррларнинг* ҳар биридан – беш *уқиядан*; назла ўтидан – икки ярим *уқия*, корачайирдан – тўрт *уқия*, Цейлон дорчинидан – ўн икки ярим *уқия*, стиракс елимидан – олти ярим *уқия*, ёввойи сабзи уруғидан – бир *ярим*⁵ *уқия*, заъфарондан – ўн икки *уқия*, тоғ петрушкасидан – бир *уқия* ва икки *дирҳам*, гулсапсар илдизидан – икки ярим *уқия*; арпабодиён уруғи ва муқлларнинг ҳар биридан – тўрт ярим *дирҳамдан*, кундур елимидан – тўкқиз *уқия*, катиродан – ўн *уқия*, такасоқол ширасидан – уч *уқия*, пўсти тозаланган цитрон уруғидан – бир *мисқол*, укроп уруғи, қарқара жигари ва «сарик новдаларнинг»⁶ ҳар биридан – икки *мисқолдан*; мингдевона уруғидан бир *ратл*, кўкнор уруғидан икки *ратл*, сунбулдан тўкқиз *уқия* ва бир *дирҳам*, куруқ газгаўтдан бир *уқия* ва ва икки *дирҳам*, татимдан уч *уқия*, Рум арпабодиёни, туёғўт ва ёввойи зираларнинг ҳар биридан тўрт *уқия*, афюндан икки *уқия* ва бир ярим *дирҳам*, *фарфиюндан* икки ярим *уқия*, мурчдан бир ярим *уқия*, кизил гулдан тўрт *уқия*, *содаж* ва бальзам уруғларидан уч *уқиядан*, балозурдан икки ярим *уқия*, *лаккдан* беш *уқия*, дорчиндан тўрт *уқия*, ёввойи укроп илдизидан икки *уқия*, Иклит сунбулидан етти *уқия*, олтингугуртдан тўрт *уқия*, *момисо*, Чин ровочи ва аччиқ қустларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*,

цитрон баргидан беш *мисқол*, *андрухурун* кулчаларидан уч *мисқол*, бальзам ёғидан етти *мисқол*, бўйимодарон ширасидан бир *ратл*, хавлинжондан етти *уқия*, *ҳузаздан*¹ олти *уқия*, калампирмунчокдан беш *уқия* ва асалдан етарли² миқдорда олинади.

Шу тарёқда ишлатиладиган андрухурун кулчаларини тайёрлаш. Қизил бобуна, ок бобуна, татим, *мурр*, Рум арпабодиёни, туёғўт, ушна, хушбўй камиш ва бальзам ёғочларининг ҳар биридан баробар вазнда олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин кўшилади ва яхши жавҳарли соф шароб билан қорилади, ундай [шароб] асл ёки *жумхурий*, ёки [317] *мусаллас*, ёки майиз ва асал набзидир. Бу уч кун кўйиб кўйилади ва ҳар куни бир марта ковлаб кўйилади ва керак бўлса, юқоридаги ичимликлардан биронтасидан кўшилади. Кейин ҳар бири бир *мисқол* оғирлигида кулчалар тайёрлаб, сояда куритилади.

Бу Азра тайёрлаган тарёқ бўлиб, ҳамма жиҳатдан *тарёқ форуқнинг* ўринбосари ҳисобланади.

Тўрт [нарсадан тайёрланадиган] тарёқ. Рум гентианаси илди-зи, дафна меваси, узун аристолохия ва *муррларнинг* ҳар биридан баробар бўлаклар олиб янчилади ва кўпиги олинган асалнинг етарли миқдори билан қорилади. Бир ичими – бир *мисқол*, иссиқ сув билан [ичилади]. Айтишларича, баъзи табиблар *муррнинг* ўрнига аччиқ кустни кўшадилар. Саҳор Бухтнинг айтишича, у бир нусхада заъфарондан ҳам бир бўлак солинганини учратган.

Тўрт дори тарёқи чаён ва ўргимчакларнинг чакқанига ва совук касалликларга фойда қилади.

Сутиро, яъни «буюк кутказувчи». Бу умумий фойдага эга бўлган дори бўлиб, тутканок, бош айланиши, эски бош оғриғи ва қалтирокликка фойда қилади. У кўзга модданинг оқиб келишини тўхтатади; катаракта олингандан кейин у [кўзга] кўйилса, [катарактанинг] қайталашига тўсқинлик қилади; у кўзда бирон офат воқе бўлишининг олдини олади. Бу [дори яна] овоз бўғилиб қолганга, фалажга, васвасага, тиш ва кўз оғриғига ҳамда асал суви билан ичирилса, ўпка, кўкрак, биқин ва қовурға оғриқларига фойда қилади. Агар у баргизуб ва қизил тасма суви билан ичилса, қон қусишга қарши фойда қилади. || У меъдадаги еллар ва оғриқларга ҳамда сарик касаллигига ҳам [фойда қилади]; рангни тозалайди, ўйчанликни йўқотади, кекирикни кетказади ва қовук яраларини тузатади; агар бу [дори] билан ҳукна қилинса, ичак касалликлари, оғриқлари ва шишларига [фойда қилади]. Талоқ касалликларига ҳам

фойда қилади, буйрак ва ковуқдаги чикиндилярни ҳайдайди; олатни бақувват қилади, агар у [олатга] суртилса, шахватни кўзғатади. У яна бўғин оғриклари, подагра ва тиришишларга ҳам фойда қилади, захарли нарса чакканда ва захар ичилганда ҳам фойда қилади.

Таркиби. Цейлон дорчини билан корачайирдан – бир ярим уқиядан; кундуз кири ва *фатрасолион*, яъни тоғ петрушкаси уруғларининг ҳар биридан – ўн беш *мисқолдан*; петрушка уруғидан – икки уқия, Рум сассик каврагидан – бир *мисқол*; куст, дорчин, *адрумагво*¹, суюк майъа елими ва туёғўтларнинг ҳар биридан – олти *мисқолдан*, Рум арпабодиёнидан ўн *мисқол*, оқ мурчдан – ўн икки *мисқол*, узун мурчдан – тўрт *мисқол*; сунбулдан – тўрт *мисқол*; амом ва заъфаронларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*, афюндан ўн *мисқол* олинади. Бу дориларни янчиб, элагандан кейин кўшилади ва кўпиги олинган асал билан кориб, идишга кўтариб олиб кўйилади, олти ойдан кейин керагида ишлатилади.

«Буюк кутқарувчи»да ишлатиладиган *адрумагво*² кулчалари. Амом, қандул, куст, хушбўй қамиш, қалампирмунчок, оқ мурч ва жувоналарнинг ҳар биридан –уч *мисқолдан*; дорчин, мастаки ва заъфаронларнинг ҳар биридан – олти *мисқолдан*, тоғ сунбули илди-зидан – бир *мисқол*; хушбўй сунбул ва Ҳинд *содажининг* ҳар бири-дан етти *мисқолдан* ва *муррдан* олти *мисқол* олинади. Бу дориларни янчиб, элаб, аралаштирилади, кейин соф шароб ёки бошқа бирон нарса билан кориб, бир *мисқол* оғирлигида кичик кулчалар ясалади ва сояда қуритиб, истеъмол қилинади.

Бузург дору³. Бу форсларнинг танланган буюк дориларидан бўлиб, *филуниё*, тарёк ва *шалисо* даражасидадир; у қуланжда катта фойда етказди.

Таркиби. Заъфарон ва оқ мингдевона уруғларининг ҳар бири-дан – бир *истордан*; афюн ва *фарфиюннинг* ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; сунбул ва стиракс елиmidан – икки *истордан*; Ҳинд *со-дажи* ва қалампирмунчокдан – тўрт *дирҳамдан*; оқ мурчдан – икки *дирҳам*, тешилмаган марварид, навшадил, [318] ёввойи баргизуб уруғи, мушк, кофур, ҳил, дорчин ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; кустдан – саккиз *дирҳам*, исирик уруғи, назла ўти ва узун мурчларнинг ҳар биридан – тўрт *мисқолдан*; Эрон кавраги, кундуз кири ва говширларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; ёввойи занжабил, дарунак ва бальзам ёгининг ҳар би-ридан саккиз *дирҳамдан* олинади, сурёний ва ажам нусхаларида куйидагича [кўрсатилган]: *муррдан* – тўрт *дирҳам*; кофурдан тўрт

дирҳам [олинади]. Куруклари янчиб эланади, хўллари¹ қайнатилган *тило* шаробида ивителиди. Кейин ҳаммасини кўшиб, асал билан қорилди ва олти ойгача кўйиб кўйилади. Бир ичими бир *жавза* бўлиб, илиқ сув блан ичилади.

Файласуфларнинг «хаёт моддаси» деб аталувчи маъжунни. Бу [дори] балғам чиқиндиларига фойда қилади, нафсни қувватлантиради, кўнгилни очади, [овқатни] ҳазм қилади, кекиртиради ва иштаҳани кўзғатади, бу гўё ёшликни қайтарувчидир². У яна эса сақлаш ва хотирга келтириш [қобилиятини] орттиради, ақлни ўткирлаштиради, тилни бўшатади³, *ибридани*⁴ кетказади, чакмазакни тўхтатади, бодларни босади, манийни кўпайтиради, олатни кучайтиради, милкларни ёпиштиради, тишларни маҳкамлайди, орқа, бўғинлар, ёнбош ва [буйракдан келувчи] сийдик йўлидаги оғрикларни кетказади.

Таркиби. Мурч, узун мурч, занжабил, дорчин, омила, балила, чакамуғ, Шом думалок аристолохияси, бобуна илдизи, катта санавбар бужурининг ички қисми, бошқа бир нусхада: норжил ёнғоғи, – *самуришон*, яъни «тулки мояги» – шуларнинг ҳар биридан бир *уқиядан*; бобуна уруғидан ярим *уқия*, *ҳабб ул-инаб* ўсимлигидан уч *уқия* олинади. Кейин қизил майизни уруғлардан тозалаб, янчилади; асалдан эса ҳамма дорилар микдорича олиб қуюлтиради, кейин у билан юқорида кўрсатилган дорилар қорилди. Ҳар қандай ҳолларда ҳам бу доридан бир кичик *жавза* микдорида истеъмол қилинади.

Шалисо⁵ *ва унинг фойдалари⁶. Бу шундай дорики, табиблар ундан бутун манфаатлар ҳосил бўлишига кафиллик берадилар; унинг таркибида ҳамма ажойиб нарсалар бор. Биз эса унда бирон катта таъсир борлигини кўрмадик, фақат тил касалликлари ва унинг шалвираши натижасида содир бўладиган тутилишни кетказишгагина [фойдасини кўрдик]. Аммо табиблар айтишларича, буюк *шалисо* жиннилик, балғам ва савдодан келиб чиқадиган совуқ касалликлар, фалаж, тутқаноқ, *сакта*, юз фалажи, васвасалик, ўз-ўзи билан сўзлашиш⁷, бош оғриғи, *шақиқа*, унутувчанлик, меланхолия, миянинг совуқлиги, қалтироқлик ва хафаконга фойда қилади; қориндаги болани сақлайди, || бола ташлашга тўсқинлик қилади, 463 томчилаб сийиш, бачадон оғриклари ва еллари, тилнинг шалвираши, бош айланиши ва ғамгинликка⁸, шунингдек, замбуруқ, заҳарлар ва меъдада ивиб қолган сут ва бошқа нарсаларнинг зарарига қарши фойда қилади; у яна бўғин оғриклари ва барча эскирган совуқ оғрикларга ҳам фойда қилади. Уни ҳамма ҳолларда ҳам биронта

лойиқ нарса билан қўшиб ичилади. Масалан, кучли совук [касаликларда] *хиёршанбар* суви билан [ичилади], шароб билан [ичиш] фойдалироқ ҳам дейдилар; ички тикилмаларда – [маълум] илдизларнинг¹ суви билан; бачадон оғриқларида – Рум арпабодиёни суви билан; ковок оғриқларида² – самсақ суви ёки лавлаги илдизи суви билан; болаларга эса гунафша ёғи билан ичирилади. Табибларнинг айтадиганлари – мана шу. Менинг фикримча, [*шалисо*] чалкаш ва таркиби тартибга тушмаган бир дори бўлиб³, конни ва [бошқа] хилтларни куйдиради ва у кулчаларга караганда нуқсонлидир.

Таркиби. Мушк, кофур ва анбарларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; тешилмаган марварид ва заъфароннинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; олтин ва кумуш кукунларидан – ярим *дирҳамдан*; амом, исирик уруғи, *фарфиюн*, набат ишқори, *ушна*, петрушка уруғи, газাগўт уруғи, тоғ сигирининг тезаги, қизил ва сарик олтин-гугурт⁴, оқ харбақ, стиракс елими, тўпалок, морчўба, яъни ҳилюн чўпи, *асфанд* илдизи, яъни оқ ҳардал⁵ [илдизи], кончўп, маҳлаб уруғи, бальзам ёғочи, чўл ковоғи ва *шашбандонларнинг*⁶ ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; қорачайир гули, *содаж*, мускат ёнғоғи, кундуз кири, таратизак ва сабзи уруғларининг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; *зарнаб*, чаёнўт, махсидўзлар зоки, седана, [319] тулки тезаги ва ковул илдизларининг ҳар биридан – ярим *дирҳамдан*; хом ипак, укроп уруғи ва илдизи, ёввойи занжабил, дарунак, занжабил, гентиана илдизи, куш тили, Ҳинд тузи, назла ўти, маржон, *яҳуд* муми, тоғ сунбули илдизи ва испағулларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; қалампирмунчок, сунбул, туёғўт, қуст, *ҳил* ва *парсиёвушонларнинг* ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*; мускат ёнғоғи қобиғи ва гулсапсар илдизининг ҳар биридан – бир⁷ *дирҳамдан*, курук меҳригиёҳ мевасидан – йигирма дона; Цейлон дорчини ва Цейлон дорчинининг ёғочидан – ярим *дирҳамдан*⁸, арпабодиён уруғи ва курук зуфоларнинг ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; Форс саътари ва Ҳузий саътарларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; бозовард⁹, деворларда чириган сомон ва Чин ровочларининг ҳар биридан – етти *дирҳамдан*; оқ мурч, қорамурч, узун мурч, афюн, узун ва думалок аристолохия ва мингдевона уруғларининг ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; норжил ёнғоғидан – икки *дирҳам* ва тўрт *донақ*; тол гули, курук сачратқи илдизи, *ҳумул-мажус*¹⁰, *жула*х, гулсапсар илдизи шираси, қандул ва бўйимодаронларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; қора болдирғондан – биру чорак *дирҳам*; кашқарбедадан – тўрт *дирҳам* ва тўрт *донақ*; «гул сочи», *ангушти*

зард¹, *кашт бар кашт*², хушбўй ангуза, Эрон қавраги ва говширларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; чорраҳа йўл тупроғидан тўрт *дирҳам* олинади.

Шалисо таркибига кирадиган дорилардан ажамий манбаларда учрайдиганлари қуйидаги нусха бўйича қўшилади: *зарнаб* ва окисирикдан – икки *дирҳамдан*; қизил шаббўйдан – уч³ *дирҳам*; хина гулидан икки *дирҳам*; тукли райҳондан⁴ – тўрт *дирҳам*; ёввойи зирадан – бир *дирҳам*; Чин ровочи, бальзам меваси, бальзам ёғочи, Миср миртасининг уруғи, *махтум ул-малик*, «Довуд тоши» ва сассиқ ангузаларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*, кичик қоқиладан – уч *дирҳам*, пўсти тозаланган бон донасидадан – уч *дирҳам*, *табоширдан* – бир *дирҳам*; зарпечак, қаҳрабо, ёввойи мирта, салеб, арча бужури, *муғос*, *мурр*⁵, хушбўй канавча ва икки хил, яъни оқ ва қизил баҳманларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; Рум арпабодиёнидан – уч *дирҳам*; дарманадан – уч *дирҳам*; тош туз, *нон тузи, хамир тузи⁶, ёввойи сабзи уруғи, тоғ петрушкаси уруғи, гулсапсар илдизи шираси, *зофит*⁷ шираларининг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; қуритилган цитрон пўчоғи ва пион гул новдаларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; *кавардондан*⁸ – беш *дирҳам*; магнетитдан – олти *дирҳам*; *қалқиёл*, яъни тоғ ялпизи ва тоғ бодомларининг ҳар биридан – етти *дирҳамдан*. Қурук [дорилар] янчиб эланади, хўллари яхши *тило* шаробида ивителиди; [кейин ҳаммасини] дориларга уч хисса келадиган асал билан қориб, шиша идишга кўтариб олинади ва олти ойгача қўйиб қўйилади. Унинг бир ичими бир *ҳиммаса* [нўхат] миқдоридан бўлиб, илик сув билан [ичилади].

Бошқа нусха бўйича таркиби. Яхши мушкдан – икки *дирҳам*; тешилмаган марвариддан – ўн *дирҳам*, || кукунланган тилла билан кукунланган кумушларнинг ҳар биридан – ярим *дирҳамдан*; анбардан – тўрт *дирҳам*; зарнабдан – ярим *дирҳам*; куйдирилган ёки куйдирилмаган ипакдан – тўрт *дирҳам*, қалампирмунчок ва хушбўй сунбулларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; заъфарондан – ўн *дирҳам*; ёввойи занжабил ва дарунакларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; ҳаво ранг гулсапсар илдизидан – бир *дирҳам*; амомдан – икки *дирҳам*; мастакидан – ярим *дирҳам*; Ҳинд *содажидан* – ўн *дирҳам*; бальзам уруғидан – ярим *дирҳам*; мускат ёнғоғи қобиғидан – бир *дирҳам*; меҳригиёх мевасидан – ўн дона; Цейлон дорчини ёғочидан ва Цейлон дорчинидан – беш *дирҳамдан*; оқ мурч, занжабил ва укроп илдизларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; аччиқ қустдан – [320] саккиз *дирҳам*; мускат ёнғоғидан – ўн

дирҳам; қундуз киридан – ўн *дирҳам*; *фарфиюндан* – икки *дирҳам*; корачайир гулидан – ўн *дирҳам*; укроп гули, Рум гентианаси илди-зи ва қуш тили гулларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; *хилдан* – саккиз *дирҳам*; исирик уруғидан – саккиз *дирҳам*; арпабодиён уруғидан – олти *дирҳам*; *парсиёвушон* ёғочидан – саккиз *дирҳам*; Ҳинд тузидан – тўрт *дирҳам*; седанадан – ярим *дирҳам*; Форс каклигўтидан – тўрт *дирҳам*, курук *зуфодан*¹ – олти *дирҳам*; кафш-гарлар зокидан – ярим *дирҳам*; набат ишкоридан – икки *дирҳам*; петрушка уруғи, газзагўт уруғи, *ушна* ва сарик олтингугуртларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; тоғ сигири ёки тоғ эчкиси тезагидан – икки *дирҳам*; ок қаррақдан – етти *дирҳам*; таратизак уруғидан – ўн *дирҳам*; арча бужуридан – бир *дирҳам*; қорамурч, узун мурч ва мингдевона уруғларининг ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; назла ўтидан – тўрт *дирҳам*; афюндан – йигирма *дирҳам*; чорраҳа йўлнинг тупроғидан – бир *дирҳам*; узун аристолохиядан – йигирма *дирҳам*; думалок аристолохиядан – тўрт *дирҳам*; Чин ровочидан – етти *дирҳам*; беклар ўти уруғидан – ўн *дирҳам*; Ҳинд фундуғидан – тўрт *дирҳам*², болдирғон уруғидан – тўрт *дирҳам* ва бир *донақ*; кашкарбедадан – тўрт ярим *дирҳам*, испағул ва маржонларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; пўсти ажратилган таррак уруғидан – тўрт *дирҳам* ва икки *донақ*; *яхуд* мумидан – тўрт *дирҳам*; кофур, ок ва қора харбак, тўпалок, суюқ *майъа* елими, Чин кончўпи ва морчўба уруғларининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; *бадашгон*³, *ал-асобиъ ас-суфр*, «гул сочи», сачратки уруғи ва *кашт бар каштларнинг* ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; бальзам ёғочидан – икки *дирҳам*, чучук-мия суви ёки *шавк* сувидан – бир *дирҳам*; маҳлаб мевасидан – бир *дирҳам*; оқ хардал илдизидан – икки *дирҳам*; девор сомонидан⁴ – етти *дирҳам*; тулки тезагидан – ярим *дирҳам*, ковул илдизининг пўстлоғидан – ярим *дирҳам*; чўл қовоғи ва *фоширистинларнинг* ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин кўшилади; ивийдиганлари хушбўй шаробда ивотилади. [Кейин ҳаммасини] асал билан қориб, идишга кўтариб кўйилади ва олти ойдан кейин ишлатилади. Ундан ҳар гал бир *ҳиммаса* микдоридагиси арпабодиён ва петрушка илдизи пўстлоғининг суви билан ичилади; буғдой донаси микдоридагисини эса наша уруғи суви ёки самсақ суви билан бурунга тортилади.

Ануш дору⁵. Бу Ҳинд дориси бўлиб кўнгилни хурсанд қилади, юрак ва баданни кучайтиради, [бадан] рангини яхшилади; сарикликни кетказди, оғиз ва тер хидини яхшилади; унинг жи-

гарга катта фойдаси бор, унда сезиларли зарар йўқ. Уни овқатдан олдин ва кейин истеъмол қилинади.

Таркиби. Форс¹ кизил гулидан – етти *дирҳам*; тўпалокдан – беш *дирҳам*; калампирмунчок, мастаки, сунбул ва тўёғўтларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; *қирфа*, *зарнаб*, заъфарон, мускат ёнғоғи қобиғи, қокила, кичик қокила ва мускат ёнғоқларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* олинади. Бу дориларни янчиб, ипак элакдан ўтказилгандан кейин янчиб, эзиш орқали яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра тозаланган яхши ва янги омила ширасидан бир *ратл* олиб, тўккиз *ратл* чучук сувда [сувнинг] учдан бири қолгунча қайнатилади, кейин шу сувни сузиб, қозонга яна қайтариб қуйилади ва устига *санжарий*² каллақандидан икки *ратл* солиб, [аралашма] қуйилиб, қуюқ яланадиган дорига ўхшагунча аста-секин қайнатилади. Кейин қозонни оловдан тушириб, унга [юқорида эслатилган] дорилар сепилади, шунда улар бир текисда аралашини учун тол чўпи билан қовлаб турилади. [Аралашма] совугандан кейин яшил идишга³ солиб қўйилади. Бир ичими – бир *мисқолдан* икки *мисқолгача*.

Бошқа бир Ҳинд маъжуни. Бу олдинги [дорига] яқин бўлиб, рангни тозалайди, кўзни қувватли қилади, меъдани тозалайди, табиатни юмшатади ва бавосирга фойда қилади.

Таркиби. Мурч, узун мурч, қора халила, балила, данагидан тозаланган омила ва *луфоларнинг* ҳар биридан – тўрт *истордан*; асал ва сигир сути ёғидан [321] [дориларни] қоришга етарли миқдорда олинади. Бир ичими, ҳар кимнинг қувватига қараб, бир *мисқол* ёки ундан кўпроқ бўлади.

Ал-жазий исми билан танилган маъжун. Бу иккала хил ўтга Қарши ҳамда ланжлик, қичима ва *ибридага* фойда қилади, меъдани кучайтиради, шунингдек, қуланж ва бодларга ҳам фойда қилади, таомга бўлган иштаҳани кўзғатади ва жинсий алоқа қувватини оширади.

Таркиби. *Сақамуниё*, турбуд мағзи ва узун мурчларнинг ҳар биридан – олти *дирҳамдан*; назла ўти, петрушка уруғи, жуводна, занжабил ва Ҳинд тузларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; қалампирмунчок ва зарнабларнинг ҳар биридан – ярим *дирҳамдан*; *фаланжасадан*⁴ – бир *мисқол*; пўсти ажратилган маҳлабдан – икки *дирҳам*; новвот, қанд ва заъфаронларнинг ҳар биридан уч || *дирҳамдан* 465 олинади. Бу дориларнинг *сақамуниё*, заъфарон ва қанддан бошқаси [янчиб] элангандан кейин олинади; булар эса биргаликда янчила-

ди. Кейин ҳаммасини яхшилаб аралаштириб, уларнинг оғирлигига икки ярим ҳисса келадиган, кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичими – икки ярим *дирҳамдан* уч *дирҳамгача*.

Бошқа бир синалган¹ маъжун. Бу [маъжун] кўнгилни хурсанд қилиб кучайтиради, дилни очади², баданни бақувват қилади, рангни яхшилаб, сариклигини кетказади, оғиз ва тер ҳидини яхшилади, меъда ва жигарга фойда қилади; унинг зарари йўқ, у овқатдан олдин ва кейин истеъмол қилинади.

Таркиби. Қизил гулдан – олти бўлак, тўпалокдан – саккиз бўлак; калампирмунчоқ, мастаки, сунбул ва туёғўтларнинг ҳар биридан – уч бўлакдан; *қирфа*, *зарнаб* ва заъфаронларнинг ҳар биридан икки бўлакдан, мускат ёнғоғи пўчоғи, қоқила, кичик қоқила ва мускат ёнғоқларининг ҳар биридан бир бўлакдан олиб, янчиб эланади. Мана шу ҳамма дориларнинг ҳар ўттиз уч *дирҳамига* бир *ратлдан* янги омила қўшилади ва шу [аралашманинг] ҳар *ратлини* етти *ратл* сувга солиб, уч *ратли* колгунча қайнатилади. Кейин у сузилади ва шу [эритмага] ҳар бир *ратл* омилага бир *ратл* ҳисобидан *шанжарий фониди*³ солинади ва қуюқ яланадиган дорига ўхшагунча қайнатиб, қиём қилинади. Сўнгра [бошқа] дориларни сепиб, яхшилаб аралаштирилади ва яшил кўзачага кўтариб, олиб қўйилади. Бир ичими – бир *мисқолдан* бир ярим *мисқолгача*.

Биз тайёрлаган кичик тарёқ маъжуни. Юқоридаги маъжунларда кўрсатилган манфаатлар юзасидан синовдан ўтган.

[Таркиби]. Цитрон пўчоғи, гентиана илдизи, *мурр*, бальзам уруғи, лимон исли райҳон барги ва уруғи, тукли райҳон илдизи, ёввойи занжабил ва дарунакларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; мушк ва анбарларнинг ҳар биридан бир *мисқолдан*; Ҳинд удидан – икки *мисқол*; кофурдан – ярим *мисқол*; *қуст*, дорчин, игир, заъфарон, Рум сунбули ва эрманларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; тоғ сунбули илдизи, ёввойи укроп илдизи ва тоғ петрушкаларининг ҳар биридан – икки ярим *дирҳамдан*; таратизак уруғи, шолғом уруғи, гандано уруғи, қуш тили ва ёввойи сано уруғларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* ва афюндан уч *дирҳам* олиб, одатдаги йўсинда қорилади ва олти ой ачитиб қўйиб, кейин ичилади.

Биз тайёрлаган кичик тарёқ маъжуни. Бальзам уруғи, аччик *қуст*⁴, гентиана илдизи, дорчин, оқ мурч, Ҳинд уди ва тоғ петрушкаларидан бир бўлакдан, мушкдан учдан бир бўлак ва қундуз қиридан тўртдан бир бўлак олиб қорилади ва ишлатилади.

Қайсар маъжуни. Бу хафакон ва тутканокқа, меъда ва ичаклар-

даги совук оғриқларга, шунингдек, тикилмаларга, узок давом этувчи қон чиришига, ҳазм ва нафаснинг қийинлигига ҳамда кучли хикичокқа фойда қилади.

Таркиби. Қундуз кири, чучукмиянинг қуюлтирилган шираси, Цейлон дорчини, аччик қуст, қорамурч, узун мурч, *майъа* елими, афюн, заъфарон ва хушбўй сунбулларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; говширдан – бир *дирҳам*; мушкдан – бир *донақ*, [322] ёввойи занжабил, дарунак ва тешилмаган маржонларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан* ва *муррдан* тўққиз *дирҳам* олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин кўшилади ва кўпиги олинган асал билан қориб, керак вақтида бир *ҳиммаса* миқдорида истеъмол қилинади.

Катта атрифул¹. Ҳазм бузилиши, меъда совуклиги, хусусан, ичак совуклигига, шунингдек, меъда ва қовуқ бўшашганига фойда қилади ва жинсий алоқа қувватини оширади.

Таркиби. Пўсти ажратилган қора ҳалиладан – олти *дирҳам*; балила, омила, тоғ петрушкаси уруғи, Ҳинд чакамуғи, жувона ва Форс каклигўтларининг ҳар биридан – бир *уқиядан*; сунбул, амом, кичик қоқила ва игирларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; дорчиндан – тўрт *дирҳам*; оқ мурч, қорамурч, анор ипори ва Ҳинд тузларининг ҳар биридан – ярим *уқиядан*; темир чиркидан – уч *уқия*; хардалдан бир ярим *уқия* ва навшадилдан ярим *дирҳам* [олиб] янчилади ва элакдан ўтказиб, бодом ёғи билан хўлланади; [кейин аралашманинг] бир ҳиссасини уч ҳисса ҳисобида кўпиги олинган асал билан қориб, керагида истеъмол қилинади.

Бошқа нусха бўйича таркиби. Кобул ҳалиласи, балила, *ширамлаж*², тоғ петрушкаси уруғи, бузидон³, мускат ёнғоғи пўчоғи, Ҳинд чакамуғи ва ёввойи сабзиларнинг ҳар биридан бир бўлакдан, қизил ва оқ чўл ялпизи, қуш тили ва оқ ҳам қизил баҳманларнинг ҳар биридан ярим бўлакдан олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин кўпиги олинган асал ва сариёғ билан қориб, керагида ишлатилади.

Катта зомихрон⁴. Бу Ҳинд дориси бўлиб, совук мизож бузилишига ва меъда заифлигига фойда қилади, жинсий алоқа қувватини оширади, шунингдек, васвасаликка ва савдога фойда қилади, бадан ҳаракатларини яхшилади, қориндаги болани сақлайди, буйрак ва қовуқни яхшилади ва [улардаги] тошни майдалайди.

Таркиби. Игир, аччик қуст, узун аристолохия ва думалок аристолохияларнинг ҳар биридан – уч *истордан*; узун мурч ва занжабил-

ларнинг ҳар биридан – беш *истордан*; петрушка уруғи, жувона, қора зира, арпабодиён уруғи, беда¹ уруғи, семизўт уруғи, таратизак уруғи, кизил чўл ялпизи, оқ чўл ялпизи, бўтакўз, Кермон зираси ва укроп 466 уруғларининг ҳар биридан – олти || *истордан*; қалампирмунчок, *ушна*, хушбўй қамиш ва бальзам ёғочларининг ҳар биридан – уч *истордан*; кашқарбеда, дармана, *зарнаб*, бальзам уруғи, Цейлон дорчини, мускат ёнғоғи пўчоғи, кокила ва *қирфаларнинг* ҳар биридан – тўрт *истордан*; сарик ҳалила, балила ва данагидан тозаланган *ширамлажларнинг* ҳар биридан – саккиз *истордан*; қуритилган меҳригиёҳ меваси, оқ харбак, мирта, хушбўй канавча, ёввойи мирта, ёввойи мингдевона уруғи, боғ мингдевонаси уруғи, боғ темиртикани, Ҳинд чакамуғи, зирк, пўсти ажратилган цитрон уруғи, дўлана, Ҳинд *синбароси*, кизил баҳман, оқ баҳман ва куш тилиларнинг ҳар биридан – ўн тўрт *мисқолдан*; мускат ёнғоғидан – ўттиз дона; тунбош² илдизи ва панжангушт уруғларининг ҳар биридан – уч *истордан*; сабзи уруғи ва амомларнинг ҳар биридан – олти *дирҳамдан*, афюн, *фарфиюн* ва қундуз қирларининг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; данаги олинган қора ҳалиладан – тўрт *дирҳам*; Ҳинд *содажи*, сарик йўнғичка, ёввойи укроп илдизи, тоғ петрушкаси уруғи, ёввойи сабзи уруғи ва Чин ровочларининг ҳар биридан олти *дирҳамдан* олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин аралаштирилади. Кейин оқ каллақанддан юқорида эслатилган ҳамма дориларнинг оғирлигича; сариёғдан дорилар билан каллақанд оғирлигича, кўпиги олинган асалдан эса дорилар, каллақанд ва ёғнинг биргаликдаги оғирлигича миқдорда олиб, улар қуйидаги тартибда қорилади: каллақандни олиб майдаланади ва устига уч *ратл* сув солиб, [қанд] эриб, асалдек бўлиб қуюлгунча қайнатилади; кейин унга асал қўшилади. Сариёғни эса илтиб, у билан янчилиб эланган дорилар ҳўлланади, кейин катта ҳовончада бунга қайнатилган қанд билан асал [аралашмаси] қўшилади, устига сариёғ билан ҳўлланган дорилар солинади [323] ва бир текисда аралашгунча қориштирилади. Кейин буни ичида узок вақт асал турган идишга солиб, олти ойгача қўйиб қўйилади, [шундан сўнг] ишлатилади. Бир ичими бир мози миқдорида бўлиб, ойнанинг боши ва охирида иссиқ сув ёки баъзи набизлар билан уч кундан ичилади.

Бошқа нусха бўйича таркиби. Игир, қуст, *мурр*, узун ва думалоқ аристолохияларнинг ҳар биридан – уч *истордан*; узун мурч ва занжабилларнинг ҳар биридан – беш *истордан*, – бошқа бир нусхада, – беш *истор* ўрнига икки *истор* [кўрсатилган]; петрушка

уруғи, жувона, кора зира, арпабодиён уруғи, *ратоб*¹ уруғи, семизўт уруғи, таратизак уруғи, самсақ уруғи, оқ ва қизил *тударий*, Кермон зираси ва укроп уруғларининг ҳар биридан – олти *истордан*; қалампирмунчок, *ушна*, хушбўй қамиш ва бальзам ёғочларининг ҳар биридан – уч *истордан*; кашқарбеда, дармана, *зарнаб*, бальзам уруғи, Цейлон дорчини, мускат ёнғоғи қобиғи, қоқила ва *қирфаларнинг* ҳар биридан – тўрт *истордан*; сариқ ҳалила, балила ва омилаларнинг ҳар биридан – саккиз *истордан*; курук меҳригиёх илдизи, курук мирта, оқ харбақ, хушбўй канавча, ёввойи мингдевона уруғи, боғ мингдевонаси уруғи, темиртикан, Ҳинд чакамуғи, зирк, пўсти тозаланган цитрон уруғи, дўлана, Ҳинд *синбараси*, оқ ва қизил баҳман ва қуш тилиларининг ҳар биридан йигирма тўрт *мисқолдан*; мускат ёнғоғидан – ўттиз дона; тунбош² илдизи ва панжангушт уруғларининг ҳар биридан – уч *истордан*, сабзи уруғи ва амомларнинг ҳар биридан – олти *дирҳамдан*; афюн, *фарфююн* ва кундуз қирилларининг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; кора ҳалиладан – тўрт *дирҳам*; Ҳинд *содажи*, сариқ йўнғичка, тоғ петрушкаси уруғи, ёввойи сабзи уруғи ва Чин ровочларининг ҳар биридан олти *дирҳамдан* олинади. Бу дориларни [янчиб], элакдан ўтказгандан сўнг, ҳаммасининг оғирлигича олинган каллақанд билан қўшилади, кейин сариёғ билан хўллаб, кўпиғи олинган асал билан қорилади ва идишга кўтариб қўйилади. Бир ичимси – қувватли кишилар учун икки *дирҳам*, заифлар учун – ундан камроқ.

Кичик зомихрон. Фойдаси – катта [зомихрон]никига яқин.

Таркиби. Игир, қуст, думалоқ ва узун аристолохияларнинг ҳар биридан – уч *истордан*; индов ва исирик уруғларининг ҳар биридан – икки *истордан*; мурч, узун мурч ва занжабилларнинг ҳар биридан – беш *истордан*; петрушка уруғи, кора зира, тўпалоқ, шолғом уруғи, *ратоб* уруғи, пиёз уруғи, таратизак уруғи, дўлана, оқ ва қизил *тударий*, гандано уруғи, зиғир уруғи, кора йўнғичка уруғи, арпабодиён уруғи, жувона, пўсти тозаланган цитрон уруғи, семизўт уруғи, чўл ялпиз, кора кўкнори³, сариқ йўнғичка, самсақ уруғи, Кермон зираси, укроп уруғи ва сабзи уруғларининг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; қалампирмунчок, кичик қоқила, *ушна*, Ҳинд *содажи*, *қоқила*, қирфа, кора андиз, тўпалоқ⁴, мускат ёнғоғи, хушбўй қамиш, *зарнаб*, кашқарбеда, хушбўй канавча ва бальзам уруғларининг ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; Цейлон дорчини, мускат ёнғоғи қобиғи, мирта уруғи, зирк, қуш тили ва сунбулларнинг ҳар биридан – йигирма тўрт *дирҳамдан*; курук қизил гулдан – беш *дирҳам*;

467 кора ва Кобул халиласи, балила ва омиларнинг ҳар биридан – уч *истордан*; оқ мингдевона уруғи, || афюн ва *фарфиюнларнинг* ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; кундуз киридан – бир *истор*; Ҳинд чакамуғи, темиртикан, ёввойи занжабил, қизил ва оқ баҳман, Чин ровочи, мингдевона уруғи, хавлинжон ва *майъа* елимларининг ҳар биридан – уч *истордан*; қаллақанддан ҳамма [дориларнинг] вазнича олиб, ҳаммаси аралаштирилади ва сигир сутининг ёғи билан ҳўллаб, кўпиги олинган асал билан корилади. Ҳар гал бир мисқолни илик сув билан ичилади.

Жолинус маъжуни. Бу маъжун сийдик олатларидан буйрак билан қовуқни киздиради, тикилмаларни очади [324] ва баданни яхшилади.

Таркиби. Оқ мурч, қорамурч, амом, аччиқ қуст, хушбўй сунбул, хушбўй қамиш, Ҳинд *содажи*, заъфарон, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни, назла ўти, кичиткиўт уруғи ва тоғ газгаўти уруғларининг ҳар биридан баробар қисмлар [олинади]. Бу дориларни янчиб қўшилгандан кейин, кўпиги олинган асал билан қориб ишлатилади. Бир ичими бир *дирҳам* оғирлигида бўлиб, арпабодиён илдизи пўстлоғининг суви ва петрушка илдизи пўстлоғининг суви билан [ичилади].

Жолинуснинг бошқа маъжуни. Жигар оғриғи, йўтал ва қон қусганга фойда қилади.

Таркиби. Заъфарон ва дорчинларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; кўк¹ муқлдан – тўрт *дирҳам*; қандулдан – тўрт *донақ*; қорачайирдан – уч *дирҳам*; хушбўй қамишдан – икки *дирҳам*; Цейлон дорчини, Рум сунбули ва *муррларнинг* ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; сарв елимидан – уч *истор*; асалдан – уч *уқия*; уруғи олинган майиздан – олтмиш *дирҳам*; яхши *тило* [шаробидан] эса, етарли миқдорда олинади. Буларни майдалаб эланади ва асал билан корилади.

Ҳермес маъжуни. У подаграга жуда фойда қилади, шунингдек, бўғин оғриқлари, буйрак ва меъда оғриқлари, бодлар, ичак яралари, истиско, сарик ва бош айланишга ҳам [фойда қилади], аммо у бўғинлар ва подаграга ихтисослаштирилган. Бир ичими – бир *мисқол* ёки икки *дирҳам*.

Таркиби. Дарахт пўкаги, туёғўт, игир, ёввойи зира, газгаўт уруғи, *фарфиюн*, тоғ сунбулининг илдизи ва *зуфоларнинг*² ҳар биридан – бир *уқиядан*; узун аристолохия ва *артанисо* илдизларининг ҳар биридан – икки *уқиядан*; жувона ва қалампирмунчоқларнинг

ҳар бирдан – икки *уқиядан*; Рум гентианаси илдизидан – олти *уқия*; тоғжанбил ва петрушка уруғларининг ҳар бирдан – икки *уқиядан*; ингичка *луфодан*¹– саккиз *уқия*; Цейлон дорчини, аччиқ қуст ва *муррларнинг* ҳар бирдан – уч *уқиядан*; хушбўй сунбул, тоғ ялпизи ва тоғ петрушкаларининг ҳар бирдан – икки *уқиядан*; жулах ва Рум арпабодиёнларининг ҳар бирдан – уч *уқиядан*; *камофитус*, *камодирюс* ва ёввойи саримсоқларнинг ҳар бирдан саккиз *уқиядан* олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин, кўпиги олинган асал билан қорилади ва идишга кўтариб олиб қўйиб, баҳор кунлари ичилади.

Бошқа нусха бўйича таркиби. Дарахт пўкаги, игир, туёғўт, ёввойи зира, газাগўт уруғи, *фарфиюн*, тоғ сунбули илдизи ва қурук зуфоларнинг ҳар бирдан – бир *уқиядан*; жувона ва қалампирмунчоқларнинг ҳар бирдан – икки *уқиядан*; гентиана илдизидан – олти *уқия*; тоғжанбил ва петрушка уруғларининг ҳар бирдан – икки *уқиядан*; ингичка *луфодан* – саккиз *уқия*; Цейлон дорчини, қуст ва узун аристолохияларнинг ҳар бирдан – уч *уқиядан*; *мурр*, сунбул, тоғ ялпизи ва тоғ петрушкаларининг ҳар бирдан – икки *уқиядан*; канавча ва *жулахларнинг* ҳар бирдан – уч *уқиядан*; *камодирюс*, *камофитус* ва ёввойи саримсоқларнинг ҳар бирдан саккиз *уқиядан*, асалдан эса, етарли миқдорда олинади. Бир ичими икки *дирҳам* ёки бир *мисқол* бўлиб, баҳор вақтида [ичилади].

Ҳермеснинг [бошқа] маъжуни. Агар бундан учдан икки *дирҳами* совуқ сув билан ичилса, *заҳирга* фойда қилади; жигар оғриғида гуланжубин суви билан [ичилади], иситмада – илиқ сув билан, меъда оғриғида – сув аралаштирилган сирка билан, буйрак оғриғида – сув қўшилган шароб² билан, бошқа хил оғриқлар ва бўғмада³ – илиқ сув билан ичилади, агар иситма бўлмаса, сув қўшилган *тило* шароби билан; қон туфлашга қарши бир *боқилло* миқдоридегиси сув қўшилган сирка билан [ичилади], ёнбош оғриғида ҳам шунча [ичилади]. Ичак боғланиши ва бодларда суюлтирилган эски *тило* шароби билан [ичилади]. Бу [маъжун] кечаси ичилса, бош оғриғи, васвасалик ва жинниликка фойда қилади. Қурук йўталда буни суюлтирилган шароб билан қўшиб, кечанинг аввалида ичилади; илон чакқанда у янтоқшакар билан бирга ичилади ва чақилган жойга суртилади. Агар у гентиана илдизининг суви билан ичилса, ўлдирувчи заҳарларга қарши фойда қилади; агар у Ҳинд санавбарининг сутли [суви] билан ичилса, кутурган ит қопганга фойда қилади. [325] Бу [маъжуни] ясаган киши уни тажрибадан ўтган, дейди.

Таркиби. Оқ мурч ва мингдевона уруғларининг ҳар биридан – беш *истордан*; заъфарон ва афюнлардан – ўн *истордан*; *фарфиюн*, каврак елими, *содаж*, назла ўти, меҳригиёҳ илдизи, *газагўт*¹, Цейлон дорчини, сунбул ва петрушка уруғларидан – олти *истордан*; бальзам ёғочидан уч *истор* ва кўпиги олинган асалдан етарли микдорда олиб, [ҳаммаси] корилади ва юкорида айтганимиздек қилиб истеъмол қилинади.

Коскабинаж². Бу кўп фойдали маъжун бўлиб, бола ва гўдакларнинг касалликларига: улардаги тутқаноқ, юз фалажи, тиришиш ва қуланжга фойда қилади; шунингдек, бачадонга ва унинг бўғилишига ҳам фойда қилади, хайзнинг ҳаддан ташқари кетишини мўътадиллаштиради ва бачадондаги елларни босади.

468 Таркиби. || Цейлон дорчини, салеп, одамгиёҳ илдизи, исирик уруғи, арпабодиён уруғи, бальзам уруғи, узун аристолохия, думалок аристолохия, мушк ва анбарларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; кичик қоқилдан – ўн тўрт *дирҳам*; афюн, қуст, мускат ёнғоғи ва сарик ҳалилаларнинг ҳар биридан – ўн икки *дирҳамдан*; калампирмунчоқдан – йигирма тўрт *дирҳам*; *қирфа*, *касартто*³ маъжуни, сарик зирних ва чучукмия уруғларининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; игирдан – саккиз *дирҳам*; Эрон қавраги, дарунак, *мурр* ва *дастархон* ёғларининг ҳар биридан – олти *дирҳамдан*; *ноғбушт*, мускат ёнғоғи қобиғи, тўпалоқ ва заъфаронларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; *мугосдан* – ўн беш *дирҳам*; суюк *майъа* елиmidан – ўн беш *дирҳам*; ёввойи мирта ёки мирта барги, сарв бужури ва арча уруғларининг ҳар биридан уч *дирҳамдан* олинади. [Буларни] янчиб эланади ва кўпиги олинган асал билан қориб ишлатилади.

Шу маъжунда ишлатиладиган касартонинг тавсифи. Хушбўй қамиш, «хушбўй тирноқ» ва кундурларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; *ушна*, *қирфа* ва заъфаронларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; *майъа* елиmidан тўрт *дирҳам*; мушк ва удларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан* [олиб], эски хушбўй шароб билан корилади ва ачигунча қўйиб, истеъмол қилинади.

Мушк маъжуни. Бу ҳафаконга, барча савдойи касалликларга ва қийналиб нафас олишга фойда қилади; бу нафас дорисидир.

Таркиби. Ёввойи занжабил, дарунак, тешилмаган марварид, қаҳрабо ва маржонларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; хом ипакдан – бир ярим *дирҳам*; кизил ва оқ баҳман, Ҳинд *содажи*, сунбул, қоқила, калампирмунчоқ ва қундуз қирилларининг ҳар биридан – бир ярим *дирҳамдан*; занжабил ва узун мурчдан – икки *донақдан*;

Тибат⁴ мушқидан бир *дирҳам* [олинади]. Буларнинг ҳаммасини янчиб, хом асал билан қорилади. Бир ичими бир *ҳиммаса* миқдорида бўлиб, хушбўй шароб билан [ичилади].

Бошқа мушқ маъжуни. Меъда ва жигар оғриқлари ҳамда уларнинг заифлигига фойда қилади, бод ва елни тарқатади.

Таркиби. Мушқдан – икки *дирҳам*; хушбўй сунбул, Цейлон дорчини, Ҳинд *содажи*, тозаланган *лакк* ва Чин ровочларининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; Рум гентианаси илдизидан – икки *дирҳам*; заъфарон, жувона, петрушка уруғи ва мастакиларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; дорчин ва думалоқ аристолохиялардан – уч *дирҳамдан*; Ҳинд уди, қалампирмунчок ва *муррларнинг* ҳар биридан бир ярим *дирҳамдан* олинади. Бу дориларни янчиб, элагандан кейин кўпиги олинган асал билан қорилади ва идишга кўтариб олиб қўйиб, истеъмол қилинади. Бир ичими бир *боқилло* бўлиб, иссиқ сув билан [ичилади].

Эрман билан [тайёрланидиган] мушқ дориси. Бу хафақон, вас-васалик ва ҳикилдоқ шишларига фойда қилади ва меъда рутубатини қуритади.

Таркиби. Эрман ва сабрларнинг ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*; Чин ровочидан – саккиз *дирҳам*; [326] жувона, заъфарон ва петрушка уруғларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; мушқ, Рум сунбули, *содаж* ва *муррларнинг* ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; кундуз қиридан бир ярим *дирҳам* [олинади]. Буларни аралаштириб, асал билан қорилади.

Бошқа бир мушқ дориси. Сафродан келиб чиқадиган савдога фойда қилади².

Таркиби. Мастаки ва заъфаронлардан – бир ярим *дирҳамдан*; эрман гули, лимон исли райҳон ва девпечакларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; уд ва омила ширасидан – бир ярим *дирҳамдан*; мушқдан – ярим *дирҳам*; ёввойи занжабил ва дарунакларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; марварид, қаҳрабо, маржон ва ипақларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; сабрдан йигирма тўрт *дирҳам* ва асалдан етарли миқдорда [олинади]. Тўла бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, илиқ сув билан [ичилади].

Ширин мазали мушқ дориси. Бу хафақон, савдодан келиб чиқадиган касалликлар, қийналиб нафас олиш, фалаж, юз фалажи ва тўрт кунда бир тутадиган иситмага фойда қилади.

Таркиби. Ёввойи занжабил ва дарунакларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; марварид, қаҳрабо, маржон ва куйдирилган

хом ипакларнинг ҳар биридан – бир ярим *дирҳамдан*; кизил ва ок баҳман, Ҳинд *содаж*, сунбул, кокила, калампирмунчок, кундуз кири ва *ушнарнинг* ҳар биридан – ярим *дирҳамдан*; занжабил ва узун мурчларнинг ҳар биридан – тўрт *донақдан*, мушкдан бир ярим *донақ* олинади. Бу дорилар янчиб эланади ва олов тегмаган хом асалдан бирга уч хисобида олиб, [дорилар] корилади, сўнгра бир идишга кўтариб олиб қўйиб, икки ойдан кейин истеъмол қилинади.

Бошқа бир мушк дориси. Юкоридаги фойдаларга эга.

Таркиби¹. Ёввойи занжабил, дарунак, майда марварид, қаҳрабо ва маржонларнинг ҳар биридан – уч *дирҳам* ва икки *донақдан*; хом ипакдан – икки *дирҳам*; ок ва кизил баҳман, сунбул, *содаж*, кокила ва калампирмунчокларнинг ҳар биридан бир *дирҳам* ва икки *донақдан*, кундуз киридан – икки *донақ*; || яхши мушкдан бир *мисқол* олинади. Ипак ғубордек бўлгунча майдалаб қирқилади, кейин уни ховончада марварид, маржон ва қаҳраболар билан қўшиб, майдалаб янчилади. Бошқа дорилар ҳам майдаланади ва [ҳаммаси] хом асал билан корилади. Бир ичими – ярим *мисқол*, илик сув билан [ичилади].

Бошқа мушк дориси. Бу ҳам юкоридаги фойдаларни беради.

Таркиби. Эрман ва сабрлардан – саккиз *дирҳамдан*; сунбул, мушк, *содаж* ва тоза *муррларнинг* ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; Чин ровочидан – олти *дирҳам*; жувона, петрушка уруғи ва заъфаронларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; кундуз киридан икки ярим *дирҳам* олиб янчилади ва асал билан корилади. Тўла бир ичими – бир *мисқол*.

Катта шажазониё². Бу тажрибадан ўтган дори бўлиб, барча совуқ касалликлар, ғализ еллар³, тиш оғриғи ва ейилиши, меъданинг совуқлиги, ҳазмнинг сустлиги ва қуланжга, шунингдек, совуқлик ва балғам туфайли ҳамда сийдикнинг шиллиқлиги сабабли сийиш қийинлашганда фойда қилади.

Таркиби. Қундуз кири, афюн, дорчин, туёғўт, тоғ сунбулининг илдизи, ёввойи укроп илдизи ва ёввойи сабзи уруғларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; мурч, узун мурч, гальбан елими ва кустларнинг ҳар биридан олти *дирҳамдан* ва заъфарондан ярим *дирҳам* олинади. Булардан эрийдиганлари асалли сувда эритилади, куруклари янчилади, гальбан елими эса асал билан эритилади; кейин [ҳаммасини] қориб, олти ойдан кейин истеъмол қилинади.

Бошқа нусха бўйича таркиби. Қундуз кири, қорамурч, заъфарон; ёввойи укроп илдизи, тоғ сунбули илдизи; ёввойи сабзи уруғи, туёғўт, афюн, ок мурч ва гальбан елимларининг ҳар би-

ридан – икки *дирҳамдан*; кустдан бир *дирҳам* ва дорчиндан икки *дирҳам* олинади. Булар янчиб, эланади ва кўпиги олинган асал билан қорилади.

Кичик шажазонё. Бу ҳам [каттасидек] аҳамиятга эга.

Таркиби¹. Қундуз кири ва афюнларнинг ҳар [327] биридан – ўн *дирҳамдан*; мурч, узун мурч, гальбан елими, *мурр* ва кустларнинг ҳар биридан – олтмиш *дирҳамдан*; дорчин, ёввойи укроп илдизи, тоғ сунбули илдизи, ёввойи сабзи уруғи ва туёғўтларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; заъфарондан чорак *уқия* олинади. Бошқа бир нусхада: занжабилдан – бир *уқия*; суюк *майъа* елимидан – уч *уқия*. Бошқа бир нусхада: кундуз кири, қорамурч, заъфарон, ёввойи укроп илдизи, тоғ сунбули илдизи, ёввойи сабзи уруғи, туёғўт, афюн, дорчин ва оқ мурчларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* ва кустдан бир *дирҳам* [олинади]. Бу дориларни майдалаб, асал билан қорилади ва олти ойгача эскитиб кўйилади. Бир ичими ярим *миққол* бўлиб, наҳорга илик сув билан [ичилади]. Бошқа нусхада бир ичими – бир *донақдан* икки *миққолгача*; яна бир бошқа нусхада бир ичими – бир мурч донаси миққорида.

Айтадиларки, бу [маъжундан] бир *қиротни* эзиб, заҳарларга қарши суртилади; бачадондаги еллар, кам туғиш ва ҳайзнинг [кам келишига] қарши бундан бир мурч донаси² миққоридагисини гулсапсар ёғида эритиб, юнг билан кўтарилади. Уни оқ гулсапсар ёғида эритиб, [шундай] хотинга ҳидлатилади; шунингдек, у билан буғлатилади ҳам. Кўкрак оғриғи, йўтал ва буйрак [касалликларида] ҳам *ибридадан* бўладиган қийналиб сийишда [маъжундан] бир *ҳиммаса* миққоридагиси тоза *тило* шароби билан ичилади; меъда бузилганда бундан бир *миққоли* тоза *тило* шароби билан ичирилади.

Амбрусие³. Бу жигар ва талоқ заифлигига ҳамда уларнинг қаттиқлашувига фойда қилади, шунингдек, тикилмаларни очади, сийдикни юргизади ва буйракдаги тошни майдалайди. Истисконинг бошланиш даврида унинг фойдаси жуда катта.

Таркиби. *Дуқу*, яъни ёввойи сабзи уруғи, Кермон зираси, бальзам ёғочи, Цейлон дорчини, ёввойи зира, қорачайир гули ва петрушка уруғларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; узун мурч ва кустларнинг ҳар биридан – ярим *дирҳамдан*; оқ мурчдан – ярим *дирҳам*; *муррдан* – уч *дирҳам*; дафна мевасидан – ўн дона; игир ва заъфаронлардан икки *дирҳамдан* олинади. Бу дориларни янчиб, элагандан кейин кўшилади ва кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичими бир *бундуқа* миққорида бўлиб, иссиқ сув билан [ичилади].

Анакардиё, яъни балозурий¹. Бу эски касалликларга фойда қилади.

Таркиби. Қора халила, балила ва омилаларнинг ҳар биридан – ўттиз олти *дирҳамдан*; седанадан – йигирма тўрт *дирҳам*; *табоширдан* – олти *дирҳам*; кичик кокиладан – етти *дирҳам*; тўпалокдан – олти *дирҳам*; балозурдан – олти *дирҳам*; мурч, узун мурч, занжабил, мурч илдизи ва Рум арпабодиёнларининг ҳар биридан ўн икки *дирҳамдан* олинади. Буларни янчиб эланади ва олти юз *дирҳам* каллақандни етарли микдордаги иссиқ сувда эритиб, дориларга аралаштирилади ва қорилади. Дори солинган идишни олти ойгача арпага қўйиб, кейин ишлатилади.

Балозурий маъжуни. Меъданинг барча хил оғриқларига, эски бош оғриғи, меъда сабабли бўладиган бош айланиши, жиннилик ва алаҳлаш, кўкрак, жигар, талок ва буйрак оғриқлари, совуқ мизож, бачадон оғриқлари, подагра, мохов ва савдодан бўладиган касалликларга фойда қилади.

470 Таркиби. Сунбул, ёввойи укроп илдизи, заъфарон, Цейлон дорчини, *содаж*, || девпечак, қорачайир, бальзам уруғи, аристолохия², қалампирмунчок, бон донаси, занжабил, сабр, муқл, *мурр* ва бальзам ёғларининг ҳар биридан – бир *уқиядан*; мастаки, «*балозур асали*»³ ва дарахт пўкакларининг ҳар биридан – саккиз *гаромийдан*, ҳаворанг гулсапсар илдизидан – икки *уқия*; арпабодиён илдизининг пўстлоғидан уч *ратл* ва сиркадан уч *қист* олинади. Арпабодиён илдизининг пўстлоқларини сиркада уч кун ивитиб қўйиб, қозонга солинади ва енгилгина⁴ қайнатгандан кейин сузиб, илдизлар сиқилади. Шу сиркага бир ярим *ратл* асал қўшиб, олови паст чўғ устида бир оз қуюлгунча қайнатилади, кейин унга дорилар аралаштирилади. Бир ичими бир *дирҳам* бўлиб, мувофиқ келадиган бирон ичимлик билан [ичилади].

[328] Бошқа бир балозурий маъжуни. Фалажга ва шу қабилдан бўлган юз фалажи ва бўшашишга фойда қилади, мияни тозалаб, уни ўткирлаштиради.

Таркиби. Сунбул, Цейлон дорчини, Ҳинд *содажи*, ёввойи укроп илдизи, заъфарон, арман дарманаси, девпечак, қорачайир гули, Чин ровочи, бальзам уруғи ва қалампирмунчокларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; пўсти ажратилган бон донаси ва занжабилларнинг ҳар биридан – бир *уқиядан*; чаёнўт, «*балозур асали*» ва *фуфалларнинг* ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; дарахт пўкагидан – икки *дирҳам*, бошқа нусха⁵да – саккиз *дирҳам*;

Сукутаро сабридан – бир уқия, гулсапсар илдизидан – икки уқия; арпабодиён илдизининг пўстлоқларидан уч *ратл* ва ўткир сиркадан тўққиз *ратл* [олинади]. Пўстлоқларни сиркада уч кун сидирғасига ивитиб, қозонга солинади ва ўртача оловда уч қайнов билан қайнатилади. Кейин сузиб, пўстлоқлар ташланади, сирка эса қозонга қайтариб солинади ва устига ўн ярим *ратл* асал солиб, паст оловда қуюлгунча қайнатилади, сўнг майдалаб янчилган дорилар сепиб аралаштирилади. Бу маъжун олти ойдан кейин истеъмол қилинади. Тўла бир ичими – бир *дирҳам*, илик сув билан [ичилади].

Катта аристун¹, бунинг маъноси – «фозил». Бадан совуклиги, сил, корин оғриғи, аралаш иситма, тўрт кунда бир тутадиган иситма, қуланж ва бачадон оғриқларига фойда қилади.

Таркиби. *Фарфиюн*, заъфарон, Цейлон дорчини, амом, афюн, араб акацияси шираси, куст, *мурр*, сунбул, араб елими, канакунжут уруғи, кора йўнғичка уруғи, таратизак уруғи, қичитқийт уруғи, муқл, кундур елими, асал майвизак, татим, сарик олтингугурт, суюк *майъа* елими ва оқ мурчларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; назла ўти, *артанисо*, яъни *озарюн*² уруғи, куруқ кизил гул, газгаўт уруғи, петрушка уруғи, цитрон уруғи, жувона ва қоқигул уруғларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; тоғ райҳонининг уруғидан – бир³ *дирҳам*; мингдевона уруғидан – ўн *дирҳам*; маҳсар ва занжабилдан икки *дирҳамдан* олинади. Бунга мурч қўшмайдиганлар ҳам бор. Куруқ [дорилар] янчилади, ҳўллари эса хушбўй шаробда уч кун ивитиб эритилади, кейин асал қўшиб, устига яхши бальзам ёғидан бир уқия солинади ва тош қозонда олов устига қўйилади; [суюклик] икки марта қайнаб чиққунча олов ёкилади, кейин [қозонни] оловдан туширилади ва олти ойгача қўйиб қўйилади. Тўла бир ичими – бир *миққол*. Бу қанча эскиса, шунча яхши бўлади.

Кичик аристун. Катта [аристун] фойда қилган [касалликларнинг] ҳаммасига бу ҳам фойда қилади.

Таркиби. Афюндан – тўрт *дирҳам*; араб акацияси шираси ва мурчларнинг ҳар биридан – бир уқиядан; назла ўтидан – уч *дирҳам*; амомдан – беш *дирҳам*; Цейлон дорчинидан – тўрт *дирҳам*; заъфарондан – уч *дирҳам*; сарик олтингугуртдан – бир уқия; *фарфиюндан* уч *дирҳам* ва сунбулдан бир уқия олинади. Булар янчиб эланади ва асал билан қорилади.

Даҳмурто⁴. Жигар ва талокнинг тикилмаларига, шунингдек, бачадон совуклигига, ҳўл йўталга, тўрт кунда бир тутадиган исит-

мага, нафас қисишига, тиқилмалардан бўладиган сарик касаллиги-га ва [аъзонинг] бўшашувига фойда қилади.

Таркиби. Исирик уруғидан – бир ярим *манн*; кундур елими-дан – ўн *дирҳам*; узун аристолохия ва Чин ровочларининг ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; ёввойи занжабил ва дарунаклар-нинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; мастаки, бальзам уруғи, заъ-фарон, кашқарбеда ва хушбўй сунбулларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; афюн, занжабил, куст ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – уч *истордан*; тўпалокдан ўн *истор*; Сукутро сабридан – ўн тўрт *дирҳам*; калампирмунчокдан – олти *дирҳам*; оқ харбак, қуритилган қизил гул ва седаналарнинг ҳар биридан – олти *ис-тордан*; мурчдан ўн *истор* олинади. [329] Бу дориларни янчиб элагандан кейин, кўпиги олинган асал билан қориб, истеъмол қилинади.

Бодмухражни¹ тайёрлаш². Бунинг фойдалари *дахмуртонинг* фойдалари кабидир.

Таркиби. Ёввойи занжабил, дарунак, афюн, кундуз қири, назла ўти, мурч, узун мурч, Цейлон дорчини, *ҳум ул-мажус³*, мингдевона уруғи, куст, стиракс елими, говшир ва заъфаронларнинг ҳар бири-дан – олти *дирҳамдан*; сарик йўнғичқадан – саккиз *дирҳам*; марва-риддан – икки *дирҳам*; гальбан елими ва *муррларнинг* ҳар биридан ўн икки *дирҳам* [олиб] янчилади ва элакдан ўтказиб, асал билан қорилади.

Ал-ғиёсий маъжунини тайёрлаш⁴. Эски бош оғриғига фойда қилади, уни асал ва илик сув қўшилган шароб билан ичилади. Уни тутқаноғи бор кишилар ичсалар ҳам фойда кўрадилар. Бу [маъжун] яна алаҳлаш ва қаттиқ шишга фойда қилади ҳамда кўзга сизиб ке-ладиган чиқиндиларни тўхтатади.

Таркиби. *Мурр*, Цейлон дорчини, узун мурч, дорчин, Рум сассиқ қавраги ва амомларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; сунбул ва қорачайир гулидан – ўн икки *дирҳамдан*; заъфарондан – беш *дирҳам*; афюндан – ўн беш *дирҳам*; тоғ петрушкаси уруғидан – ўттиз беш *дирҳам*; Рум арпабодиёни ва боғ⁵ петрушкаси уруғидан – йигирма *дирҳамдан*; мурчдан – ўттиз саккиз *дирҳам*; стиракс ели-ми, куст, рўян ва туёғўтларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олина-ди. Қуруклари янчиб эланади, ҳўллари эса хушбўй *тило* шаробида ивителиди, кейин ҳаммаси асал билан қорилади. Бир ичими бир *дирҳам* бўлиб, наҳорга илик сув билан ичилади.

Салимнинг сарик маъжуни⁶. Савдо ўтидан келиб чиқадиган

касалликлар, бодлар, хафакон, болалардаги оғриқ ва бачадон оғриқларига фойда қилади.

Таркиби. Ок мурч, занжабил ва Ҳинд тузларининг ҳар бирдан – олти *дирҳамдан*; афюн; *фарфиюн*, кундуз кири, калампирмунчок, заъфарон, мастаки ва назла ўтларининг ҳар бирдан – беш *дирҳамдан*; кустдан – олти *дирҳам*; *фошаро*, *фоширастин*¹, тўпалоқ, ёввойи занжабил, дарунак ва узун аристолохияларнинг ҳар бирдан – икки *дирҳамдан*; бальзам ёғи ва кофур сувларининг ҳар бирдан тўрт *дирҳамдан* [олинади]. Қурук [жисмлар] майдаланади, елимлар эса шаробда ивителиди; кейин [ҳаммаси] кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичиш миқдори ҳар кимнинг мизожига қараб [белгиланади].

Салимнинг қора маъжуни². Жиннилик³, фалаж, юз фалажи, қуланж, *валҳийя*⁴, савдо ўти ҳамда барча совук касалликларга фойда қилади.

Таркиби. Исирик уруғидан – бир юз йигирма *дирҳам*; *говширдан* – саксон *дирҳам*; седана, гальбан елими ва тунбошларнинг ҳар бирдан – олтмиш *дирҳамдан*; Эрон кавраги, игир, қаврак елими, узун ва думалоқ аристолохия, хардал, хаворанг муқл, харбақ, сачратқи илдизи, кундуз кири, Абу Жаҳл тарвузининг илдизи, сарик олтингугурт, таратизак уруғи, панжангушт ва тоғ газгаўтларининг ҳар бирдан – қирқ *дирҳамдан*; афюн; *фарфиюн*, мингдевона, ок мурч, етмак, кизил Ҳинд тузи, қора нефть⁵ тузи, *собираж*⁶ илдизи, яъни *собобак* илдизи, – бу меҳригиёх мевасидир, – мингдевона илдизи, назла ўти, *мурр*, сабр, кундур елими ва чакамуғларнинг ҳар бирдан – йигирма *дирҳамдан*; сунбул, мастаки, ёввойи занжабил ва дарунакларнинг ҳар бирдан саккиз *дирҳамдан* ва заъфарондан уч *дирҳам* олинади. Қурук [моддаларни] янчиб, елимлар етарли миқдордаги Шом қитронида ивителиди, кейин майдалаб, ҳамма дорилар билан аралаштирилади. Шундан кейин уларни икки ойгача кулга қўйиб, сўнгра истеъмол қилинади. Бир ичимчи қувватли кишилар учун – уч *миққол*, ўртача одамлар учун – икки *миққол*, заиф кишилар учун – бир *миққол* ва касаллар учун – бир мурч донаси миқдорда.

Абу Салим⁷ маъжуни, уғниёсий⁸ деб ҳам аталади. Бу увуштирувчи бўлиб, ҳамма хил бод ва барча голиб касалликлардан бўлувчи оғриқларни босади. [330] У васвасаликка фойда қилади ва барча оғриқларни босиб, фойда қилади.

Таркиби. Афюн ва ок мингдевоналарнинг ҳар бирдан – ўн

мисқолдан; *фарфиюн*, заъфарон, сунбул, назла ўти, савринжон, қокила ва узун мурчларнинг ҳар биридан беш *мисқолдан* олинади. Буларни янчиб элагандан кейин кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичими кучли ва катта кишилар учун – бир *мисқол*; кичиклар учун – бир *донақ*.

Саримсоқ маъжуни. Баҳаққа, *ибридага*, хом [балғам] ва оддий балғамга қарши фойда қилади; қувватни оширади, рангни тозалайди ва уни истеъмол қилувчи [киши] кўринишда ёшаради. У барча касалликларга фойда қилади. У кишда ичилади, шунда у баданни киздиради, орқани қуритади¹ ва табиатни оёққа турғизади.

Таркиби. Шом нўхатидан бир *қафиз* олиб, бир кеча чучук сувда ивитиб қўйилади, кейин нўхат титилиб, суви қорайиб кетгунча паст оловда қайнатилади, шундан сўнг сувни сузиб олинади. Кейин саримсоқдан олиб, бўлак-бўлак қилиб тозаланади ва юқоридаги сувга солиб, то саримсоқ миянинг [қатиғига] ўхшаб кетгунча пиширилади. Сўнгра устига янги соғилган сигир сутидан [саримсоқни] тўрт эллик беркитадиган микдорда солинади ва чиरोқ каби паст оловда сут қуригунча ёки деярли қуригунча қайнатилади. Кейин устига янги сигир сути сариёғидан солиб, чироқ сингари енгил оловда [аралашма] қуригунча қайнатилади. Сўнгра мис қозонга солиб, ҳамирдек қилиб қориштирилади ва устига оқ тиниқ асалдан тўрт энлик беркитадиган микдорда солиб, юқоридаги йўсинда то қуюлиб қотгунча ёки деярли қуюлиб қотгунча қайнатилади. Шундан кейин ҳар бир *ратл* саримсоққа ўн икки *мисқол* оқ ва қизил *тударий*, уч *мисқол* мурч, ўн *мисқол* ялпиз ва ўн *мисқол* Кермон зираси солинади. [Бир китобнинг] хошиясида қуйидагиларни учратдим:
471 ўн *мисқол хавлинжон*, шунча дорчин ва беш || *мисқол* узун мурч. Бу дориларни майдалаб солиб, аралаштирилади ва яшил кўзачага солиб қўйилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам бундан бир *жавза* микдорида истеъмол қилинади.

Бўри жигаридан [тайёрланадиган] катта асоносиё². Бу [маъжун] жигар, талоқ ва меъда оғриқларига, бодларга, *дусинториёга*³, эски йўталга ва қон қусувчиларга фойда қилади. У Филон маъжуни, яъни Рум *филуниёси*⁴ каби оғриқни босувчидир. У яна увушиш, вақти-вақти билан бўлиб турадиган ич кетиш, қон оқиш, буйрак оғриғи, буйрак ва ковуқдаги еллар, астма ва йўталга фойда қилади ҳамда кўкракни тозалайди. Марҳам сифатида бавосирга фойда қилади. Бир ичими – чорак *мисқолдан* ярим *мисқолгача*.

Таркиби. Заъфарон, *мурр*, афюн, қундуз кири, мингдевона

уруғи, куст, ёввойи зира, кўкнор, сунбул, *гофит*, бўри жигари ва эчкининг куйдирилган ўнг шохидан баробар қисмлар [олинади]. Янчиладиганлари янчилади, эрийдиганлари эса шаробда эритилади, [кейин ҳаммасини] кўпиги олинган асал билан қориб, олти ойдан кейин истеъмол қилинади.

Кичик асоноснё. Бунинг фойдалари олдингисиники кабидир.

Таркиби. *Майъа* елими, заъфарон, куст, сунбул, афюн ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; *гофит* ширасидан – саккиз *дирҳам*; чучукмия¹ илдизидан ўн икки *дирҳам* ва асалдан етарли микдорда [олинади]. Бир ичими бир *бундуқа* бўлиб, мувофиқ келадиган ичимликлар билан ичилади. Бошқа бир нусхада иккита дори орттирилган, улар: *мурр* ва бальзам ёғочи – ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*.

Куркум² дориси. Жигар, талок, меъданинг заифлиги ва уларнинг каттиклигига фойда қилади. Шунингдек, истисконинг бошла нишида ҳам [фойда қилиб], унинг пайдо бўлишини тўхтатади, рангни жуда яхшилади ва эски касалликларнинг кўпига фойда қилади.

Таркиби. Хушбўй сунбул, *мурр*, Цейлон дорчини, куст, қорачайир гули, дорчин ва заъфаронларнинг ҳар биридан баробар бўлақлар олинади. Буларни янчиб эланади, *муррни* эса бир кечакундуз *мусалласда* ивителиди, кейин ҳаммасини аралаштириб, кўпиги олинган асал билан қорилади ва идишга кўтариб қўйиб, истеъмол қилинади. Бошқа бир нусхада сунбулнинг ўрнига Рум сунбули [кўрсатилган].

[331] **Катта куркум дорисини Жолинос кўрсатишича тайёрлаш.** Жигар ва талокда совуқлик ҳамда ғализликдан келиб чиқадиган эски оғриқларга фойда қилади. Барча озик аъзоларида пайдо бўладиган тикилмаларни очади ва улардаги ғализ елларни ҳайдайди; сийдикни юргизади. Шунингдек, буйрак, қовуқ ва бачадонда ғализ моддалар ва у [аъзолардаги] каттиклик туфайли пайдо бўладиган барча оғриқларга ҳам фойда қилади, истискога ҳам фойдаси бор.

Таркиби. Заъфарондан – ўн икки *дирҳам*; тоғ сунбулининг илдизи ва ёввойи укроп илдизларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; сунбулдан – олти *дирҳам*; Рум арпабодиёни, ёввойи сабзи уруғи, туёғўт, Чин ровочи ва тоғ петрушкаси уруғларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; куст, Цейлон дорчини, қорачайир гули ва бальзам уруғларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; рўяндан – икки *дирҳам*; чучукмия шираси, *гофит*, *жулах* ва талокгиёхларнинг ҳар

биридан – уч *дирҳамдан*; бальзам ёғидан ярим *уқия* ва *муррлан* тўрт *дирҳам* олинади; бир нусхада бальзам уруғи ўрнига бон донасидан – бир *дирҳам*, Рум ковулидан – уч *дирҳам*. [Булар] янчиб эланади ва бальзам ёғи билан хўллангандан кейин асал билан қорилади. Бир ичимми – бир *дирҳам*, асал шароби билан [ичилади].

Катта лакк дориси. Куркум дориси кўрсатган фойдаларни кўрсатади ва тошни майдалайди.

Таркиби. *Лаккдан* – саккиз *дирҳам*, пўчоғи тозаланган аччик бодом, дорчин, *содаж* ва калампирмунчокларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; *камофитус*, ёввойи укроп илдизи, тоғ сунбули илдизи, *мурр* ва курук зуфоларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; сунбулдан – ўн икки *дирҳам*; ёввойи сабзи уруғи, петрушка уруғи, тоғ петрушкаси уруғи, Кермон зираси ва занжабилларнинг ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*; гентиана илдизи ва думалоқ аристоксияларнинг ҳар биридан – етти *дирҳамдан*; заъфарондан – уч *дирҳам*, туёғўтдан – етти *дирҳам*; рўяндан – ўн беш *дирҳам*; бальзам уруғи, Цейлон дорчини, мастаки, хушбўй камиш ва муклларнинг ҳар биридан – етти *дирҳамдан*; қуюлтирилган чучукмия ширасидан – ўн икки ярим *дирҳам*; ровоч илдизидан – ўн беш *дирҳам*; *жулах* ва қорачайирларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; мурч ва қустларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; Рум сассиқ қавраги ва бальзам ёғларининг ҳар биридан уч ярим *дирҳамдан* [олинади]. Қуруқлари янчиб эланади, эрийдиганлари эса хушбўи шаробда эритилади, [кейин ҳаммаси] етарли миқдордаги асал билан қорилади. Бир ичимми бир *бундуқа* бўлиб, мос келадиган ичимликлар билан [ичилади].

Кичик лакк дориси. Жигар ва меъданинг заифлиги, совуқлиги ва қаттиқлигига, шунингдек, талокнинг қаттиқлигига фойда қилади ва тикилмаларни очади.

Таркиби. *Лакк*, қуст, дафна меваси, Миср боқиласи, сарик йўнғичка ва мурчларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; ровоч илдизидан – уч || *дирҳам*; асалдан эса етарли миқдорда [олинади]. Бир ичимми бир *дирҳам* бўлиб, эрман қайнатмаси билан [ичилади]. Бир нусхада дафна меваси ўрнига қорачайир гули [олинган].

Қуфийни тайёрлаш. Бу йўтал, жигар қаттиқлиги ва *шусага* фойда қилади.

Таркиби. *Мурр* ва сакичларнинг¹ ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; сунбул, заъфарон, дорчин ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; қорачайир гули, хушбўй камиш ва муклларнинг ҳар

биридан икки ярим *дирҳамдан*, – нусхаларнинг бирида муқлнинг ўрнига қандул [кўрсатилган], – яна пўсти ва уруғи тозаланган йирик майиздан йигирма беш *дирҳам* ва асалдан етарли миқдорда [олинади]. Бир ичими бир *дирҳам* бўлиб, зуфо қайнатмаси билан [ичирилади]. Юқоридаги дорилардан ивийдиганларини майиз билан бирга хушбўй шаробда ивитилади, курукларини янчиб, элакдан ўтказилади, сақич эса асал билан эритилади. Кейин ҳаммасини ара-лаштириб чалинади.

Рум – Тарсуслунниёси. Кўп касалликларга, хусусан, қуланж оғриқларига фойда қилади; у оғриқларни босувчидир; *бу Сарофиюннинг сўзи¹. Жолинус «*ал-Маёмир*»² [китобида] Фулон дориси ҳақида гапириб айтади: «[Дори] [332] дейди: «мен Тарсуслик табиб Фулон ясаган дориларданман. Қисмати ўлим бўлганларга жуда катта фойдам бор. Кўп касалликларда бўладиган оғриқларни тузатаман. Агар [оғриқ] қулун деб аталувчи ичакда бўлса, яъни у қуланж оғриғи бўлса, касал мендан бир марта ичса, оғриғи босилади. Агар мени сийиши қийинлашган ёки тошдан азият чекаётган киши ичса ҳам фойда етказаман. Мен, шунингдек, талоқ касаллиги, азият бераётган «тик туриб нафас олиш» касаллиги, сил, тиришиш ва хавфли биқин оғриқларини ҳам тузатаман. Агар қон туфловчи ёки қон қусувчи киши [мени] ичса, ўлим билан унинг орасини ажратиб, уни қутқараман. Турли аъзолар ва ичда бўладиган барча оғриқларни босаман. Йўтал, томоқ оғриқлари, ҳикичок ва бошдан тушувчи назлаларга ҳам [фойда қиламан]».

Таркиби. Оқ мурч ва мингдевона уруғларидан – йигирма *мисқолдан*; афюндан ўн *мисқол*; заъфарондан беш *мисқол*, *фарфиюн*, сунбул ва назла ўтларининг ҳар биридан бир *мисқолдан*, кўпиги олинган асалдан эса етарли миқдорда [олинади]. Бир ичими – бир *ҳиммаса*, илиқ сув билан [ичилади].

Форс филунниёси. Ҳайз қони [кўп] кетганда ва бавосирдан [қон кетганда] ҳамда ич кетиш ва қон оқишда, шунингдек, қон кўрган ҳомиладор хотинларга ва бачадонда бўладиган елларга фойда қилади; қориндаги болани сақлайди ва бачадон оғзини маҳкамлайди.

Таркиби. Оқ мурч ва мингдевона уруғларининг ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; афюн ва муҳр лойидан – ўн *дирҳам*; заъфарондан – беш *дирҳам*; *фарфиюн*, сунбул ва назла ўтларининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; қундуз қиридан – бир *дирҳам*; ёввойи занжабил, дарунак, тешилмаган марварид ва мушқларнинг ҳар биридан – ярим *дирҳамдан*; кофурдан – бир ярим *донақ* ва кўпиги

олинган тиниқ асалдан етарли микдорда [олинади]. Бир ичими бир *дирҳам* бўлиб, мувофиқ ичимликлар билан [ичилади].

Пақ-пақ маъжуни. Қовук ва буйрак яраларига ҳамда кон сийишга фойда қилади; у – тажрибадан ўтган [дори].

Таркиби. Мингдевона уруғи, петрушка уруғи ва арпабодиён уруғларининг ҳар биридан – етти *дирҳамдан*; таррак уруғидан беш *дирҳам*, – бир нусхада таррак уруғидан – икки *дирҳам*; сассикалаф, кўзикулок, афюн, ковурилган санавбар бужури, заъфарон, ковурилган фундук ва ковурилган аччиқ бодомларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; йирик тоғ пақ-пакиннинг уруғидан йигирма беш дона ва катиродан тўрт *дирҳам* [олинади]. Буларни янчиб эланади ва шинни билан қорилади. Олти ойдан кейин [истеъмол қилинади], бир ичими бир *дирҳам* бўлиб, *ҳандиқун*¹ ёки асал суви билан ичилади.

Қалдирғоч дориси. Томоқ оғриклари ва бўғмага, шунингдек, коворға учларидан юкорида бўладиган оғриқларга фойда қилади.

Таркиби. Рум арпабодиёни, петрушка уруғи, жувона, қорачайир гули, ҳаворанг гулсапсарнинг илдизи, дорчин, амом, узун аристоклохия, Яман аччиқтоши, исирик уруғи, *мурр*, чучукмия илдизи, Цейлон дорчини ва заъфаронларнинг ҳар биридан – бир *уқиядан*; *қурқумаъмо*² маъжуни, қизил гул уруғи ёки³ қуритилган қизил гулдан – икки *уқиядан*; куст ва ёш қалдирғоч кулидан⁴ – уч *уқиядан*; сунбул ва буғдой крахмалидан – ярим *уқиядан*; ўртача катталиқдаги хом мозидан ўн дона [олинади]. Буларни янчиб эланади ва кўпиги олинган асал билан қориб, истеъмол қилинади. Бу доридан бир мози микдорида олиб, асал сувида ёки арпа сувида, ёки қизил гул, ясмиқ ва чучукмия қайнатмасида ивитиб, томоқ чайилади. Уни, шунингдек, *тило* шароби билан ҳам бир кунда уч ёки тўрт марта истеъмол қилинади.

Қалдирғоч дорисида ишлатиладиган қурқумаъмони тайёрлаш. Заъфарон ва дорчинлардан – икки *дирҳамдан*; қуритилган қизил гул, амом ва кустларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; *мурдан* – тўрт *дирҳам*; гулсапсар илдизи [333] ва Ҳинд *содажидан* икки 474 *дирҳамдан* [олинади]. Буларни янчиб, || шароб билан қорилади ва кулчалар ясаб, сояда қуритилади.

Олтингугурт дориси. Бу дори тарёққа тенг келса керак. Бу даврий совуқ иситмаларга, тўрт кунда бир тутадиган иситмага, балғамдан бўладиган иситмага, йўталга, айниқса, эски йўталга, йиринг туфлашга ва нафас сиқишга фойда қилади. Шунингдек, у

кузоз¹, истиско ва талок касалликларига ҳам фойда қилади, сийдикни ҳайдайди ва тошни чиқаради. Илон ва чаёнлар чакқанига аник фойда қилади ҳамда ўлдирувчи дориларнинг офатидан кутқаради.

Таркиби. Сарик олтингугурт, оқ зирних, ёввойи зира, *майъа* елими ва *муррларнинг* ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*; газাগўт ва кустларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; афюн ва заъфаронлардан – икки *дирҳамдан*; Цейлон дорчинидан ўн икки *дирҳам* ва оқ мурчдан йигирма икки *дирҳам* [олинади]. Бу дориларни янчиб, асал билан қорилади ва олти ойдан² кейин истеъмол қилинади. Касалга иситма тутишдан олдин *бир дона ёввойи ясмиқ миқдоридан³ ичирилади. Юҳаннонинг⁴ «*Куннош*»ида ярим *дирҳамдан* бир *мисқолгача* [дейилган]. Ўрта бир ичимни – бир *дирҳам*.

Ангуза маъжуни. Иситмаларнинг тутишига қарши фойда қилади ва тўрт кунда бир тутадиган иситмани [модда] етилиши олдидан йўқотади. Турли ҳашаротлар, айникса, чаёнлар, қорақурт ва бошқаларнинг чақиш зарарларини кайтаради.

Таркиби. Ангуза, мурч, *мурр* ва газাগўт баргларида баробар ҳиссадан олиб, асал билан қорилади. Бир ичимни бир *дирҳам* бўлиб, чаён чакқанда шароб билан, иситмада эса тутишидан бир соат олдин *сиканжубин*⁵ билан ичилади.

Ҳинд тузи маъжуни. Меъдага фойда қилади⁶, балғам ва савдо кусишни тўхтатади ҳамда балғам ва савдодан бўладиган бош айланишини тузатади.

Таркиби. Қора ҳалила, балила, омила, Кобул ҳалиласи ва Рум райҳонларининг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; девпечакдан – тўрт *дирҳам*; Ҳинд тузидан икки *дирҳам*, *иёраж фикрордан* ўн *дирҳам* ва дарахт пўкагидан тўрт *дирҳам* [олинади]. Буларни янчиб эланади ва *сиканжубин* билан қорилади. Бир ичимни уч *дирҳам* бўлиб, нахорга илик сув билан [ичилади].

Қуст маъжуни. Жигар ва меъда оғрикларига фойда қилади.

Таркиби. Дорчин, Цейлон дорчини ва кустларнинг ҳар биридан – ўттиз *дирҳамдан*; Рум арпабодиёни ва петрушка уруғларининг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; туёғўтдан – йигирма тўққиз *дирҳам*; заъфарондан – саккиз *дирҳам*; Чин ровочи ва *муррларнинг* ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; қорачайир гулидан йигирма тўрт *дирҳам* [олинади]. *Муррни тило* шаробида ивитиб, сузилади ва [эритма] дорилар билан аралаштирилади; кейин уларни бирга уч нисбатида олинган, кўпиги тозаланган асал билан қориб ишлатилади.

Шоҳ Кубод⁷ маъжуни. Бўғин оғриклари ва подаграга фойда

килиб, уларнинг оғрикларини босади ҳамда уларнинг кўзғолишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, эски иситма, талок оғриғи, ғализ еллар, қийналиб нафас олиш, йўтал, ичак оғриклари, ҳушдан кетиш, кўз ва томоқ оғрикларида икки кун ичилса, фойда қилади. У баданни турли иллат ва касалликлардан саклайди.

Таркиби. Газагўт уруғи¹, канавча, ёввойи саримсоқ, *камофитус*, говшир, Рум гентианаси илдизи, Рум райҳони, ёввойи зира ва суюқ *майъа* елимларининг ҳар биридан – беш *мисқолдан*; *мурр*, заъфарон, аччиқ² куст, оқ мурч, корачайир, хушбўй сунбул, *фарфиюн*, меҳригиёҳ мевасининг пўстлоғи, каврак елими, чўл ялпизи, арпабодиён уруғи, Иклит ёввойи сабзи уруғи, косачасидан тозаланган курук кизил гул ва бальзам уруғларининг ҳар биридан – уч *мисқолдан*; дорчиндан – саккиз *мисқол*; [334] Цейлон дорчинидан – бир *уқия*; *зофит* шираси, Рум сассиқ кавраги, кора йўнғичқа уруғи ва бодом елимларининг ҳар биридан – тўрт *мисқолдан*; афюн ва мингдевона уруғларидан олти *мисқолдан* [олинади]. Бу дориларни янчиб, элагандан кейин қўшилади; ивийдиганлари яхши тоза шаробда, яъни *аслда*³ ивителиди; сўнгра [хаммасини] кўпиги олинган асал билан қорилади ва идишга кўтариб қўйиб истеъмол қилинади.

Катта қафторғон⁴. Бола ташлашдан [саклайди], шунингдек, хотинларда бўладиган оғрикларга ва барча касалликларга фойда қилади. Бу Ҳинд дорисидир.

Таркиби. Афюндан – тўрт *истор* ва тўрт *донақ*; *фарфиюндан* – саккиз *дирҳам*; араб акацияси ширасидан – беш *истор* ва икки-ю учдан икки *дирҳам*; амомдан, – уч *истор* ва тўрт *донақ*; аччиқ кустдан – икки *истор*; мурчдан – икки *истор* ва тўрт *донақ*; назла ўтидан – олти *дирҳам*; *фошаро*, яъни *ҳазоржашон* ва *фоширастин*, яъни *шишбандонларнинг*⁵ ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; хом ипақдан – икки *истор*; куйдирилган кумушдан олти *дирҳам*; газагўт уруғидан – тўрт *дирҳам*; косачаларидан тозаланган курук кизил гулдан – олти *дирҳам*; петрушка уруғидан – икки *истор*; мушкдан – олти *дирҳам*; жувонадан – тўрт *дирҳам*; оқ мингдевона уруғидан – тўққиз *истор* ва икки *дирҳам*; ток гулидан – тўрт *дирҳам*; петрушка илдизининг пўстлоғидан – уч *истор* ва икки *дирҳам*; семизўт уруғидан – ўн *истор*; пўсти тозаланган канақунжут уруғидан – саккиз *истор*; сарик олтингугуртдан – беш *истор*; [араб] елимидан – уч *истор* ва икки *дирҳам*; суюқ *майъа* елимидан – уч *истор*, икки *дирҳам* ва тўрт || *донақ*; кўк муқлдан – икки *истор*; эркак кундур елимидан – беш *истор* ва икки *дирҳам*; гальбан елимидан – тўққиз

истор, икки *дирҳам* ва тўрт *донақ*, тозаланган асал майвизакдан – беш *истор* ва тўрт *донақ*; миртадан – икки *истор*; мастакидан – уч *истор* ва тўрт *донақ*; думалок аристолохиядан – уч *истор* ва тўрт *донақ*; хаворанг гулсапсар илдизидан – уч *истор* ва икки *дирҳам*; ёввойи зирадан – олти *истор*, пақ-пақдан олти *дирҳам*; Ҳинд *содажидан* – уч *истор* ва тўрт *донақ*; бальзам уруғи, хушбўй камиш, Цейлон дорчини, ёввойи занжабил ва дарунакларнинг ҳар биридан – икки *истордан*; меҳригиёҳ мевасидан – тўрт *дирҳам*; дорчиндан – олти *дирҳам*; туёғўтдан – тўрт *дирҳам*; қокиладан – беш юз *ҳабб*; зарарланмаган эркак қалампирмунчокдан – беш *истор*; урғочи қалампирмунчокдан – уч *истор*; *афрузиҷондан*¹ – икки *истор* ва икки *дирҳам*; *қирфадан* – икки *истор*; *хавлинҷондан* – тўрт *дирҳам*; тешилмаган марвариддан – беш *дирҳам*; марҷондан – икки *истор* ва бир *дирҳам*; узун аристолохиядан – тўққиз *истор*; беклар ўтидан – икки *дирҳам*; оқ игирдан – икки *истор* ва икки *дирҳам*; Ҳинд чакамуғидан – икки *истор*; занжабил ва оқ мурчларнинг ҳар биридан – беш *истордан*; *атмот*² ва *юрборидларнинг* ҳар биридан – ўн икки *дирҳамдан*; *сурбориддан*³ – икки *истор*, икки *дирҳам* ва тўрт *донақ*; оқ ва қизил баҳманларнинг ҳар биридан – икки *истор* ва тўрт *донақдан*; қорамол ўтидан – икки *дирҳам*; бўри, айик ва қарға ўтларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан* [олинади].

Бу дориларни янчиб, элагандан кейин қўшилади, ивийдиганлари эса шаробда етти кун ивитиб қўйилади, кейин бу [эритмага] қурук дориларни қўшиб, [ҳаммасини] кўпиғи олинган асал ва уч *истор* бальзам ёғи билан қорилади. Дорилар ивителидиган шаробнинг миқдори шунча бўлиши керакки, ичида дорилар ивигандан⁴ кейин [аралашма] яланадиган дори ҳолига келиб қолсин. Сўнгра булар тоза тош ёки сопол қозонга солинади, у беш ёки олти марта қайнаб чиққандан кейин оловдан тушириб, совутилади ва шиша идишга кўтариб қўйилади.

Кейин қари урғочи сиртлонни олиб, олдинги ва кейинги оёқларини бирга қўшиб боғланади ва мис қозонга солиб, яна унга бир кафтдан оқ Миср боқиласи ва укроп ташлаб, устига [335] керакли миқдорда чучук сув солинади, кейин қозоннинг оғзини беркитиб, [сиртлон] ҳил-ҳил бўлиб пишиб кетгунча паст оловда қайнатилади. Шундан кейин оловдан олиб, шўрваси сузилади, териси, суяғи ва юнглари олиб ташланади; шўрвани тоза қозонга қайтариб солиб, бир *ускурражадан* бальзам ёғи ва Рум сунбули ёғи қўшилади ва учдан бири қолгунча паст оловда қайнатилади. Кейин шўрванинг миқдорича

асал кўшилади ва [аралашма] куюк асал сингари куюлгунча яна кайнатилади. Кейин унга юкорида айтилган, қорилган дорилар кўшиб совутилади ва шиша идишга кўтариб кўйилади. Уни олти ой кўйиб кўйгандан кейингина истеъмол қилинади, ундан олдин ишлатилмасин, чунки у ўлдиради.

Кичик кафторгон¹. Бальзам уруғидан – икки *дирҳам*; заъфарондан – ўн *дирҳам*; мушкдан – икки *донақ*; ок асал майвизакдан – тўрт *дирҳам*; афюндан – ўн беш *дирҳам*; етмакдан – икки *дирҳам*; мурчдан – ўн *дирҳам*; хом ипакдан – бир *дирҳам*; минг-демона уруғидан – ўн *дирҳам*; *фарфиюндан* – етти *дирҳам*; амом ва меҳригиёх мевасининг пўстлоғидан – икки *дирҳамдан*; *ушна*, Цейлон дорчини, қаврак елими, кундур елими, чучукмия илди-зи, бальзам ёғочи, Абу Жаҳл тарвузининг эти, занжабил, Эрон қавраги, говшир, дорчин, кундуз кири, *ҳазоржашон*, *шашбандон* ва Ҳинд чакамуғларининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; исирик уруғи, калампирмунчоқ, Ҳинд *содажи*, каркидон ёғи ва фил ўтларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; янчиб эланган олтин ва кумушларнинг ҳар биридан – бир *донақдан*; ёввойи занжабил, дарунак ва кофурларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; хушбўй сунбулдан – саккиз *дирҳам*; аччиқ кустдан – тўрт *дирҳам*; кора зирадан – икки *дирҳам*; думалок аристолохиядан – бир *дирҳам*; жу-вона, форс каклиғўти, беклар ўти илди-зи ва ковул уруғларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; *қотил абиҳ*², шакар, дафна меваси ва бақам дарахти елимларининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; Ҳинд тузи ва эркак ишкорларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; денгиз олтингугуртидан – бир *дирҳам*; *баранк*³ ва мурчларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; новдалари ва уруғидан тозаланган *хиёршанбар*, *мумиё*, сийдик, *толисфар* ва наша илди-зларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олинади. Бу дорилар янчиб эланади, ивийдиганлари эса шаробда ивителиди, кейин ҳаммасини кўшиб, кўпиги олинган асал билан қорилади ва олти ойдан кейин истеъмол қилинади.

Катта калкалонаж⁴. Бу меъданинг бўшашганлик ва совуқ-лигига, эски иситмаларга, ҳушдан кетиш, қийналиб || сийиш, пес-лик, *баҳақ*, уйқусизлик, суякларнинг синиши ва ҳўл йўталга фойда қилади. Шунингдек, бу [дори] иситмаси йўқ силларга, бадани со-вуган кишиларга, бавосирга, талоғи касалларга – иситмалари йўқ вақтда ҳамда чиқиқ, қуланж ва истисқога, ҳомиладорлик вақтида касал бўлган хотинларга, «бачадон бўғилиши»га, бўғинлардаги

бодларга, кўпчишга, шунингдек, тизза, орка ва мушаклардаги оғрикларга фойда қилади.

Таркиби. Қора ҳалила, балила, *ширамлаж*, мурч, узун мурч, Чин занжабили, чакамуғ, мурч илдизи, Ҳинд тузи, *қизил нефть тузи¹, ҳамир тузи, *андароний тузи², куш тили, тўпалок, кичик кокила, *қирфа*, *баранк*, форс каклигўти, седана, Нил ўсимлигининг уруғи, Ҳинд³ зираси, Ҳинд *содажи*, петрушка уруғи, курук кашнич; нусхаларнинг бирида яна куйидаги дориларни учратдик: *ҳашиқикул*, яъни ёввойи сабзи, **атмот* ва *кашт бар каштларнинг*⁴ ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; говширдан – саккиз *дирҳам*; турбуддан – бир *ратл* ва тўрт *истор*, уруғи олинган майиздан – юз *мисқол*; омиладан – икки юз *мисқол*, каллақанддан, – олти ярим *ратл*; кунжут ёғидан уч *ратл*, – бошқа бир нусхада, – бир *ратл* [олинади].

Дориларни [янчиб] элаб, бир чеккага олиб қўйилади. Майизни сувда алоҳида қайнатиб сузилади ва шу сувда *хиёршанбарни*⁵ ивитиб қўйилади. [336] Омилани *йирик қилиб янчиб,⁶ йигирма тўрт *ратл* сувда бир кеча-кундуз ивителиди, сўнгра саккиз *ратл* қолгунча қайнатилади. Кейин сузиб, омила олиб ташланади, омиланинг сувини эса қайтариб, иккинчи марта қозонга солинади. Кейин майиз сувида ивиб турган *хиёршанбарни* яхшилаб эзиб, қозондаги омила сувига қўшилади⁷. Устига каллақанд солинади ва қанд эриб, эритма асал қуюқлигига келгунча паст оловда қайнатилади. Шундан кейин унга кунжут ёғи қўшилади ва у сув билан аралашиб, қўл ва кийимга ёпишмайдиган бўлсин учун аралаштирилади. Сўнгра оловдан тушириб, устига янчилган дорилар сепилади ва истеъмол қилинади. Бир ичимиде, ҳар кимнинг қуввати *ва ёшига⁸ қараб, уч ёки тўрт *мисқол* бўлади.

Кичик калкалонаж. Истисқо касаллигига йўликқанларга, жигар ва талоқ оғриқларига, сариқ касаллиги, тикилмалар ва чиқикларга фойда қилади. Бу синалган яхши доридир.

Таркиби. Сариқ ҳалиладан – йигирма *дирҳам*; қора ҳалила ва балилаларнинг ҳар биридан – ўн беш *дирҳамдан*; омиладан – уч *ратл*; *тамр ҳиндийдан* эллик *дирҳам* ва уруғи тозаланган майиздан бир *ратл* [олиб], ҳамма дориларни аралаштирилади ва устига ўттиз *ратл* сув солиб, шундан саккиз *ратл* қолгунча қайнатилади ва сузилади. Кейин поя ва уруғларидан тозаланган *хиёршанбардан* бир *ратл* олиб, ҳалиги сузилган сувга солинади, бир марта қайнаб чиққач, яхшилаб эзилади ва элакдан сузиб ўтказилади. Сўнгра тўрт *ратл* каллақанд шу сувга солинади ва қанд эриб, [эритма] асалдек

бўлиб қуюлгунча кайнатилади. Шундан кейин унга бир ярим *ратл* янги кунжут ёғидан қўшиб, яхшилаб аралаштирилади ва икки марта кайнаб чиққандан кейин оловдан туширилади. Кейин ювилган *лакк*, сунбул, қизил гул, ёввойи сабзи уруғи, тоғ петрушкаси уруғи, тоғ сунбули илдизи, Чин ровочи, Ҳинд тузи, хаворанг гулсапсар илдизи ва дарахт пўкакларининг ҳар биридан – олти *дирҳамдан*; *камодарюс*, Рум сассик кавраги, узун аристолохия, туёғўт, мастаки, бальзам ёғочи, гентиана илдизи, тозаланган *баранк* ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; *гофит* шираси, эрман шираси, тўпалок ва қорачайир гулларининг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; зарпечак уруғи, Рум исмалоғининг уруғи, чучукмия илдизи, чучукмиянинг қуюлтирилган шираси ва *сақамуниёларнинг* ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; петрушка уруғи, куст, игир, арпабодиён уруғи ва Рум арпабодиёнларининг ҳар биридан – беш¹ *дирҳамдан*; ок турбуддан – юз эллик *дирҳам*; Кермон қора зирасидан тўрт *дирҳам* [олинади]. Бу дориларни янчиб эланади.

Яна *мозариюндан* йигирма *дирҳам* олиб, устига бир *ратл* сув ва уч *укья* кунжут ёғидан солинади ҳамда сув кетиб, ёғнинг ўзи колгунча кайнатилади. Кейин бу билан юқоридаги дориларни хўллаб, [ҳаммаси] қайнатилган каллақанд [эритмасига] солинади ва яхшилаб аралаштириб, сопол² идишга солиб қўйилади. Бир ичими тўрт *дирҳам* бўлиб, меҳригиёҳ мевасининг сути ёки оғиз суви, ёки итузум ва пақ-пақ суви билан [ичилади]. Биз бунинг бошқа нусхаси ҳақида иккинчи бобда гапирамиз.

Фирузнуш³. Ғализ елларга, ичак оғриқларига, қуланжга ва унитувчанликка фойда қилади. Ҳомиладор хотинлар совуқ касалликларга йўлиққанларида ҳам [бу маъжундан] ичирилади.

Таркиби. Мингдевона уруғи ва афюнларнинг ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; *фарфиюн*, назла ўти, сунбул ва заъфаронларнинг ҳар биридан етти *дирҳамдан* [олиб] янчилади ва элакдан ўтказиб, асал билан қорилади; у олти ойдан кейин истеъмол қилинади.

Ал-Киндий номи билан танилган маъжун. Бу – жуда нафис дори.

[Таркиби]. Заъфарондан – икки *мисқол*; *мурр*, туёғўт, тоғ сунбули илдизи, Чин ровочи, ёввойи сабзи уруғи, тоғ петрушкаси уруғи ва ёввойи укроп илдизларининг ҳар биридан – тўрт *мисқолдан*; Ҳинд сунбули ва Рум сунбулларининг ҳар биридан – олти *мисқолдан*; куст, Цейлон дорчини ва қорачайир гулларининг ҳар биридан – бир *мисқолдан*; бальзам уруғидан – уч ярим *мисқол*;

рўяндан – саккиз *мисқол*; чучукмиянинг қуюлтирилган шираси, [337] талокғиёх, тўпалок ва *зофит* шираларининг ҳар биридан – уч *мисқолдан*; бальзам ёғидан олти *мисқол*; *андрухурун* аралашмасидан беш *мисқол* ва асалдан кифоя қиларли микдорда [олинади]. Бир ичими бир *бундуқача* бўлиб, бир уқия асал *жуланжубини* билан [ичилади].

Ялпиз маъжун. Меъда оғриқлари, жигарнинг совуклиги, кучли қалтираш || ва даврий иситмаларга фойда қилади.

477

Таркиби. Сув ва тоғ ялпизи, тоғ петрушкаси уруғи ва Рум сассиқ қаврақларининг ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; петрушка уруғи, бобуна ва тоғжанбилларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; *кошимдан* – ўн беш *дирҳам*; мурчдан қирқ тўрт *дирҳам*, бошқа бир нусхада йигирма тўрт *дирҳам* [олинади] ва асал билан қориб, истеъмол қилинади.

Уруғлардан¹ [тайёрланадиган] маъжун. Жигар, талок ва меъда оғриқларига ҳамда коринда пайдо бўладиган елларга фойда қилади.

Таркиби. Цейлон дорчини, амом, сунбул, жувона, арпабодиён уруғи, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни уруғи, Рум сассиқ қавраги, кундуз кири, укроп уруғи, узун аристолохия, чаёнўт, туёғўт ва қора зираларнинг ҳар биридан баробар қисмдан ва кўпиги олинган асалдан эса етарли микдорда олинади ва аралаштириб истеъмол қилинади.

Бизнинг ёқутдан [тайёрлаган] маъжунимиз. Бу бизнинг маъжун бўлиб, уни биз подшоҳлар ва уларга ўхшаш кишиларда синаб кўриб, зўр манфаати борлигини билдик; хусусан, у васвасалик, юрак сиқилиши, хафакон, юрак заифлиги касалликларига [жуда фойдали бўлиб чиқди] ва бу [касалликлардан] эскириб кетиб, муолажа таъсир қилмайдиганларини ҳам тағ-туғи билан йўқотиб юборди. Унинг яна мия, меъда, жигар ва талок касалликларига, хусусан, куланжга ҳам жуда фойдали эканлигини кўрдик. У бўғин оғриқлари ва эски иситмаларга ҳам фойда қилади.

Нусхаси. Ёқут, хусусан, анор рангидаги кизил ёқут майдаларидан бир *мисқол* олиб, ҳовончага солинади ва у увалансин учун аста-секин янчилади, кейин уни салоя тошига олиб, кукундек қилиб янчилади. Сўнгра яшма тошидан – бир *дирҳам*; ақиқдан² – бир *дирҳам*; ичи куйдирилган қўрғошин билан сувалган тигелга солиб эритиб, шиша сингари майда қилинган олтиндан – икки *донақ*; калай буғларининг [таъсири билан] шиша хусусиятига эга қилинган кумушдан бир *донақ* олинади. Буларнинг ҳар бири ёқутни майдалагандек қилиб майдаланади ва янчилади. Шундан кейин ҳаммасини

салоя тошига солиб, *хушбўй шароб билан¹ ҳўлланади ва куригунча эзилади; улар тўзондек бўлиб кетгунча бу иш² такрорланади. Сўнгра улар олиб кўйилади; буларнинг ҳаммаси бир ҳиссани ташкил этади.

Кейин дарахт пўкаги, девпечак, мурч, занжабил, калампирмунчок ва самсақларнинг ҳар биридан – ярим ҳиссадан; «арман тоши», лажувард тоши, нефть тузи, ёввойи занжабил, дарунак, баҳман ва говзабонларнинг ҳар биридан – учдан бир ҳиссадан; сўнгра Иқлит сунбули, яъни *нордин*, амом, игир, *содаж*, Чин дорчини, каклигўти, тоғжанбил, зуфо ва зираларнинг ҳар биридан – чорак ҳиссадан; кийигўти, тоғ петрушкаси уруғи, *яхуд* тоши, петрушка уруғи, *мурр*, кундур елими, заъфарон ва оқ мурчларнинг ҳар биридан – олтидан бир ҳиссадан; фил суягидан учдан бир ҳисса олинади. Бу дориларнинг ҳаммасини янчиб, устига юқорида кўрсатилган тошларнинг оҳаклари³ солинади; кейин яна эзиб-янчиб [аралашмага] икки ҳисса вазнда олинган балила асали билан қорилади ва бир *миққолли* кулчалар ясаб ичирилади.

Ғолинус⁴ дориларидан бўлган бошқа бир маъжун. Ўпка найи касалликларига, ўпка яраларига, йиринг ва қон туфлашга, кўкракка сизиб келувчи моддага ва *балғам ташлашнинг қийинлигига⁵ фойда қилади.

Таркиби. Сақичдан – тўрт *миққол*; заъфарондан тўрт *миққол*; кундур елимидан – тўрт *миққол*; *мурр* ва дорчинларнинг ҳар биридан – тўрт *миққолдан*; амомдан – [338] уч *миққол*; катта санавбар бужури ва пўсти тозаланган чучукмия илдизларининг ҳар биридан – тўрт *миққолдан*; Шом сунбулидан – икки ярим *миққол*; қора Цейлон дорчинидан – икки *миққол*; катиरो ва Шом хурмосининг этидан – уч *миққолдан*; тоза ва тиниқ гальбан елимидан – ўттиз *миққол*; «юлдуз» деб аталадиган Самос кесаги ва қустларнинг ҳар биридан – тўрт *миққолдан*, – бошқа бир нусхада – бир *миққол*; яхши асалдан тўрт *қутулий* [олинади]. Асал билан сақич икки қаватли идишда⁶ қайнатилади, улар қуюла бошлагач, гальбан аралаштирилади ва шу [аралашмадан] томчи туширилганда томчи ёйилмайдиган бўлгунча қайнатилади. Кейин совутиб, қолган дориларни янчиб қўшилади ва аралаштириб, истеъмол қилинади.

Аристомасга нисбат бериладиган маъжун. Бу [маъжун] йўтал, қон туфлаш, ўпка яраси, ўпкада йиринг тўпланиши ва ундаги шишлар, мушакнинг узилиши, овқатни қусиш, *ҳайза*, *хилфа*⁷, қовук касалликлари, «бачадон бўғилиши» ва қайталовчи иситмаларга ажойиб [таъсир қилади]; у [иситма] тутиш вақтидан бир соат ол-

дин ичирилади. У яна озиб кетиш, мизож бузуклиги ҳамда ичилган захарлар ва чакувчи [ҳашаротлар] захарига қарши ҳам [фойда қилади].

Таркиби. Дорчин, қуст, гальбан елими, қундуз қири, афюн, қорамурч, узун мурч ва *майъа* елимларининг ҳар биридан – бир *уқиядан*; асалдан бир *қист* [олинади]. Қурук дорилар янчиб эланади. Гальбан елимини эса асал билан қўшиб, эригунча пиширилади, эригандан кейин сузиб, устига дорилар қўшилади ва шиша ёки кумуш идишга солиб қўйилади. Бундан бир Миср боқиласи миқдоридегиси икки *қавосус* асал суви билан ичирилади, устига кунжут ёғидан ҳам бармоқ билан уч томчи томизилади.

Сонитусга нисбат бериладиган маъжун. Сийдик орқали қумни ва яраларнинг бошқа моддаларини чиқаради.

Таркиби. Чучукмия илдизи, Рум сассиқ қавраги, *камодарюс*, *хомадрус*¹, далачай, *улуқун*, яъни || қора маҳсарнинг барги, *ҳурф*², 478 яъни *линобутис* уруғларининг ҳар биридан – тўрт *мисқолдан*; амомдан – саккиз *мисқол*; дорчиндан – ўн икки *мисқол*; тоғ *линобутиси*, Ҳинд сунбули, Кликия заъфарони, тоғ петрушкаси уруғи, *жулах*, ёввойи газাগўт уруғи ва Крит кийигўтларининг ҳар биридан – ўшанча вазнда; чучукмия илдизи ва эркак ҳамда урғочи Шом тошларининг ҳар биридан – ўн олти *мисқолдан*; Бобил индовидан – йигирма тўрт *мисқол*; панжангушт уруғи ва беклар ўтининг ҳар биридан – йигирма тўрт *мисқолдан*; ёввойи зирадан – қирқ саккиз *дирҳам*. Буларни қайнатилган асал билан қориб, бир *бундуқа* миқдоридегиси тўрт *қавосус* асал шароби³ билан ичирилади.

Гентиана илдизидан қилинадиган маъжун. Жигар, меъда ва талокдаги қаттиқлик, тикилмалар ва оғриқларга ҳамда эски иситмага фойдалидир.

Таркиби. Гентиана илдизи ва мурчдан – ўн *дирҳамдан*; аччиқ *мурр*, Ҳинд⁴ *содажи* ва Чин⁵ ровочларининг ҳар биридан бир *уқиядан* [олиб], майдалаб эзилади ва қуюқ асалга ўхшатиб, кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичими – бир *дирҳам*; газাগўт қайнатмаси билан [ичирилади].

«Тангри ҳадяси» деб аталувчи дори. Бу дори бир подшонинг хазинасидан топилган. У бавосир, меъда бузилиши ва *ибридага* фойда қилади, овқатга ва жинсий алоқага бўлган хоҳишни қўзғатади, сийдикни юргизади, шунингдек, уни баҳор ва⁶ қишда уч ой, ҳар ойнинг пайшанба кунлари ичиб турилса, соғлиқни сақлайди, дейдилар.

Таркиби. Қора халила, балила, омила, игир, думалок ари-столохия, узун аристолохия, ёввойи сабзи, кичик кокила, кокила, қалампирмунчок, бобуна уруғи, занжабил ва тозаланмаган кун-жутларнинг ҳар биридан – олти *уқиядан*; мускат ёнғоғи, [339] сунбул, ок турбуд, ёввойи укроп илдизи, тоғ сунбули илдизи, ёввойи сабзи уруғи, туёғўт, тоғ петрушкаси уруғи ва *фарфиюнларнинг* ҳар биридан – икки *уқиядан*; *ниниё*, яъни жувона, буғдой мағизи, гандано уруғи, ок *тударий*, кўкнор, ёввойи занжабил, дарунак, зирк илдизи, амом, назла ўти, *табошир*, Рум сассик кавраги, сассик ангуза ва Кермон зираларининг ҳар биридан – уч *уқиядан*; *шалл*, *фулл*, *бил*¹, дорчин, Ҳинд чакамуғи, Форс чакамуғи, мурч илдизи, ушна, тўпалок, нилуфар илдизи, узун мурч, хушбўй *қирфа* ва кундуз кирилларининг ҳар биридан – беш *уқиядан*; говшир ва Эрон каврагидан – тўрт *уқиядан*; петрушка илдизининг пўстлоғидан саккиз *уқия* олинади. [Кейин] темир чирки тозалаб янчилгандан сўнг уч ҳафта ишланади: бир ҳафта шакар билан, бир ҳафта сув ҳамда асал билан ва бир ҳафта сирка билан; дастлаб у бир кун сиркада ивитиб кўйилади, эртасига шакарга ўтказилади, учинчи куни эса сув билан асалга [солинади], шу иш уч ҳафта давомида қилинади; кейин уни сояда куритиб, сурмадек қилиб янчилади. Бошқа дориларни ҳам майдалаб янчиб, элакдан ўтказилади. Сўнгра дорилардан уч ҳисса, темир чиркидан эса бир ҳисса тортиб олиб, сариёғ билан яхшилаб мойланади ва асал билан яхшилаб қориштирилади. Кейин бунга темир чирки вазнича каллақанд кўшилади; канд эса эритилади ва ун асал билан бирга [аралашмага] солинади, токи ҳаммаси қуюқ асалга ўхшаб қолсин. Шундан кейин уларни янги ва тоза кўк кўзачага солиб, оғзи беркитилади ва олти ойгача арпага кўмиб кўйилади.

Бундан бир мози микдоридегиси эрталаб наҳорга ичирилади ва уч соат ўтмагунча, ҳеч нарса едирилмайди. Кейин овқат берилади, шунда ҳам меъдани бузадиган, [касални] қийнайдиган ва бошқа хил зарар етказадиган тадбирлардан сақланилади. Баъзи бир олим табибларнинг айтишича, бу дори ўлдирувчи заҳарларнинг офатини қайтаради² ва соғлиқни сақлаб қолади.

Бошқа³ бир маъжун. Жигар заифлиги, [суяк] тойиши ва қон туфлашга фойда қилади.

Таркиби. Анор гули, бақам дарахти елими, ковул барги ва Яман аччиктошларининг ҳар биридан – бир ҳиссадан [олиб] майдаланади ва янчиб, асал билан қорилади. Бир ичими бир *мисқол* бўлиб, илик

сув билан [ичирилади]; уни сувда қайнатилса ва сувини сузиб, илик ҳолда ичирилса ҳам яхши бўлади.

Табиб Қиюмиёнинг¹ маъжун. Мизож бузилиши ва жигар шишига фойда қилади, меъдани кучайтиради ва рангни тозалайди.

Таркиби. Ҳалила ва чаёнўтларнинг ҳар биридан – йигирма беш *дирҳамдан*; занжабил ва дорчинларнинг ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; оқ мурчдан – йигирма тўрт *дирҳам*; *толисфардан* – уч *дирҳам*; *хавлинжондан* – ўн *дирҳам*; норимушкдан – олти *дирҳам*; эрман ширасидан – беш *дирҳам*; қайнатилган *тило* шароби ва *майсусандан* дориларни кориштирадиган микдорда олинади. Дорилар майдалаб янчилади ва *тило* ҳам *майсусан* билан қориб, мурч донасидек келадиган ҳаблар ясалади. Ҳар гал бундан икки *дирҳамни* илик сув билан ичилади.

Амирий деб танилган маъжун. Сийдик тутилиши², орқа [яъни бел] оғриғи ва буйракнинг заифлигига фойда қилади ва тошни майдалайди.

Таркиби. Кўкнор уруғи, гандано уруғи, укроп уруғи, петрушка уруғи, гулсапсар уруғи, сутчўп уруғи, сачратқи уруғи, семизўт уруғи, оқ ва қизил баҳман, || қуш тили, канақунжут уруғи, *касило*, 479 райҳон уруғи, самсақ уруғи, Кобул *баранги*, мурч, турбуд, индов, *мурр* уруғи, *ушна*, каврак елими, қорачайир гули, шолғом уруғи, катиरो, мингдевона уруғи, каклигўти, *зарнаб*, *фаланжа*, нил уруғи, қуст, қора зира, испағул, арча бужури, қора андиз, кундур елими, [340] *фозил* уруғи [?], Цейлон дорчини, зиғир уруғи, Ҳинд тузи, газাগўт уруғи, оқ ва қизил *шаббўй* уруғи, Кермон зираси, *қирфа*, тукли райҳон илдизи, *мугос*, санойи Макка, савринжон, девпечак, Рум арпабодиёни, ёввойи наша уруғи, *килдору* ва *фулларнинг*³ ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; икки хил кўкнор: оқ ва қизил, жувона, ёввойи занжабил ва унинг уруғи, арпабодиён уруғи, дорчин, сарик ҳалила, Кобул [ҳалиласи], исирик уруғи, мирта уруғи, хардал, наша уруғи, тозаланган кунжут, сарик йўнғичқа ва сабзи уруғларининг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; ёввойи сабзи ва занжабилларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; чаёнўт, оқ мурч, калампирмунчоқ, сунбул, хина гули ва назла ўтларининг ҳар биридан – бир ярим *дирҳамдан*; *сақамуниёдан* – икки *донақ*; тарвуз ва қовун уруғларининг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; кунжут ёғидан қирқ *дирҳам* ва асалдан икки *ратл* [олинади]. Тўла бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, илик сув билан [ичилади].

Саймарий тавсиф этган ва тажрибадан ўтган деган маъжун. Фалаж, юз фалажи, бўшашиб шалвираш ва балғамдан келиб чиқадиган бошқа касалликларга мос келади. Ундан касал кўтара оладиган микдорда олиб, бўшашган аъзога суртилади; шунда у фойда қилади.

Таркиби. Афюн, *фарфиюн*, кундуз кири, дорчин, узун мурч, ок мингдевона, сунбул, занжабил ва заъфарондан баробар ҳисса олиб янчилади ва элакдан ўтказиб, кўпиги олинган асал билан қорилади; кейин идишга солиб кўйиб, керагида истеъмол қилинади.

Бизнинг тажрибадан ўтган, семиртирувчи маъжунимиз. *Мугос*, *гавз гандум*¹, баҳман, ёввойи занжабил, катиरो, кўкнор уруғи ва қахраболарнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан* олиб, янчиб эланади. Кейин сариёғда енгилгина қовуриб, икки кичик *манн* буғдой толкони ва бир кичик *манн* каллаканд кўшилади. Шундан ҳар куни йигирма *дирҳам* олиб, икки *ратл* сутда қайнатилади ва устига керагича сариёғ солиб ичилади.



ИККИНЧИ МАҚОЛА

ИЁРАЖЛАР¹

*Зарур муқаддималар ҳақида бир фасл. Мен айтаманки,² *иёраж* – тузатувчи сургининг исмидир, бу – унинг таъвили³; унинг [луғавий] маъноси илоҳий дори демақдир. Маълум сургиларнинг биринчиси Руфус *иёражидир*; қадим замонда *иёраж* исми билан шу [дорини] ифодалар эдилар, кейинчалик ундан бошқа [дорилар ҳам] шу исм билан атала бошланди. Сургининг илоҳий дори деб аталганлигига сабаб шуки, сургининг таъсири табиий қувватларга топширилган бир амри илоҳийдан иборат. Қадим замонларда *иёражларни* шунинг учун ичирганларки, табиблар Абу Жаҳл тарвунинг эти, харбақ ва бошқа нарсалар каби нукул сургиларнинг зараридан қўрққанлар. Буларни ишлатмоқчи бўлганларида, уларга ўтказувчи, тузатувчи ва *подзаҳр* нарсаларни аралаштиргандан кейингина истеъмол қилишга журъат этганлар. Кейинчалик бу нарсаларга ўрганиб, уларнинг қайнатмасини ишлата бошладилар, сўнгра уларни шундайича олиб, ҳаб шаклида истеъмол қилишга ҳам журъат этдилар.

Табиб шуни ҳам билиб қўйсинки, қайнатма ва ҳаб дориларга караганда *иёражлар* анча зарарсиздир, уларни ишлатмасликнинг сабаби улар зарарли бўлгани учун эмас, балки уларга аҳамият бермаслик ва ёмон одат натижасидир; [қайнатма ва ҳаблар] моддани [баданнинг] узок ерларидан *иёражларчалик*⁴ торта олмайди.

Иёражларнинг бир ичими тўрт *миққолгача* бўлади. Баъзан унга ҳамир тузи⁵ ҳам қўшадилар. [*Иёражлар*] солиб ичиладиган нарсаларнинг энг мувофиғи майиз билан [тайёрланган] девпечак қайнатмаси, хусусан, унинг баъзи [табиблар] томонидан келтириладиган куйидаги нусха бўйича тайёрланадиганидир: девпечакдан – тўрт *дирҳам*; тозаланган майиздан – ўн *дирҳам*; тозаланган қора ҳалиладан – етти *дирҳам*; Рум райхонидан уч *дирҳам* ва сувдан уч *ратл* [олиб], ярим *ратл* қолгунча қайнатилади⁶ ва наҳорга ичирилади. Бунинг кетидан бир *дирҳам* гулхайри уруғи ва ярим *дирҳам*

бодринг уруғини озгина ширин¹ бодом ёғи кўшиб, илиқ сув билан [ичилади]. Уч кунгача бериладиган овқат *зирбож*² билан [шароб] кўшилган сувдан иборат бўлади.

[341] **Иёраж фикро**³, яъни аччик [иёраж]. Бу сабрдан [тайёрланадиган] *иёраждир*; унга дорчин ҳам кўшилади, чунки бу латиф бўлиш билан бирга, ичаклар ҳамда меъдага фойда қилади; унга яна худди шунинг учун ҳамда шу [аъзоларнинг] кувватини саклаш хусусиятига эга бўлгани учун мастаки, шунингдек, Цейлон дорчини ҳам кўшилади. Заъфарон ҳам кўшилади, чунки у [моддаларни] етилтиради ва юрак билан меъдани бақувват қилади. Бироқ заъфарон баъзан бош оғриғини келтириб чиқаради, шунинг учун унинг вазнини камайтиришга ёки уни [бутунлай] кўшмасликка тўғри келади. Туёғўт ҳам [кўшилади], чунки у ични суриш ва рутубатларни туширишга ёрдам беради, баъзан унинг ўрнига келиндона [кўшилади] – бу латиф нарса. Бальзам уруғи ва бальзам ёғочлари меъдани кучайтиргани, эритиб таркатгани ва *подзахрлик* хусусияти бўлгани учун [кўшилади]. Баъзи кишилар сабр келтириб чиқарадиган ичак шилинишининг олдини олиш учун [*иёражга*] қорачайир гулини кўшадилар ёки сабрнинг ҳароратидан келадиган зарарни меъда ва бошдан қайтариш учун қизил гул кўшадилар. Баъзида [*иёражни*] икки ҳисса асал кўшиб ачитилади, баъзан эса ачитилмаган қурук ҳолда бўлади. Аммо мен уни янчиб, мукл суви билан қориб, кулчалар ясайман ва сояда қуригаман. Уларни истеъмол қилганимда улар бошқа хилидан кўра етукроқ бўлиб чиқди. Муклдан, тахминан, бир ҳисса олиш тўғри бўлса керак.

Қадимги табиблар сабрни ислоҳ қилувчи нарсаларнинг миқдори ҳақида турлича фикрда бўлганлар. || *Улардан баъзилари [ислоҳ қилувчи] дориларнинг вазнини сабр вазнига олти ҳисса, баъзиларини эса саккиз ҳисса қилиб оладилар⁴. Баъзан бундан оширадилар ёки камайтирадилар. 480

Гоҳо [*иёражни*] ювилган [сабрдан] тайёрлайдилар, буниси ични кучсизроқ сурадиган бўлади ва иссиқ мизожли ҳамда иситмаси бор кишиларга кўпроқ мувофиқ келади; бироқ уни ҳар бир иситмаси бор кишига ичириб бўлмайди, балки иситмаси енгилларгагина [берилади]. Баъзи [табиблар] ювилмаган сабрдан тайёрлайдилар, буниси ични суришда кучлироқ бўлса ҳам, бироқ иситмали кишиларга кўпроқ зарар қилади; шунга қарамасдан, бир гуруҳ кишилар уни ичганлар ва у буларга унчалик зарар қилмаган. Аччик *иёраж* ични тезликда сурмайди, аксинча, суриши оз-оздан ва аста-секин

бўлади, баъзан у иккинчи куни амал қилади. Бундан ташқари, у [моддаларни баданнинг] узок ерларидан тортиб чиқариш орқали сурмайди, балки меъда ва ичакларга ўзи билан йўлиқиб аралашган нарсаларнигина суради. Унинг тортиш [куввати] етадиган энг узок чегара жигар бўлиб, томирларга етмайди. Аммо хаммага маълум бўлган нусха бўйича [тайёрланадиган *иёраж*] ичак, меъда ва бошқа туғиладиган рутубатларга, шунингдек, бўғин оғриқлари, қуланж, юз фалажи, тилнинг оғирлашиб қолуви ва аъзолар бўшашиб қолишида фойда қилади.

Таркиби. Мастаки, дорчин, туёғўт, сунбул, бальзам уруғи, заъфарон, бальзам ёғочи ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*, сабрдан эса бу дориларга икки ҳисса [олиб] янчилади ва элакдан ўтказилади. Тўла бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, асал ва илик сув билан [ичилади].

Луғозиё иёражи. Бу кўп фойдага эга бўлган муборак *иёраж* бўлиб, баданнинг узок чеккаларидаги [342] барча хилт ва чиқиндиларни дағаллик қилмасдан суриб чиқариш йўли билан [баданни] тозалайди. Шунингдек, у бош касалликлари, бош оғриғи, *шақиқа*, «темир қалпоқ», бош айланиши, васвасалик, жиннилик, тутқанок, карлик, кўркиш, фалаж, [аъзоларнинг] бўшашуви, хатто *сактага* ҳам фойда қилади. Ш а л и с о бобида айтилганидек, шуларнинг ҳаммасида [бу *иёраж*] бурунга тортилади. Бу [*шалисодан*] анча яхши бўлиб, қулоқ ва кўз оғриқларига ҳам фойда қилади, меъдани кучайтиради, жигар тикилмаларини очади, ҳайз қонини юргизади, нафас олишдаги қийналишни йўқотади, тўрт кунда бир тугадиган иситмага, хом балғам ва савдодан келиб чиқадиган барча касалликларга ҳамда даврий иситмаларга фойда қилади. Шунингдек, у бўғин оғриқлари, подагра ва *ирқуннасо* ҳамда «илон касаллиги» ва «тулки касаллигига», бош ва бошқа жойлардаги эски яраларга, песлик, доғлар, темираткилар, пўст ташлаш, мохов, қулғуна, совук шишлар ва саратонга фойда қилади.

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг этидан – беш *дирҳам*; пиширилган денгиз пиёзи, дарахт пўкаги, *сақамуниё*, қора харбақ, қаврак елими ва ёввойи саримсоқларнинг ҳар биридан – тўрт ярим *дирҳамдан*, – бошқа бир нусхада икки ярим *дирҳамдан*, – девпечак, *камодарюс*, муқл ва сабрларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; тоғжанбил, далачай, Ҳинд *содажи*, канавча, тўпалоқ, Цейлон дорчини, қорамурч, оқ мурч, узун мурч, заъфарон, дорчин, чилпоя, говшир, Эрон қавраги, кундуз қири, *мурр*, тоғ петрушқасининг уруғи,

узун аристолохия, эрман шираси, *фарфиюн*, хушбўй сунбул, амом ва занжабилларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; Рум райҳони ва гентиана илдизларининг ҳар биридан бир ярим *дирҳамдан*, асалдан эса етарли миқдорда [олинади]. Тўла бир ичими тўрт *мисқол* бўлиб, илиқ сув ва асал ёки девпечак ва уруғи олинган майиз қайнатмаси билан [ичилади].

Филагрый нусхаси бўйича Луғознӣ нёражи. Абу Жаҳл тарвузининг эти, дарахт пўкаги, сассиқ каврак, оқ харбақ пўстлоғи, *сақамуниё* ва далачойларнинг ҳар биридан – ўн *мисқолдан*; девпечак, чилпоя, муқл, сабр, *камодарюс*, канавча ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – саккиз *мисқолдан*; узун мурч, оқ мурч, қорамурч, дорчин, заъфарон, говшир, Эрон кавраги, кундуз кири, тоғ петрушкаси уруғи ва узун аристолохияларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан* [олиб], кўпиги олинган асал билан қорилади. Тўла бир ичими ҳар кимнинг қувватига қараб, тўрт ёки уч *мисқол* бўлади ва туз қўшилган асал суви билан [ичирилади].

Павел¹ нусхасидаги Луғознӣ нёражи. Абу Жаҳл тарвузининг этидан – йигирма *мисқол*; пиширилган денгиз пиёзи, дарахт пўкаги, сассиқ каврак, қора харбақ пўстлоғи, *сақамуниё* ва далачойларнинг ҳар биридан – ўн *мисқолдан*; чилпоя, девпечак, муқл, сабр, *камодарюс*, канавча ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – саккиз *мисқолдан*; *мурр*, говшир, Эрон кавраги, тоғ петрушкаси уруғи, уч хил мурч², дорчин, заъфарон, кундуз кири ва узун аристолохияларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*, асалдан эса етарли миқдорда [олинади].

Руфус нёражи. Савдо хилти, балғам ва «тулки касаллиги»га фойда қилади.

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг этидан – йигирма *мисқол*; *камодарюсдан* – ўн *мисқол*; Эрон қавраги ва говширларнинг ҳар биридан – саккиз *мисқолдан*; тоғ петрушкаси уруғидан – беш *мисқол*; думалоқ аристолохиядан – беш *мисқол*; кора ва оқ мурчларнинг ҳар биридан – беш *мисқолдан*; дорчиндан – тўрт *мисқол*; Цейлон дорчиндан – саккиз *мисқол*; Рум райҳони, заъфарон, тўпалоқ ва *муррларнинг* ҳар биридан тўрт *мисқолдан* [олинади]. *Муррни тило* шаробиде ивителиди, || [бошқа] дорилар эса янчилади, кейин [ҳаммасини] 481 кўпиги олинган асал билан қориб, идишга кўтариб қўйилади ва керагида истеъмол қилинади.

Бошқа нусха. [343] Абу Жаҳл тарвузининг этидан – йигирма *дирҳам*, Суқутро сабридан – беш *дирҳам*; *хавлинжондан* – ўн

дирҳам; *камодарюсдан* – йигирма *дирҳам*; Эрон кавраги ва говширларнинг ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*; думалок аристолохия, тоғ петрушкаси уруғи ва қора ҳам оқ мурчларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; хушбӯй сунбул, Цейлон дорчини, дорчин, заъфарон, занжабил, *мурр* ва тўпалокларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*, сурёнийга мансуб бўлган бошқа бир нусхада биз кўшимча равишда куйидаги дориларни учратдик: *камофитус*, дарахт пўкаги ва канавчаларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан* [олинади]. Буларни янчиб, асал билан қорилади. Бир ичими тўрт *дирҳам* бўлиб, иссиқ сув, асал ва туз билан наҳорга, иситмадан кейин [ичирилади].

Архиген¹ и ё р а ж и. Умумий нусха. Хом балғамдан туғиладиган барча касалликларга, кўпчиш ва савдога, шунингдек, бош айланиши ва бош оғриғига, катарактанинг бошланиш даври, овознинг рутубатли бўғилиши, томоқ оғриқлари, нафас олишнинг қийинлиги, тиришиш ҳамда ғализ моддалардан пайдо бўладиган чиқикларга фойда қилади. Шунингдек, унинг сарик сув ва кўтирга ҳам фойдаси бор. Меъда, қорин ва бачадон оғриқларида уни газгаўт қайнатмаси билан ичирилади; баъзан унга бир оз – уч *қиротгача* кундуз қиридан ҳам кўшадилар. Бел, орқа, буйрак ва мойк оғриқларида – петрушка қайнатмаси билан, *ирқуннасо* ва шунга ўхшаш [касалликларда] *луфо* қайнатмаси билан [ичирилади], баъзан бунга ёввойи бодринг шираси ёки ичига тўрт *қирот* Абу Жаҳл тарвузи кўшилган бўйимодарон суви ҳам аралаштирилади. Бу [*иёражни*] кутурган ит қопганга ҳам ичирилади, шунда у сувдан кўркишдан сақлайди, айникса, уни бир *дирҳам* куйдирилган дарё қискичбакаси билан ичирилса [шундай бўлади].

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг этидан – йигирма икки *дирҳам*; канавча, Рум райҳони, қора харбак, *камодарюс*, *сақамуниё*, оқ мурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан – икки *уқиядан*; пиширилган денгиз пиёзи, *фарфиюн*, сабр, заъфарон, гентиана илдизи, тоғ петрушкаси уруғи, каврак елими ва говширларнинг ҳар биридан – бир *уқиядан*; тўпалок, дорчин, Эрон кавраги, *мурр*, сунбул, қорачайир, тоғ ялпизи ва думалок аристолохияларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; асалдан эса етарли миқдорда [олинади]. Бир ичими тўрт *мисқол* бўлиб, девпечак ва [уруғидан] тозаланган майиз қайнатмаси билан [ичирилади].

Павел нусхасидаги Архиген и ё р а ж и. Канавча, дарахт пўкаги, *камодарюс*, Абу Жаҳл тарвузининг эти ва Рум райҳонларининг ҳар биридан – йигирма *мисқолдан*; говшир, Эрон кавраги, тоғ петруш-

каси уруғи, думалок аристолохия ва оқ мурчларнинг ҳар биридан – беш *мисқолдан*; дорчин, тўпалок, сунбул ва заъфаронларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан* [олинади]. Курук дорилар янчилади, елимлар эса майдалаб, асалда ивителиди, кейин [ҳаммаси] аралаштирилади. Бир ичими тўрт *мисқол* бўлиб, бир *дирҳам* янчилган туз ва асал суви билан [ичирилади].

Катта тиёдаритус¹. Совук мизож бузилиши, [баданнинг хилтлар билан] тўлиқлиги, ёпишқоқ қуюқ чиқиндилар, унутувчанлик, кўз олдининг қоронғилашуви, нафас олишнинг қийинлашуви, увушиш, жигар, меъда, талок, буйрак ва бачадон оғриқлари, ҳайзнинг тўхталиб қолиши ва қуланжга фойда қилади. У машаққатсиз сургидир. Бир ичими тўрт *мисқол* бўлиб, девпечак ва дарахт пўкаги қайнатмаси ёки иссиқ сув билан [ичирилади].

Таркиби. Сукутро сабридан – ўн беш *дирҳам*; оқ дарахт пўкагидан – йигирма *дирҳам*; заъфарон, дорчин, игир, мастаки ва бальзам ёғларининг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; Чин ровочидан – бир ярим *дирҳам*; бальзам ёғочи, бальзам уруғи, *фарфиюн*, узун мурч, оқ мурч, қорамурч, Рум гентианаси илдизи ва қорачайир гулларининг ҳар биридан – [344] икки *дирҳамдан*; аччиқ қуст, *камодарюс* ва девпечакларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; туёғўт, Цейлон дорчини ва *сақамуниёларнинг* ҳар биридан – олти *дирҳамдан*; хушбўй сунбулдан – уч ярим *дирҳам*; ёввойи укроп илдизи ва амомларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* [олинади]. Бу дориларни янчиб эланади ва кўпиги олинган асал билан қориб, идишга кўтариб қўйилади; сўнгра олти ойдан кейин истеъмол қилинади.

Бошқа тиёдаритус. Совуклик ва балғамдан кўзғаладиган барча касалликларга фойда қилади.

Таркиби. Сабрдан – ўттиз *дирҳам*; дарахт пўкагидан – ўн икки *дирҳам*; игир, заъфарон, дорчин, чаёнўт, савринжон ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; *камодарюс*, оқ мурч, туёғўт ва бальзам ёғочларининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; қорамурч ва қундуз қирилларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; Чин ровочи, ёввойи укроп илдизи ва сунбулларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; асалдан эса етарли миқдорда [олинади]. Бир ичими тўрт *дирҳам* бўлиб, иссиқ сув билан [ичирилади]. Уни олти ой эскитиб қўйилади.

Бошқа тиёдаритус. Юқоридаги касалликларга фойда қилади.

Таркиби. Катта бобунадан – ўн саккиз *дирҳам*; мускат ёнғоғидан – ўн икки *дирҳам*; Сукутро сабридан – олтмиш *дирҳам*,

482 дарахт пўкагидан – кирк тўрт *дирҳам*, Чин ровочидан – уч *дирҳам*; ок мурч ва гентиана илдизларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*, заъфарон, қалампирмунчоқ, игир, чаёнўт ва дорчинларнинг ҳар биридан – олти *дирҳамдан*; туёғўт ва бальзам ёғочларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*, Цейлон дорчини || ва *сақамуниёларнинг* ҳар биридан – ўн икки *дирҳамдан*, сунбулдан – саккиз *дирҳам*, ёввойи саримсоқдан – тўққиз *дирҳам*, амом, рўян, қорамурч, узун мурч ва қорачайирларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; гулсапсар илдизидан саккиз *дирҳам* [олинади]. Буларни янчиб эланади ва етарли микдордаги асал билан қориб, олти ойгача эскитиб қўйилади. Бир ичими тўрт *дирҳам* бўлиб, иссиқ сув билан [ичилади].

Мускат ёнғоғи билан тайёрланадиган т и ё д а р и т у с. Бошнинг барча эски касалликларига, жиннилик, васвасалик, бош оғриғи, бош айланиши, тутқаноқ, шунингдек, кўзнинг заифлиги, жигар, талок ва буйрак оғриқлари ва қуланжга фойда қилади; тўхталиб қолган ҳайз қонини ҳайдайди. Яна у мохов ва песликка, подагра, бўғин ва бел оғриқларига ҳамда эски иситмаларга [фойда қилади]. У ични азият бермасдан суради.

Таркиби. Сабрдан – олтмиш *дирҳам*, дарахт пўкагидан – йигирма тўрт *дирҳам*, ёввойи саримсоқ, бальзам ёғочи, бальзам ёғи ва бальзам уруғларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; қустдан – уч *дирҳам*, игир, мастаки, дорчин ва қалампирмунчоқларнинг ҳар биридан – олти *дирҳамдан*; Цейлон дорчини ва мускат ёнғоқларининг ҳар биридан ўн икки *дирҳамдан*, девпечакдан ўн саккиз *дирҳам*, сунбулдан олти *дирҳам*, *камодарюсдан* саккиз *дирҳам*, ёввойи укроп илдизидан икки *дирҳам*, уч хил мурч ва *фарфиюнларнинг* ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, қорачайир гулидан икки *дирҳам*, гентиана илдизидан тўрт *дирҳам*, амомдан икки *дирҳам*, *сақамуниёдан* ўн саккиз *дирҳам*; кўпиги олинган асалдан етарли микдорда [олинади]. Бир ичими – тўрт *дирҳам* бўлиб, девпечак қайнатмаси билан [ичирилади].

Ични сурувчи бошқа¹ т и ё д а р и т у с. Сабрдан – олтмиш *дирҳам*, дарахт пўкагидан – йигирма тўрт *дирҳам*, мастаки, заъфарон, игир, дорчин ва сунбулларнинг ҳар биридан – олти *дирҳамдан*, аристология, бальзам уруғи, бальзам ёғи, бобуна ёғи, *фарфиюн*, уч хил мурч ва гентиана илдизларининг [345] ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; *камодарюс* ва қустларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*, Цейлон дорчини ва девпечакларнинг ҳар биридан – ўн икки *дирҳамдан*; *мурр*, қорачайир гули ва амомларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*,

сақамуниёдан йигирма *дирҳам*, асалдан етарли миқдорда олинади. *Бир ичими¹, истеъмол қилиниши ва фойдалари олдингиники сингаридир.

Жолинус нёражи, умумий нусха. Унинг фойдалари шундан иборатки, у *тиёдаритус* ва *лугозиёга* қараганда латифрок ва таъсирчанрок бўлиб, фалаж, юз фалажи, тиришиш ва [аъзоларнинг] бўшашувига фойда қилади, баданни ёпишқоқ, қуюқ ва хилма-хил чиқиндилардан тозалайди ҳамда бўшашган қовуқни маҳкамлаб, сийдикнинг ихтиёрсиз чиқишини [тўхтатади].

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг эти, дарахт пўкаги, пиширилган денгиз пиёзи, каврак елими, *сақамуниё*, қора харбақ, далачой ва *фарфиюнларнинг* ҳар биридан—ўн олти *дирҳамдан*; чилпоя, девпечак, кўк муқл, *камодарюс*, канавча ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан — етти *дирҳамдан*; *мурр*, Эрон кавраги, узун аристолохия, уч хил мурч, дорчин, говшир, кундуз қири ва тоғ петрушкаси уруғларининг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* [олинади]; баъзи кишилар бунга яна тўрт *дирҳам* заъфарон ҳам қўшадилар. Бу дориларни янчиб эланади ва ивийдиганлари *мусалласда* ивителиди, кейин [ҳаммаси] кўпиги олинган асал билан қориб, олти ойдан кейин керагида истеъмол қилинади.

Павел нусхасидаги Жолинус нёражи. *Камодарюс*, ок мурч, узун мурч, дарахт пўкаги, Рум райҳони, қора харбақ, *сақамуниё*, сунбул, девпечак ва пиширилган денгиз пиёзларининг ҳар биридан — олти *мисқолдан*; *мурр*, заъфарон, каврак елими ва далачойларнинг ҳар биридан саккиз *мисқолдан*, асалдан эса етарли миқдорда олинади.

Ибн Сарофиюн нусхасидаги Жолинус нёражи. Абу Жаҳл тарвузининг этидан — тўрт *дирҳам*; *камодарюс*, пиширилган денгиз пиёзи, дарахт пўкаги, *сақамуниё*, қора харбақ, Рум райҳони, каврак елими ва далачойларнинг ҳар биридан — уч *дирҳам* ва бир *донақдан*; девпечак, тўпалок, муқл, *камофитус*, канавча, сабр, Цейлон дорчини ва чилпояларнинг ҳар биридан — бир ярим *дирҳамдан*; уч хил мурч, *мурр*, дорчин, заъфарон, говшир, Эрон кавраги, кундуз қири, тоғ петрушкаси уруғи, думалок аристолохия, гентиана илдици ва *фарфиюнларнинг* ҳар биридан ярим ва учдан бир *дирҳам*, асалдан эса етарли миқдорда [олинади]. Бир ичими — *лугозиёникича*, фойдалари ҳам ўшаники сингари.

Букрот нёражи. Меъдадаги рутубатга, ёмон буғлардан пайдо бўладиган бош оғриқларига ҳамда зўр ғамга фойда қилади.

Таркиби. Гентиана илдизи, сунбул, думалок аристолохия, Цейлон дорчини ва дорчинларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; тоғ петрушкаси уруғи, *камодарюс*, Рум райҳони, мурч илдизи, тоғ ялпизи ва чаёнўтларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; *муррдан* – тўрт *дирҳам*; бон донаси ва заъфаронларнинг ҳар биридан – бир ярим *дирҳамдан*; кизил сабрдан ўн саккиз ярим *дирҳам*, Абу Жаҳл тарвuzининг этидан олти *дирҳам* [олиб], асал билан қорилади ва олти ойдан кейин истеъмол қилинади. Бир ичими – тўрт *дирҳам*.

Букротнинг бошқа иёражи. Жиннилик, васвасалик, бош айла ниши, кучли бош оғриғи, тиришиш, кўлларнинг ёрилиши, бўғин оғриқлари, ақл чалкашлиги, зехннинг ёмонлиги, *интишор*, катарак танинг бошланиши, мохов, песлик, фалаж, юз фалажи ва темир ат киларга фойда қилади.

483 Таркиби. Ёввойи бодринг, [346] уч хил || мурч ва *камодарюсларнинг* ҳар биридан – беш *мисқолдан*; заъфарон, *мурр* ва *сақамуниёларнинг* ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; каврак елимидан бир *дирҳам* ва асалдан етарли миқдорда [олинади]. Бир ичими – ярим *уқия*, иссиқ сув билан [ичилади].

Табиб Андромах иёражи. Меъда ва қорин оғриғига фойда қилади.

Таркиби. Дорчин, қора Цейлон дорчини, хушбўй камиш, бальзам ёғочи, қорачайир гули ва ёввойи сачраткиларнинг ҳар биридан уч ярим *уқиядан* [олинади]. Бу дориларни янчиб, янги сопол қозонга солинади ва устига олти *донақ* ёмғир сувидан солиб, ярми қолгунча қайнатилади ва сузилади. Кейин кизил сабрдан бир *ратл* олиб, устига етарли миқдорда ёмғир суви солинади ва тозаланиши учун куннинг ярмида эзиб ювилади, сўнгра устига дориворларнинг сувини солиб, қуригунча офтобда ишкаб эзилади. Шундан кейин яна эзиб майдалаб, устига заъфарон, *мурр* ва чаёнўтларнинг ҳар биридан – уч *уқиядан*, – қадимги бир нусха бўйича бир *уқиядан*, – солинади, сўнгра ҳаммасини янчиб, шиша ёки сопол идишга солиб қўйиб, истеъмол қилинади.

Бу [*иёраж*] тиришишга, урилиш ва йиқилиш [изларига], синишга, барча хил бикин оғриқларига, меъданинг кўпчиши ва оғриқларига, шунингдек, қон туфлаш ва ёнбош оғриқларига фойдалидир. Тўла бир ичими бир *дирҳам* бўлиб, илиқ сув билан ичирилади, бироқ ҳар бир кишига унинг қувватига қараб [берилади]. Қаттик шишларда у *сиканжубин* билан [истеъмол қилинади], кўз яллиғлашига қарши ялпиз ёки итузумнинг сиқиб олинган суви билан қўшиб боғланади,

орқа тешик шишларида эса кизил гул ёғи ва яхши шароб билан [ишлатилади]. Бу [*иёражни*] узум сиркасида ивитиб [қўйилса], тирноқда чиқадиган яраларга ҳам фойда қилади. Оғиз куйганда у билан гарғара қилинади.

Андрох нёражи. Ҳайз қони тўхтаб қолганда, мохов [касаллигида] ва кўркоқликда фойда қилади.

Таркиби. Рум райҳони, *камофитус*, дарахт пўкаги, қора харбақ, қора ва оқ мурч, мозариюн, *сақамуниё* ва пиширилган денгиз пиёзларининг ҳар биридан – ўн саккиз *дирҳамдан*; заъфарон, *фарфиюн* ва қаврак елимининг ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*, *муррдан* – тўрт *дирҳам*; *қиссо ул-ҳаййанинг*¹ ичидан уч *дирҳам* ва асалдан беш *ратл* [олинади]. Бир ичим икки *дирҳам* бўлиб, асал, сув ва туз билан [ичилади].

Филагор² нёражи. Меланхолияга фойда қилади, мия пардаларини тозалайди ва ер [моддалари бўлган] ёпишқоқ ва қуюқ каймусларни туширади.

Таркиби. Канавча, Рум райҳони, қора харбақ, *камофитус*, *камодарюс*, тоғ петрушкаси уруғи, *фулиюн*, яъни *жулах*, думалок аристолохия, заъфарон, гентиана илдизи, чаёнўт, катиро, *содаж*, туёғўт, амом, қуст, дорчин, тоғ сунбули илдизи, ёввойи укроп илдизи, мурч, бальзам уруғи, ёввойи саримсоқ, Цейлон дорчини, далачай, қорачайир гули ва сунбулларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; девпечак, дарахт пўкаги, чилпоя ва Абу Жаҳл тарвузи этларидан – уч *дирҳамдан*; Сукутро сабридан олти *уқия* [олиб] янчилади ва қориб, олти ой эскитиб қўйилади. Бир ичим учдан бир *уқия* бўлиб, иссиқ сув билан [ичилади].

Бустус³ нёражи. Кўзга фойда қилиб, уни кучайтиради, доимий оғриғини босади, шунингдек, меъда, талоқ ва жигар оғриқларига ҳамда савдо ва балғамдан келиб чиқадиган оғриқларга фойда қилади; бош айланишига ва «тож» деб аталадиган оғриққа ҳам фойда қилади.

Таркиби. *Камодарюсдан* – ўн икки *уқия*, дарахт пўкагидан – ўн олти *уқия*, – бир нусхада, – дарахт пўкагидан – ўн *уқия*, – Абу Жаҳл тарвузининг этидан – икки *уқия*, Рум райҳони ҳамда қора ва оқ мурчларнинг ҳар биридан – ўн икки *уқиядан*; ёввойи укроп илдизидан уч *уқия*, заъфарондан ўн саккиз *уқия*, қора харбақ, *сақамуниё* ва Сукутро сабрларининг ҳар биридан – ўн олти *уқиядан*, қаврак елимидан саккиз *уқия*, *фарфиюндан* – ўн саккиз *уқия* ва пиширилган денгиз пиёзидан ўн икки *уқия* [олинади] ва майдалаб асал билан

корилади. [347] Бир ичими тўрт *дирҳам* бўлиб, олти ойдан кейин [истеъмол қилинади]. Бошқа бир нусхада: сунбул ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – ўн икки *уқиядан*; уни иситмадан кейин девпечак ивйтмаси билан ичилади.

Таъму¹ Антокий иёражи. Тиришиш, бош оғриғи, бошда эскидан давом этиб келаётган оғриқлар, савдодан келиб чиқадиган кўрқоклик ва бўғинларнинг калтирашига фойда қилади.

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг этидан – йигирма *дирҳам*, *камодарюс*, канавча, дарахт пўкаги ва Рум райҳонларининг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; узун аристолохия, тоғ петрушкаси уруғи, оқ мурч, Эрон кавраги ва говширларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; *мурр*, сунбул, *жулах*, заъфарон ва дорчинларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан* [олинади]. Хўл [дориларни] асалда эритиб, оловда аста-секин қайнатилади; кейин куруклари майдалаб, [эритмага] қўшилади ва аралаштириб қўйиб, олти ойдан кейин истеъмол қилинади.

Бошқа иёражнинг нусхаси. Кўриш қувватини орттириб, кўзни кучайтиради, шунингдек, бош оғриғи ва бошнинг лўқиллашига ҳамда меъда, жигар ва талок касалликларига фойда қилади.

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг этидан – ўн *дирҳам*, *камодарюс*, Цейлон дорчини ва уч хил мурчларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; сабр, *мурр*, эркак кундур елими ва заъфаронларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; *сақамуниёдан* олти *дирҳам*, эрман ширасидан икки *дирҳам*, асалдан эса етарли микдорда [олинади].

484 Бир ичими тўрт || *дирҳам* бўлиб, иссиқ сув билан [ичилади].

Тажрибадан ўтказилган бизнинг иёраж. Харбақдан – бир *дирҳам*, Абу Жаҳл тарвузининг этидан – бир *мисқол*, сабрдан – беш *мисқол*, Ҳинд тузидан – биру учдан бир *дирҳам*, дарахт пўкагидан – бир *мисқол*, арман тошидан – ярим *мисқол*, кизил гулдан – бир *дирҳам*, оқ мурчдан – бир *мисқол*, занжабилдан – икки *мисқол*, игир, амом, туёғўт, бальзам уруғи, тоғжанбил, каклигўти, петрушка уруғи, ёввойи сабзи уруғи ва сабзи уруғларининг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*, говзабондан – ўн *дирҳам*, райҳон уруғи, тукли райҳон уруғи, лимон исли райҳон уруғи, цитрон уруғи ва курук ялпизларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; девпечакдан бир ярим *дирҳам* олинади. Буларнинг ҳаммасини ўзига икки ҳисса асал билан қориб, олти ойгача сақлаб қўйилади, сўнгра истеъмол қилинади.



УЧИНЧИ МАҚОЛА

ИЧНИ СУРАДИГАН ВА СУРМАЙДИГАН ЖУВОРИШНЛАР¹

Биз бу Жумлада машҳур ва [фойдаси] умумийроқ бўлган *жуворишларни* эслатиб ўтмоқчимиз, кам фойдага эга бўлганларини баён қилиш учун мувофиқроқ ўрин эса Иккинчи жумладир.

Зира жуворишни². Ички аъзоларда совуқдан пайдо бўладиган оғриқларга ва *кексаларда балғамдан бўладиган касалликларга³ фойда қилади, меъдани кучайтиради, овқатни ҳазм қилади, «ит иштаҳаси» ва нордон кекирикни йўқотади. Бир ичими бир мози миқдориди бўлиб, иссиқ сув билан [ичилади]. У яна савдо ва балғамдан келиб чиқадиган совуқ иситмаларга ҳам фойда қилади.

Таркиби. Бир кеча-кундуз узум сиркасида ивитиб қўйиб, кейин қуритиб, қовурилган Кермон зираси, сояда қуритилган газাগўт барги, мурч ва занжабилларнинг ҳар биридан беш *истордан* ва арман бурақидан⁴ ўн *дирҳам* олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин аралаштирилади ва кўпиги олинган асал билан қориб, идишга кўтариб қўйиб, истеъмол қилинади.

Жолинус тайёрлаган зира жуворишни. Совуқ еллар ва меъда бузилишида фойда қилиб, елларни хайдайди ва овқати ҳазм бўлмайдиган кишига фойда қилади.

Таркиби. Бурақдан⁵ ярим ҳисса, сиркада ивитиб, кейин қовурилган Кермон зираси, оқ мурч, қорамурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан бир ҳиссадан [олинади]. Бу икки нусха асосида тайёрланади: баъзан барча таркибий қисмларни, яъни зира, мурч, газাগўт ва бурақлар баробар ҳиссадан олинади; [348] бу хили табиатни жуда эритиб юмшатади. Баъзида эса барча қисмларни баробар вазнда олиб, бурақдан шу вазннинг ярмича олинади.

Кермон зирасидан [яхшисини] танлаб олиб, ўткир сиркада ивителиди ва сўнгра қовурилади. Мурч оқ бўлиши керак, чунки бу хили бошқа икки хили, яъни узун мурч ва қорамурчга қараганда меъдани кўпроқ кучайтиради; бундан ташқари, у майда ва буришган бўлмаслиги, пўсти ҳам қалин бўлмаслиги лозим, аксинча, оғир

ваззли, йирик ва яхшилари танлаб олинади. Буракка келсак, – агар дори табиати тўхталиб қолган киши учун тайёрланадиган бўлса, – буракнинг *натрун баҳариқун* деб аталадиган кизил хили ишлатилади; агар табиати [яъни ичи] суюк киши учун тайёрланса, бошқа хил бурак истеъмол қилинади, шунда ҳам ундан эслатиб ўтилган ҳар бир дориларнинг ярмисича қўшилади. Газагўтнинг барги ҳам бир миқдор қуритилган бўлиши керак, чунки агар у қаттиқ қуритилган бўлса, иссиқ ва аччиқ бўлиб, керагидан ортик киздирадиган бўлиб қолади. Агар яхшигина қуритилмаса, унда ортикча рутубат қолади ва у ҳақиқий ҳазм бўлишгача бориб етолмайди, шу сабабли дамлик бир галда кетказилмайди.

Шу тўрт хил нарса кўпинча, кўпиги олинган асал билан аралаштирилади, баъзан эса ҳеч нарса билан аралаштирмасдан, асалсиз алоҳида сақланади. Эҳтиёж туғилганда уни арпа суви ёки бошқа бирон мувофиқ овқатга солиб, [истеъмол қилинади]. Бу дорини алоҳида, овқатдан олдин ва кейин истеъмол қилинади. Кўпиги олинган асал билан аралаштирилганини шу [кейинги] ҳолда¹ ишлатиш яхшироқ, чунки у дамликни бутунлай кетказди. Агар бу дорининг елни кўпроқ таркатиб, кучлироқ бўшатиши лозим бўлса, [қўшиладиган] асал яхши бўлиши керак.

Сен шуни ҳам билгинки, агар бўшалишнинг кучлироқ бўлишини истасанг, [*жуворишнга*] кирадиган дориларни йирикроқ янчишинг керак. Мен бир кишини биламан, у бу дорини жуда яхшилаб янчибди, чунки у мен ҳозир айтган нарсани билмас экан, натижада [дори] табиатни мутлақо юмшатмаган, аксинча, кучли равишда сийдикни хайдаган. У киши таажжубланиб, содир бўлган воқеанинг сабабини сўраб, менинг олдимга келди; у касалнинг гавдасидаги маълум бир хусусият шундай ҳодиса рўй беришига сабаб бўлган, деб ўйлаган экан. Мен бунинг сабаби [дорини] таркиб қилиш усулида эканлигини тушунтирганимдан кейин, у мен айтгандек қилиб, бошқатдан таркиб қилган эди, [дори] тўла таъсир кўрсатди. Бошқа дориларни таркиб қилишда ҳам шу [майдалаш] чегарасини эсда тутиш лозим.

Дискулитус² жуворишни. Меъда [мизожининг] кучли совуқлиги, нордон кекирик, «ит иштаҳаси», балғамсимон қуюқ қаймусларнинг кўплигидан бўладиган ҳикичок, шунингдек, совуқлик ва ҳазм бузилиши вақтида бўладиган эски иситмаларга [истеъмол қилишга] мос келади.

Таркиби. Сиркада ивитиб қуритилган зирадан ўн беш *истор*, мурч, занжабил, қуруқ газагўт ва бурақларнинг ҳар биридан йигир-

ма *дирҳамдан* [олиб] || майдаланади ва кўпиги олинган асал билан қориб, истеъмол қилинади.

Жолинус нухаси асосида [тайёрланидиган] сув ялпизи жуворишни. Сув ва чўл ялпизи ҳамда тоғ петрушкаси уруғларининг ҳар биридан – ўн икки *драхмийдан*; занжабилдан – олти *драхмий*, петрушка уруғи ва тоғжанбил косачаларидан – тўрт *драхмийдан*; *кошимдан* ўн олти *драхмий*, мурчдан қирқ саккиз *драхмий* ва Рум сассик қаврагидан беш *драхмий* [олиб] янчиб, кўпиги олинган асал билан қорилади.

Мирта жуворишни. Ичнинг суюқлигига, балғам ва рутубат қусишга ва меъда сабабли бўладиган ҳазм бузилишига фойда қилади.

Таркиби. Қуритилган яхши мирта уруғидан – бир *манн*, қора ҳалила, балила, омила ва *толисфарларнинг* ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; мурч, узун мурч ва занжабилларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; мастаки, ёввойи зира, қора зира, Рум арпабодиёни, зира, сунбул, Цейлон дорчини, қокила ва қустларнинг ҳар биридан – олти *дирҳамдан*; мускат ёнғоғи, петрушка уруғи ва жуводаларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; Ҳинд содажи [349] ва амомларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* [олиб] янчилади ва кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичими – бир *дирҳам*.

Хузий [жуворишига]¹ ўхшаш жуворишн. Бу яхши – [*жуворишн*].

Таркиби. Мирта уруғидан – бир ярим *кайлажа*, сунбулдан – уч *уқия*, қобиғи билан олинган мускат ёнғоғидан – ярим *ратл*, қалампирмунчок, қокила, ковурилган Рум арпабодиёни, ковурилган петрушка уруғи ва *ушналарнинг* ҳар биридан – икки *уқиядан*, мускат ёнғоғи қобиғидан – бир ярим *уқия*; Цейлон дорчинидан тўрт *уқия*, Кобул ҳалиласи, балила ва омилаларнинг ҳар биридан уч *уқиядан* [олинади]. Бу дориларни хушбўй шаробда бир қайнатиб олинади, кейин суюқликдан ажратиб, беҳи сувида қайнатилади, шундан кейин, уларни яна сувдан ажратиб, иссиқ товада қуритилади ва майдалаб *майбиҳ* билан ҳўлланади. Бир ичими уч *мисқол* ёки уч *дирҳам* бўлиб, беҳи суви билан [ичилади].

Салмавайҳга² мансуб бўлган ва Мутаваккил³ [учун тайёрланган] жуворишн. Меъдани кучайтиради ва ҳазм бузуқлигига фойда қилади. Исроил⁴ буни Мутаваккилга ичираар эди, шунинг учун бу – тажрибадан ўтказилган яхши [*жуворишн*].

Таркиби. Сунбул, қалампирмунчок, дорчин, мускат ёнғоғи,

қокила ва яхши омила шираларининг ҳар бирдан – бир *мисқолдан*; ок мурч, занжабил ва кундуз кирилларининг ҳар бирдан – икки *драхмийдан*; ок эркак кундур елимидан тўрт *драхмий*, новвотдан эса дориларнинг ҳаммасича [олинади]. Дориларни новвот билан аралаштириб, кўпиги олинган асал билан қориштирилади. Бир ичими – уч *мисқол*.

Зирадан тайёрланидиган бошқа [жуворишн]. Совукдан кўзғаладиган қорин оғриқларига, тўрт кунда бир тутадиган иситмага, «ит иштаҳаси»га, балғам ва савдодан бўладиган иситмаларга, кексаларда бўладиган балғам кўплигига, меъдадаги кучли совукликка, нордон кекирикка ва балғамли чиқиндиларнинг кўплигидан пайдо бўладиган сўлакка фойда қилади. Бир ичими бир мозича бўлиб, иссик сув билан [ичилади].

Таркиби. Бир кеча-кундуз сиркада ивитиб кўйиб, кейин ковурилган зира, курук газাগўт, занжабил ва мурчларнинг ҳар бирдан ўн *истордан* ва арман бурақидан ўн *дирҳам* [олиб], кўпиги олинган асал билан қорилади.

Зирадан тайёрланидиган бошқа жуворишн. Яхши ва янги Кермон¹ зирасидан етти *уқия* олиб, узум сиркасида бир кеча-кундуз ивитиб кўйилади. Кейин [сиркадан] олиб, супрага ёйилади ва ағдариб турилади. У қуригандан кейин паст оловда бир оз ковуриб олинади. Яна уч хил мурчдан уч *уқия*, Чин занжабилидан тўрт *дирҳам* ва арман бурақидан икки *дирҳам* олиб, [ҳаммаси] аралаштирилади ва асал билан қорилади.

Мурч жуворишни². *Ибрида*, хом балғам, меъда оғриғи, [овкатнинг] ёмон ўзлаштирилиши, ғализ еллар, нордон кекирик ва «ит иштаҳаси»га фойда қилади.

Таркиби. Ок мурч, қорамурч ва узун мурчларнинг ҳар бирдан – уч *уқиядан*, – бошқа бир нусхада икки *уқиядан*, – бальзам ёғочидан – бир *уқия*, амом ва сунбулларнинг ҳар бирдан – тўрт *дирҳамдан*; занжабил, петрушка уруғи, Рум сассик қавраги, Цейлон дорчини, туёғўт ва қора андизларнинг ҳар бирдан бир *дирҳамдан* [олиб] янчилади ва элакдан ўтказиб, кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, илиқ сув билан наҳорга [ичилади].

Жуворишн алқадодикун³. Меъда оғриқларига ва ғализ елларни туғдирувчи заиф ва совуқ жигарга фойда қилади.

Таркиби. Занжабил, мурч ва хушбўй сунбулларнинг ҳар бирдан – олти *дирҳамдан*; мастаки ва жувоналларнинг ҳар бирдан – тўрт *дирҳамдан*; петрушка уруғи ва *ҳирозмоларнинг*⁴ ҳар бирдан

– беш *дирҳамдан*; Кермон зираси, Цейлон дорчини, бальзам уруғи ва назла ўтларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* ва Ҳинд *содажидан* бир *дирҳам* [олинади]. Бу дориларни янчиб элагандан кейин кўшилади, кўпиги олинган асал билан қориб, идишга кўтариб олиб кўйилади ва керагида истеъмол қилинади.

[350] Хузий жуворишни¹. Ич кетиш, [овқатнинг] ёмон ўзлаштирилиши ва меъданинг заиф ҳам совуқлигига фойдалидир.

Таркиби. Қуст, *қирфа*, хушбўй сунбул, бальзам уруғи ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*, мускат ёнғоғидан – беш дона; қоқила, қалампирмунчок, Рум арпабодиёни, қашқарбеда ва Ҳинд чакамуғларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; мускат ёнғоғининг қобиғидан || – уч *дирҳам*; *баранкдан* – уч *дирҳам*, *норимушкдан* – тўрт *дирҳам*; Чин ровочи, аристолохия² ва *ушналарнинг* ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; тўпалоқ ва занжабилларнинг ҳар биридан – ўн *истордан*; хушбўй камиш, мурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; уруғи олинган қора ҳалиладан – икки *истор*, уруғи олинган балиладан – ўн дона; курук мирта уруғидан ярим Жўндишопур *қафизи* микдорида [олинади]. Бу дориларни янчиб, элакдан ўтказилади ва ҳаммасини кўшиб, шакарқамиш асали³ билан қорилади; сўнгра бир идишга кўтариб олиб кўйиб, икки ойдан кейин истеъмол қилинади.

Хузий жуворишнининг бошқа нусхаси. Жигар ва меъданинг заифлиги ва совуқлигига, ич кетишига ҳамда [овқатнинг] ёмон ўзлаштирилишига фойдалидир. Шунингдек, «сарик сув»⁴ [пайдо бўлиши] хавфи бор кишиларга ҳам фойда қилади; у яна талоқ учун яхши ва сийдикни юргизади.

Таркиби. Қуст, *қирфа*, сунбул, бальзам уруғи ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; мускат ёнғоғидан – беш дона; қоқила, қалампирмунчок, Рум арпабодиёни, қашқарбеда, чакамуғ ва *норимушкларнинг* ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; мускат ёнғоғи қобиғидан – уч *дирҳам*, Кобул барангидан – саккиз *дирҳам*; Чин ровочи, узун аристолохия ва *ушналарнинг* *ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; тўпалоқдан – ўн *истор*; хушбўй камиш, мурч ва узун мурчларнинг⁵ ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; қора Кобул ҳалиласидан икки *истор*, балиладан – ўн дона, мирта уруғидан барча дориларнинг вазнича [олинади]. Буларни сурмадек янчиб, новот шираси⁶ билан қориштирилади. Бир ичимчи бир мози микдорича бўлиб, совуқ сув билан [ичилади]. Бошқа бир нусхада занжабилдан – ўн *истор* [деб кўрсатилган].

Анбар жуворишни номи билан танилган Хусрав жуворишни. Бу жуворишни ажам¹ подшолари истеъмол қилар эдилар. У совуқ касалликларга, хусусан, буйракда бўладиганларига фойда қилади, жинсий қувватни оширади, шунингдек, фалаж, юз фалажи, калтироқлик ва хафаконга фойда қилади; эсда сақлаш қобилияти ва зеҳни оширади, меъдадаги рутубатларни қуритади ва хазмни яхшилади. Бу кексаларга мос дорилардан биридир.

Таркиби. Катта ва кичик қокила ҳамда мускат ёнғоғи қобикларидан – тўрт *дирҳамдан*; занжабил ва узун мурчларнинг ҳар биридани – икки *истордан*; дорчиндан – тўрт *дирҳам*; *ушнадан* – икки *дирҳам*; кирфадан – бир *дирҳам*; калампирмунчок ва заъфаронларнинг ҳар биридани – ўн *дирҳамдан*; мускат ёнғоғидан – беш *дирҳам*; – бир нусхада: беш дона, – хушбўй сунбул, мастаки ва анбарларнинг ҳар биридани – икки *дирҳамдан*; мушкдан – бир *дирҳам*; мингдево-на уруғи ва афюнларнинг ҳар биридани бир *дирҳамдан* ва бальзам ёғидан олти *дирҳам* [олинади]. Бу дориларни янчиб элагандан кейин қўшилади, афюнни эса бир *ускурража* яхши шаробда ивителиди. Кейин [ҳаммасини] кўпиги олинган асал билан қориб, олти ойдан кейин истеъмол қилинади. Анбар бальзам ёғи билан эритилади ва ҳамма дориларни ҳўллашга етарли миқдорда сут ҳам қўшилади.

Шахриёрлар² жуворишни. Жигар ва меъда совуклигига, «сарик сувга» ва савдо хилтига қарши фойдалидир; у ични суради.

Таркиби. Ҳинд чакамуғи, занжабил, мурч, узун мурч, *қирфа*, кичик қокила, калампирмунчок, *ноғбушт*, Ҳинд *содажи*, буғдой крахмали, мастаки, катта қокила, дорчин, хушбўй сунбул, Цейлон дорчини, петрушка уруғи, жувона, арпабодиён уруғи ва Рум арпабодиёнларининг ҳар биридани – олти *дирҳамдан*; Крит девпечаги ва турбудларнинг ҳар биридани – ўн икки *дирҳамдан*; [351] *сақамуниёдан* ўн *дирҳам* ва новвотдан йигирма *дирҳам* [олинади]. Бу дориларни янчиб, элакдан ўтказилади ва кўпиги олинган асал билан қориб, керак вақтда истеъмол қилинади.

Хурмо жуворишни. Бу *жуворишн* қуланжга хос фойдага эга бўлиб, уни таркатади, шунингдек, у ҳам балғам, *ибрида* ва қийналиб сийишга фойда қилади.

Таркиби. Арман бурақи, Кермон зираси, тоғ петрушкаси уруғи, занжабил ва оқ мурчларнинг ҳар биридани – ўн икки *дирҳамдан*; *сақамуниёдан* – беш *дирҳам*; данаги олинган *хайрун*³ хурмоси, иккала пўстидан ҳам тозаланган ширин бодом ва газাগўт барглари-нинг ҳар биридани ўн *дирҳамдан* [олинади]. Бу дориларни янчиб

элагандан кейин кўшилади. Хурмони узум сиркасида бир кеча-кундуз ивитиб кўйиб, кейин яхшилаб майдаланади ва дорилар билан аралаштириб, сўнгра ҳаммасини кўпиги олинган асал билан қориб, керагида истеъмол қилинади. *Бир ичими – тўрт *мисқол*¹.

Хурмодан [тайёрланидиган] бошқа жуворишн. Данаги олинган *хайрун* хурмосидан юз дона олиб, бир кеча-кундуз сиркада ивителиди, кейин эзиб сузилади. Яна куруқ газাগўт ва занжабилларнинг ҳар биридан – ўн уч *дирҳамдан*; ок мурчдан уч *дирҳам*², арман буракидан беш *дирҳам*, пўчоғи тозаланган аччиқ бодомдан юз эллик дона, *сақамуниёдан* йигирма беш *дирҳам* ва турбуддан йигирма *дирҳам* [олинади]. Булар майдалаб эланади, кейин [ҳаммаси] асал билан қорилади.

Хурмодан [тайёрланидиган] бошқа жуворишн. Иситмаларга ва бошқа [касалликларга] фойда қилади. Уни ёзда ва қишда ичиледи; у ични осонлик билан суради.

Таркиби. Занжабил ва ок мурчларнинг ҳар биридан – бир *уқиядан*; *сақамуниёдан* – икки ярим *уқия*; данаги олинган *хайрун* ёки *сарафон*³ хурмоси, иккала қобиғидан тозаланган ширин бодом ва газাগўт барглариинг ҳар биридан тўрт *уқиядан* [олинади]. Дорилар алоҳида янчилади, хурмони эса сиркада ивитиб, алоҳида янчилади || ва сузилади; бодом ҳам алоҳида [янчилади]. Шундан кейин 487 ҳаммасини аралаштириб, асал билан қорилади. Бир ичими – икки *дирҳам*.

Мушк билан [тайёрланидиган] фирузнуш жуворишни. Еллар, бавосир ва хом балғамга фойда қилади, меъдани кучайтиради, жинсий қувватга кўмаклашади, рангни тозалайди ва буйракни қиздиради. У яна бачадон елларига ва бавосирдан қон оққанда ҳам фойда қилади.

Таркиби. Кобул ҳалиласи, сариқ ҳалила, чакамуғ ва петрушка уруғларининг ҳар биридан – олти *дирҳамдан*; балила, омила, жувопа, қизил ва ок *тударий*, узун мурч ва пўсти тозаланган кунжутларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; *қирфа*, сунбул, мускат ёнғоғи, занжабил ва мурч илдизларининг ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*, кичик қоқила, қуст, Цейлон дорчини, қалампирмунчок, мускат ёнғоғи қобиғи, *ҳавлинжон* ва *норимушкларнинг* ҳар биридан – олти *дирҳамдан*; тўпалокдан ўн *дирҳам*, мушкдан икки *мисқол*, анбардан бир *мисқол*, ишланган темир чиркидан барча дориларнинг вазнича, сариеғдан ўн *истор* [олинади]. Булар кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, уни сигир сутидан тай-

ёрланган ва ёғи олинган айрон билан ёки майиздан қилинган яхши набиз билан икки ҳафта ичилади.

Кундур елими жуворишни. Кундур елимидан – олтмиш *дирҳам*; мурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; қанддан – олтмиш *дирҳам*; занжабил ва *хавлинжонларнинг* ҳар биридан – ўн икки *дирҳамдан*; мускат ёнғоғи, қалампирмунчоқ ва кичик қоқилаларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан* ва яхши мушкдан ярим *дирҳам* олинади. Буларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида янчиб эланади ва асал билан қорилади.

Толисфар жуворишни. Меъда совуклигига ҳамда меъда ва жигардаги ғализ елларга фойда қилади.

[352] Таркиби. *Толисфардан* беш *дирҳам*, занжабилдан йигирма *дирҳам*, мурчдан ўн икки *дирҳам*, кичик қоқила ва *қирфаларнинг* ҳар биридан олти *дирҳамдан* ва новвотдан беш *ратл* [олинади]. Бу дориларни янчиб элагандан сўнг қўшилади ва идишга кўтариб олиб қўйиб, истеъмол қилинади.

Епископ¹ жуворишни. Антокий *сақамуниёси* ва ичи кавак оқ турбудларнинг ҳар биридан – беш *мисқолдан*; мурч ва қоқилаларнинг ҳар биридан – уч *мисқолдан*; занжабил, дорчин, омила, чилпоя² ва мускат ёнғокларининг ҳар биридан – икки ярим *мисқолдан*; бошқа бир нусха бўйича *сақамуниё* ва турбудларнинг ҳар биридан уч *мисқолдан* [олинади]. Буларни янчиб элагандан кейин, бир *ратл* янчилган қанд билан аралаштирилади ва асал билан қорилади. Тўла бир ичими – тўрт *мисқол*.

[Темир] чиркидан [тайёрланадиган] катта атрифул. Бавосир оғриклари ва ковуқ ҳам меъданинг бўшашувида фойдалидир; шунингдек, у жинсий қувватни орттиради ва меъдани қиздиради.

Таркиби. Қора ҳалила, балила, сут билан пишириб данагидан тозаланган омила, Ҳинд чакамуғи, петрушка уруғи, жувона ва Форс каклигўтларининг ҳар биридан – бир *уқиядан*, хушбўй сунбул, амом, кичик қоқила ва игирларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*, дорчиндан – тўрт *дирҳам*; мурч, узун мурч, *ноғбушт* ва Ҳинд тузларининг ҳар биридан – ярим *уқиядан*; хардалдан бир ярим *уқия*, навшадилдан ярим *дирҳам* ва темир чиркидан уч *дирҳам* олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин қўшилади ва кўпиги олинган асал ҳам етарли миқдордаги сариеғ билан қорилади, кейин [идишга] кўтариб олиб қўйиб, истеъмол қилинади.

Кичик атрифул. Меъданинг бўшашуви ва рутубатлигига ҳамда бавосир елларига фойда қилади, шунингдек, рангни ҳам яхшилади.

Таркиби. Кобул ҳалиласи, балила ва данагини ажратиб, сут билан пиширилган омилаларнинг ҳар биридан баробар ҳиссадан [олиб], сигир сути ёғи билан ҳўлланади, кейин кўпиги олинган асал билан қориб, идишга кўтариб қўйилади ва керагида истеъмол қилинади.

Балозур жуворишни. У меъданинг эскидан давом этиб келаётган оғриғига, [мизож] совуқлигига ва унутувчанликка фойда қилади; рангни яхшилади, фикр ва зехни ўткирлаштиради. Бу ҳакимлар *жуворишидир*; уни Сулаймон [*жуворишни*] ҳам дейдилар.

Таркиби. Мурч, узун мурч, қора ҳалила, балила, омила ва қундуз қириланинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; қуст, балозур, *баранк*, новвот ва дафна меваларининг ҳар биридан ўн икки *дирҳамдан*, тўпалокдан саккиз *дирҳам* [олинади]. Балозурнинг бир ўзи яхшилаб янчилади, бошқа дорилар ҳам янчилади, сўнгра эланади. Сариёғ билан асалдан баробар ҳиссадан олиб қайнатилади ва устига дориларни солиб қуюлтирилади; буни олти ойдан сўнг истеъмол қилинади. Бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, уни петрушка ва арпабодиён қайнатмаси билан [ичилади]. Уни истеъмол қилган киши ўзини чарчаш, ғам ва ғабаланишдан, шунингдек, кўп ичиш ва жинсий алоқа қилишдан сақлаши ҳамда енгилгина *исфидбож* шўрваси билан овқатланиши лозим.

Фанжнуш¹ жуворишни. Бу меъданинг бўшашганлиги, бавосир еллари, мизожнинг ёмонлиги ва рангининг хунуқлигини тузатадиган маъжун бўлиб, жинсий қувватни ҳам орттиради.

Таркиби. Балила, ҳалила, данаги олиниб, сут билан пиширилган омила, мурч, узун мурч, занжабил, тўпалок, Ҳинд чакамуғи ва сунбулларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; укроп уруғи ва гандано уруғларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; майдалаб янчиб, узум сиркасида ўн икки² кун ивитиб қўйгандан кейин, қуритиб қовурилган темир чиркидан – юз *дирҳам* [олинади]. Бу дориларни янчиб элагандан кейин, кўпиги олинган асал ва етарли миқдордаги сигир сариёғи билан қорилади, кейин идишга кўтариб олиб қўйиб, олти ой ўтгач, истеъмол қилинади. Бир ичими – икки *дирҳам*, || Бунга яна икки *дирҳам* мушк ҳам қўйилади.

[353]. Мушк билан [тайёрланадиган] бошқа бир фанжнуш. Меъдани кучайтириб қиздиради, бавосирга фойда қилади ва жинсий қувватни орттиради; бу тажрибадан ўтган.

Таркиби. Кобул ҳалиласи, балила, омила, мурч, узун мурч, занжабил, зира, укроп уруғи, петрушка уруғи, гандано уруғи, индов уруғи, турп уруғи, сабзи уруғи, *фаланжа*, қизил гул, Цейлон дорчини, тўпалок, дорчин, калампирмунчок ва мускат ёнғоқларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; мускат ёнғоғи қобиғи, кичик қоқила, қоқила, омила шираси, хом уд ва мушкларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, оқ индовдан уч *укия*, темир чиркидан барча дорилар миқдорича [олиб] майдаланади ва кўпиги олинган асал билан қорилади.

Бошқа шу хил фанжнуш. Ҳинд чакамуғи, *зарнаб*, *толисфар*, кичик қоқила, қора ҳалила, балила, омила, сариқ ҳалила, Цейлон дорчини, калампирмунчок, бальзам уруғи ва маҳлаб меваларининг ҳар биридан – олти *мисқолдан*, ялпиз, *фаланжа*, ёввойи занжабил, дарунак ва узун мурчларнинг ҳар биридан – тўрт *мисқолдан*; дорчин, *қирфа*, сунбул, мускат ёнғоғи, қуст, занжабил ва мурч илдизларининг ҳар биридан саккиз *мисқолдан*, тўпалокдан ўн *мисқол*, канддан ўн олти *мисқол*, темир чиркидан бир *манн*, мушкдан ярим *дирҳам* [олинади] ва кўпиги олинган асал билан қорилади.

Пиширилган [темир] чиркини тайёрлаш. *Ибрида*, бел оғриғи, ҳайзнинг бузуқлиги ва бавосирга фойда қилади, рангни тозалайди, иштаҳани оширади, хом балғам ва *ибридани* кетказди, меъда, бачадон ва қовуқларни кучайтиради.

Таркиби. Петрушка уруғи, арпабодиён уруғи, Рум арпабодиёни, тоғ петрушқаси уруғи, ёввойи сабзи уруғи, сабзи уруғи, гандано уруғи, пиёз уруғи, шолғом уруғи, турп уруғи, *ратоб* уруғи, жуводна, қичитқийт уруғи, сақич дарахтининг уруғи, болдирғон, укроп уруғи, мурч, зиғир уруғи, зира ва кашничларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; ёввойи занжабил, дарунак, оқ ва қизил баҳман, оқ ва қизил *тударий*, мускат ёнғоғи, мускат ёнғоғи қобиғи, долчин, *хавлинжон*, занжабил, тўпалок, сунбул ва тошчўпларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; ҳалила, балила, омила, дуб ёнғоғининг ички пўсти ва ковул илдизи пўстлоқларининг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; чакамуғ, *ушна*, туёғўт, «хушбўй тирнок», хушбўй камиш, куш тили, *норимушк*, Форс каклигўти, қора андиз, қоқила, сандал ёғочи, *қирфа* ва уд меваларининг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; *гавз гандум*, индов, чаёнўт, қуруқ гул, хушбўй канавча, кундур чориси, ялпиз ва чўл ялпизларнинг ҳар биридан – етти *дирҳамдан*; кўп марта қиздирилиб хушбўй шаробга¹ солинган Басра [темир] чиркидан барча дориларнинг вазнича [олинади]. Буларни тахир шаробга

солиб, куюлгунча қайнатилади, кейин оловдан тушириб сузилади; ундан бир *уқияни* нахорга илиқлигича истеъмол қилинади, кейин туш вақтида эчки гўштидан қилинган *исфидбож* ичилиб, устидан тоза набиз ичилади; бир ёки икки ҳафтагача шундай қилинади.

Темир чирки учун бошқа нусха. Меъда совуқлиги ва бавосирга мувофик келади.

Таркиби. Кобул ҳалиласи, балила, омила, гулсапсар уруғи, занжабил, хом уд, мускат ёнғоғи, омила шираси, кизил гул, сунбул, қорачайир ва мастакиларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, мушкдан бир *дирҳам* [олинади]. Кейин игна қипиқларини хушбўй шаробда етти кун ивитиб қўйиб, эзиб янчилади ва темир товада қовурилади, сўнгра бошқа дорилар билан аралаштирилади ва ширин бодом ёғи билан хўллаб, кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичими – икки *мисқол*, хушбўй шароб билан [ичилади].

Бошқа [нусха]. Иссик [мизожли] меъданинг заифлигига мувофик келади.

Таркиби¹. Кобул ҳалиласи, балила, омила, гулсапсар илдизи, қорачайир ва қизил гулларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; темир чиркидан [354] барча дориларнинг миқдорича [олинади]. Темир чиркини етти кун сиркада ивитиб қўйгандан кейин сузиб, товада қовурилади ва новвот шираси билан қорилади. Бир ичими – икки *дирҳам*; олма шароби билан [ичирилади].

Пиширилган темир чирки *учун бошқа нусха². Иссик мизожли меъда³ учун мос келади.

Таркиби. Басра темири чирки, сарик ва қора ҳалила, балила, омила, кизил гул, анор гули ва қорачайирларнинг ҳар биридан баробар ҳиссадан [олиб], шаробда қайнатилади ва уч *уқиядан* ичирилади.

Мушк қўшилган беҳи жуворишни. Ич кетишни тўхтатади, шунингдек, меъда заифлиги, қусиш ва [овқат] ўзлаштиришнинг ёмонлигида [фойда қилади] ва рангни яхшилайти.

Таркиби. Пўсти арчилиб, ичи тозаланган беҳи ва кўпиги олинган асалларнинг ҳар биридан – икки *ратлдан*; мурч, узун мурч ва занжабилларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; кичик қоқиладан – саккиз *дирҳам*; қоқила, қалампирмунчок, хушбўй сунбул, дорчин ва заъфаронларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* [олинади]. Бу дориларни янчиб, элаб, бир-бири билан қўшилади. Сўнгра беҳини олиб, узум сиркасида яхшилаб пиширилади; баъзи табиблар уни шаробда, яъни *аслда* пиширадилар. Кейин оловдан тушириб сузилади ва

489 суви окиб тушиб кетгунча кўйиб кўйилади, сўнгра яхшилаб майдаланади. Сўнгра асални олиб, паст оловда қайнатилади ва деярли қуюлгунча секин-секин кавлаб турилади. || Кейин унинг устига беҳи солинади ва улар бир текис [аралашгунча] ва беҳининг суви кетгунча кавланади. Шундан кейин оловдан тушириб, устига дорилар сепилади ва бир текис аралашгунча чалинади, сўнгра гул ёғи ёки зиғир ёғи суртилган мрамар тахта ёки текис хонтахта устига солиб, бир текис килиб ёйилади ва қуриб котсин учун икки ёки уч кунгача кўйиб кўйилади. Шундан кейин пичоқ билан ҳар бири тўрт *мисқолдан* килиб, тўрт бурчак шаклидаги бўлакчаларга қирқилади ва уларни цитрон баргига ўраб, боғлаб олиб кўйилади-да, керагида истеъмол қилинади. Баъзи табиблар бунга икки *дирҳам* мушк ҳам қўшадилар.

Ични сурадиган беҳи жуворишни. Қуланжга фойда қилади ва бадандаги чикиндиларни қуритади.

Таркиби. Пўсти арчилиб, ичи тозаланган беҳидан – бир *ратл*, кўпиги олинган асалдан – икки *ратл*, занжабил ва узун мурчларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*, дорчиндан – икки *дирҳам*; кичик кокила, кокила ва заъфаронларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; дастакидан беш *дирҳам*, *сақамуниёдан* ўн *дирҳам* ва яхши оқ турбуддан ўттиз *дирҳам* [олинади]. Бу дориларни янчиб элагандан кейин қўшилади. Беҳини эса шаробда пишириб, ични тўхтатадиган беҳи [*жуворишнида*]¹ ишлангандек ишланади. Буни ҳам ўша усулда тайёрланади ва идишга кўтариб кўйиб, истеъмол қилинади. Бир ичими – тўрт *мисқол*, иссиқ сув билан [ичилади].

Ични сурувчи беҳи [жуворишининг] бошқа нусхаси. Хушбўй беҳини олиб, устидан хамир билан ўралади ва [кўрга кўмиб] пиширилади; унинг этидан тўрт *дирҳам*, мурч ва занжабилларнинг ҳар биридан икки *донақдан* ва *сақамуниёдан* бир *дирҳам* олинади. Буларни майдалаб, кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичими бир *дирҳам* бўлиб, шароб билан [ичилади].

Беҳи ширасидан тайёрланадиган беҳи жуворишни. Ёлғон иштаҳага, овқати ҳазм бўлмайдиган кишига, шунингдек, жигари заиф кишига фойда қилади ва меъдани мустаҳкамлайди.

Таркиби. Катта тахир беҳини олиб, ичи ва пўсти тозаланеди ва майдалаб сиқилади; шу сувдан Рум *қистида* икки *қист* олиб, шунча кўпиги олинган асал ва бир ярим *қист* узум сиркаси билан аралаштирилади; буларни паст оловда қайнатиб, кўпиги олинади. Кейин [355] занжабилдан уч *уқия* ва оқ мурчдан икки *уқия* олиб

янчиб, [аралашмага] солинади ва ялаш учун қуюлтирган сингари қуюлтирилади. Буни, кўпинча, овқатдан икки ёки уч соат олдин истеъмол қилиш керак, бироқ уни овқатдан кейин истеъмол қилинса ҳам зарари бўлмайди.

Агар сен бу дорини меъдасида ҳарорат ёки қандай бўлса ҳам, сафро бор киши учун ярокли қилмоқчи бўлсанг, унга мурч ва занжабил кўшмасдан фақат беҳи суви, асал ва сиркаларнинг ўзини биз кўрсатиб ўтган миқдорда истеъмол қилдиришинг лозим. Агар сен уни меъдасининг мизожи ўртача бўлган, яъни [меъдасида] на ортиқча сафро ва на ортиқча балғам йиғилмайдиган кишилар учун тайёрласанг, занжабил ва мурчдан биз юқорида кўрсатган миқдорнинг ярмисича кўш, яъни мурчдан бир *уқия* ва занжабилдан бир ярим *уқия* кўш. Агар сен бу [*жуворишнини*] меъдасида балғам йиғиладиган кишилар учун тайёрласанг, у [дориларни] биз кўрсатгандан икки ҳисса кўп кўш, яъни занжабилдан олти *уқия* ва мурчдан тўрт *уқия* сол.

Иштаҳани кўзғатиб, меъдани кучайтирадиган беҳи жуворишни.

Таркиби¹. Беҳининг сиқиб олинган суви *ва асалдан² – уч *ратлдан*, ўткир сиркадан икки *ратл* [олиб], чўғ устида қайнатилади ва кўпиги олиб ташланади. Сўнгра занжабилдан – беш *дирҳам*; ок мурч, корамурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; дорчиндан икки *дирҳам* ва хом уддан уч *дирҳам* олинади. Буларни янчиб* элагандан кейин³ асал, беҳи суви ва сирка билан аралаштириб қуюлтирилади. Бир ичимни – бир қошиқ, уни овқатдан олдин [истеъмол қилиб], икки соат сабр қилиб турилади⁴.

Ҳинд жуворишни. Қуланж, бўғин оғриғи, подагра ва бел оғриқларида фойдалидир.

Таркиби. *Сақамуниёдан* – ўн *мисқол*, *кичик қоқила⁵, қоқила, занжабил, дорчин, *қирфа*, *норимушк*, қалампирмунчок ва мурчларнинг ҳар биридан – беш *мисқолдан*; турбуддан юз *мисқол* ва қанддан юз *мисқол* [олинади]. Бу дориларнинг ҳаммаси янчиб эланади ва асал билан қорилади.

Подшолар жуворишни – бу «йиллик дори». Буни бутун бир йил давомида ҳар куни истеъмол қилинади, уни истеъмол қилиш билан киши бутун умрини тузатади⁶. Бу [дорини] узоқ ичган кишининг баданида биронта ҳам касаллик қолмайди, аксинча у тузатиб юборади; у кишининг сочи ҳам оқармайди, бироқ сочи дори ичишдан олдин оқарган бўлса [ўзича қолади]. Бу подшолар дориси

бўлиб, хикоя қилишларига қараганда, улар шу билан даволанганлар ва у қора, оқ ва қизил рангли оқма яраларга, *сафара*¹, *ибрида* ва бўғинларнинг лўқиллашида фойдалидир. Шунингдек, у кўз ва рангни равшан қилади ҳамда жинсий қувватни ортттиради; унинг зарари йўқ ва уни ичган киши парҳез қилиши ҳам керак эмас.

Таркиби. Қора ҳалила, балила ва омилаларнинг ҳар биридан – ўттиз олти *мисқолдан*; седанадан – йигирма тўрт *мисқол*; мурч, каврак елими, узун мурч, занжабил ва мурч илдизларининг ҳар биридан – ўн икки² *мисқолдан*; *норимушк*, қоқила ва тўпалоқларнинг ҳар биридан – икки *мисқолдан*; келиндона ва *балозурларнинг* ҳар биридан олти *мисқолдан* [олинади]. Буларнинг ҳар бири элакда ҳеч нарса қолмагунча алоҳида-алоҳида янчиб эланади; сўнгра уларни биз кўрсатган вазнларда олиб аралаштирилади. Кейин *санжарий* қандидан олти юз *мисқол* олиб, тоза тоғора ёки қозонга солинади ва тагидан паст олов ёкиб қўйилади. || Қанд эрисин учун озгина сув 490 сепилади, у эриб, қайнаб чиққандан сўнг устига [дорилар] аралашмасини солиб, аста-секин кавлаш орқали аралаштирилади, кейин тушириб қўйиб совутилади. Шундан кейин ҳар бири икки-ю чорак *мисқоллик* ғўлакчалар ясалади ва уларга зайтун ёки сариеғ суртилади. Шу ғўлакчалардан ҳар куни биттаси совук сув билан ичилади. Бу дориларнинг хўжасидир.

Масҳақуниёдан³ тайёрланадиган сурги жуворишни. Подагра, бел оғриғи ва барча совук касалликларга фойда қилади.

Таркиби. *Сақамуниё*, дорчин, чакамуғ ва занжабилларнинг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан*, [356] қорамурчдан олти *дирҳам*, турбуддан ўн *дирҳам*, узун мурчдан олти *дирҳам*, қоқила, қалампирмунчок, петрушка уруғи ва жувоналарнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, навшадил ва Ҳинд тузларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, қаллақанд ва шакарларнинг ҳар биридан йигирма *дирҳамдан*, ангузадан икки ярим *дирҳам* ва *масҳақуниёдан* уч *дирҳам* [олинади]. Буларни янчиб, асал билан қорилади. Бир ичими – икки ёки тўрт *дирҳам*, илиқ сув билан [ичирилади].

Кунжут жуворишни. Пўсти тозаланган кунжут, Кермон зираси ва занжабилларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, мурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, дорчиндан икки *дирҳам*, қоқила ва кичик қоқилаларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, новвот ва қаллақандларнинг ҳар биридан олтмиш *дирҳамдан* олинади. Бу дориларни янчиб, элаб аралаштирилади ва идишга кўтариб олиб қўйиб, истеъмол қилинади.

Сақич дарахтининг уруғидан қилинадиган жувориши. Бавосир, меъданинг совуклиги, [овкат] ўзлаштиришнинг ёмонлиги ва ич кетишда фойда қилади.

Таркиби. Писта дарахтининг уруғи, балозур «асали» ва пўсти тозаланган кунжутларнинг ҳар биридан олти *истордан*, новвотдан йигирма тўрт *истор*, Кобул ҳалиласи, балила, данаги олинган омила, занжабил, узун мурч, *баранг*, Ҳинд *содажи* ва чакамуғларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, мурч, самсак ва мускат ёнғоғи қобиғларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* [олинади]. Бу дориларни кўшиб¹, кўпиги олинган асал ҳам сариёғ билан қорилади ва олти ойдан кейин истеъмол қилинади. Бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, сигир [катиғи] айрони билан [ичирилади]. Бу дорини ичиб юрган вақтда овкат ширгуручдан иборат бўлсин.

Болдирғон жуворишни. Қорин ва меъданинг дам бўлиб қулдираши ва ғализ елларга фойда қилади.

Таркиби. Мурч ва петрушка уруғларининг ҳар биридан ўн икки *дирҳамдан*, қора болдирғондан ўн тўрт *дирҳам*, тоғ петрушкаси уруғи, кончўп, ялпиз, тоғ жанбили ва Рум сассик қаврақларининг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан*, *кошимдан* ўн уч *дирҳам* олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин кўшилади ва кўпиги олинган асал билан қориб, идишга кўтариб олиб кўйилади, сўнгра керагида ишлатилади.

Болдирғон [жуворишни] учун бошқа нусха. Жигарнинг каттиклашуви ва совуклигига, «сарик сувга» ҳамда *меъда* ва буйракнинг совуклигига фойда қилади.

Таркиби. Қора болдирғондан – ўн *дирҳам*, таратизак уруғи ва гандано уруғларининг ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*, занжабил, балила ва данаги олинган омидаларнинг ҳар биридан – етти *дирҳамдан*; жувона, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни, кичик қоқила, Кермон зираси ва дорчинларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; данаги олинган қора ҳалиладан етти *дирҳам*, *қирфадан* етти *дирҳам*, мурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, хушбўй сунбулдан икки *дирҳам*, қалампирмунчокдан бир *дирҳам* ва оқ каллақанддан йигирма *дирҳам* [олинади]. Бу дориларни янчиб аралаштирилади, сўнгра кўпиги олинган асал билан қориб, идишга солиб кўйилади ва керагида истеъмол қилинади. Бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, Рум арпабодиёни, мастаки ва сунбуллар суви билан [ичирилади].

Кофур жуворишни. *Меъда* ва жигар заифлигига фойдали бўлиб, ғализ елларни хайдайди ва ҳазмга ёрдам беради.

Таркиби. Кофур, заъфарон, уд, қокила, кичик қокила, келиндона, *кошим*, *қирфа*, қалампирмунчок, *ушна*, сунбул, мускат ёнғоғи қобиғи, оқ сандал ёғочи, мурч, узун мурч, дорчин, чакамуғ, *норимушк*, ёввойи сабзи, *хавлинжон*, мускат ёнғоғи, занжабил, тўпалок ва мурч илдизларининг ҳар биридан – баробар ҳиссадан, қанддан эса [357] барча дориларнинг вазнича [олинади].

Кофур жуворишининг бошқаси. Ҳазмнинг ёмонлиги ва меъданинг заифлигига ҳамда қуюқ балғам [кўпайганда] фойда қилади.

Таркиби. Мурч, мускат ёнғоғи, занжабил, қалампирмунчок, мускат ёнғоғи қобиғи, дорчин, *қирфа*, *ноғбушт*, *қалқамун*¹, *нориқайсар*², боғ қалампирмунчоғи, кофур ва заъфаронларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* [олинади]. Бу дориларни янчиб элагандан кейин аралаштирилади ва кўпиги олинган асал билан қориб, идишга кўтариб қўйиб, керагида³ истеъмол қилинади.

Олдингидан кучлироқ кофур жуворишни. Таркиби. Занжабил, мурч, узун мурч, дорчин, *қирфа*, Ҳинд *содажи*, хушбўй сунбул, Ҳинд чакамуғи, мускат ёнғоғи, сарик сандал ёғочи, бальзам уруғи, қокила, мускат ёнғоғи қобиғи, қалампирмунчок, *ноғбушт*, *толисфар*, тўпалок, *табошир* ва тоза Ҳинд удларининг ҳар биридан – ярим *уқиядан*; кофур ва мушқларнинг ҳар биридан икки ярим *дирҳамдан*, новвотдан ўн ярим *уқия* олиб, кўпиги олинган асал билан қорилади || ва идишга кўтариб қўйиб, керагида истеъмол қилинади. 491

Уд жуворишни. Меъдани кучайтиради ва қиздиради, лекин ҳаддан ташқари эмас, овқатни ҳазм қилади ва балғамни қуритади.

Таркиби. Хушбўй сунбул, Рум сунбули, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни ва мастакиларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, уддан уч *дирҳам*, қалампирмунчокдан икки *дирҳам*, мускат ёнғоғи қобиғидан икки ярим *дирҳам*, *қирфа* ва омила шираларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, шаробда ивитиб, кейин ковурилган Кобул ҳалиласи ва тукли райхонларнинг ҳар биридан икки ярим *дирҳам*, мускат ёнғоғидан бир ярим *дирҳам*, хушбўй канавчадан уч *дирҳам*, қизил гул ва хушбўй камишларнинг ҳар биридан икки *дирҳам* [олинади] ва *майбиҳ* билан қорилади. Бир ичими – икки *мисқол*.

Дорчин жуворишни. Жигар, меъда ва буйрақларнинг заифлигига фойда қилади, қуюқ хилтлардан тозалайди ва елларни хайдайди.

Таркиби. Дорчин, уд ва кора андизларнинг ҳар биридан олти *дирҳамдан*, қалампирмунчок, қорамурч, узун мурч, сунбул ва туёғўтларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, занжабилдан бир *уқия*, ялпиздан саккиз *дирҳам*, кичик қоқила ва *қирфаларнинг* ҳар биридан икки *дирҳамдан*, чаёнўт, Рум арпабодиёни, арпабодиён уруғи ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан уч *дирҳамдан* [олинади] ва кўпиги олинган асал билан қориб, истеъмол қилинади.

Ҳинд жуворишни. Қуланж, меъда совуклиги, бўғин оғриқлари ва подаграга фойда қилади.

Таркиби. Чакамуғ ва Ҳинд *содажларининг* ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, мускат ёнғоғи ва жуводаларнинг ҳар биридан икки *истордан*, мурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан беш *истордан*, занжабилдан беш *истор*, кора ҳалиладан ўттиз *истор*, *норимушкдан* икки *истор*, қалампирмунчокдан беш *дирҳам*, кичик қоқиладан икки *истор*, мускат ёнғоғи қобиғидан тўрт *дирҳам* ва қаллақанддан ўн *истор* [олинади]. Қерагида булардан икки *дирҳамни* элаки дори ҳолида эски набиз билан истеъмол қилинади.

Занжабил жуворишни. Меъда ва ичакларнинг заифлигига фойда қилади, овқатни ҳазм қилади, елларни ҳайдайди, *ҳайзага* фойда қилади ва ични боғлайди.

Таркиби. Занжабилдан йигирма *дирҳам*, араб елими ва кичик қоқилаларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, қалампирмунчок ва дорчинларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, мускат ёнғоғидан бир дона, заъфарондан бир *дирҳам*, крахмалдан қирқ икки *дирҳам* ва новвотдан бир *ратл* [олинади].

[358] **Мушк жуворишни.** Меъданинг заифлиги ва дамлигига, бавосир елларига ҳамда юрак хафақонига фойда қилади.

Таркиби. Мушкдан ярим *миққол*, кичик қоқила, қоқила, қалампирмунчок, занжабил ва узун мурчларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, дорчиндан уч *дирҳам*, Ҳинд удидан бир *уқия*, заъфарондан икки *дирҳам* ва қанддан барча дориларнинг оғирлигича [олинади]. Булар янчилади¹, кейин асал билан қориб, *истеъмол қилинади².

Цитрон жуворишни. Елларни ҳайдайди, овқатни ҳазм қилади ва оғиз хидини ёқимли қилади.

Таркиби. Сарик цитроннинг қуритилган пўчоғидан ўттиз *дирҳам*, қалампирмунчок, мускат ёнғоғи, узун мурч, мурч, кичик қоқила, дорчин, *хавлинжон* ва занжабилларнинг ҳар биридан бир

дирҳамдан ва мушкдан бир ярим *донақ* [олинади] ва асал билан кориб, истеъмол қилинади.

Қайсар жуворишни. Қуланж, *ибрида* ва хом балғамда фойдали-дир; у қуюқ ва ёпишқоқ чикиндиларни ҳайдаб чиқаради ва подагра-га ҳам фойда қилади.

Таркиби. Узун мурч, занжабил, сарик ҳалила, *сақамуниё* ва турбудларнинг ҳар биридан ўн икки *дирҳамдан*, петрушка уруғи, жувона, назла ўти ва тош тузларнинг ҳар биридан олти *дирҳамдан* ва қанддан ўн икки *дирҳам* [олинади] ва асал билан кориб ишла-тилади.

Сақанқур жуворишни. Бу жинсий қувватни оширади.


Таркиби. Морчўба уруғи, пиёз уруғи, шолғом уруғи, *ратоб* уруғи, гандано уруғи, сабзи уруғи, таратизак уруғи, кичитқийт уруғи, райхон, сақич дарахти уруғи, куш тили, пўсти тозаланган кунжут, турп уруғи, *икки хил тударий*¹, санавбар донаси ва ин-довларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*, занжабил, ёввойи сабзи, *хавлинжон* ва узун мурчларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; дорчин, мускат ёнғоғи ва икки хил баҳманларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; *сақанқур* киндигидан беш *дирҳам*, пиширилган денгиз пиёзидан уч *дирҳам* ва каллақанддан мана шу дориларнинг ҳаммасича [олинади]. Буларни янчиб, эланади ва кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичим икки *дирҳам* бўлиб, уни *мусаллас* ёки янги соғилган сут, ёки асал суви билан қўшиб, наҳорга истеъмол қилинади.

Бошқа жуворишн. Хафаконга фойда қилади, меъдани кучайти-ради, овқатни ҳазм қилади ва ични суради.

Таркиби. Кобул ҳалиласидан ўн беш *дирҳам*, *толисфардан* беш *дирҳам*, ёввойи занжабил, дарунак ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, турбуддан йигирма *дирҳам*, *сақамуниёдан* уч *дирҳам* ва каллақанддан йигирма *дирҳам* [олиб], асал билан қорилади. Бир ичим – уч *дирҳам*.

Бизнинг тажрибадан ўтказган жуворишнимиз.

Таркиби. Уддан – уч *дирҳам*, кофурдан – чорак *дирҳам*, мушкдан – учдан бир *дирҳам*, мускат ёнғоғи қобиғи, *норимушк*, тўпалоқ, тукли райхон, *зарнаб* ва ёввойи зираларнинг ҳар би-ридан – бир *мисқолдан*; дорчин, мастаки, занжабил, мурч ва қалампирмунчокларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, говзабондан беш *дирҳам*, арпабодиён уруғи, петрушка уруғи, игир ва сунбуллар-нинг ҳар биридан уч *дирҳамдан* [олиб], асал билан қўшилади.



Дорилик ўсимликлар намунаси. Жолинуснинг тарёқ хақидаги китобининг арабча таржимасидан. XII асрга оид бу қўлёзма Париж Миллий кутубхонасида сақланади.

Катта а трифул. || Меъданинг бўшашуви ҳамда ички бавосир елларига фойда қилади ва жинсий қувватни оширади. 492

Таркиби. Қора ҳалила, балила, омила, узун мурч ва мурчларнинг ҳар биридан – уч ҳиссадан; занжабил, бузидон, сут билан пиширилган омила. Ҳинд чакамуғи ва ёввойи сабзи, – бошқа бир нусхада, – мускат ёнғоғи қобикларининг ҳар биридан – бир ҳиссадан; *ок тударий*, қизил *тударий*, куш тили, ёввойи анор уруғи, – бу эса *буссад донаж*, яъни ёввойи сано уруғи¹ – буни форс тилида *норишъон* дейилади, – пўсти тозаланган кунжут ва новвотларнинг ҳар биридан *икки* ҳиссадан, *ок* ва қизил баҳманларнинг [359] ҳар биридан ярим ҳиссадан [олинади]. Қуруқлари алоҳида ва кунжут алоҳида янчилади, кейин [ҳаммасини] аралаштириб, сариёғ билан хўлланади ва кўпиги олинган асал билан қорилади.

Бизнинг уддан қилинадиган жуворишнимиз. Кичик қоқила, *занжабил*, дорчин, Цейлон дорчини, заъфарон, мурч, *тукли* райхон ва ёввойи занжабилларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; тўпалок, *зарнаб*, Ҳинд *содажи* ва қалампирмунчокларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; хом уддан етти *дирҳам*, анбардан бир *миққол*, ложувард ва кофурларнинг ҳар биридан *икки донақдан*, турбуддан тўрт *дирҳам* ва Ҳинд тузидан бир *дирҳам* [олинади]. Буларнинг ҳаммаси янчилади ва асал ёки қанд билан [қўшиб], *жуворишн* тайёрланади.



ТҮРТИНЧИ МАҚОЛА

ЭЛАКИ ДОРИЛАР¹. КАП ОТИЛАДИГАН ДОРИЛАР² ВА БОЛАЛАРНИНГ ОҒЗИГА ҚУЙИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Биз *жуворишлардан* қандайларини келтирган бўлсак, элаки дорилардан ҳам худди шундайларини зикр қилиб³, бошқаларини ўз жойида қолдирамиз.

Маклиёсо⁴. *Заҳир*, ичак оғриқлари, ич кетиш ва бавосирга фойда қилади.

Таркиби. Қовурилган индов уруғидан бир ярим *ратл*, бир кеча-кундуз сиркада ивитиб қўйиб, кейин қовурилган Кермон зираси ва қовурилган гандано уруғларининг ҳар биридан ўн *истордан*, қовурилган зиғир уруғидан тўрт *уқия*, чаёнўтдан бир *уқия*, сариёгда қовурилган Кобул ҳалиласидан уч⁵ *уқия* [олинади]. Бир ичимидан уч *дирҳам* бўлиб, беҳининг қуюлтирилган шираси *ва совуқ сув⁶ билан [ичирилади].

Элаки дори. Бавосир еллари, ич кетиш *заҳир* *ва ичак оғриқларига⁷ фойда қилади.

Таркиби. Қовурилган индов уруғидан бир *ратл*, қовурилган зиғир уруғи ва испағулларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, қовурилган петрушка уруғи, «арман лойи» ва канавчаларнинг ҳар биридан икки ярим *дирҳамдан* ва араб елимидан бир *дирҳам* олинади.

Касило деб аталувчи элаки дори. Бу ич кетишни тўхтатади.

Таркиби. *Касило*, мирт уруғи, дуб ёнғоғининг ички пўсти, оқ индов, ёввойи занжабил, *гавз гандум*, катиरो, *мугос*, *ҳузаз*, фундук ва писталарнинг ҳар биридан бир ҳиссадан, пўчоғи тозаланган ширин бодомдан ўн *дирҳам* ва оқ ундан йигирма *дирҳам* олинади ва аралаштириб, истеъмол қилинади.

[**Бошка**] **элаки дори**. Ҳомиладорларга фойда қилади, елларни хайдайди, жигар ва меъдани кучайтиради.

Таркиби. Майда марварид ва назла ўтларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, занжабил ва Рум сақичларининг⁸ ҳар биридан тўрт

дирҳамдан, ёввойи занжабил, дарунак, петрушка уруғи, игир, кичик кокила, мускат ёнғоғи, мурч ва дорчинларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан*, *тударий* ва арпабодиён уруғларининг ҳар биридан бир *мисқолдан*, қанддан барча дориларнинг вазнича [олинади].

Убода элаки дориси. Жигарнинг ориқлиги, меъданинг бўшашуви ва рутубатига фойда қилади.

Таркиби. Дарахт шохларидаги *лакк*, мирта уруғи, қуритилган дуб ёнғоғи, новвот, мастаки, анор пўсти ва мозиларнинг ҳар биридан – бир қисмдан; кундур елими ва занжабилларнинг ҳар биридан чорак қисмдан [олинади] ва элакдан ўтказиб аралаштирилади; бундан бир *мисқолдан* икки *мисқолгачани* бир ҳафта давомида эрталаб ва уйқудан олдин элаки дори ҳолида истеъмол қилинади; [шу вақт давомида] гўшти оғизга олинмайди.

***Бошқа бир яхши¹ элаки дори.** Бадандаги ҳарорат, иситма, сарамас, эшакем ва аксиришда, шунингдек, *барсом*² натижасида тилнинг боғланиб қолишида фойда қилади; [кейинги ҳолда] бу дори билан тил ишқаланади.

Таркиби. Мушқдан икки *донақ*, омила шираси ва ҳузазларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, кофурдан бир *дирҳам* ва икки *донақ*, заъфарондан икки *дирҳам*, кокила, қалампирмунчоқ ва мускат ёнғоқларининг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*³, қизил гул, анор гули ва *табоширларнинг* ҳар биридан олти *мисқолдан*, новвотдан [360] олтмиш *дирҳам* [олинади]. Бу дориларни [янчиб], элакдан ўтказгандан кейин аралаштирилади. Агар бу дори билан даволанадиган кишида ҳарорат ғолиб бўлса, [таркибдан] мускат ёнғоғи чиқариб ташланади. Бир ичими – катталар учун ярим *мисқол*, ёшлар учун икки *ҳабба* билан бир *қирот* ўртасида.

Қовундан тайёрлаб, кап отиладиган дори. Бўшашган меъдани кучайтиради, меъданинг бўшашуви сабабли бўладиган ич кетишни тўхтатади ва заиф нафасни кучайтиради.

Таркиби. Қовунни олиб, ичидаги уруғи ва бошқа нарсалари олиб ташланади ва ичи *кунор* мевасининг толқони, муқл толқони, *таросис*, ковуриб янчилган жийда ва ковурилган гуручларнинг ҳар биридан баробар қисмда олиб тўлдирилади ва қовуннинг рутубати шимилиб ўтгунча қўйиб қўйилади. Сўнгра чиқариб, қуритилади ва янчилади. Бундан тўрт *дирҳам* микдорида олиб, кап отилади.

Элаки дори. Ҳарорат ва рутубат ғалаба қилган болаларга [яхши] таъсир қилади.

Таркиби. Қора ҳалила ва Кермон зираларининг ҳар биридан

беш *дирҳамдан*, мастакидан йигирма беш *дирҳам* ва занжабилдан икки *дирҳам* олинади. Буларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида янчиб эланади, кейин аралаштирилади; буларни ёзда кунжут ёғи билан, қишда эса зайтун ёғи билан ҳўлланади. Ёзда канд ўрнига новвот кўшилади ва занжабилни [таркибдан] чиқарилади. Бу дори рутубати ғалаба қилган болалар учун яхшидир.

493 **Аристотелнинг Искандар учун тайёрлаган элаки дориси.** *Зараб*, меъда бузилиши, рангнинг сариклиги, оғиз сассиклиги, васвасалик || ва унутувчанликка фойда қилади, овқатни ҳазм қилади ва кўнгилни хурсанд қилади.

Таркиби. *Қирфа*, Ҳинд *содажи*, кичик қоқила, Ҳинд уди, туёғўт, чаёнўт, данаги олинган Кобул ҳалиласи, кашқарбеда, тукли райҳон, *норимушк*, *нориқайсар*, зира, дорчин, *ушна*, мурч, узун мурч, занжабил, қалампирмунчоқ, анор уруғи, мускат ёнғоғи ва қоқилаларнинг ҳар биридан – икки ҳиссадан; мушк, анбар ва кофурларнинг ҳар биридан – бир ҳиссадан; новвотдан эса барча дорилардан олти марта кўп [олинади]. Бир ичими бир *дирҳамдан* уч *дирҳамгача* бўлиб, совуқ сув билан наҳорга [ичилади]; овқатдан сўнг [истеъмол қилинса] ҳам, айтишларича, катта фойдаси *бор*.

Бармакий¹ элаки дориси. Бу гижжалар ва меъда заифлигига фойда қилади.

Таркиби. Ҳалила, омила ва *баранкларнинг* ҳар биридан бир ҳиссадан, турбуд мағзидан шуларнинг ҳаммасича, новвотдан эса шуларнинг ҳаммасидан икки марта кўп² олинади. Бир, ичими – ўн *дирҳам*.

Денгиз пиёзи элаки дориси³. Бу болаларнинг оғзига қуйиладиган тажрибадан ўтган дори бўлиб, елни ҳайдайди, ични юргизади ва улардаги ўт билан балғамнинг азиятини қирқади.

Таркиби. Ҳалила, балила, омила, назла ўти, қизил гул, анор гули, татим, *каймурда*, зарчава, қустирувчи ёнғоқ, мирта уруғи, ялпиз, мози, қоқила ва қалампирмунчоқларнинг ҳар биридан баробар бўлақдан [олиб] янчилади ва элакдан ўтказиб, истеъмол қилинади.

Болаларнинг оғзига қуйиладиган дори. [Болаларнинг] баданини *рутубат ва⁴ ўтдан тозалайди.

Таркиби. Сарик ҳалиладан беш дона, юлғун меваси, *табошир*, атторлар анбари, кончўп, ялпиз, анор гули, *ҳузаз*, омила шираси, заъфарон, қоқила, мози ва новвотларнинг ҳар биридан ҳалиланинг вазнича олинади. Бундан [болаларнинг] катта ва кичиклигига қараб ичирилади.

Болаларнинг оғзига қўйиладиган бошқа дори. Новвот, қизил гул, ҳузаз, заъфарон, татим, *табошир*, кончўп, ялпиз, анор гули, қокила ва юлғун меваларининг ҳар биридан бир ҳиссадан олинади. Бир ичими кичик болалар учун бир *қирот*, катталари учун эса [ёшига] қараб белгиланади.

Болаларнинг оғзига қўйиладиган бошқа дори¹. Қизил гул, анор гули, *қалимиё*, назла ўти, татим, чучукмиянинг қуюлтирилган шираси, юлғун меваси, ҳалила, балила, мози, мускат ёнғоғи қобиғи, мирта уруғи, *табошир*, келиндона, қокила, [361] ҳузаз, заъфарон, омила шираси, зарчава, атторлар анбари, ялпиз ва шоли қипиқларининг ҳар биридан баробар бўлакдан олинади ва [янчиб] элагандан кейин аралаштирилади.

Ичак шилиниши, ичнинг тез ўтиши, меъданинг бузуклиги ва заифлигида қап отиладиган дори.

Таркиби. *Қирт*² ва *таросисларнинг* ҳар биридан беш қисмдан ва омила ширасидан бир қисм олиб, ҳаммаси алоҳида-алоҳида янчилади, кейин аралаштирилади. Бундан ҳар куни эрталаб икки *дирҳам*, кечқурун ҳам шунча истеъмол қилинади; бу фойдалидир.

Талок [касалиги] ва ҳазм ҳам рангнинг ёмонлигида ишла-тиладиган элаки дори.

Таркиби. Оқ индовдан чорак *кайлажа* олиб, устига уни кўмадиган микдорда кунжут ёғи солинади ва [аралашма] то қуюлгунча паст оловга қўйиб қўйилади. Кейин бунга етмиш бир *дирҳам* янчилган *муғос*, тўрт *дирҳам* Кермон зираси ва икки *дирҳам* Шом жувонаси қўшилади. Буни эрталаб совуқ сув билан қап отилади. Ундан кейин сирка, тузланган ва янги балиқ, шунингдек, ҳар қандай сабзавот, сут ва меваларни истеъмол қилишдан сақланиш лозим.

Бошқа бир элаки дори. Бу сариқ касалигига учраган, жигари оғрийдиган ва сариқ ўт қусадиган кишиларга мос келади.

Таркиби. Ювилган *лаккдан* бир *мисқол*, *табоширдан* икки *дирҳам*, заъфарондан бир *дирҳам*, Чин ровочидан бир ярим *донақ* ва кофурдан бир *донақ* [олинади]. Бир ичими – икки *дирҳам* бўлиб, ярим *ратл* олхўри қайнатмаси ва *тамр ҳиндий* суви билан [ичирилади].

Бошқа элаки дори. Иситмаси бор, жигари оғрийдиган ва ичидан сафро ўтадиган кишиларга мувофиқ келади.

Таркиби. Шароб дурди, аристолохия, сунбул ва ювилган *лаккларнинг* ҳар биридан бир *мисқолдан* ва Басра темирининг чирки-

дан етти *дирҳам* [олиб, ҳаммаси] янчилади. Бир ичими бир *мисқол* бўлиб, қурук кашнич сувининг бир *уқияси* билан [ичирилади].

Бошқа бир элаки дори. Жигар хароратига, шунингдек, сарик касаллиги, тикилмалар ва кон туфлашга фойда қилади.

Таркиби. Пўсти ажратилган беҳи уруғи, крахмал ва пўсти тозаланган бодринг уруғларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*, «арман лойи», ювилган *лакк*, кизил гул, сунбул ва чучукмияларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*, *табоширдан* – ярим *дирҳам* ва мастикадан – учдан бир *дирҳам*. Бир ичими – бир *дирҳам*, совук сув билан [ичилади].

Туз. Иситмаси бор ва ичидан иккала хил ўт ўтадиган кишиларга мос келади ва овқатга бўлган иштахани кўзғатади.

Таркиби. Оқ тузни олиб, кичик-кичик бўлақларга майдаланади ва темир това ёки ўчоқ, ёхуд сопол идишда ковурилади ва устига бир неча марта ўткир сиркадан сепилади. Сўнгра янчиб, элакдан ўтказилади ва унга бир оз ковурилган анор донаси билан уруғи олинган татимдан тузнинг учдан бирича микдорда ҳамда ковуриб янчилган¹ қурук кашнич ва майдаланган зирк ширасидан ўшанча микдорда аралаштириб, истеъмол қилинади.

Бошқа туз. Меъда ва жигарга, бўғин оғриқларига ва чиқиндилардан пайдо бўладиган барча касалликларга фойда қилади.

Таркиби. Ош тузидан бир *ратл*, навшадилдан икки *уқия*, оқ мурчдан уч *уқия*, занжабил ва қорамурчларнинг ҳар биридан икки *уқиядан*, Рум арпабодиёни, таратизак уруғи, жувона ва сунбулларнинг ҳар биридан бир *уқиядан*, ялпиздан икки *уқия*, ёввойи петрушка уруғидан бир ярим *уқия* [олинади] ва майдалаб янчилади. Бир ичими икки *мисқол* бўлиб, илиқ сув билан [ичирилади].

[362] БЕШИНЧИ МАҚОЛА

ЯЛНАДИГАН ДОРИЛАР

Бизнинг яланадиган дорилар ҳақида айтадиган сўзимиз юқоридаги 494 мақолаларда айтган сўзимиз сингаридир¹. Яланадиган дориларни, кўпинча, оғизда ушлаб туриш учун тайёрланади, шунда [дори] бирданига меъдага бориб тушмасдан оз-оздан ўпкага етиб боради; акс ҳолда унинг меъдадан ўпкагача бўлган узок масофани босиб ўтиши керак бўлар эди.

Қурук йўталга фойда қилувчи яланадиган дори.

[Таркиби]. Қовурилган зиғир уруғини олиб, асал билан қорилади ва идишга олиб қўйиб, керагида истеъмол қилинади.

Бошқа бир яланадиган дори. Бу иссиқлик ва курукликдан бўладиган йўталга фойда қилади.

[Таркиби]. Пўсти тозаланган бодринг уруғидан беш *дирҳам*; пўчоғи тозаланган ширин бодомдан – *олти дирҳам*; гулхайри уруғи ва ёввойи гулхайри уруғларининг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; [араб] елими, катиरो, крахмал ва пўсти тозаланган беҳи уруғларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; чучукмия шираси ва оқ каллақандларнинг ҳар биридан тўрт ярим *дирҳамдан* олиб янчилади ва элакдан ўтказилади. Кейин тозаланган чучукмия илдизи, Сабистон олхўриси ва тозаланган ширин майизларни олиб, сувда қуюлгунча қайнатилади. Сўнгра бунга шинни қўшилади ва юқоридаги дорилар қориштирилади. Бу дорини оқ ун кепегининг суви, боқила уни, каллақанд ва ширин бодом ёғидан тайёрланган атала билан ичилади, унинг кетидан арпа суви ичилади.

[Бошқа] бир яланадиган дори. Буни иссиқликдан бўладиган йўталда [ишлатилади].

[Таркиби]. Сабистон олхўрисидан уч қисм, йирик чилонжийдадан эллик дона, пўстлоғи тозаланиб, майдаланган чучукмия илдизидан ўттиз *дирҳам*, тозаланган ширин *кашмаҳоний*² майизидан қирқ *дирҳам*, поясидан ажратилган *хиёршанбардан* – йигирма *дирҳам* [олинади] ва етти *ратл* сувга солиб, то бир *ратл* қолгунча

қайнатилади. Кейин сузиб, устига ярим *ратл* шинни ва учдан бир *ратл* каллақанд солинади ва асалдек бўлиб қуюлгунча қайнатилади, шундан кейин ипак элакдан ўтказилган бокила унидан етарли микдорда олиб аралаштирилади.

Кўкнордан тайёрланадиган яланадиган дори. Бу қон қусиш, ўткир иситма, йўтал, кўкрак оғриғи ва *шусага* фойдалидир.

Таркиби. Косачасидан ажратилган кизил гул ва [араб] елимларининг ҳар биридан – ярим *дирҳамдан*, буғдой крахмали, катиरो ва кўкнор уруғларининг ҳар биридан–икки *дирҳамдан*, *табошир* ва заъфаронларнинг ҳар биридан – ярим *дирҳамдан*; чучукмиянинг қуюлтирилган ширасидан икки *дирҳам* олинади. Бу дорилардан янчиладиганларини янчиб элагандан кейин аралаштирилади ва *мусаллас* билан қориб, идишга кўтариб қўйиб, керак вақтида истеъмол қилинади. Бунини янтоқшақар ёки зуфо қайнатмаси билан ичилади.

Табоширдан тайёрлаб яланадиган дори. Бу дори йўтал, қон туфлаш, қуюқ чиқиндилар, кўкрак оғриғи ва ўпка яраларига фойда қилади.

Таркиби. Қокиладан – тўрт *дирҳам*, [араб] елимидан – саккиз *дирҳам*, буғдой крахмали, оқ кўкнор уруғи ва занжабилларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*; *табоширдан* – тўрт *дирҳам*, новвотдан – қирқ *дирҳам*; пўсти ажратилган таррак уруғи, пўчоғи ажратилган ширин бодом ва пўчоғи тозаланган санавбар доналарининг ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*, иккала пўчоғидан тозаланган аччиқ бодом, чучукмиянинг қуюлтирилган шираси ва катироларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; арпабодиён уруғидан икки *дирҳам* ва қора кўкнор уруғидан икки *дирҳам* олинади. Бу дориларни янчиб, эланадиганлари элангандан кейин аралаштирилади, сўнгра кўпиги олинган асал ва сизир сариеғи билан яхшилаб қорилади ва идишга солиб қўйиб, керагида истеъмол қилинади.

[363] Табоширдан тайёрлаб яланадиган бошқа дори. Бу дори сил иситмалари ва ўпка яраларига фойдалидир.

Таркиби. Араб елими ва қокилаларнинг ҳар биридан олти *дирҳамдан*, занжабил ва буғдой крахмалларининг ҳар биридан ўн икки *дирҳамдан*, *табоширдан* тўрт *дирҳам*, қанддан олтмиш *дирҳам*, пўсти тозаланган таррак уруғи ва пўчоғи тозаланган санавбар доналарининг ҳар биридан етти *дирҳамдан* [олинади]. Бу дориларни янчиб, элаш зарур бўлганлари элангандан кейин кўшилади ва сариеғ ҳамда кўпиги олинган асал билан яхшилаб қориштириб,

шиша идишга солиб кўйилади. Бу яланади, шунингдек, иссик сув ёки эшак сути билан ичилади.

Денгиз пиёзидан тайёрлаб яланидиган дори. Нафас олиш ва балғам ташлаш кийинлашганда, шунингдек, бикин ва кўкрак оғриганда фойда қилади.

Таркиби. Денгиз пиёзи шираси билан кўпиги олинган асални бирга кўшиб қуюлтирилади. Буни овкатдан олдин ва кейин ялаб турилади.

Саримсоқдан тайёрлаб яланидиган дори. Балғам сабабли кўз-ғаладиган йўталга фойда қилади, кўкракни тозалайди ва суюқ моддаларни пиширади.

Таркиби. Тозаланган саримсоқдан бир *ратл* олиб, бир *ратл* сариёғда то титилиб кетгунча пиширилади. Кейин тинитиб, саримсоқ яхшилаб майдаланади ва устига кўпиги олинган асалдан икки *ратл* солиб, паст оловда қуюлгунча қайнатилади; сўнгра оловдан туширилади.

Яланидиган бошқа дори. Беҳи уруғи ва испағулларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, кўкнор уруғидан ўн *дирҳам*, чучукмия илдизи ва Сабистон олхўриларининг ҳар биридан етти *дирҳамдан* олиб, уч *ратл* сувда ивителиди ва паст оловда то қуюлгунча қайнатилади. Шундан кейин унга шиннидан ўн икки *дирҳам*, катиरो ва араб елимларининг ҳар биридан етти *дирҳамдан* ва каллаканддан бир *истор* кўшиб аралаштирилади.

Сақичдан тайёрлаб яланидиган дори. Бу товуш бўғилиши ва кўкрак яраларига, шунингдек, йиринг туфлаётган кишига фойда қилади; у тикилмаларни ҳам очади.

Таркиби. Қовурилган зиғир уруғи ва тозаланган майизларнинг ҳар биридан – бир *ратлдан*, || санавбар донаси, ширин бодом ва тозаланган аччиқ бодомларнинг ҳар биридан – олти *уқиядан*; қовурилган фундук, сақич, чучукмия илдизи ва араб елимларининг ҳар биридан – уч *уқиядан*; оқ мурч, бокила ва нўхат уни, аристолохия, крахмал, жувона, индов, суюқ *майъа* елими ва ҳаво ранг гулсапсар илдизларининг ҳар биридан – бир *уқиядан*; *мурр*, заъфарон ва эркак кундурларнинг ҳар биридан ярим *уқиядан* [олиб] янчилади ва элакдан ўтказиб, эшак сути билан қорилади. Кейин шундан кулчалар тайёрлаб, сояда куритилади, сўнгра [кулчаларни] янчиб, асал билан қорилади. Бундан эрталаб бир қошиқ ва кечқурун бир қошиқ истеъмол қилинади. Яна бундан *шиёф*¹ ва кичик ҳаблар тайёрлаб, кечаси тилнинг тагига қўйиб [ётилади].



ОЛТИНЧИ МАҚОЛА

ШАРБАТЛАР¹ ВА ҚУЮЛТИРИЛГАН ШИРАЛАР

Шарбатлар ва қуюлтирилган шираларнинг [нусхаларини] келтиришда ҳам юкорида айтиб ўтилган шартга асосланамиз.

Шарбат билан қуюлтирилган шира орасидаги фарқ шуки, қуюлтирилган шира деганда [мевалардан] сиқиб олинган сувларнинг ўз ҳолича қуюлтириб, қиём қилингани [тушунилса], шарбат деганда қайнатма ва сиқиб олинган сувларнинг биронта ширинлик билан қўшиб қиём қилингани [назарда тутилади]².

Уруғлар сиканжубинининг умумий [нусхаси]. Иситмаларни ва меъданинг алангаланишини сўндиради, балғамни парчалаб, ундан тозалайди, сафрони босади, жигар ва талок тикилмаларини очади ва сийдикни ҳайдайди.

Таркиби. Яхши эски узум сиркасидан ўн *ратл* олиб, унга тиник чучук сувдан йигирма *ратл* ёки сирканинг нордонлиги ва яхши ёмонлигига қараб, бундан кўп ёки озроқ қўшилади. Кейин арпабодиён илдизининг пўстлоғи ва петрушка илдизи пўстлоқларининг ҳар биридан – уч *уқиядан*; арпабодиён уруғи, Рум арпабодиёни ва петрушка уруғларининг ҳар биридан бир *уқиядан* солиб, бир кеча-кундуз қўйиб қўйилади. Шундан кейин [суюкликнинг] олтидан бири [буғланиб] кетгунча паст оловда қайнатилади, сўнгра оловдан тушириб, совутиб қўйилади. Сўнгра сузиб, мана шу илдизлар ва уруғлар билан қайнатилган сув ва сирканинг ҳар икки қисмига бир қисм новвот ёки илдиз ва уруғлар билан қайнатилган сирка билан сув [аралашмасининг] ҳар икки ярим қисмига бир қисм ҳисобида асал қўшилади ва то ярми қолгунча паст оловда қайнатилади. Сўнгра оловдан тушириб, совутилади ва сузиб истеъмол қилинади. Қайнаган вақтда кўпиги олиб турилади.

Ким истаса, бунга кўпиги олиниб, бир ёки икки марта қайнаб чиққандан кейин уч *дирҳам* янчилмаган заъфарон солади: [заъфаронни] латтага туғиб, қозоннинг ичига осиб қўйилади ва унинг қуввати [*сиканжубинга*] ўтсин учун вақти-вақти билан қўл билан

эзиб турилади. Баъзи кишилар [*сиканжубинни*] пишириб бўлгандан кейин унга икки *дирҳам* янчилган заъфаронни солиб эзадилар, аммо уни қайнатмайдилар.

Жолинус сиканжубинни тайёрлаш. Яхши асалдан олиб, кучсиз чўғ устига қўйилади, унинг кўпиги олиб ташлангандан кейин устига унчалик нордон бўлмаган, шу билан бирга, кучсиз ҳам бўлмаган сиркадан солинади ва улар яхшилаб аралашиб, сирканинг хомлиги қолмагунча паст олов устида секин-секин қайнатилади. Шундан кейин оловдан тушириб, сақлаб қўйилади.

Агар уни истеъмол қилмоқчи бўлсанг, шароб сингари унга ҳам сув аралаштир. [*Сиканжубин*] ичувчи киши нордонлиги ёки ширинлиги туфайли уни ёқтирмаса, сув билан истеъмол қилсин. Уни жуда нордон ҳолда ичишни исталганда сиркаси кўпайтирилади. Уни [хамманинг ҳам] бир миқдорда истеъмол қилиши яхши эмас. Менимча, бу, шароб ичувчиларнинг хаммасига ҳам уни сув билан аралаштириб ичишни буюришга ўхшайди, ваҳоланки улар орасида [шаробни] кўп сув қўшиб мазасиз қилиб ичишга одат қилган кишилар бор, агар улар [шаробнинг] нукул ўзини ичсалар, дарров бошлари оғрийди. Одамлар ичида [шаробни] кучли ҳолда ичишга одатланганлар ҳам бўлиб, агар улар кўп сув қўшиб ичсалар, кўнгиллари айнайди. Бундай ҳолатлар ичишга кўпроқ одат қилинган шароб ичиш натижасида пайдо бўлар экан, нима учун улар, одатда, шаробга қараганда жуда кам ичиладиган *сиканжубинни* истеъмол қилиш натижасида кўпроқ юз бермасин!? Бундан ташқари, бу [шаробдан кўра] кучлироқ. Шунинг учун [*сиканжубиннинг*] мўътадиллиги ҳақида ҳукм чиқарганимизда ўзимизни эмас, уни ичувчи кишини ҳисобга олишимиз керак.

Сен билишинг лозимки, [*сиканжубинни*] ичувчи киши учун унинг энг мувофик [хили] у киши учун энг ёқимли бўлганидир, мана шу туфайли у кишига унинг фойдаси ҳам кўпроқ бўлади. Уни кўнгли тортмасдан [ичган] кишилар ундан азият чекадилар.

[*Сиканжубиннинг*] мўътадил хили кўпчилик кишиларга мослаб тайёрланадиганидир. Масалан, уни шундай тайёрлаш лозим: сирканинг ҳар бир ҳиссасига кўпиги олинган асалдан икки ҳиссадан қўшиб, паст оловга қўйилади ва уларнинг мазалари аралашгунча ҳамда сирканинг таъмида хомлик қолмагунча қайнатилади, *бирок олдин сув билан қайнатилади¹. Шунинг учун² *сиканжубинни* [қуйидагича] тайёрлаш керак: ҳар бир ҳисса асалга тўрт ҳиссадан тоза сув солинади ва асалнинг кўпиги чиқсин учун паст оловда

ўртача равишда қайнатилади. Ёмон асалдан кўп кўпик чиккани учун уни кўпроқ қайнатилади, яхши асалнинг эса кўпиги кам бўлади [365], шунинг учун у олдинги [ёмон хили] сингари кўп қайнатишга муҳтож эмас. Бошда шу миқдор [асалга] кўшилган сувдан жуда кўп деганда ярми буғланиб кетиши керак. *Сўнгра бунга асалнинг ярмича асал кўшиб, бошқатдан¹ қайнатилади, токи улар яхши аралашиб, сирка хом қолмасин.

Учала [таркибий қисмни] ҳам бошданок аралаштириб, *сиканжубин* тайёрлаганда сиркадан бир ҳисса, асалдан икки ҳисса ва сувдан тўрт ҳисса куйиб, [буларнинг] чораги қолгунча қайнатилади ва кўпиги олинади. Агар уни кучлироқ қилиб тайёрламоқчи бўлинса, 496 сиркадан ҳам асалга тенг миқдорда олинади. || У шароб сингари сув билан аралаштириб ичилади. Меъда оғзига зарар қилмасин учун уни узлуксиз ичмасдан, кун оралаб ичиш лозим. У бўғинларга чуқурлашиб бориб, қаймусни қуйи ичакларга туширади² ва бадандаги рутубатни эритиб таркатади. Баъзилар меъда оғзидан рутубатни кетказиб, пастга тушириш учун [*сиканжубинни*] сувсиз ичадилар. Уни ичган киши туш вақтигача сабр қилиб, кейин *зирбож* билан жўжа гўштини истеъмол қилсин.

Бизнинг сиканжубин. Яхши шакардан олиб, қозонга текислаб солинади ва устига ўткир узум сиркасидан шакар тагидан милтираб кўринадиган, бироқ уни беркитмайдиган миқдорда куйилади. Агар у нордон бўлиб кетмасин десак, сиркадан камроқ соламиз. Сўнгра [қозонни] чўғ ёки кучсиз олов устига кўйиб, [шакар] эритилади ва кўпигини тоғорачанинг тагига илаштириб олиб, латта билан артиш йўли билан олиб турилади; демак [тоғорачани] ботирмасдан фақат тегизиб кўтариш орқали кўпик олинади. Кўпикдан тозалангандан кейин [қиём] суйилсин учун сув солинади, сўнгра яна қайнатиб қиём қилинади³.

Сафрони сурувчи сиканжубин. Кўпиги олинган асал ёки шакар ҳамда ўткир сиркадан юқорида айтилгандек олиб, паст оловда қайнатилади. Сўнгра ёввойи бодринг шираси ва *сақамуниёдан* бир *уқиядан* ёки қанча кераклигига қараб, бундан кўра кўп ёки оз олиб янчилади ва зиғир латтага тугиб, қозон ичига осиб кўйилади. Латта ичидаги нарсалар эриб, ҳеч нарса қолмагунча уни тез-тез қўл билан эзиб турилади. [Қиём] қуюлгандан кейин оловдан туширилади. Баъзи кишилар қайнатишнинг бошида *сақамуниё* ўрнига *сақамуниё* [чиқадиган ўсимликнинг] илдизини петрушка илдизи ва арпабодиён илдизи билан бирга қайнатадилар.

Балғамни камайтирувчи сиканжубин. Асал ва денгиз пиёзи сиркасини олиб, юкорида эслатиб ўтилган илдизлар билан қўшиб кайнатилади. Кейин Чин *ҳабб ус-салотини* ва маҳсар мағзидан кишининг қувватига қанча [микдордагиси] тўғри келишини мўлжаллаб олиб, янчасан ва латтага тугиб, юкоридаги сингари қозон ичига осиб кўясан; кейин у истеъмол қилинади.

Савдонни камайтирувчи сиканжубин. Асал ёки шакар ва сиркани олиб, юкорида айтилгандек қилиб кайнатилади. Кейин девпечакдан керагича олинади, яна чилпоя ва қора харбакдан ҳам олиб, [хаммаси] янчилади ва латтага тугиб, қозонга осилади-да, олдингилар сингари пиширилади.

Денгиз пиёзи сиркасини тайёрлаш. Тозаланган¹ оқ денгиз пиёзидан олиб, ёғоч пичоқ билан бўлак-бўлак қилиб қирқилади ва шу бўлақлар бир-бирига тегмайдиган қилиб ипга тизилади. Ёки [пиёзларни] тешиб, ипга тизилади ва уларни бир-бирига тегмайдиган қилиб [осиб], қирқ кун давомида сояда қуритилади. Кейин шундан бир *манн* олиб, устига ўн саккиз *манн* яхши сирка қуйилади ва идишни яхшилаб беркитиб, олтмиш кунгача офтобга қўйиб қўйилади. Шундан кейин денгиз пиёзини олиб сиқилади ва [сиркаси] латтада сузилади.

Баъзи [табиблар] ҳар бир *манн* денгиз пиёзига етти ярим *ратл* сирка соладилар. Бошқалар денгиз пиёзини қуритмайдилар, лекин уни тозалаб, худди ўша вазнда оладилар-да, кейин [сиркада] олти ой турғизадилар. Мана шу йўсинда тайёрланган [сирка] кўпроқ ични сурувчи бўлади.

Агар бу [сирка] билан оғиз чайилса, у оғиз ва милкларга фойда қилиб, улардан қон оқишни тўхтатади, чунки у буриштириб, милк ва тишлардаги рутубатни қуритади. У яна қимирлаётган тишларни маҳкамлайди ҳамда оғиз сассиқлигини кетказиб, уни хушбўй қилади. Агар у ичилса, ўпка найини тозалаб, маҳкамлайди, [366] товушни ҳам тиниқ қилиб кучайтиради. У яна меъдаси оғрийдиган ва овқати ҳазм бўлмайдиган кишиларга, тутқанокли ва боши айланадиган одамларга, савдо хилти кўпайиб кетганларга, эси кирарличикарли бўлиб қолганларга ва жинниларга, шунингдек, «бачадон бўғилиши», талоқ қаттиқлиги ва *ирқуннасога* гирифтор бўлганларга ҳам мувофиқ келади. Бўшашиб сўлиган гавдани бақувват қилади, бадан рангини яхшилади, кўзни ўткирлаштиради ва нафас қисганда фойда қилади. Агар қулоқ оғриғида уни қулоққа қўйилса ва қулоқнинг ичида яра бўлмаса, оғриқни босади. Бу [сиркани] ҳар

куни нахорга озгинадан ичиб бориб, аста-секин бир ярим *уқиягача* ичилса, мен айтганларнинг ҳаммасига фойда қилади.

Денгиз пиёздан тайёрланадиган ични сурувчи сиканжу-бин. Бу қийналиб сийиш, бикин ва меъда оғриклари, [овкатнинг] ёмон ўзлаштирилиши ва нордон кекирикка фойдалидир.

Таркиби. Денгиз пиёзининг ички қисмидан икки *ратл*, занжабилдан бир *уқия*, мурчдан икки *уқия*, ёввойи сабзи уруғидан ярим *уқия*, арпабодиён уруғи ва Рум арпабодиёнларининг ҳар биридан бир *уқиядан*, петрушка уруғидан икки *уқия*, жувонадан ярим *уқия*, Кермон зирасидан бир *уқия*, болдирғон илдизи ва назла ўтларининг ҳар биридан бир *уқиядан*, зуфо гулидан бир *уқия*, ялпиз ва боғ ялпизларининг ҳар биридан бир *уқиядан*, *кошимдан* ярим *уқия*, ёввойи зирадан икки *дирҳам*, газлагўтдан олти *уқия* ва Ҳинд *содажидан* ярим *уқия* олинади. Буларни йирик қилиниб янчиб, олти *қист* денгиз пиёзи сиркаси, икки *қист* кўпиги олинган асал ва бир *қист мусаллас* [аралашмасида] ивителиди. Буларни тоза идишда етти кун сақлаб қўйилгандан кейин сузиб, шиша идишга солиб қўйиб, истеъмол қилинади; уни овкатдан олдин ва кейин ичилади.

Гулоб тайёрлаш. Бир *манн* шакар олиб, устига тўрт *уқия* сув қуйилади ва паст оловда қайнатилади; сўнгра унга икки *уқия* гул суви солиб оловдан туширилади ва сузиб истеъмол қилинади¹.

497 **Асал ва шакар суви.** Совуқ касалликларга || ҳамда жигар ва кўкрак оғриқларига фойда қилади.

Тайёрлаш. Бир ҳисса асал ва икки ҳисса сув олиб, иккаласи паст оловда қайнатилади, кўпиги олингач, учдан бири қолгунча [яна] қайнатилади; сўнгра оловдан тушириб сузилади. Шакарли сув ҳам шундай [тайёрланади]. Агар уни қиздирувчан ва кучли қилмоқчи бўлсак, унга кўпигини олгандан кейин мастаки билан заъфарон, шунингдек, дорчин ва *хавлинжон* каби бошқа хил дорворлардан кўшамиз.

Асал суви *учун бошқа нусха². Иситма ва алангаланишга ҳамда меъдадаги кучли ташналикка ва ҳароратдан бўладиган йўталга фойда қилади; у *шусада* ҳам фойдалидир.

Тайёрлаш. Тозаланган қизил гулдан тўрт *ратл* олиб, шиша идишга солинади ва устига ўн *ратл* иссиқ сув солиб, идишнинг оғзини яхшилаб беркитгандан кейин бир кеча-кундуз қўйиб қўйилади. Кейин [гулни] олиб сиқилади ва [сувини] сузиб, ичига ўн *ратл* шакар солинади, кейин қуюлгунча паст оловда қайнатилади ва сузиб, истеъмол қилинади.

Гул сувидан қилинадиган гулоб. Новвотдан олиб, янчиб тортилади ва унинг ҳар бир *қайласига* яхши тиниқ гул сувидан уч *қайладан* солиб, паст оловда учдан бири қолгунча қайнатилади ва кўпиги олинади. [Гулобга] у қайнаб турган вақтда заъфарон солмоқчи бўлган киши унинг кўпигини олгандан кейин янчилмаган заъфаронни латтага тугиб, [гулобга] солсин ва вақти-вақти билан олиб, сиқиб турсин, то латта бўшагунча шундай қилинади. [Гулоб] пишгандан кейин унга заъфарон солинмоқчи бўлинса, у оловдан туширилади ва совимасдан бурун ичига янчилган заъфарондан солиб эзилади, кейин шиша идишга кўтариб қўйиб ишлатилади¹.

Беҳи шарбати, яъни майбих. Бу меъдани кучайтиради ва ични боғлайди, шунингдек, жигар оғриғи, қусиш, кўнгил айнаши, хикичок, *ичак ва буйрак оғриқлари ҳамда қийналиб сийишда² фойда қилади.

Таркиби. Нордон беҳининг сиқиб олинган сувидан ўттиз *ратл* ва яхши эски шаробдан йигирма беш *ратл* олиб, [иккаласи] то ярми қолгунча паст оловда қайнатилади. Сўнгра кўпигини олиб сузилади ва тинигунча *қўйиб қўйилади³. Кейин иккинчи марта қозонга солиб, устига кўпиги олинган тоза асалдан ўн *ратл* қўшилади ва паст оловда қайнатилади. Шундан кейин занжабил ва мастакиларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, қатта ва кичик қоқила, дорчин ва *ҳиллар*нинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, қалампирмунчоқдан уч *дирҳам* ва янчилмаган заъфарондан тўрт *дирҳам* олинади. [Буларни] йирик қилиб янчиб, зиғир латтага тугилади ва қозонга солиб, доимо қўл билан эзиб турилади; [аралашмани] қуюлгунча қайнатиб, сўнгра оловдан тушириб сузилади. Кейин ярим *дирҳам* мушкни эски шаробга солиб, [шарбатга] қўшилади ва яхшилаб аралаштирилади-да, истеъмол қилиш вақтигача олиб қўйилади.

Агар сен буни дориворларсиз тайёрламоқчи бўлсанг, уни беҳи суви, шароб ва асаллардан одатдагича олиб тайёрла.

[368] **Бошқа [майбих].** Нордон-чучук беҳининг сиқиб олинган сувидан олиб, юқорида айтилганидек ярми қолгунча қайнатилади. Кейин шундан икки *ратл*, ярмигача қайнатиб сузилган нордон-чучук тоғ олмасининг сувидан бир *ратл*, яхши эски шаробдан бир *ратл*, яхши асал ёки шакардан бир *ратл* олиб, [ҳаммаси] паст оловда қуюлгунча қайнатилади ва кўпиги олинади. Кейин хом уддан икки *дирҳам*, мастаки, омила шираси ва толасимон заъфаронларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, мускат ёнғоғи қобиғидан бир ярим *дирҳам*, сунбул, қалампирмунчоқ, мускат ёнғоғи, кичик қоқила, қоқила, дор-

чин ва занжабилларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан* ва мушкдан икки *донақ* олинади. Буларнинг мушк ва омила ширасидан бошқа ҳаммасини майдалаб, зиғир латтага тугилади ва козондаги шарбат ичига осиб қўйилади. Мушк билан омила ширасини алоҳида янчиб, шаробга аралаштирилади, сўнгра уни колган дориларга қўшиб, истеъмол қилинади¹.

Хандикун тайёрлаш. У меъданинг совуклиги, ҳазмнинг камлиги, совуқ сабабли жигарнинг заифлиги ва тўрт кунда бир тутадиган иситмага, шунингдек, балғам [мизожли] кексаларга мувофик келади.

Таркиби. Эски шаробдан беш *ратл*, тоза асалдан бир ярим *ратл*, занжабилдан олти² *дирҳам*, қокила ва кичик қоқилаларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, қалампирмунчокдан бир *донақ*, дорчиндан бир ярим *донақ*, заъфарондан бир *донақ*, қорамурч ва мушкларнинг ҳар биридан бир ярим *донақдан* [олинади]. Мушк ва заъфарондан бошқа дорилар йирик қилиб янчилади ва заъфарон билан бирга қўшиб, зиғир латтага тугилади. Кейин [ҳаммаси] қуюлгунча қайнатилади ва оловдан туширишдан олдин мушкни солиб, кейин оловдан туширилади ва бир идишга кўтариб қўйиб, истеъмол қилинади.

Бошқа хандикун. Сунбул, қалампирмунчок, қокила ва хом удларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан*, заъфарондан бир *мисқол*, дорчин, занжабил ва мурчларнинг ҳар биридан уч *мисқолдан*, омила ширасидан ярим *мисқол* ва мушкдан чорак *мисқол* [олинади]. Мушк ва омила ширасидан бошқа дориларни йирик қилиб янчиб, зиғир латтага тугилади ва устига ўн икки *ратл* эски хушбўй шароб қуйиб, икки кеча-кундуз қўйилади. Кейин козонга солиб, устига уч *ратл* тоза асал, икки *ратл* новвот қўшилади ва қиём бўлгунча қайнатиб, сўнгра оловдан тушириладида, омила шираси || ва мушкни солиб, [идишга] кўтариб қўйилади.

Салмавайҳ шарбати. Меъдани кучайтиради, иштаҳани кўзғатади ва хафаконни йўқотади.

Таркиби. Бир *ратл* цитрон пўчоғи, бир *уқия мармохур*, бир *мисқол* қалампирмунчок ва бир *мисқол* хом уд олиб майдаланади ва устига беш *ратл* шароб солиб, уч кеча-кундуз қўйилади. Кейин унга уч *ратл* оқ новвот, бир *мисқол* мастаки, ярим *дирҳам* заъфарон ва икки *донақ* яхши омила шираси солиб, [ҳаммаси] бир текис бўлгунча, паст оловда қайнатилади. Сўнгра сузиб, бир идишга кўтариб қўйилади ва гулоб сингари истеъмол қилинади.

Мирт донаси шарбати. Меъда заифлиги ва ҳаддан ташқари кўп эришга фойда қилади, хайзни тўхтатади, ички аъзоларни бақувват қилади, [369] *меъда ва ичакларга рутубатларнинг оқиб келишини тўхтатади; шунингдек, бадан ичида пайдо бўладиган яраларга ва бачадондан рутубатлар оққанда мувофиқ келади¹.

Таркиби. Қайнатиб сузилган мирт меваси ширасидан ўн *давراق* ва тоза асалдан бир *давراق* олиб аралаштирилади ва қуюлгунча қайнатиб, истеъмол қилинади².

Миртнинг қуюлтирилган шираси. Миртнинг сиқиб олинган сувини ўзича қайнатиб қуюлтирилади ва истеъмол қилинади³.

Ялпиз шарбати. Қусиш, кўнгил айнаш, ўхчиш, ҳиқичок ва ич кетишда фойда қилади.

Таркиби. Ширин ва нордон анорлар эти билан бирга эзилади ва [суви] ярим қолгунча қайнатилади. Кейин шундан икки *ратл*, ялпиз ширасидан бир *ратл* ва асал ёки шакардан бир *ратл* олиб, [ҳаммаси] то қуюлгунча қайнатилади ва сузиб *истеъмол қилинади⁴.

Нок шарбати. Ич кетишда фойда қилади ва меъдани кучайтиради.

Тайёрлаш. Пишиб етилмаган нокни олиб, эзилиб кетгунча қайнатилади, [сувини] сузиб, иккинчи марта қозонга солинади ва қуюлгунча қайнатиб, истеъмол қилинади⁵.

Олма шарбати. Меъданинг заифлигига ҳамда иссиқликдан бўладиган юрак хафаконига фойда қилади, сафро қусишни ва ташналикни тўхтатади.

Таркиби. Нордон-ширин тоғ олмасидан олиб туйилади ва сиқиб [сувини] ярми қолгунча қайнатилади. Сўнгра сузиб, бир кеча қўйгандан кейин қозонга солиб, то қуюлгунча паст оловда қайнатилади ва сузиб, шиша идишга солиб қўйилади. Ёз пайти бўлса, сув қисми кетгунча бир неча кун давомида офтобга қўйилади, кейин сақлаб қўйиб истеъмол қилинади. Агар уни ширин қилмоқчи бўлсанг, [олма] сувининг ҳар бир *ратлига*⁶ бир *ратлдан* шакар қўшиб қайнат ва истеъмол қил!

Ғўра шарбати. Меъданинг ҳароратига ва сафро эриганига ҳамда иссиқликдан бўладиган оғриқлар билан заҳарларга қарши фойда қилади. У яна чанқашни босади ва ҳомиладор хотинларнинг меъдасини кучайтириб, ёмон хилтларни қабул этмайдиган қилади.

Таркиби. Узум ғўрасидан сиқиб олинган сув ярми қолгунча қайнатилади ва сузиб бир кеча қўйгандан кейин қозонга яна солиб, унинг ёқимсиз ҳиди кетсин учун икки *дирҳам* қалампирмунчок

кўшилади. Сўнгра [кайнатиб] куюлтирилади ва сузиб, истеъмол қилинади. Агар уни ширин қилишни истасанг, [370] паст оловда шарбат даражасигача куюлгунча қайнатгандан сўнг шакар кўш, кейин куюлтириб истеъмол қил¹.

Мева шарбати. Меъда ва бошқа ички аъзоларни кучайтиради, қусишни ва сафронинг эриб тарқалишини тўхтатади, шунингдек, хомиладор хотинларда қусиш юз берганда фойда қилади.

Таркиби. Беҳи, олма, нок, нордон-чучук анор, татим ва дўлаларнинг сувидан баробар микдорда олиб, паст оловда куюлгунча қайнатилади. Агар уни ширин қилмоқчи бўлсанг, истаганингча шакар кўшиб қайнат ва сузиб истеъмол қил!

Цитрон шарбати. *Бу ёқимли бўлиб, меъдани кучайтиради.

Таркиби². Хушбўй цитрон пўчоғидан бир *ратл* олиб, бир ярим *қист* сувга солинади ва учдан бири колгунча қайнатилади. Кейин сузиб, асал кўшилади ва паст оловда куюлгунча қайнатиб, гулоб сингари истеъмол қилинади.

Кўкнор шарбати нусхаси. Ўртача катталиқдаги кўкнордан пояси устида қуришидан олдин юз дона олинади, [қуриганда] шираси бўлмайди. Бироқ улар жуда хом ҳам бўлмаслиги керак, чунки уларни сикканда суюқ шира чиқади. Бундан ташқари, улар сув қирғоқларида ўсган бўлмасин, чунки уларнинг шираси ҳам суюқ ва серчиқинди бўлади. Шу хил кўкнорнинг устига, топилса ўн *қист* ёмғир суви қуйилади, чунки бу [сув] сасишдан узок бўлади; ёки булоқ суви солиб, юмшагунча бир кеча-кундуз ивителиди, агар юмшамаса, кўпроқ қуйилади. Кейин [кўкнорлар] титилиб кетгунча аста-секин қайнатилади ва сиқиб, [шираси] ярим ўлчов ширинлик билан қиём қилинади. Агар бу [шарбат] кўкракни тозалаш ва ундаги [хилтни] суйилтириш учун тайёрланса, унга асал ёки шинни солинади, шунда фойдаси кўпроқ бўлади.

Кўкнор шарбати учун бошқа нусха. [Меъдасига] моддалар тўшадиган кишиларга ҳамда *кўп марта³ қон қусадиганларга фойда қилади.

Таркиби. Икки юз дона тоза кўкнорни олиб, ўн беш *ратл* ёмғир сувида уч кун ивителиди. Кейин ярми кетгунча қайнатиб сиқилади ва турпини ташлаб, суви яхшилаб сузилади. Мана шу сувдан тўрт ярим *ратл* ўлчаб олинади, яна асал ва узум шарбатларининг⁴ ҳар биридан – бир ярим *ратлдан* олиб, [ҳаммаси] қиём бўлгунча қайнатилади. Сўнгра араб акацияси шираси, заъфарон, *мурр*, анор гули ва такасоқол шираларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*

олиб, яхшилаб янчиб, [қиёмга] аралаштирилади ва идишга кўтариб қўйиб, истеъмол қилинади.

Бошқа бир шарбатнинг нусхаси. || Йўтал ва *шусага* фойда қилади ва меъдани кучайтиради. 499

Тайёрлаш. Ширин анор сувидан тўрт *ратл*, Шом олмаси сувидан бир *ратл*, шакарқамиш ёки каллаканд сувидан бир *ратл* олиб, [ҳаммаси] қиёмга келгунча қайнатилади ва истеъмол қилинади.

Хом асалдан Жолинус айтганича шарбат тайёрлаш. Буни ҳам совутувчи нарсаларни ичган сингари ичилади, чунки уни ёзда совук сувга қўшиб ичилса, чанқовни босади. Шунингдек, у ҳазм бўлмайдиган хом хилтлар йиғилганда, хусусан, улар ачиганда ҳам фойда қилади. Агар буни [тоза] асал шарбати сингари ёмғир суви билан тайёрламасдан топилган сув билан тайёрланадиган бўлса, у ичган кишига кўп ёки оз алам беради.

Унинг нусхаси. Хом асалдан яхши асални ажратиб, ичида тиниқ ва чучук булок суви бор қозонга солинади ва сув қисми бугланиб кетгунча қайнатиб, [371] кейин идишга кўтариб олинади ва сақлаб қўйиб, истеъмол қилинади.

Хом асалдан қилинадиган бошқа шарбат. Бир ҳисса асалга икки ҳисса эски ёмғир сувини қўшиб, офтобга қўйилади. Баъзи [табиблар] булок сувини қўшадилар ва учдан бири қолгунча қайнатиб, кейин сақлаб қўядилар.

Эрман шароби. Иштаха тушиб кетганда ва меъда заифлашганда фойда қилади.

Тайёрлаш. Эски шаробдан тўрт *қист* ва кўпиги олинган асалдан икки *қист* олиб, устига [қуйидагилар] қўшилади: мастакидан – тўрт *дирҳам*; қорачайир, Ҳинд *содажи*, сунбул, қуритилган қизил гул ва Сукутро сабрларининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*, қустдан – тўрт *дирҳам*, Рум эрманининг ҳашагидан – етти *дирҳам*, дарахт пўкагидан – икки *дирҳам* ва заъфарондан – бир *дирҳам*. Бу дориларни йирик қилиб янчиб, зиғир латтага тугилади ва ёз куни офтобда етти кун давомида юкоридаги шаробда ивителиди; латтани ҳар куни қўл билан эзиб турилади, кейин истеъмол қилинади. Ҳар гал бир *уқиядан* наҳорга ичиб турилади¹.

Биз таркиб қилган эрман шароби. Биз буни тажрибадан ўтказганмиз, у олдингидан кўра кўпроқ фойда етказади.

Таркиби. Рум эрманидан юз *дирҳам* олиб, уч кичик *манн* сувга солиб, [сувнинг] чораги қолгунча қайнатилади, бу жуда паст оловда қайнатилади, кейин эзиб сузилади. Кейин беҳи, ўзингга маълум

йўсинда, хамирга ўраб пиширилади ва уни сиқиб чиққан сувидан юқоридаги қайнатманинг учдан бирича, асалдан унинг тўртдан бирича, шаробдан эса ярмича олинади. Сўнгра ҳаммасини қайнатиб, қиём қилинади.

Мева¹ шарбати. Ташналикни босиб, фойда қилади.

Тайёрлаш². Нордон анор сувидан [372] бир *ратл*, цитроннинг нордон сувидан ярим *ратл*, олхўри сувидан бир *ратл* ва тамр ҳиндий сувидан бир *ратл* олиб, паст оловда қуюлгунча қайнатилади. Бу яхли ёки совуқ сув билан ичилади.

Мева шарбатининг [бошқа нусхаси]. Сафро ўтидан пайдо бўладиган қусишда фойда қилади, -иссиқ мизожли кишиларнинг овқатга бўлган иштаҳасини оширади ва меъдани кучайтиради.

Таркиби. Беҳи, олма, цитрон эти, нок, анор ва узум ғўрасини олиб сиқилади. Буларнинг сувида бир оз татим, дўлана, *кунор* меvasи, мирт донаси ва зирк бир кеча-кундуз ивитиб қўйилади. Кейин сиқиб сузилади ва [шарбатга] асал қўшиб, бир қадар қуюлгунча қайнатиб, истеъмол қилинади.

Олхўри шарбати. Чанқовни босади, ични суюлтиради, *қонли ва сафровий хилтларни суриб чиқаради³.

Таркиби. Ширин олхўридан керагича олиб, данаги тозаланади, кейин тоза тош қозонга солиб устини беркитадиган қилиб сув қуйилади ва эзилиб кетгунча қайнатилади. Шундан сўнг сузилади ва иккинчи марта оловга қўйиб, керакли микдорда новвот қўшиладида, асалдек бўлиб қуюлгунча қайнатилади.

Демократ⁴ шароби. Кишини бутун умр барча касалликлардан сақлайди, шунингдек, меъда ва талоқнинг заифлиги ҳамда мизож бузуқлигига фойда қилади.

Таркиби. Гулсапсар илдизи, арпабодиён уруғи ва оқ мурчларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, Цейлон дорчинидан тўрт *дирҳам*, *мурр* ва эрман уруғларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* олинади. Буларни янчиб, шиша идишга солинади ва устига оқ узум шаробидан [дориларни] кўмиб, устидан тўрт энлик ошадиган микдорда қуйиб, идишнинг оғзи яхшилаб беркитиб қўйилади. Бу олти ойдан кейин истеъмол қилинади. Баъзи нусхаларда кўрсатилишича, бунга бир *давراق* асал ҳам қўйилади.

Узум шароби. Томоқ оғриғи ва унда бўладиган шишга, шунингдек, меъда яраларига фойда қилади.

Таркиби. Тахир ва нордон узум сувидан⁵ олти *ратл* олиб, учдан бири қолгунча қайнатилади. Кейин унга асалдан – бир *ратл*;

татим, чучукмия илдизи, мози, анор гули, қорачайир гули ва қизил гулларнинг ҳар биридан бир *истордан*, заъфарондан икки *дирҳам*, *мурр* ва Яман аччиктошларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан* солиб қайнатилади ва сузиб ичилади.

Расотун. Бу кишда кексаларга берилади.

Таркиби. Яхши узум сувидан ўн *даврак* олинади; бир *даврак* тўрт ярим *ратлдир*¹. Уни паст оловда қайнатиб, кўпиги олинади, кейин || унга яхши қуюқ асалдан ҳар тўрт *ратлига* бир *ратл* ҳисобида солинади ва яна паст оловда кўпиги бутун кетиб, [ҳажмидан] ярми қолгунча қайнатилади. Шундан кейин кичик қокила, қокила, *қирфа*, қалампирмунчоқ ва дорчинларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олиб, майдалаб янчилади ва юпка зиғир латтага тугиб қайнок [шарбатга] унинг кўпигини олгандан кейин солинади. Пишириш тамом бўлиб, [шарбатга] қўлни тикиш мумкин бўлгандан кейин тугунча яхшилаб эзилади, кейин олиб ташланади. Сўнгра унга уч *дирҳам* заъфарон қўшиб, шишаларга солинади ва оғзи маҳкам беркитилади. Агар [шарбат] бир оз суюкроқ бўлса, офтобга қўйиладида, кейин истеъмол қилинади. У қанча эскиса, шунча яхши бўлади.

Эрман шароби *учун бошқа нусха². Меъдани кучайтиради, тикилмаларни очади ва сафрони суради.

Таркиби. Қизил гулдан – саккиз *дирҳам*, дарахт пўкагидан – тўрт *дирҳам*, сабрдан – икки *дирҳам*, мастаки, петрушка уруғи, қорачайир ва Рум арпабодиёнларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*, боғ ялпизидан – уч *дирҳам*, чўл ялпиздан – бир ярим *дирҳам*, [373] заъфарондан – икки *дирҳам*; икки илдизнинг³ ҳар биридан – икки *дирҳамдан*, эрмандан – уч *дирҳам*, чучукмия илдизидан – уч *дирҳам*, тоғжанбилдан ҳам шунча; сунбул, туёғўт ва *содажларнинг* ҳар биридан бир *дирҳамдан* олиб, [ҳаммаси] саккиз *ратл* шаробда ярми қолгунча қайнатилади. Кейин сузиб бир ярим *ратл* асал билан қуюлтирилади.

Беҳи, анор, олма ва бошқа [меваларнинг] қуюлтирилган шираси.

Буларнинг ҳаммаси шу [меваларнинг] шарбати кабидир, фақат улардан сиқиб олинган сувнинг ёлғиз ўзини ширинлик қўшмасдан аста-секин қуюлтирилади.

Биз таркиб қилган кадир⁴ шароби. *Кадирнинг* қуюлтирилган ширасидан икки қисм олинади. Агар [шираси] топилмаса, *кадирнинг* ўзини олиб арралаб, кипиғи ёки уни майдалаб қуқуни олинади ва ўзининг ярмича сандал билан қўшиб, ҳайдалган сиркада ёки тоза ғўра

сувида бир неча кун ивитиб қўйилади. Кейин [кадир] титилиб кетгунча узок вақт аста-секин кайнатилади, сўнгра уни сиқиб, суви олинади. Сирка ёки ғўра суви қанча кўп бўлса, шунча яхши. Кейин айрон зардоби унинг сузма қисмидан ажратиб олинади, бунинг учун [айронни] яхшилаб сузилади ёки оғиз сувини кайнатган каби уни ҳам сув қисми ажралиб чиққунча кайнатилади. Сўнгра арпа унidan оғиз суви билан қўшиб бўза тайёрланади, бўзани ачитиб қўйиб сузилади, шундан кейин шу [бўзадан] арпа уни билан қўшиб, яна бир марта бўза тайёрлаб ачитилади. Бу иш қанча кўп кайтарилса, шунча яхши бўлади.

Мана шу [бўзадан] беш қисм олинади; бундан ташқари, Хитой нокининг суви, серсув нордон беҳи суви, нордон анор суви, серсув нордон олма суви, дўлана суви, лимон суви, нордон¹ олхўри суви, хурмо ғунчасидан сиқиб олинган сув, Табаристон етмагининг суви, тўла етилиб пишмаган Шом тути суви, нордон довучча суви, ғўра узум суви, ровоч суви, ток новдаларининг суви, Форс гулининг сиқиб олинган суви, нилуфарнинг сиқиб олинган суви ва гунафшадан сиқиб олинган сувларнинг ҳар биридан – учдан бир қисмдан; цитрон этидан сиқиб олинган сув билан *норанждан* сиқиб олинган сувларнинг ҳар биридан–учдан икки қисмдан; кашнич, коху, ҳўл кўкнор барги, сачратқи ва семизўтлардан сиқиб олинган сувларнинг ҳар биридан – чорак қисмдан; тол барги, олма барги, нок барги, дўлана барги, кизил гул барги ва кизил тасма баргларидан сиқиб олинган сувларнинг ҳар биридан – чорак қисмдан; такасоқол шираси, қуритилган кизил гул, қуритилган нилуфар, қуритилган зирк шираси, сачратқи уруғи, коху уруғи ва анор гулларининг ҳар биридан ўндан бир қисмнинг ярмичасидан; ҳўл ялпиз ширасидан олтидан бир қисм ва ҳўл зирк ширасидан ярим қисм олинади. Бу дорилар ва сиқиб олинган сувларни қўшиб, оловга қўйилади ва уларга ясмиқдан тўрт қисм, оқланган арпадан икки қисм, татимдан уч қисм ва анор донасида ҳам уч қисм солинади. Буларнинг ҳаммасини оловга қўйиб, ярми қолгунча кайнатилади, кейин совутиб қўйилади ва каттиқ эзиб, сузилади.

Сўнгра [аралашманинг] ҳар уч юз *дирҳамига* бир *мисқолдан* кофур олинади-да, уни янчиб, «қовок»² ёки колбанинг тагига сепилади ва устига [тайёрланган] дорини қўйиб, идишнинг оғзи маҳкамлаб беркитилади; сўнгра у кайнай дегунча чўғ устига қўйилади. Кейин [чўғдан] олиб чайқатилади ва *бустуқага*³ солиб, кофур учиб кетмасин учун идишнинг оғзи беркитиб қўйилади. Бир ичимни – ўн *дирҳамгача*.

Баъзи кишилар бунга сунбул, занжабил¹, заъфарон, арпабодиён уруғи, Рум арпабодиёни, мурч² ва тўпалокларнинг ҳар биридан *вақт ва [касалнинг] ёшига караб³, ўзлари лозим топган миқдорда қўшадилар.

[374] Биз тайёрлаган бўза нусхаси. Бу фойдали бўлиб, жинсий кувватни оширади.

Тайёрлаш⁴. Мурч, занжабил, сунбул ва мускат ёнғоқларининг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; янчилган темир чиркидан ўн *дирҳам*, гандано уруғидан ўн беш *дирҳам*, таратизак уруғи, шолғом уруғи, кичиткиўт уруғи ва хардалларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, қуш тили, ёввойи сано уруғи, *ҳабб уз-залам* ва сақич дарахти уруғининг мағзидан уч *дирҳамдан* олиб, янчилади ва сенга маълум йўсинда тугунчага тугилади. || Кейин шуни айрон [зардобига] *дах ёздаҳ*⁵ ҳисобида солиб аралаштирилади, сўнгра шу айрон [зардобини] ўзига баробар миқдордаги нон бўзаси билан қўшиб, [бошқатдан] бўза тайёрланади. 501

Биз тайёрлаган эрман шароби. Эрмандан юз ўлчов, шаробдан уч юз ва беҳи сувидан ҳам уч юз [ўлчов] олиб, эрманни шуларда уч кун ивитиб қўйилади. Кейин юз ўлчов асал қўшиб, оловда қиём қилинади⁶.



ЕТТИНЧИ МАҚОЛА

МУРАББОЛАР ВА АНБАЖЛАР¹

Жуланжубин² тайёрлаш. Иситмага ва меъда оғриғига фойда қилади.

Қизил гулни косачасидан ажратиб олиб, пастки қаттиқ оқ жойлари киркиб ташланади-да, намлиги куригунча тоза латтага ёйиб қўйилади. Сўнгра тоғорага солиб, қўл билан эзилади ва устига кўпиги олинган асалдан [хаммасини] майин қилиб қориш мумкин бўладиган миқдорда қўшилади. Шундан кейин уни шиша ёки сопол идишга олиб, кирк кун офтобга қўйилади. [Кунда] эрталаб ва кечкурун аралаштириб турилади, агар асал керак бўлса, қўшилади. Кейин олиб қўйиб, олти ойдан кейин истеъмол қилинади.

Гунафша билан ҳам шундай қилинади. Агар *жуланжубин* ёки гунафша [мураббоси] шакар билан тайёрланса, олдин шакарга бир оз чучук сув солиб, асалдек қилиб эритилади-да, кейин *жуланжубин* тайёрлагандек қилиб тайёрланади.

Цитрон мураббоси. Меъда заифлигида мувофиқ бўлиб, овқатни хазм қилади.

Янги цитрондан олиб, ҳар бир цитрон узунасига тўрт қисмга бўлинади, кейин [пўчоғини] ички нордон қисмидан тозалаб, сопол тоғорага солинади ва [379] улар қотсин учун йирик оқ туз қўшилган чучук тиниқ сувда етти кун ивитиб қўйилади. Кейин яна етти кун тузсиз сувда [ивитилади] – шунда [пўчоқларнинг] ранги ўзгариб, сиртки томони ҳам ичига ўхшаб оқаради. Сувни тотиб кўриб, мазасида шўрлик қолмагунча [алмаштирилади]. Шундан кейин бир қисм яхши асал ва икки қисм сув қўшиб [тайёрланган аралашмадан] цитронни кўмадиган миқдорда солинади ва қозонда паст оловда икки соат қайнатилади; сўнгра [цитронни] асал ва сувдан чиқариб олинади. Эртасига асал олиб қайнатилади ва унинг кўпигини олиб, ичига цитрон солинади-да, бир қайнатиб олинади. Кейин [цитрон] тоғорага солинади ва устига куйидаги дорилар сепилади: ҳар икки *манн* цитронга заъфарон, кичик қоқила ва қоқилаларнинг ҳар би-

ридан – бир *мисқолдан*; калампирмунчок ва дорчинларнинг ҳар биридан ярим *мисқолдан*, мушкдан эса бир ярим *донақ* [солинади]. Бу дориларни янчиб, цитроннинг икки томонидан сепилади ва бир идишга солиб, устига асал қуйилади¹.

Бошқа нусха. Ўртача [катталиқдаги], пишган, сатҳи текис ва узунчок цитрондан олиб, ҳар бирини узунасига қирқиб, тўрт бўлакка ажратилади ва янги сопол тоғорада ивитиб қўйилади; бу иш Конуни аввал [яъни декабрь]да қуёш Жадий [буржига] қирганда қилинади. Буни йилнинг жуда совуқ [вақтида] қилган яхшироқ, чунки [цитрон] устидаги сув қанча кўп яхласа, у шунча қаттиқроқ ва турғунроқ бўлади. Сўнгра ҳар куни икки марта йирик туз билан ишқалаб тозалаб, кейин ювилади, кейин яна совуқ сувга қайтариб солинади. Уч ҳафта ўтгунча шундай қилинади. Кейин [цитронни] сувдан чиқариб олиб, бир оз вақт лаганга солиб қўйилади; агар бирон жойи сасиган бўлса, ўша ерлари пичок билан тозаланади-да, чучук сувга қайтариб солинади ва куннинг боши ва охирида эҳтиётлик билан ювилади; қирқ кунгача мана шундай қилинади. Сўнгра сувдан олиб, барча сасиган ва чириган жойлари ювиб ташланади, кейин намлиги кетсин учун бир кеча-кундуз қўйиб қўйилади. Эртасига [цитронни] оғзи катта қозонга ёки тоза *тинжирга*² солиб, устига уни кўмадиган қилиб сув қуйилади ва цитроннинг учдан бирича янчилган қанд солиб, паст оловда қавлаб туриб қайнатилади. Кейин [цитронни] чиқариб олинади ва артиб тозаланади-да, икки кун лаганга солиб қўйилади. Сўнгра қозонга қайтариб солиб, устига цитроннинг ярми вазнича қанд ва уни кўмиб, устидан тўрт энлик ошиб турадиган миқдорда сув солинади-да, паст оловда биринчи гал қайнатган йўсинда қайнатилади. Шу пайтда олов уни бузиб қўймаслигига эҳтиёт бўлиш керак, чунки мурабболар ичида тайёрланиши³ энг қийини мана шу [цитрон мураббосидир]. [Қозон] тагига олов ёққанинда, бутун фикру зикрингни оловнинг паст бўлишига қаратишинг лозим. Кейин [цитрон] сузиб олинади ва лаганга ёйиб⁴ сидирғасига уч кун қўйилади. Тўртинчи куни [цитронни] пичок учи билан тозалаб, яна қозонга солинади ва устига уни тўрт энлик беркитадиган миқдорда тоза асал қуйиб, паст оловда беш ёки олти соат пиширилади, токи асал цитроннинг сиртига марварид доналарига ўхшаб чиқиб турсин ва асал бир оз қуйилсин. Сўнгра оловдан тушириб, соутиб қўйилади.

Шундан кейин сунбул, калампирмунчок, дорчин, занжабил, қоқила, узун мурч || ва кичик қоқилаларнинг ҳар биридан бир 502

қисмдан олинади; шунда барча [дориларнинг] оғирлиги цитроннинг йигирмадан бирига¹ тенг бўлсин, яъни ҳар бир *манн* цитронга икки *истордан*²; [дорилар] йирик қилиб янчилади. Кейин [ҳаммасини қуйидаги тартибда] яшил идишга³ солинади идишга доридан бир оз сепиб, устига бир қават цитрон солинади, унинг устидан яна дори сепилади, [цитроннинг] барчаси тамом бўлгунча шундай қилиб чиқилади. Сўнгра устига қозонда қолган асалдан уни тўрт энлик кўмадиган микдорда қуйиб, идишнинг оғзи яхшилаб беркитилади ва уни совуқ ва намлик тегмайдиган жойга қўйиб қўйилади.

Билгинки, цитроннинг етилганлик аломати уни тоғорадаги сувга солганда тагига чўкишидир.

Беҳи мураббоси. Меъдани кучайтириб, ични боғлайди, шунингдек, ҳазм бузуклигида ҳамда меъданинг оғзи сабабли юз берадиган қусишда [фойда қилади].

Тайёрлаш. Яхши йирик беҳидан олиб, ичи ва пўчоғи тозаланади ва [ҳар бирини] тўртга [380] бўлиб, сув билан асалда қайнатилади, шунда сув икки қисм ва асал бир қисм бўлиши керак, баъзи одамлар уни шароб билан асалда пиширадилар, бу – энг яхши усул. Кейин уни совутиб асалнинг ёлғиз ўзида пиширилади. Сўнгра [беҳини] тоғорага ёйиб, устига цитрон [қисмида] кўрсатилган дорилар сепилади ва устига асал солиб, сақлаб қўйилади.

Беҳи мураббоси учун бошқа нусха. Меъда заифлиги ва ич кетишга фойда қилади.

Пишган беҳидан олиб, тўртга бўлинади ва ичидаги уруғларидан тозалаб, устини зиғир рўмолча билан артилади. Кейин бир қисм асал ва тўрт қисм сув [аралашмасидан] беҳини кўмадиган микдорда солиб, икки ёки уч марта қайнатиб олинади. Сўнгра сузиб [беҳи] яна қозонга солинади ва устига бир ҳисса кўпиги олинган асал ва бир ҳисса сув солиб, икки ёки уч марта қайнатиб олинади; кейин сузиб⁴ намлиги қуригунча лаганга ёйиб қўйилади. Сўнгра артиб, қозонга қайтариб солинади ва устига тўрт энлик кўмадиган қилиб асал қуйиб, бир қайнатиб олинади. Шундан кейин цитрон қисмида эслатиб ўтилган дориворлар сепилади ва яшил кўзачага солиб, оғзи маҳкамлаб беркитиб қўйилади. Баъзи табиблар қоқила, қалампирмунчоқ ва заъфарондан бошқа дориворларни қўшмайдилар.

Сабзи мураббоси. *Ибрида*, буйрак заифлиги ва умуртқа оғриғига фойда қилади ва жинсий қувватга ёрдамлашади.

Таркиби. Ранги тиниқ, тоза ва қаттиқ сабзидан олиб, икки учидан кесиб ташланади-да, устига ўз оғирлигича қаллақанд ёки шакар

солинади ва кўмадиган қилиб сув қуйиб, паст оловда [сабзи] юмшагунча қайнатилади. Кейин оловдан тушириб, курисин учун лаганга ёйиб қўйилади, [куригач] устидаги моғорлаган жойларини артиб [тозалаб], қозонга қайтариб солинади ва устига кўпиги олинган асалдан тўрт энлик кўмадиган миқдорда солиб, паст оловда пиширилади. Асал [сабзининг] ҳамма қисмларига ўтгандан кейин оловдан туширилади ва сопол кўзачага бир қават [сабзи] териб, устига доривор сепилади, шу тариқа ҳаммаси жойлаб чиқилади.

Ҳалила мураббоси. Хитой ва Ҳиндистонда бу мураббони ҳалиланинг ҳўлидан тайёрланади, ўша ерлардан келтириладигани жуда яхши бўлади. Бизда эса қуйидаги усулда тайёрланади: яхши Кобул ҳалиласидан олинади-да, шўр тупроқли бўлмаган, қумли нам ердан чуқур казиб, ичига бир қатор ҳалила терилади, бунинг остига ва устига ҳўл қумдан солиб, сув сепиб қўйилади. Икки кундан кейин ҳалилани олиб, [чуқурга] олдингидан бошқа ҳўл қум солинади ва [ҳалила] намлансин учун икки кун қўйилади. Ўн кунгача шундай қилинса, ниҳоят, ҳалила катталашиб, нам тортиб, кўпчийди. Кейин уни чучук сув билан уч-тўрт марта ювилади. Сўнгра хурмо ва тўпалоқдан олиб, иккаласи кўп сувда қайнатилади ва мана шу қайнаган сувга ҳалилани солиб, паст оловда аста-секин қайнатилади. У пишгандан кейин олиб, тозалаб ювилади. Кейин асални қайнатиб, кўпиги олинади-да, унда [ҳалила] қайнатилади. Шундан кейин цитрон мураббоси бобида мен эслатиб ўтган дориворларни олиб, юпка ва тоза зиғир латтага тугилади-да, қозоннинг ичига осиб қўйилади ва дориворларнинг қуввати ҳалилага ўтиши учун [тугунча] тез-тез эзиб турилади. [Мураббо] пишгандан кейин уни сопол тоғорага солиб, ҳалила дориворларнинг қувватини олсин учун икки-уч кун қўйилади. Кейин шиша идишга олиб, устига кўпиги олинган асал солинади, унинг устидан мушқ, заъфарон ва исталган миқдорда бир оз анбар солиб, идишнинг оғзини беркитиб қўйиб, истеъмол қилинади. Бу қанча эскиса, шунча яхши бўлади.

Ҳалила мураббосининг бошқа нусхаси. Йирик Кобул ҳалиласидан юз дона олиб, сувда ивителиди ва [сув билан] беш кун офтобга қўйиб қўйилади. Кейин сувдан олиб, беш кун ҳўл гўннга кўмилади-да, [381] ҳар куни устидан сув қуйиб турилади. Кейин қавлаб олиб, тозалаб ювилади-да, яна қайтариб янги гўннга кўмилади; уч мартагача шундай қилинади. Сўнгра [ҳалилага] уни кўмадиган миқдорда сув ва ўттиз *дирҳамдан* гуруч, оқланган арпа ва хурмо қўшиб, паст оловда сув [буғланиб] кетгунча қайнатилади.

503 Кейин [ҳалилаларни] чиқариб, зиғир латта билан артилади ва игна санчиб, устига шакаркамиш ширасидан || тўрт энлик кўмадиган микдорда солинади-да, қуюлгунча қайнатиб, истеъмол қилинади.

Бошқа хили. Яхши¹ Кобул ҳалиласидан юз дона олиб, тозалаб ювилади ва бир оз қурисин учун бир кеча қўйиб қўйилади. Сўнгра унга сув ёки арпа сувидан тўрт энлик кўмадиган қилиб солиб, паст оловда сув [буғланиб] кетгунча қайнатилади; кейин тандирга қўйилади, эртасига у ердан олиб, лаганга ёйилади ва латта билан артиб, игна санчилади. Сўнгра устига шинни солиб², [ҳалилалар] юмшагунча паст оловда пиширилади, кейин оловдан тушириб, устига дориворлар сепилади ва [идишга] кўтариб қўйиб, истеъмол қилинади.

Ёввойи сабзи мураббоси. Ёввойи сабзи занжабилга ўхшаш илдизлар бўлиб, у Ҳиндистондан келтирилади ва ўша ерда унинг ҳўлидан жуда яхши мураббо тайёрланади. Бизда эса у қуйидагича тайёрланади: [ёввойи сабзининг] ташқи пўстлоғи юмшасин учун олдин у иссиқ сув билан ҳўлланади ва пўстини пичоқ билан тозалаб, кейин етти кун ҳар куни сувни янгилаб туриб, совуқ сувда ивитиб қўйилади; бу ишни [ёввойи сабзининг] ичи ҳам, сирти ҳам нам тортиб юмшагунча қилинади. Ҳўллангандан кейин уни икки ҳисса сув ва бир ҳисса асал [аралашмасида] қайнатилади. Кейин асалнинг ёлғиз ўзида бир марта қайнатиб, шиша идишга солиб қўйилади. Агар ёввойи сабзининг рутубати билан суйилиб қолса, уни бу асалдан олиб, бошқа кўпиги олинган ва эслатиб ўтилган дориворлар қўшилган асалга солинади.

Занжабил мураббоси. Занжабил ҳам зарчавага ўхшаш ердан олинadиган илдиз бўлиб, Хитойда унинг ҳўлидан жуда яхши мураббо тайёрланади. Бизга эса унинг асал ёки гуруч суви билан тайёрланган мураббоси келтирилади. Бизда яна [занжабилнинг] қуруғини бир ой тузсиз сувда ивитилгандан кейин асал ва дориворлар билан қўшиб, [мураббо] тайёрланади. Бошқалар эса уни ҳалилага ўхшатиб қумга кўмиб қўйиб, кейин ҳалила бобида биз айтган йўсинда [мураббо] қиладилар.

Олхўри мураббоси. Агар [олхўри] ҳўл бўлса, унинг данагини ажратгандан кейин асал ва сув билан сўнгра ёлғиз асалнинг ўзи билан пишириб, ичига юқорида биз эслатиб ўтган доривор қўшилади. Агар қуритилган бўлса, уч кун сувда ивитиб қўйиб, кейин пиширилади.

Шолғом мураббоси. Яхши шолғомдан олиб, уларнинг катта-ки-

чиклигига қараб тўрт *ёки олти¹ бўлакка бўлинади ва пўчоғини ар-
чиб, тузли сувда тўрт кун ивитиб қўйилади. Шундан кейин уч кун
иссиқ сувда ивтилади-да, асал билан сувда, сўнгра ёлғиз асалнинг
ўзида пишириб, хушбўй қилинади.

Бодом мураббоси. Янги ширин бодомни пўсти билан бирга олиб,
ивитмасдан пиширилади ва [бодомларни] тешиб², хушбўй хидли
дориворлар қўшилади.

Бальзам ёғочи мураббоси. Хўл бальзам ёғочидан икки марта
пишириб, юқорида биз айтган дориворлар қўшиш орқали *анбаж*³
тайёрланади.

Омила мураббоси. Синмаган яхши омиладан танлаб олинади-
да, улар юмшаб кўпчиб, намлансин учун етти кун совук сувда иви-
тиб қўйилади. Кейин биз айтгандек қилиб икки марта пиширилади,
сўнгра дориворларни қўшиб, сув билан иккита қайнатиб олинади-да,
кўпиги олинган асал ва дориворларни солиб, истеъмол қилинади.

Қусганда фойда қиладиган олма мураббоси. Ширин Шом олма-
сини икки ҳисса сув ва бир ҳисса асал [аралашмасида] пиширилади,
кейин [382] иккинчи марта асалнинг бир ўзида пишириб, шиша
идишга солинади ва устига кўпиги олинган асал қуйиб, цитрон [му-
раббосини] тайёрлаш бобида эслатилган дориворлар қўшилади.



САККИЗИНЧИ МАҚОЛА

КУЛЧАЛАР¹

Бизнинг бу ердаги сўзимиз ҳам олдин ўтган [мақолалардаги] сўзимиз сингари бўлади.

Юлдуз кулчалари. Қадимги табиблар буларни шу даражагача улуғлаган эдиларки, ҳатто уларни *ақрос кавкабо...*², яъни ҳаётни энгилишга қўймайдиган юлдуз кулчалари деб атаганлар.

Бу кулчалар бошқа аъзолардан ҳайдалиб келаётган чикиндиларни қабул қиладиган заиф меъдаларга мувофик келади ва нордон кекирикни йўқотади. Агар улар пешонага суртилса, бош оғриғини босади; улар назлалар ва тиш оғриғига ҳам фойда қиладди, – уларни гальбан елими билан қўшиб, [тишнинг] ейилган жойига қўйилади. Улар яна кулок оғриғи, қон туфлаш ва ҳар қандай аъзодан қон оқишида ҳамда эски йўталда фойда етказади. Агар улар самсақ суви билан ичирилса, даврий иситмаларга фойда қиладди, газагўт сувига солиб ичирилганда эса, захарли [ҳашаротлар] чакканда ва захар ичганда фойда қиладди.

Бу [кулчаларнинг таркибига] «ер юлдузи» қўшилади; кўпчилик [табиблар] бунини талқ дейдилар, баъзилар эса Самос лойи деб ҳисоблайдилар. Эҳтимол, талқ меъданинг ички сочиксимон деворига ёпишиб, ўрнашиб олса керак, шунда унинг ўзи туғма ҳароратдан таъсирланмасдан бошқа нарсага таъсир кўрсатади³. Биз [кулчаларнинг] таркибини улар⁴ келтирган тарзда келтираемиз.

Таркиби. *Мурр*, қундуз қири, сунбул, Цейлон дорчини, муҳр лойи ва меҳригиёҳ илдизининг пўстлоғи – шуларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; афюн, заъфарон, қуст ва «ер юлдузи», яъни талқларнинг ҳар биридан – беш *дирҳамдан*; оқ кўкнордан олти *дирҳам*; ёввойи сабзи уруғи, Рум арпабодиёни, Рум сассиқ қавраги, мингдевона уруғи, суюқ *майъа* елими ва петрушка уруғларининг ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан* [олинади]. Елимлар хушбўй шаробда ивитилади, [бошқа] дорилар эса янчилади, кейин [ҳаммасини] қориштириб, ярим *дирҳамли* кулчалар тайёрланади ва сояда қуритиб, *истеъмол қилинади⁵.

Қизил гул кулчаларининг умумий [нусхаси]. Меъда оғриғига фойда қилади, меъдадан рутубатларни тозалаб кетказади ва балғамдан бўладиган эски иситмаларни йўкотади.

Таркиби. Қосачасидан тозаланган қизил гулдан – йигирма *дирҳам*, || хушбўй сунбул ва чучукмия илдизларининг ҳар биридан 504 – ўн *дирҳамдан*; баъзи табиблар чучукмия илдизи ўрнига чучукмиянинг қуюлтирилган ширасини оладилар. Бу дориларни янчиб элагандан кейин аралаштирилади, кейин *мусаллас* билан қорилади ва кулчалар ясаб, сояда қуритилади¹.

Асклепнад² нусхаси бўйича қизил гул кулчалари. [Меъда] ҳароратини сўндиради ва меъда оғриғига фойда қилиб, у [меъда]ни кучайтиради; у яна астма, ҳарорат, алангаланиш, рутубат, «меъда ағдарилиши³», ҳарсиллаш ва куйишда ҳам [фойда қилади].

Таркиби. Ҳўл қизил гулдан олти *мисқол*, чучукмия илдизидан тўрт *мисқол* ва Ҳинд сунбулидан икки *мисқол* олиб, шинни билан қорилади ва бир *дирҳамли* кулчалар ясаб, сояда қуритилади⁴.

Сақамунӣли қизил гул кулчалари. Иситмаларга ва ич қотганга фойда қилади.

Таркиби. Қосачасидан тозаланган қизил гулдан – ўн икки *дирҳам*; хушбўй сунбул ва чучукмия илдизларининг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан* ва *сақамунӣдан* уч *дирҳам* олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин қориштириб, кулчалар ясалади ва сояда қуритилади. Бунини совук сув ва гулоб ёки *сиканжубин* билан ичирилади.

Табоширли қизил гул кулчалари. Балғам ва сафродан келиб чиқадиган эски аралаш иситмаларга фойда қилади.

Таркиби. Қосачасидан тозаланган қизил гулдан беш *дирҳам*, хушбўй сунбулдан икки *дирҳам*, *табоширдан* бир *дирҳам* ва *гофит* ширасидан саккиз *дирҳам* олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин аралаштирилади [383] ва кулчалар ясаб, сояда қуритилади, керагида⁵ истеъмол қилинади.

Дабизвардо⁶ деб аталувчи қизил гул кулчалари. Жигар ва талоқ тикилмаларига, шунингдек, савдо ва балғамдан бўладиган иситмаларга фойда қилади.

Таркиби. Қизил гулдан – ўн *дирҳам*, чучукмия ширасидан – беш *дирҳам*; сунбул, Цейлон дорчини, қорачайир гули, *мурр*, заъфарон ва мастакиларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан* олинади ва янчиб эланади: *мурр* билан заъфарон эса сиркада ивителиди, кейин ҳаммасини қориштириб, кулчалар ясалади; истасанг асал билан қориштира!

Қизил гул кулчалари *учун бошқа нусха¹. Кун ора тутадиган иситмага фойда қилади.

[Т а р к и б и]. Қизил гулдан – ўн *жуз*; сунбул, заъфарон, мастаки, Рум арпабодиёни ва дарахт шохларидаги *лаккларнинг* ҳар биридан – ўн *жуздан*; *гофит* шираси ва эрманларнинг ҳар биридан – икки *жуздан*; корачайир гули ва сарик ҳалилаларнинг ҳар биридан – бир *жуздан*; бошқа бир нусхада қизил гулдан сунбул ва мастакича олинади. Буларни янчиб, петрушка суви билан кориштирилади ва ҳар бири ярим *мисқолли* кулчалар ясалади.

Сунбуллик қизил гул кулчалари. Жигар оғриғига фойдаси бор.

[Т а р к и б и]. Сунбул, ювилган *лакк* ва чучукмия² илдизларининг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*; эрман, чаёнўт, заъфарон, *гофит* шираси ва Чин ровочларининг ҳар биридан уч *дирҳамдан* ва қизил гулдан етти *дирҳам* олинади. Булар янчиб, эланади ва сув билан қориб, кулчалар ясалади.

Кофур кулчалари. Ҳароратни сўндириб, иситмалардаги алангаланишни босади, ингичка оғрик ва силга фойда қилади, ташналик, беҳузурлик ва қон қусишни тўхтатади.

Таркиби. *Табоширдан* тўрт *дирҳам*, қизил гулдан етти *дирҳам*, бодринг уруғи, семизўт уруғи, ширин ковок уруғи, катиरो, Рум сунбули, [араб] елими, чучукмиянинг қуюлтирилган шираси, хом уд ва қоқилаларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, заъфарондан икки *дирҳам*, новвот ва янтоқшакарларнинг ҳар биридан етти *дирҳамдан* ва кофурдан бир ярим *дирҳам* олиб, янчилади ва испағул шираси билан қориб, кулчалар ясалади.

Кофур кулчаларининг бошқа нусхаси. Меъда ва жигарнинг алангаланиши, қон қусиш, ташналик ва ўткир иситмаларга фойда қилади.

Таркиби. *Табоширдан* – тўрт *дирҳам*, косачаларидан тозаланган қизил гулдан – ўн *дирҳам*, тоза яхши уд, қоқила ва қуюлтирилган чучукмия шираларининг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*, новвот, янтоқшакар ва пўчоғи тозаланган таррак уруғларининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; заъфарон ва кофурларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан* олинади. Бу дориларни янчиб, элаб қўшилади, кейин испағул шираси билан қориб, бир *дирҳамли* кулчалар ясалади ва сояда қуритиб, истеъмол қилинади.

Кофур кулчалари учун бошқа нусха. Ўткир иситмаларга фойда қилади ва жигар тикилмаларини кучли равишда очади.

Таркиби³. Қуритилган гунафша ва нилуфарларнинг ҳар бири-

дан – уч *дирҳамдан*, таррак уруғи, *қасад*¹ уруғи, *табошир* ва заъфаронларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; Чин ровочи ва *лаккларнинг* ҳар биридан – бир *дирҳамдан*, катиरो, араб елими ва чучукмия шираларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, кофурдан – ярим *мисқол*; бошқа бир *нусхада* кофурдан – бир *мисқол*; янтоқшакар ва кандларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан* олиб янчилади ва кулчалар ясалади.

Бошқа нусха. Кофур ва хом удларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, заъфарон ва *табоширларнинг* ҳар биридан икки *мисқолдан*, таррак уруғи, *қасад* уруғи, катиरो, *лакк*, чучукмия шираси *ва қоқилаларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, қизил гулдан етти *дирҳам*, канд² ва янтоқшакарларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан* [олиб] янчилади ва қориштириб, кулчалар ясалади.

[384] **Кофур кулчалари учун бизнинг нусхамиз.** Сачратқи уруғи, коху ва семизўтларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*, пўсти чақилган ковок уруғи ва пўсти чақилган бодринг уруғларининг || 505 ҳар биридан – иккию учдан бир *дирҳамдан*; топилса, *кадирнинг* қуюлтирилган ширасидан³, бўлмаса *мақосирий* сандалидан уч *дирҳам*, куйдирилган кискичбақа, заъфарон, қуюлтирилган чучукмия шираси ва кофурларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* ва қизил гулдан тўрт *дирҳам* олиб, кулчалар тайёрланади.

Янтоқшакар қўшилган табошир кулчалари. Ўткир иситмага фойда қилиб, [хароратни] сўндиради.

Таркиби. Қизил гулдан олти *дирҳам*, янтоқшакардан – тўрт *дирҳам*, крахмалдан уч *дирҳам*, [араб] елими, катиро, табошир ва заъфаронларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* [олиб], янтоқшакар суви ва испағул шираси билан қорилади. Баъзи [табиблар] бунга яна бодринг уруғи, таррак уруғи, семизўт уруғи ва ширин ковок уруғларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* қўшиб янчадилар ва қориштириб, кулчалар ясайдилар.

Қўзиқулоқ уруғи қўшилган табошир кулчалари. Сафродан бўладиган ҳамда кун ора тутадиган иситмаларга фойда қилади, хусусан, ич суриш ҳам биргаликда бўлса, [яхши фойдаси бор].

Таркиби. Қизил гулдан саккиз *дирҳам*, [араб] елими, пўчоғи чақилган қўзиқулоқ уруғи ва бир оз ковурилган крахмалларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, *табоширдан* уч *дирҳам* ва заъфарондан икки *дирҳам* [олиб] янчилади ва нордон анор суви ёки ғўра узум суви билан қориштириб, кулчалар тайёрланади. Буни ўзича қуюлтирилган ғўра шираси ёки ровоч шарбати билан ичирилади.

Айрим [табиблар] бунга яна икки *дирҳамдан* арман лойи ва зирк шираси ҳамда уч *дирҳам* ковурилган *шоҳбаллут*¹ қўшадилар.

Зирк кулчалари. Ўткир иситма, жигар шишлари ва каттик ташналикка фойда қилади.

Таркиби. Зирк шираси ёки зиркнинг ўзидан тўрт *дирҳам*, бодринг уруғи, мастаки ва *табоширларнинг* ҳар биридан икки *дирҳамдан*, *лакк* ва Чин ровочининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, қизил гулдан ўн икки *дирҳам*, заъфарондан бир *дирҳам*, сунбул, *зофит* шираси, чучукмия илдизи ва янтоқшакарларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* [олиб], бир *дирҳамли* кулчалар тайёрланади ва мувофиқ келадиган бирон ичимлик билан ичирилади. Бир гуруҳ [табиблар] бунга яна эрман ширасидан икки *дирҳам*, туёғўт, петрушка уруғи ва арпабодиён уруғларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан* ва рўяндан эса икки ярим *дирҳам* қўшадилар.

Зирк кулчаларининг бошқа нусхаси. Алангаланувчи иситмаларга, шунингдек, жигар ва меъда шишларига фойда қилади.

Таркиби. Зирк, қуюлтирилган чучукмия шираси, қизил гул, таррак уруғи ва пўсти чакилиб, янчиб эланган қовун уруғларининг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*; мастаки, хушбўй сунбул ва *зофит* шираларининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; рўян, Чин ровочи ва заъфаронларнинг ҳар биридан–бир *дирҳамдан*; зарпечак уруғи ва сачратқи уруғларининг ҳар биридан–уч *дирҳамдан*; *табоширдан* – бир ярим *дирҳам* ва янтоқшакардан олти *дирҳам* олиб янчилади ва янтоқшакар суви билан қориб, ҳар бири бир *мисқолли* кулчалар ясалади.

Бошқа нусха. Иситмали жигар оғриқларига ҳамда ташналик ва сарик касаллигига фойда қилади.

Таркиби. Янги қизил гулдан – етти *дирҳам*, зирк шираси ва янтоқшакарларнинг ҳар биридан – уч *дирҳамдан*, курук зарпечак ёки унинг уруғидан – бир ярим *дирҳам*; *зофит* ширасидан – бир *дирҳам*, бодринг уруғидан – икки ярим *дирҳам*, Рум сунбули ва *табоширларнинг* ҳар биридан – бир ярим *дирҳам*; заъфарон, *лакк* ва ровочларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан* ва чучукмия ширасидан икки ярим *дирҳам* олиб, янчилади ва янтоқшакар суви ёки сачратқи суви билан қориштирилади.

Бошқа нусха. Алангаланувчи иситмалар, ташналик ва беҳузурликда фойда қилади ҳамда [алангаланишни] *кучли равишда² сўндиради.

[385] **Таркиби.** Зирк ёки унинг шираси, чучукмия шираси ва

табоширларнинг ҳар бирдан – уч *дирҳамдан*, сунбулдан – бир *дирҳам*, бодринг уруғидан – уч ярим *дирҳам*, кизил гулдан – олти ярим *дирҳам*; семизўт уруғи, заъфарон, крахмал ва катироларнинг ҳар бирдан икки *дирҳамдан* ва кофурдан ярим *дирҳам* [олинади] ва янтоқшакар суви билан кориб, кулчалар ясалади.

Бошқа нусха. Иситма, йўтал ва жигар оғриғига фойда қилади ва ташналикни босади.

Таркиби. Зиркдан ўн икки *дирҳам*, таррак уруғи, *қасад* [уруғи], мастаки ва *табоширларнинг* ҳар бирдан олти *дирҳамдан*, *лакк* ва Чин ровочларининг ҳар бирдан – уч *дирҳамдан*, кизил гулдан олти *дирҳам*, заъфарон, сунбул, *зофит* шираси, чучукмия шираси ва янтоқшокарларнинг ҳар бирдан олти *дирҳам* олиб янчилади ва кулчалар тайёрланади¹.

Биз [тайёрлаган] зирк кулчалари. Зиркнинг қуюлтирилган ширасидан беш *дирҳам*, *зофит* шираси ва *табоширларнинг* ҳар бирдан икки *дирҳамдан*, ювилган *лакк*, заъфарон, кундур елими, сунбул, эрман шираси, ровоч ва говзабонларнинг ҳар бирдан икки ярим *дирҳамдан*, сачратки уруғи ва зарпечак уруғларининг ҳар бирдан уч *дирҳамдан*, семизўт уруғидан бир ярим *дирҳамдан* ва заъфарондан² бир *дирҳам* олиб, сачратки суви билан кулчалар тайёрланади.

Эрман кулчалари. Бу эски иситмаларга фойда қиладиган кулчалар бўлиб, [тикилмаларни] жуда яхши очади, сийдикни юргизади ва иштаҳани очади.

Таркиби. Рум арпабодиёни, эрман, туёғўт, петрушка уруғи ва пўчоғи тозаланган аччиқ бодомларнинг ҳар бирдан баробар қисмдан олиб, совуқ сув билан кориштирилади ва кулчалар тайёрлаб ичирилади.

Бошқа нусха. Жигар, талок ва меъдага, шунингдек, кун ора ва уч кунда бир тутадиган иситмага фойда қилади.

Таркиби. || Рум арпабодиёнидан – икки *мисқол*; туёғўт, Рум эрмани, петрушка уруғи ва иккала пўсти ҳам тозаланган аччиқ бодом, мастаки ва сунбулларнинг ҳар бирдан бир *мисқолдан*, Сукутро сабри ва Ҳинд *содажларининг* ҳар бирдан бир ярим *мисқолдан* ва *зофит* ширасидан бир *мисқол* олиб янчилади ва кориштириб, кулчалар ясалади.

Зофит кулчалари. Алангали эски иситмаларга, шунингдек, ташналик, тикилмалар, жигар ва талок шишлари ҳамда сариққа фойда қилади.

Таркиби. *Ғофит* ширасидан олти *истор*, косачасидан тозаланган қизил гул ва хушбўй сунбулларнинг ҳар биридан икки *истордан*, тозаланган янтоқшакардан олти *истор* ва *табоширдан* тўрт *дирҳам* олинади. Бу дориларни янчиб¹, элакдан ўтказгандан кейин кўшилади ва кориштириб, кулчалар тайёрланади.

Ковул кулчалари. Талок оғриқларига фойда қилади.

Нусхаси². Ковул илдизининг пўстлоғидан тўрт *истор*, каврак елимидан тўрт *истор*, ровочдан икки *истор*, панжангушт ва қорамурчларнинг ҳар биридан олти *истордан* олинади. Бу дорилар янчиб, аралаштирилади; каврак елими эса узум сиркасида ивителиди ва у билан қолган дориларни кўшиб, кулчалар ясалади.

Лакк кулчалари. *Лакк*³, рўян, Рум арпабодиёни, петрушка уруғи, эрман, туёғўт, пўчоғи тозаланган аччиқ бодом, *қуст*, дорчин, узун аристолохия ва *зофит* шираларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан* олиб [386] янчилади ва кориштириб, кулчалар ясалади.

Пақ-пақ кулчалари. Булар буйрак ва қовуқ оғриқларига, шунингдек, қон, йиринг ва шиллиқ аралаш сийишга ҳамда қовуқ кўтирига фойда қилади.

Таркиби. Қовун уруғидан ўттиз олти *мисқол*, афюндан етти *мисқол*, ок мингдевона *уруғи*, петрушка *уруғи* ва кўзикулоқ уруғларининг ҳар биридан тўққиз *мисқолдан*, сассикалаф уруғи ва кашнич уруғларининг ҳар биридан ўн саккиз *мисқолдан*, арпабодиён уруғи, ковурилган санавбар донаси, заъфарон ва аччиқ бодомларнинг ҳар биридан тўққиз *мисқолдан*, тоғ пақ-пағининг мевасидан етмиш беш дона олиб, [ҳаммаси] янчилади ва узум шинниси билан кориб, кулчалар ясалади. Бир ичимчи – икки *мисқолдан* уч *мисқолгача*.

Бошқа нусха. Буйрак ва қовуқ яраларига ҳамда томчилаб сийишга [қарши] фойда қилади.

Таркиби. Петрушка *уруғи*, мингдевона уруғи ва наша уруғларининг ҳар биридан олти *дирҳамдан*, арпабодиён уруғидан икки *дирҳам*, заъфарон, ёввойи кўзикулоқ уруғи, санавбар бодоми, афюн ва пўчоғи тозаланган аччиқ бодомларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, йирик пақ-пақ мевасидан йигирма беш дона ва таррак уруғидан ўн икки *дирҳам* олиб, майдаланади ва кориштириб, кулчалар тайёрланади.

Ровоч кулчалари. Эски касалликларга, жигарнинг берч бўлиб, каттиқланиб қолиши ва унинг шишларига, шунингдек, талок оғриқлари ва баданга тушган зарба [изларига қарши] фойда қилади.

Таркиби. Чин ровочидан – саккиз *дирҳам*, рўян ва шохлардан тозалаб олинган *лаккларнинг* ҳар биридан¹– тўрт *дирҳамдан*; петрушка уруғи, *зофит* ва Рум арпабодиёнларининг ҳар биридан *уч дирҳамдан* олинади. Бу дориларни янчиб қўшилади ва одатдагича кулчалар ясалади.

Абу Мулис таркиб қилган кулча. Ҳарорат, ич кетиш ва жигар оғриғига фойда қилади.

Таркиби. *Табошир*, зирк, *уд*, кўзикулоқ уруғи, мастаки, тўёғўт ва омила шираларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, [араб] елимидан *уч мисқол* ва қизил гулдан беш *мисқол* олиб, гул суви билан қорилади ва кулчалар тайёрланади.

Бошқа кулча. Рум арпабодиёни ва петрушка уруғларининг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, туёғўт, аччиқ бодом, мастаки, сунбул ва Ҳинд *содажларининг* ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, *зофит* шираси ва сабрларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* [олиб] қориштирилади ва кулчалар ясалади.

Бошқа кулча. Аччиқ бодом, Рум арпабодиёни ва эрманларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* ва туёғўтдан бир *дирҳам* олиб янчилади-да, қориштириб, кулчалар ясалади.

Миюн кулчалари. Заъфарон, афюн, *мурр*, мингдевона уруғи ва меҳригиёҳ илдизи пўстлоқларининг ҳар биридан баробар қисмдан олиб, сутчўп шираси билан қориштирилади ва кулчалар тайёрланади. Керак вақтда [бу кулчаларни] янчиб, сувда ивителиди ва икки чаккага суртилади.

Бошқа кулча. Хушбўй қамиш ва қашқарбедаларнинг ҳар биридан *уч уқиядан*, қоқиладан бир ярим *уқия*, насрин гули² япроқларидан ярим *уқия*, қизил гулдан ярим *уқия* ва мушкдан бир *мисқол* олиб янчилади ва элакдан ўтказиб, кулчалар тайёрланади.

Ичак яралари ва қаердан бўлса ҳам, қон оққанда фойда етказувчи кулчалар.

Таркиби. Қизил гул, афюн, араб акацияси шираси ва [араб] елимларининг ҳар биридан бир *уқиядан*, мозидан ярим *уқия* ва *филзаҳрадан*³ бир ярим *уқия* олинади, баргизуб шираси билан қориштириб кулчалар ясалади.

Андромах кулчалари. Қон қусганга фойда қилади.

Таркиби. Мингдевона уруғи, афюн ва маржонларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, кундур елимидан саккиз *дирҳам*, «ер юлдузи», крахмал ва арман лойларининг ҳар биридан [387] *уч дирҳамдан*,

кўкнор уруғидан икки *дирҳам* ва анор гулидан ярим *дирҳам* олиб янчилади ва қориштириб, кулчалар ясалади.

Андромах кулчаларининг бошқа нусхаси. Меъда оғриғи, ич қотиш ва сийдик тутилишида фойдалидир.

Таркиби. Петрушка уруғидан олти *дирҳам*, Рум арпабодиёнидан уч *дирҳам*, Чин ровочи, оқ мурч, қорачайир гули, қундуз қири, сунбул, дорчин ва афюнларнинг ҳар биридан бир ярим *дирҳамдан*,
507 эрмандан || уч *дирҳам*, Суқутро сабри, мастаки ва заъфаронларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олиб янчилади, эланади ва қориштириб, кулчалар ясалади.

Ал-Киндий кулчалари. Қон пайдо қилишга ожизлашиб қолиш натижасида овқатга бўлган иштаҳа билан шаҳвоний интилишни заифлаштирган жигарга фойда қилади.

Таркиби. Шохлардаги *лаккдан* – беш қисм, зиркдан – уч қисм, Чин ровочи, қизил гул ва Ҳинд удининг ҳар биридан – бир қисмдан; Рум райҳони ва ҳаво ранг гулсапсар илдизларининг ҳар биридан ярим қисмдан, заъфарон, Рум арпабодиёни, петрушка уруғи, Рум *қошими* ва тоғ петрушкаларининг ҳар биридан чорак қисмдан олиб янчилади ва элакдан ўтказиб, кулчалар ясалади.

Бармакий кулчалари. Хом балғам ва сафродан жуда кучли равишда тозалаб, фойда етказилади.

Таркиби. Ҳалила, балила, омила ва *баранкларнинг*¹ ҳар биридан янчиб² элагандан кейин бир *жусдан*, оқ турбуд мағзидан юқоридагиларнинг ҳаммасича, каллаканддан эса, шуларнинг барчасига тенг миқдорда олинади. Қандни *тинжирга* солиб, устига озгина сув қуйилади, у қайнаб чикқач, оловдан туширилади ва устига юқоридаги дориларни аралаштириб сепилади. Кейин ҳаммасини яхшилаб қориштириб, ҳар бири ўн *дирҳамли* кулчалар ясалади. Бир ичимини бир кулчадан бўлиб, у ичида кечаси билан қуруқ кашничи ивитиб қўйиб, эрталаб дори ичадиган вақтда сузиладиган сув билан ичирилади. У ўндан то йигирма мартагача [хожатга] турғизади. [Касалга] овқат кечқурун берилади: нўхат суви ва ювилган зайтун ёғидан суюқ ош қилиб [берилади]. Агар ёпишқоқ шишасимон балғамни чиқариш керак бўлса, [кулча таркибига] ҳалиланинг тўртдан бирича Абу Жаҳл тарвузининг этидан қўшилади.

Мозиюн³ **кулчалари.** Кўнгил айнаш, ҳикичоқ ва *захирга* фойда қилади.

Таркиби. Рум арпабодиёни, петрушка уруғи, боғ ялпизи, [оддий] ялпиз, тоғ петрушкаси ва жуводаларнинг ҳар биридан олти

дирҳамдан, афюн, кундуз кири, ок мурч, узун мурч, тошчўп, *мурр* ва эрманларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* ва Цейлон дорчини пўстлоғидан ўн икки *дирҳам* олиб, асал билан қориштирилади-да, кулчалар ясалади.

Мозиюн¹ кулчаларининг бошқа хили. Петрушка уруғи, Рум арбодиёни ва дорчинларнинг ҳар биридан – олти *дирҳамдан*, эрмандан – тўрт *дирҳам*; *мурр*, афюн, мурч ва кундуз қирилларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* олинади. Бу дориларни янчиб, элагандан кейин қўшилади ва *мусаллас* билан [қориб], кулчалар ясалади. Улар меъда заифлиги, ич кетиш ва қусишга [қарши] истеъ-мол қилинади.

Рузунун кулчалари. Алангаланувчи иситмалар ва жигар шишларига, шунингдек, сафро, балғам, қон ва рутубатдан келиб чиқадиган мураккаб иситмаларга фойда қилади.

Таркиби. Косачаларидан тозаланган қизил гулдан олти *дирҳам*, хушбўй сунбул ва заъфаронларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, чучукмиянинг қуюлтирилган шираси, чучукмия илдизи, пўсти тозаланган таррак уруғи ва тозаланган янтоқшакарларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, [араб] елими ва катироларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олинади. Бу дорилар янчиб, аралаштирилади ва чучук сув билан қориб,² кулчалар ясалади.

Бошқа хил рузунун кулчалари. Қовун уруғи, таррак уруғи, бодринг уруғи ва пўчоғи тозаланган ширин қовок уруғларининг ҳар биридан [388] ўн *дирҳамдан*, қуюлтирилган чучукмия ширасидан олти *дирҳам*, катиродан тўрт *дирҳам*, арпабодиён уруғи ва қизил гулларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* ва заъфарондан бир *дирҳам* олиб, янчилади ва испағул суви билан қориштириб, кулчалар ясалади.

Морвис³ кулчалари. *Иловусга* йўлиқай деб қолган касалга фойда қилади, дамликни қайтаради; қусишда ҳам унинг фойдаси бор⁴.

Таркиби. Петрушка уруғи ва Рум арпабодиёнларининг ҳар биридан олти *дирҳамдан*, Рум эрманидан тўрт *дирҳам*, мастакидан тўрт *дирҳам*, мурчдан икки *дирҳам*, *муррдан* икки *дирҳам*, дорчиндан олти *дирҳам*, афюндан икки *дирҳам* ва кундуз қиридан икки *дирҳам* олиб янчилади, эланади ва қориштириб, кулчалар тайёрланади.

Кўкнор кулчалари. Қон оқиш, йўтал, иситма ва кўкрак оғриғида фойдалидир.

Таркиби. Қизил гул ва араб елимларининг ҳар биридан тўрт

дирҳамдан, крахмал ва катироларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, ок ва қора кўкнорларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, *табоширдан* бир *дирҳам*, куюлтирилган чучукмия ширасидан икки *дирҳам* ва заъфарондан икки *донақ* олиб янчилади ва кориштириб, кулчалар тайёрланади.

Анор гули кулчалари. *Хилфага*¹ учраган, ичидан қон ва йиринг ўтадиган ҳамда захирга йўлиққан кишиларга фойда қилади.

Таркиби. Анор гули, *қарт*², татим, ковурилган дуб ёнғоғи, кунор мевасининг толқони ва мирт уруғларининг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан*, ковуриб сиркага ботирилган мози ва сиркада ивитиб, *кейин ковурилган³ зираларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* олиб янчилади ва гул суви ёки баргизуб шираси, ёки олма суви билан қориб, бир *дирҳамли* кулчалар ясалади.

Дис булидус⁴ **кулчалари.** Буйрак ва ковуқ яралари, қон сийиш за қийналиб сийишга фойдалидир.

Таркиби. Петрушка уруғи, мингдевона уруғи ва наша уруғларининг ҳар биридан олти *дирҳамдан*, арпабодиён уруғидан икки *дирҳам*, заъфарон, санавбар докаси, кўзиқулоқ уруғи, афюн ва пўчоғи тозаланган аччиқ бодомларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, тоғ⁵ пақ-пағи мевасидан йигирма беш *дона*, пўчоғи тозаланган таррак уруғидан ўн икки *дирҳам* олиб янчилади ва кориштириб кулчалар ясалади.

508 **Асклепиад нусхаси бўйича андрун кулчалари.** || Анор пўстидан ўн *дирҳам*, Яман аччиктошидан тўрт *дирҳам*, ок зокдан ўн икки *дирҳам*, катиродан ўн икки *дирҳам*, *муррдан* тўрт *дирҳам*, кундур елимидан саккиз *дирҳам* ва аристолохиядан ўн икки *дирҳам* олинади ва асал суви билан қориб, кулчалар ясалади.

Бошқа нусха. Аристолохия ва яшил мозиларнинг ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*, бошқа дорилар олдингича қолади; шакардан эса ҳамма дориларга тенг миқдорда [олинади]. Буларни янчиб кориштирилади-да, кулчалар тайёрланади.

Бошқа кулча. Ичак яраларига ҳамда кўкракдан қон туфлашга фойда қилади ва қориндаги болани саклайди.

Таркиби. Сурма, *содаж* ва бақам дарахти елимларининг ҳар биридан – уч *истордан*, *садаврондан*⁶ – бир *истор*, ладан, омила шираси ва заъфаронларнинг ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*, анор гули ва мозиларнинг ҳар биридан – йигирма *дирҳамдан*; *хузаз*, тоғ эчкисининг куйдирилган шохи ва араб акацияси шираларининг ҳар биридан ўн *дирҳамдан* олиб, баргизуб суви ёки қизил тасма суви

билан қорилади. Бу уч хил йўсинда истеъмол этилади: биринчиси, остдан қон кетганда ҳукна қилинади; иккинчиси, юнг парча билан олддан кўтарилади; учинчиси, цитрон шираси ва қизил тасма суви билан ичирилади. Кўкракдан қон туфлаганда семизўт суви билан *дусинториёда* эса беҳининг ўзича қуюлтирилган шираси билан [ичирилади].

Рум арпабодиёни кулчалари. Тиқилмаларни очади, жигарга ёқади, табиатни юмшатади ва эски иситмаларни кетказади.

Таркиби. Рум арпабодиёнидан уч *дирҳам*, эрман, туёғўт, петрушка уруғи, пўсти тозаланган аччик бодом, [389] хушбўй¹ сунбул, мастаки, *содаж* ва укроп уруғларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, *зофитдан* уч *дирҳам* ва сабрдан тўрт ярим *дирҳам* [олинади] ва эрман суви билан қориб, бир *дирҳамли* кулчалар ясалади; бу *сикан-жубин* билан ичирилади.

[Бошқа] кулча. Табиатни юмшатади, беҳузурликни кетказади, нафас қисганда фойда қилади ва қусишга монелик қилади.

Таркиби. Турбуддан беш *дирҳам*, қуритилган бинафшадан ўн *дирҳам* ва қуюлтирилган чучукмия ширасидан икки ярим *дирҳам* [олиб], сув билан қорилади ва [ҳар бири] уч ёки тўрт *дирҳамли* кулчалар ясалади; бу ўн *дирҳам* шакар билан ичирилади.

Уруғлардан [қилинадиган] кулчалар. Ич кетиш ва ичак яраларига ҳамда овқати ҳазм бўлмайдиган кишиларга, шунингдек, қаттиқ ичак оғриғи ва заҳирга ҳамда хотинлардан кетма-кет қон кетганда фойда қилади.

Таркиби. Мирт мевасидан икки *дирҳам*, арпабодиён уруғи, Рум арпабодиёни, жувона, петрушка уруғи, мингдевона уруғи ва ёввойи сабзи уруғларининг ҳар биридан бир *уқиядан* ва афюндан олти *дирҳам* олинади. Буларни янчиб², шароб билан қорилади ва бир ярим *дирҳамли* кулчалар ясаб, олти ойдан кейин истеъмол қилинади.

***Қадимги [табиблар]³ кулчаси.** Истиско бошланаётганда ва жигар қаттиқлигида фойдалидир.

Таркиби. Қизил гулдан тўрт *дирҳам*, зиркдан – икки *дирҳам*, сунбулдан ҳам шунча, мастаки, *зофит* шираси, эрман, қорачайир, туёғўт, Рум арпабодиёни, петрушка уруғи, арпабодиён уруғи, талоқғиёх, юлғун меваси ва ковул илдизларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, ровоч, *лакк* ва қуюлтирилган чучукмия шираларининг ҳар биридан бир ярим *дирҳамдан* ва заъфарондан ярим *дирҳам* [олиб] қориштирилади ва кулчалар ясалади.

Қизил гул кулчаси. Меъда оғриғи ва балғамдан бўладиган иситмага фойда қилади.

Таркиби. Қуритилган қизил гулдан икки ярим *уқия*, сунбул ва чучукмия илдизларининг ҳар биридан бир *уқиядан*, қаҳрабо ва мастакиларнинг ҳар биридан етти *дирҳамдан* ва бальзам ёғочидан беш *дирҳам* [олиб] янчилади ва шинни билан қориштириб, кулчалар тайёрланади.

Ични юмшатадиган қизил гул кулчалари. Булар ёзда ичирилади.

Таркиби. Қизил гулдан ўн *дирҳам*, сунбул ва чучукмия илдизларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан* ва *сақамуниёдан* уч *дирҳам* [олиб] янчилади ва *совук сув¹ билан қориб, кулчалар ясалади.

Қизил гул ва ғофит кулчалари. Эски иситмалар, жигар оғриғи ва сарик касаллигига мувофик келади.

Таркиби. Қизил гулдан беш *дирҳам*, сунбулдан икки *дирҳам*, *табоширдан* бир *дирҳам* ва *зофит* ширасидан саккиз *дирҳам* [олинади]. Буларни янчиб, янтоқшакар суви билан қорилади ва кулчалар тайёрлаб, баъзи бир ичимликлар билан ичирилади.

Лакк кулчалари. Жигар ва талок тикилмаларига ҳамда доимий иситмага фойда қилади ва сийдикни юргизади.

Таркиби. *Лакк*, рўян, Рум арпабодиёни, петрушка уруғи, Рум эрмани, туёғўт, пўсти тозаланган аччик бодом, *қуст*, узун аристолохия², *зофит* шираси, чучукмия шираси ва зирк шираларининг ҳар биридан бир *жуздан* [олиб], бир *дирҳамли* кулчалар тайёрланади ва мувофик келадиган биронта ичимлик билан ичирилади.

Рўян кулчалари. Талок қаттиқлиги, жигар оғриғи ва эски иситмага мувофик келади.

Таркиби. Рўяндан ўн икки *дирҳам*, ковул илдизининг пўстлоғи, узун аристолохия ва чучукмия³ илдизларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олиб, *сиканжубин* билан қориштирилади ва икки *дирҳамли* кулчалар тайёрланади. Ҳар гал битта кулча эрман кайнатмаси билан ичирилади.

Зарпечак кулчалари. Эски иситмаларга мувофик келиб, [ҳароратни] сўндиради.

Таркиби⁴. Бодринг уруғи, семизўт уруғи ва райҳон уруғларининг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, кушқўнмас, оқ қаррак ва шоҳтараларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, катиро, крахмал ва [араб] елимларининг ҳар биридан бир ярим *дирҳамдан*, *табошир*, 509 турбуд ва зарпечакларнинг ҳар биридан [390] тўрт || *дирҳамдан*,

янтоқшакардан ўттиз *дирҳам*, *ушшар* шакардан ўттиз *дирҳам* ва заъфарондан уч *дирҳам* [олиб], сув билан қорилади ва истеъмол қилинади.

Ўн дорилик кулчалар. Тўрт кунда бир тутадиган эски иситмалар, жигар оғриғи ва [бадан] ғоваклашиб, бўшашганда мувофик келади.

Таркиби. Рум арпабодиёнидан тўрт *дирҳам*, туёғўт, Ҳинд *содажу*, эрман, петрушка уруғи, сунбул, пўсти тозаланган аччиқ бодом ва мастакиларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, сабрдан икки *дирҳам* ва *зофит* ширасидан тўрт *дирҳам* [олинади]. Буларни янчиб, эрман қайнатмаси билан қорилади ва бир *дирҳамли* кулчалар ясаб, илиқ сув билан ичирилади.

Бошқа кулчалар. Эски иситмалар, алангаланиш ва қусишга [қарши] фойдали бўлиб, табиатни ҳам юмшатади.

Таркиби. Косачаларидан тозаланган қизил гулдан олти *дирҳам*, пўсти ажратилган таррак уруғи, мастаки, Чин ровочи ва *зофит* шираларининг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, заъфарондан икки *дирҳам* ва Сукутро сабридан бир *дирҳам* олинади. Бу дориларни янчиб, эланади¹ ва [ҳаммасини] аралаштириб, чучук сув билан қорилади, кулчалар тайёрланади. Бу совуқ сув ёки бодринг суви, ёки *си-канжубин* билан бирга истеъмол қилинади.



ТЎҚҚИЗИНЧИ МАҚОЛА

ҚАЙНАТМА¹ ВА ҲАБ ДОРИЛАР²

Сургилик хусусияти бўлган қайнатма ва ҳаб дорилар ҳақидаги сўзни, шунингдек, томоқ чайиладиган, бурунга тортиладиган, аксиртирадиган, қўйиб боғланадиган ва қуйиладиган [дорилар] ҳамда кўз, тиш ва бошқа [аъзога ишлатиладиган] дорилар тўғрисидаги гапни Иккинчи жумлага қолдирамиз. Бу жумлани эса ёғлар ва марҳамлар ҳақидаги сўзлар билан тугаллаймиз, аммо ундан олдин қайнатма ва ҳаб дориларнинг Иккинчи жумлагача зикр этилиши мувофиқ кўрилган айрим нусхаларини келтирамиз.

Илдизлар қайнатмаси. Тиқилмалар, кийналиб сийиш ҳамда жигар ва меъда оғриғига фойдали бўлиб, уни ёғлар ва бошқа хил нарсалар билан истеъмол қилинади.

Тавсифи. *Қовул илдизининг пўстлоғи³, арпабодиён илдизи, петрушка илдизининг пўстлоғи, қорачайир илдизи, арпабодиён уруғи, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни, хушбўй сунбул, *парсиёвушон*, сунбул, мастаки ва уруғи олинган майизларнинг ҳар биридан керакли миқдорда олиб қайнатилади ва керагича ичирилади.

Киндий тайёрлаган илдизлар қайнатмаси. Бу жигар оғриғига фойдалидир.

Таркиби⁴. Арпабодиён илдизи пўстлоғи ва петрушка [илдизи пўстлоқларининг] ҳар биридан бир *дирҳамдан*, арпабодиён уруғи ва петрушка уруғларининг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, янчилган кизил гул, ялпиз ва қорачайирларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, уруғи тозаланган майиздан икки *дирҳам*, туёғўтдан икки *донақ* ва сунбулдан ҳам икки *донақ* олиб, устига учдан икки *ратл* сув солинади ва ундан икки *уқия* ёки бир оз кўпроқ қолгунча қайнатилади. Кейин бир *дирҳам* ширин бодом ёғидан қўшиб ичирилади.

Эрман қайнатмаси. Жигар ва меъда оғриқларига ҳамда балғам ва савдодан бўладиган аралаш совук иситмаларга фойда қилади.

Таркиби. Рум арпабодиёни, петрушка уруғи, Рум эрмани,

туёғўт, арпабодиён уруғи ва қорачайир илдизларининг ҳар биридан керакли микдорда олиб қайнатилади ва суви ажратиб ичирилади.

Гофит қайнатмаси. Тўрт кунда бир тутадиган иситма, балғамдан бўладиган иситма ва аралаш иситмага учраган ҳамда ичи қотган кишиларга мувофиқ келади.

[391] Таркиби¹. Қора ҳалила, тозаланган майиз, шоҳтара, оқ қаррак, *гофит* ва қушқўнмасларнинг ҳар биридан баробар микдорда олиб қайнатилади ва сузилади.

Ҳаб дорн. Ғализ еллар ва [ичида] дамлик бўлган, шунингдек, асаби тортишган ҳамда мойклари кўпчиган кишиларга мувофиқ келади.

Таркиби. Петрушка уруғи, исирик уруғи, Рум арпабодиёни, мастаки ва заъфаронларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*; қора ҳалила, балила ва омиаларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*, Эрон қавраги ва муқлларнинг ҳар биридан – бир ярим *дирҳамдан*; ялпиз, тоғ петрушкеси, қорачайир гули, туёғўт, қуст, ёввойи занжабил ва игир ёғочларининг ҳар биридан ярим *дирҳамдан* олиб, ҳаблар тайёрланади.

Катта сассиқ ҳаблар. Ғализ хилтларни чиқаради ва тикилмаларни очади, шунингдек, бўғин ва ёнбош оғриқларига ҳамда баҳак, песлик, мохов ва «филлик» касаллигига фойда қилади. Бу ҳаб *моҳоний* исми билан танилган.

Таркиби. Қаврак елими, Эрон қавраги, говшир, муқл, сабр, исирик, ҳалила ва Абу Жаҳл тарвузи этларининг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан*, елимли сутўт, девпечак, *фарфиюн*, чакамуғ ва савринжонларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, турбуддан ўн *дирҳам*, кундуз қиридан икки *дирҳам*, *сақамуниёдан* уч *дирҳам*, дарахт пўкагидан икки *дирҳам*, заъфарон, сунбул, қокила, оқ гулхайри илдизи, чаёнўт, дорчин ва *хавлинжонларнинг* ҳар биридан бир *дирҳамдан* [олинади]. *Буларни майдалаб, одатдаги усулда ҳаблар тайёрланади².

Катта сассиқ ҳабларнинг [бошқа хили]. Қуланж, подагра, умуртқа ва тизза оғриқларига фойдали бўлиб, бадандаги ёпишқоқ куюқ хилтни эритиб таркатади.

Таркиби. Муқл, Эрон қавраги, қаврак елими, говшир, исирик уруғи, Абу Жаҳл тарвузининг эти, сабр ва девпечакларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, *сақамуниёдан* олти *дирҳам*, дорчин, сунбул, заъфарон ва кундуз қирларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* ва *фарфиюндан* бир *дирҳам* [олинади]. Елимлар гандано сувида эритилади, кейин ҳаблар ясалади. Бир ичими – икки *дирҳам*.

Кичик сассик хаблар. Умуртка ва тиззани ёпишқок қуюк хилтдан тозалайди.

510 Таркиби. Исфаҳон *сакбинажи*¹, каврак елими, говшир, || муқл ва *муррларнинг* ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, турбуддан йигирма *дирҳам* ва Абу Жаҳл тарвuzининг этидан ўн икки *дирҳам* олинади. Елимларни ивитиб, улар билан бошқа дорилар қориштирилади. Бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, илиқ сув билан ичирилади.

Ал-Киндий [тайёрлаган] сассик хаб. Бўғин ва подагра оғриқларига, шунингдек, хом балғам, сафро ва савдодан бўладиган ҳар қандай оғриққа ҳамда фалажга фойдаси бор.

Таркиби. Сабр, данаги олинган сариқ ҳалила, исириқ, Крит девпечаги, турбуд мағзи, каврак елими, говшир, Эрон кавраги ва яҳуд муқлларининг ҳар биридан тўрт қисмдан, Абу Жаҳл тарвuzининг этидан уч қисм, *сақамуниёдан* икки қисм, *фарфиюн*, кундуз кири, дорчин ва заъфаронларнинг ҳар биридан бир қисмдан олинади. Елимлар гандано ёки карам сувида бир кеча-кундуз ивитиб қўйилади, курук дорилар янчилади, елимлар ҳам марҳамдек бўлсин учун эзилади. Сўнгра уларга дорилар сепилади ва аралашсин учун эзилади-да, мурч доналари сингари хаблар ясаб, сояда қуритилади. Бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, кеча аввалида илиқ сув билан [ичирилади], устидан бериладиган овқат жўжалардан тайёрланган *зирбож* бўлиб, ичимлик эса, асал ҳам майиздан қилинган набиз ёки шиннидан иборат бўлсин.

Катта чакамуғ хаби. Елка ва бел оғриқларига ҳамда *ирқуннасога* фойдали бўлиб, ёпишқок қуюк² хилтни ҳам суриб чиқаради.

Таркиби. Эрон кавраги, каврак елими, муқл, *фарфиюн* ва говширларнинг [392] ҳар биридан *бир *дирҳамдан*, сабр, девпечак ва дарахт пўкакларининг ҳар биридан³ бир ярим *дирҳамдан*, думалок аристолохия, *луфо* ва кундуз қириларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, узун мурч, занжабил, зира, жувона, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни, *мурр* ва заъфаронларнинг ҳар биридан тўрт *донақдан*, сариқ ҳалила, савринжон ва *марги моҳий* илдизларининг ҳар биридан икки ярим *дирҳамдан*, хардал, чакамуғ, Абу Жаҳл тарвuzининг эти, игир ёғочи ва Ҳинд тузларининг ҳар биридан тўрт *донақдан* [олинади] ва пақ-пақ суви билан қориштириб, хаблар ясалади. Бир ичими – икки *дирҳам*.

Кичик чакамуғ хаби. [Гавданинг] ярми бўшашиб қолганда, фалажга ҳамда бел, тизза ва бўғин оғриқларига, шунингдек, совуқ подаграга фойдалидир; у яна ёпишқок хом хилтни суриб чиқаради.

Таркиби. Сарик ҳалиладан ўн *дирҳам*, сабрдан йигирма *дирҳам*, занжабилдан икки *дирҳам*, мурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, хардалдан уч *дирҳам*, Ҳинд чакамуғи, Ҳинд тузи ва Абу Жаҳл тарвузи этларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* ва каллақанддан тўрт *дирҳам* [олиб, ҳаммаси] карам суви билан қорилади-да, ҳаблар ясалади. Бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, илик сув билан [ичирилади].

Бошқа нусха. Сабр, турбуд ва савринжонларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, чакамуғ, игир, нефтли туз, Абу Жаҳл тарвузининг эти, дарахт пўкаги, исриқ уруғи, муқл ва Эрон каврақларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, занжабил, узун мурч, мурч, мастаки, хардал, Рум арпабодиёни, қуст ва жувоналарнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, девпечак ва кора ҳалилаларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан* [олиб] карам ва пак-пак суви билан қориштирилади. Бир ичими икки *дирҳамдан* уч *дирҳамгача* бўлиб, илик сув билан [ичирилади].

Ғофит ҳаби. Жигар оғриғи, сарик касаллиги ва иситмаларга фойдалидир.

Таркиби. Сабр, ғофит шираси ва сарик ҳалиладан баробар миқдорда [олиб] янчилади ва элакдан ўтказгандан кейин петрушка суви билан қориб, ҳаблар ясалади. Бир ичими – икки *дирҳам*.

Ҳожат чиқарувчи ҳаб. Фалаж ва юз фалажига ҳамда балғамдан бўладиган тизза ва бўғин оғриқларига фойда қилади.

Таркиби. *Абрадҳиёруҳ*, – бу Ҳинд дориси, – *шотил*¹, *устуранжубин*, – бу бошқа бир Ҳинд дориси, – турбуд, Ҳинд нилининг уруғи ва ғофит ўтларининг ҳар биридан – йигирма *мисқолдан* олиб, эллик *ратл* сувга солинади-да, ярми қолгунча қайнатилади. Кейин сузилади ва сувини қайтадан олов устига қўйиб, қуюлгунча қайнатилади-да, унга сиртқи қобиғидан тозаланган Чин *ҳабб ул-мулукидан* солинади; у чумчуқ тилига ўхшаш бўлиб, [қобиғининг] ўртасига жойлашган, унинг мана шу ичидагиси олинади², яна дарахт пўкаги, мастаки, Сукутро³ сабри, тозаланган *баранк* ва чучукмия шираларининг ҳар биридан йигирма *мисқолдан* [олинади]. *Ҳабб ул-мулукдан* бошқаларини янчиб, ипак [элакдан] ўтказилади, сўнгра *ҳабб ул-мулукнинг* ёлғиз ўзини янчиб, бошқа дорилар билан аралаштирилади, чунки у ёғлилиги сабабли элакдан ўтмайди⁴. Кейин буларни юқоридаги қайнатиб қуюлтирилган сувга солинади ва асалга ўхшатиб қуюлтирилади; дориларни қориштириб, ҳаблар ясалади. Бундан ҳар кечаси икки *донақдан* ярим *дирҳамгачани*

иссик сув билан истеъмол килинади; кўп деганда тўрт *донақ* [ичирилади].

Жослик¹ хаби. Бу ҳаб меъдадан балғам ва савдони тозалаб чиқаради ва ҳазм заифлиги туфайли бўладиган елларни синдиради; у кишу ёз ичилади.

Таркиби. Дорчин, заъфарон, сунбул, куст, амом, *камодарюс*, бон донаси, махлаб, кирфа ва дарахт пўкакларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, *мурр* ва калампирмунчокларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, сабрдан ўн олти *дирҳам* [олинади]. Ёзда гул шираси билан [қориб], кишда эса карам шираси билан ҳаб ясалади. Бир ичими бир *дирҳам* [бўлиб] овқатдан олдин ичилади-да, кейин ўша ондаёқ нўхат шўрва² билан овқатланилади.

[393] **Қаҳламон³ китобидаги дур ий хаби.** Оғиз ҳидини ёқимли қилади, кўзни равшан қилади, балғамни кетказди, овқатга бўлган иштаҳани оширади ва жағ тишларни маҳкамлайди.

Таркиби. *Қирфа*, калампирмунчок, рўян, кашнич, кичик қокила, *қандид⁴*, *фуфал* ва *кирбусларнинг* ҳар биридан бир *дирҳамдан* ва мушкдан бир *қирот* [олиб] янчилади ва элакдан ўтказиб, [араб] елимининг эритмаси билан қорилади.

Бошқа ҳаб. Еллар, *ибрида*, меъда заифлиги ва бавосирга фойда қилади.

511 **Таркиби.** Темир чиркидан юз || *мисқол* [олиб], етти кун узлуксиз гандано сувида ивитиб қўйилади, шунда сувни ҳар куни бир марта янгилаб турилади; яна индовдан икки юз⁵ *дирҳам*, гандано уруғи, таратизак уруғи, ёввойи сано уруғи, петрушка уруғи, *сабзи уруғи⁶, турп уруғи, сарик йўнғичқа ва пиёз уруғларининг ҳар биридан йигирма беш *дирҳамдан* [олиб] янчилади ва гандано суви билан қориб, ҳаблар ясалади⁷.

Ҳабб ул-мулук хаби. Юз фалажи ва қуланжга, шунингдек, орка ва тизза оғриғига ҳамда ёпишқоқ қуюқ балғам сабабли бўладиган ҳар қандай ғализ елга қарши фойда қилади.

Таркиби. Чин *ҳабб ул-мулукини* устки қобиғидан тозалаб, икки бўлаги орасидаги тилчасини олиб ташланади-да, мағзи олинади, яна асал, майвизак уруғи, қуюлтирилган чучукмия шираси, оқ дарахт пўкаги, чаёнўт, *гофит* ўти, эрман ва сабрларнинг ҳар биридан баробар қисмдан [олиб] янчилади ва петрушка суви билан қориб, майда ҳаблар ясалади. Ҳаб ясовчи киши қўлларига тиниқ бальзам ёғини суртиши лозим. Бир ичими бир *дирҳамдан* икки *дирҳамгача* бўлади, устидан *зирбож* билан овқатланилади.

Туздан қиллинадиган сурги хаблар. Юз фалажига фойда қилади, кўзни равшан қилади ва эшитишни ўткирлаштиради, шунингдек, талок оғриқлари, подагра, бўғин оғриқлари, мушакларнинг бўшашувига ва совуқ ҳам рутубатнинг офатларига қарши фойда қилади.

Таркиби. Дароний тузидан¹ олти уқия, мурчдан ўн икки *дирҳам*, занжабил, петрушка уруғи, зуфо, болдирғон, тоғ петрушкаси уруғи, арпабодиён уруғи, Рум арпабодиёни, Ҳинд *содаж*, дарахт пўкаги, *сақамуниё*, индов ва қалампирмунчоқларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* [олинади]. Буларни элакдан ўтказгандан кейин идишга олиб қўйилади-да, [керагида] истеъмол қилинади.

Катта² иступмаҳикун кулчалари. Меъдани кучайтиради ва иштаҳани оширади; у яна меъда, жигар ва талокқа фойда қилади, ҳисларни [ўткирлаштиради], ичакларни тозалайди, баданнинг ҳамма еридаги чиқиндиларни, яъни икки хил ўт ва балғамни суриб чиқаради.

Таркиби. Кобул ҳалиласидан олти қисм, Ҳинд тузи, Рум эрмани, осон уваланадиган дарахт пўкаги ва ҳаво ранг *сақамуниёларнинг* ҳар биридан уч қисмдан, туёғўт, Рум арпабодиёни ва петрушка уруғларининг ҳар биридан икки қисмдан, оқ турбуд мағзидан ўн етти қисм, қизил ва тоза Крит девпечагининг янгисидан беш қисм, *иёраж фикродан* етти қисм ва қалампирмунчоқдан бир қисм [олинади]. Бу дориларни элакдан ўтказгандан кейин аралаштирилади, сўнгра уларни эзиб туриб, ичида тўрт қисм *Санжарий* каллақанди эритилган сувдан сепилади, токи ҳаммаси шиннидек қуюқликка эга бўлсин. Кейин бундан мурч донаси сингари хаблар ясалади. Бир ичими – икки *мисқол*.

Бармакий ҳаби. Бош ва оёқ-қўлларни тозалайди ҳамда шишларга фойда қилади; буни ичгандан кейин [моддалар] яхши тортилсин учун ухланади.

Таркиби. Суқутро сабри ва Абу Жаҳл тарвузининг этидан етти *мисқолдан*, заъфарон, сунбул, дорчин, бальзам уруғи, туёғўт, мастаки, Рум эрмани, *сақамуниё* ва турбудларнинг ҳар биридан бир *мисқолдан* ва Цейлон дорчинидан ярим *мисқол* олинади. Буларни майдалаб янчиб, элакдан ўтказилади ва илиқ сув билан қориб, кулчалар ясалади; шу вақтда қўлни ширин бодом ёғи билан мойлаш лозим. Бу ҳабни табиатнинг юмшоқ ва қаттиқлигига қараб истеъмол қилинади; энг ками – уч хаб [394] ва энг кўпи – ўн бир хаб. Тўла бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, ўринга ётиш олдидан [ичилади].

Ибн ал-Ҳарис хаби. Буни жуда хунук доғ¹ устида тажриба қилиб кўрилганда, уни уч кунда кетказган. У яна иситма, еллар, бўғин оғрилари ҳамда савдо ва балғамдан бўладиган барча касалликларга ҳам фойда қилади.

Таркиби. Сарик ва қора ҳалила, Сукутро сабри, анзирагўштхўр, кизил муқл, Исфаҳон *сакбинажи* ва Абу Жаҳл тарвузи этларининг ҳар биридан беш қисмдан, оқ индов, Форс каклигўти, седана, Кермон зираси, Дароний тузи ва Рум сақичларининг² ҳар биридан бир қисмдан [олинади]. Бу дориларни янчиб элагандан кейин яхшилаб аралаштирилади. Елимларни эса идишга солиб, гандано сувида ивителилади, [сувнинг] миқдори юкоридаги дориларни қоришга етадиган даражада бўлсин; елимлар эригунча [идиш] офтобга қўйилади-да, сўнгра устига эланган дорилар солинади ва улардан ҳаб ясаш мумкин бўлсин учун қаттиқ эзиш орқали яхшилаб қориштирилади; мурч донасидек ҳаблар ясаб, сояда қуритилади. Бир ичими бир *миққол* бўлиб, илиқ сув билан ичилади; уни истеъмол қилишдан икки кун олдин нон ва *зирбождан* бошқа ҳамма нарсадан парҳез қилинади.

Ибн Ҳубайра хаби. Бунинг [қуйидаги касалликларда] аниқ фойда етказиши тўғрисида барча [табиблар] бир фикрдадилар: еллар, сафро, бавосир еллари, хом балғам, доғ ва қичима. Буни ёзда ҳам, кишда ҳам ҳар куни кечаси ичилади.

Таркиби. Сарик ва қора ҳалила ҳамда данаги олинган балилаларнинг ҳар биридан ўн икки *миққолдан*, омиладан олти *миққол*, Ҳинд чакамуғи ва узун мурчларнинг ҳар биридан беш *миққолдан*, мускат ёнғоғи ва Дароний тузларининг ҳар биридан бир *миққолдан*, оқ турбуд ва сабрларнинг ҳар биридан уч *миққолдан* [олинади]. Ҳаммасини янчиб эланади ва гунафша ёғи билан қўшиб, тасбеҳ доналари сингари [ҳаблар] ясалади-да, сояда қуритилади. Бир ичими олти *миққол* бўлиб, ярим кечада иссиқ сув билан [ичилади], шунда сен унинг ажойиб манфаати борлигини кўрасан.

Ибн ал-Жаҳмнинг фойдаси умумий бўлган хаби. Баданни балғам, сафро ва савдодан бўладиган чиқиндилардан тозалайди, шунингдек, || бошда мана шу хилтлар ёки уларнинг биронтасидан чиқинди пайдо бўлганда ҳам [бу ҳаб] фойда етказди; у яна шу [хилтлардан] келиб чиққан карликни тузатади, меъдага фойда қилиб, уни тозалайди, жигарга ҳам фойда етказиб, уни кучайтиради, уч кунда бир тутадиган [иситмага]³ ва ҳар қандай эски иситмага фойда қилади; барча хилтларни тинчлантиради, қонни ҳам тинчлантиради, турли яралар ва қичимани тузатади. Бавосири бор

киши ҳам бу [ҳабни] ичишга муҳтож бўлади. [Ичувчи киши] бош бармоғи билан кўрсаткич бармоқларини бир оз ширин бодом ёғи билан мойласин, кейин ҳабни ҳам бармоқлари билан ёғласин, шундан кейин уни ичса, у зарар етказмайди.

Таркиби. *Иёраж фикродан* йигирма тўрт *дирҳам*, қора ва сарик ҳалилаларнинг ҳар биридан олти *дирҳамдан*, мастаки, *Рум арпабодиёни¹, *зофит* шираси ва эрман шираларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* ва қизил гулдан тўрт *дирҳам* [олинади]. Буларни янчиб эланади ва сув билан қориб, мурч доналари сингари ҳаблар ясалади. Бир ичими бир² *дирҳамдан* бир ярим *дирҳамгача* бўлиб, кеч киришдан икки соат олдин ётиш олдидан ичилади-да, сўнгра ётилади. Шунда у икки мартадан то беш мартагача ҳожатга турғизиб, ични суради, унинг амали эрталаб бўлади.

Фарфиюндан тайёрланадиган ҳаб. «Сарик сувда», орқа ва ён-бош оғриқларида ҳамда подаграда ва аъзолар бўшашиб қолганда фойда етказди.

Таркиби. *Фарфиюн* ва мастакиларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, *сақамуниё* ва дарахт пўкакларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, Абу Жаҳл тарвuzининг этидан уч *дирҳам*, сабр ва девпечакларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, эрман ширасидан беш *дирҳам*, Ҳинд тузидан бир ярим *дирҳам*, узун мурчдан икки *дирҳам*, Рум арпабодиёнидан тўрт *дирҳам* ва сунбулдан ўн *дирҳам* олинади. Бу дорилар янчиб, эланади ва қарам суви билан қориб, мурч доналари сингари ҳаблар ясалади. Бу доридан ҳар гал ўн бир ҳаб ичилади, [ҳар ҳабнинг оғирлиги] ярим *дирҳамгача* бўлиб, овқатдан олдин ва кейин истеъмол қилинади-да, устидан иссиқ сув ичилади.

[395] **Бошқа ҳаб.** Эски иситмага, жигар ва талоқ заифлигига ва истисқонинг бошланиш даврида фойдаси бор.

Таркиби. *Камофитус*, *камодарюс*, чучукмия илдизи, заъфарон, *лакк* ва эрманларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни ва арпабодиён уруғларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, *зофит* шираси, *Чин ровочи³ ва қизил гулларнинг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан*, зарпечак уруғидан ўн беш *дирҳам*, *жулах* ва зуфоларнинг ҳар биридан етти *дирҳамдан* [олинади]. Агар [касалда] йўтал ҳам бўлса, буларга яна ўн беш *дирҳам* қуюлтирилган чучукмия шираси кўшилади; агар талоқ касаллиги бўлса, талоқгиёҳдан ўн *дирҳам*, ковул илдизи ва юлғун бужурларининг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан* кўшилади⁴.

Бошқа ҳаб. Турли хилтлардан келиб чиқадиган эски иситмага,

шунингдек, жигар оғриғи ва истисконинг бошланиш пайтида фойдаси бордир.

Таркиби. Эрман ва унинг шираси, *зофит* шираси, сарик халила, сабр, мастаки, заъфарон, Чин ровочи, ювилган *лакк*, Рум арпабодиёни, курук шоҳтара ва *иёраж фикроларнинг* ҳар биридан бир қисмдан [олиб] янчилади ва итузум суви билан қориб, кулчалар ясалади. Бир ичими бир *мисқол* бўлиб, кечаси илик сув билан [ичилади]. Агар [касалда] йўтал бўлса, буларга яна барча дориларнинг ярим вазнича қуюлтирилган чучукмия шираси қўшилади.

Бошқа ҳаб. Тиқилмаларни очади, қуюқ хилтларни суюлтиради ҳамда қуюқ ёпишқоқ хилт ва рутубатларни суриб туширади¹.

Таркиби. Ҳинд *содажи*, *мурр*², қорачайир гули, Рум эрмани, мастаки ва заъфаронларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни, *муқл* ва Эрон қаврақларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, сабрдан етти *дирҳам*, турбуд ва дарахт пўкакларининг ҳар биридан уч ярим *дирҳамдан* [олинади] ва ҳаблар тайёрлаб, истеъмол қилинади.

Эрон қаврағи ҳаби. Тизза, бел ва биқин оғриқларига мувофик келади.

Таркиби. Петрушка уруғи ва исирик уруғларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, Эрон қаврағи ва муқлларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, *иёраж фикродан* *бир ярим *мисқол*³, Абу Жаҳл тарвузининг эти ва дарахт пўкакларининг ҳар биридан бир⁴ *дирҳамдан* ва турбуддан олти *дирҳам* [олиб], ҳаблар ясалади. Бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, илик сув билан [ичилади].

Салмавайх [тайёрлаган] говшир ҳаби. Тизза ва орқа оғриқларига ҳамда фалаж ва юз фалажига фойдалидир.

Таркиби. Занжабил, мурч, узун мурч, Ҳинд чакамуғи, сарик халила, балила, омила, *мурр*, турбуд, *сақамуниё*, заъфарон ва қундуз қирларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, говшир, савринжон, Эрон қаврағи, муқл, қаврақ елими ва Абу Жаҳл тарвузи этларининг ҳар биридан ўн *дирҳамдан* ва сабрдан йигирма *дирҳам* [олинади]. Елимлар қарам сувида эритилади ва бошқа дориларни шу [сув] билан қориб, кулчалар ясалади. Бир ичими – икки *дирҳам*.

Фарфиюн ҳаби. Фалаж, [аъзоларнинг] бўшашуви ҳамда асабларга тушадиган хом хилтларга қарши фойдаси бор.

Таркиби. Дарахт пўкағи, Абу Жаҳл тарвузининг эти, *фарфиюн*, Эрон қаврағи ва муқлларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* ва

сабрдан икки *дирҳам* [олиб] янчилади ва карам суви билан қориб, ҳаблар ясалади.

[396] **Мушк билан тайёрланидиган Ҳинд ҳаби.** Меъда оғриғига фойда қилади, оғиз ҳиди ва ичилган шароб ҳидини кетказди ва [меъда] рутубатларини қуритади.

Таркиби. || *Ромик*¹ ва ковулларнинг ҳар биридан бир *ратл*- 513 *дан* олиб майдаланади ва сув билан ювиб, қозонга солинади; устига қирқ *ратл* сув солиб, беш *ратл* қолгунча қайнатилади. Кейин сузиб, сувини тоза қозонга қайтариб солинади ва у қуюлгунча қайнатилади; у [қозон тагига] ёпишиб куймаслиги учун доимо қошиқ билан кавлаб туриш лозим. Сўнгра уни кўк тоғорага солиб, ювилган сабрни қуритгандек қуритилади. Бундан ҳаб тайёрламоқчи бўлсанг, йигирма *мисқолини* олиб, янч ва эла. Кейин кичик қокила, қалампирмунчок, мускат ёнғоғи, мускат ёнғоғининг қобиғи, Ҳинд уди, *содаж*, кичик қокила², оқ сандал, уд меваси ва келиндоналарнинг ҳар биридан бир *мисқолдан*, мушкдан беш *мисқол* ва кофурдан ўн *мисқол* ол. Буларнинг ҳар бири айрим-айрим янчиб эланади, сўнгра аралаштирилади. Шундан кейин яна *ромикдан* беш *мисқол* олиб, устига олти *уқия* сув қуй ва икки *уқия* қолгунча қайнат. Сўнгра сузиб, шу [қайнатма] билан дориларни қориштиради ва нўхат сингари ҳаблар ясаб қуритиб, керагида³ истеъмол қил!



ЎНИНЧИ МАҚОЛА

ЁҒЛАР

Бизнинг ёғлар ҳақида бу жумлада айтадиган сўзимиз [юқоридаги] шартимизга биноан бўлади.

Рум сунбули ёғи¹. Бунинг фойдаси кўп бўлиб, энг яхши ёғлардан бири ҳисобланади. У ичдаги совуклик ва еллардан бўладиган барча оғрикларга фойда қилади, кулокдаги совуклик оғрикларни босади ва йўкотади; агар у бурунга тортилса, бош оғриғи ва *шақиқани* тузатади; у яна рангни яхшилади, еллардан бўладиган қуланж билан ичак оғриқларини йўкотади ва уларнинг оғриқларига фойда қилади, жигар ва қорин оғриқларини босади ва бачадонни қиздиради. Агар уни олатнинг ичига юборилса, буйрак ва қовукка ҳамда қовукнинг бўшашганига фойда қилади.

* Биринчи пиширув² ва таркиб. Хушбўй камиш, тўпалок, дафна барги, бальзам ёғочи, Ҳинд *содажу*, қора андиз, қорачайир, арча бужури, мирт, ёввойи зира ва самсақларнинг ҳар биридан икки *уқиядан* олиб, йирик қилиб янчилади ва қозонга солиб, устига шароб ва сув қуйилади-да, ивитиб қўйилади. Кейин устига беш *қист* кунжут ёғидан қўшиб, қўшалок идишда³ уч⁴ соат давомида паст оловда қайнатилади; шунда доимо кавлаб турилади, кейин оловдан тушириб, совутиб қўйилади ва ёғ сузилади.

Иккинчи пиширув ва таркиб. Қизил гул, Цейлон дорчини, хўл мирт шираси ва *муррларнинг* ҳар биридан икки *уқиядан* олиб, йирик қилиб янчилади ва устига сув ёки шароб солиб ивитилади; [кейин] биринчи гал пиширилган ёғни қўшиб, уч соат паст оловда қайнатилади ва совутиб сузилади.

Учинчи пиширув ва таркиб. Сунбул, қалампирмунчок ва *майъа* елимларининг ҳар биридан уч *уқиядан*, мускат ёнғоғидан беш *уқия* ва бальзам ёғидан олти *уқия* олинади. Дориларни йирик қилиб янчиб, устига сув қуйилади, [аралашма] қизигач, юқорида кўрсатилган пиширилган ёғни, шунингдек, бальзам ёғи ва совук

майъа елимини кўшиб ковлаш орқали яхшилаб аралаштирилади ва суви кетиб ёғи колгунча қайнатилади.

Майъа ёғи. Модда куйилиб келадиган бўғинларга мос келади, мушакни, шунингдек, совук шишлар ва совук бачадонни қиздиради, буйрак ва ковуқни ҳам қиздиради.

Таркиби. Кунжут ёғидан бир *қист* ва қурук *майъа* елимидан уч *уқия* [олинади] ва *майъа* елимнинг қувватини ёғ ўзига олгунча паст оловда қайнатилади; сўнгра идишга кўтариб олиб, *истеъмол қилинади¹.

Бобуна ёғи. Кунжут ёғидан бир *қист*, сариқ йўнғичка ва ювиб, сояда қуритилган бобуна гулларининг ҳар биридан икки *уқиядан* олинади ва шиша идишда ивитиб, қирқ кунгача офтобга қўйиб қўйилади-да, [кейин] истеъмол қилинади.

Мастаки ёғи. Меъда заифлиги, унинг шишларига мос келади ва каттиқликни юмшатади.

Таркиби. [397] Икки *қист* кунжут ёғи ва олти *уқия* мастаки олиб, мастаки янчилади ва ёққа солиб, қўшалок идишда [қайнатилади].

Офтобга қўйилган эрман ёғи. Совук аъзоларни қиздириб кучайтиради.

Таркиби. Бир *давراق* кунжут ёғидан олиб, шиша идишга солинади ва ичига икки *уқия* эрман солиб, қирқ кун офтобга қўйилади.

Укроп ёғи. Кунжут ёғидан бир *қист* ва сояда қуритилган укроп уруғидан бир *уқия* олиб, шиша идишга солинади ва йигирма кун офтобга қўйиб, кейин истеъмол қилинади.

Гулсапсар ёғи. Бачадон совуклиги ва унинг «бўғилишига» ҳамда куланжга фойда қилади, шунингдек, буйрак ва ковуқни қиздиради.

Таркиби. Цейлон дорчини, *қуст*, бальзам уруғи ва мастакиларнинг ҳар биридан бир *уқиядан*, калампирмунчоқ ва қирфаларнинг ҳар биридан ярим *уқиядан* ва заъфарондан бир *уқия* [олиб] янчилади; булар бир ярим *ратл* кунжут ёғи ва ўттиз дона гулсапсар гули билан бирга шиша идишга солинади; [гулнинг] сариқ қисми ва япроқларнинг таг томони олиб ташланиши керак. Кейин ёғ [дориларнинг] қувватини ўзига олгунча [идиш] мўътадил соя жойга қўйиб қўйилади, сўнгра сузиб, истеъмол қилинади.

Содда гулсапсар ёғи. Тозаланган оқ гулсапсардан икки *дирҳам* ва кунжут ёғидан бир *қист* олиб, [гулнинг] қуввати ёққа ўтгунча улар шиша идишга солиб қўйилади, кейин истеъмол қилинади.

Темиртукан ёғи. Қийналиб сийишда фойдаси бор.

Таркиби. Кунжут ёғидан бир *уқия*, сувдан биру чорак *ратл*,

занжабилдан тўрт *дирҳам* ва темиртикандан ўн *дирҳам* олинади. Бу дориларни йирик қилиб янчиб, ичида сув ҳамда кунжут ёғи бор қозонга солинади ва сув кетиб, ёғ қолгунча қайнатилади. Бу олат ичига томизилади.

514 **Темиртикан ёғининг бошқаси.** Бўғинларга ёқади; рангни яхшилайди, || шаҳвоний қувватни орттиради ва жинсий алоқага бўлган иштиёкни қўзғатади; агар ундан ҳар куни бир *уқияси* шинни ёки набиз билан ичилса, буйрак, ковуқ ва орқага ҳам фойда қилади; уни ҳукна қилиб ҳам истеъмол қилинади.

Таркиби¹. Кунжут ёғи, сигирнинг чучук сути² ва ҳўл темиртикан шираларининг ҳар биридан ўн *ратлдан*, оқ³ каллақанддан беш *ратл* ва занжабилдан икки ярим *ратл* [олинади]. Қандни янчиб эланади, кейин ҳамма [дорилар] сопол қозонга солинади ва темиртикан суви билан сут [буғланиб] кетиб, ёғнинг ўзи қолгунча [қозон] тагига паст олов ёқиб турилади. Сўнгра оловдан тушириб, юқорида айтганимиздек қилиб ичирилади. Бу ҳақиқатан ҳам буйракка фойда қилади ва шаҳвоний қувват билан эрлик уруғини оширади.

Темиртикан ёғининг бошқа нусхаси. У[нинг] ич тутилганда ҳамда ёнбош ва буйрак оғриганда фойдаси бор.

Таркиби. Чучук сувдан ўн беш *ускурража*, янчилган занжабилдан тўрт *дирҳам*, янчилган темиртикандан ўн *дирҳам* ва кунжут ёғидан бир *ускурража* олиб, ҳаммаси тоза қозонга [солинади] ва сув кетиб, ёғ қолгунча паст оловда қайнатилади. Кейин оловдан тушириб, совутилади ва сузилади; уни орқадан ҳукна қилиб ва олддан олатга қуйиб ишлатилади.

Илон ёғи. Темираткиларга⁴ ва орқа тешиқ бўшашганга фойда қилади.

Таркиби. Уч *қист* кунжут ёғини олиб, сопол қозонга солинади, кейин унга бештадан ўнтагача тирик қора илонни солиб, қозоннинг оғзи беркитилади ва улар титилиб кетгунча паст оловда қайнатилади. Кейин оловдан тушириб, совутиб қўйилади-да, [қозоннинг] оғзи очилади, шунда унинг буғидан сақланиш керак; яна, у совуб буғи кетгунча қўйиб қўйилади, сўнгра шиша⁵ идишга солиб қўйиб, керагида пат билан суртиб истеъмол қилинади.

Ромишдод⁶ ёғи. Бу фалаж, юз фалажи, подагра, қалтироклик, бўғин ва орқа оғриқлари, шунингдек, оқма яра, бавосир, қуланж ва «филлик» касалликларига фойда қилади.

Таркиби. Муқлдан [398] ўн *дирҳам*, қаврак елими, Эрон қавраги, говшир, бальзам уруғи, афюн, чилпоя, оқ харбақ, *зарнаб*,



«Қонун» V китобининг биринчи саҳифаси. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 3316 рақамли кўлёзма.

фаланжа, чакамуғ ва пўчоғи тозаланган аччиқ бодомларнинг ҳар биридан олти *дирҳамдан*, калампирмунчок, мускат ёнғоғи, занжабил, *хавлинжон*, дорчин, ладан ва кундуз қирилариинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, *касило*, мингдевона уруғи, Рум сассиқ қавраги, кундур елими, седана, таратизак уруғи, гандано уруғи, жувона ва кустларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, тўпалоқ, исирик уруғи, мирт, сақич дарахти уруғи, канақунжут уруғи ва самсақларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, *зофит* барги ва *ушналарнинг* ҳар биридан беш *дирҳамдан* [олинади].

Бу дориларни йирик қилиб янчиб, қозонга солинади ва устига олти *ратл* карам сувидан қуйиб, икки *ратли* қолгунча паст оловда қайнатилади. Кейин оловдан тушириб сузилади, турпида дориларнинг қувватидан қолмасин учун у сиқиб ташланади, [қайнатмани] қозонга қайтариб солиб, устига зайтун ёғидан олти *ратл*, сигир сути ёғи, оқ гулсапсар ёғи, канақунжут ёғи ва дориворлар билан қайнатилган дафна ёғи, – бу ёғ Мисрдан келтирилади, – мана шуларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, аччиқ бодом унидан икки¹ *дирҳам*, дафна меваси ва санавбар [бужурларининг] ҳар биридан олти *дирҳамдан*, гулсапсар ёғи ва таратизак ёғларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, сақич дарахти ёғидан ўн *дирҳам*, ичига газাগўт солиб қайнатилган кунжут ёки оқ гулсапсар ёғидан уч *дирҳам*, *ушнадан* уч *дирҳам*, хина ёғидан беш *дирҳам* ва балозур «асалидан» уч *дирҳам* қўшилади. Бу ёғларни қозонга солгандан кейин *шажазонийедан* ўн *дирҳам* олиб, юқоридаги қайнатманинг озгинаси билан ҳўлланади. [Сўнгра ҳаммаси] паст оловда секинлик билан қайнатилади, сувдан бир *ускурража* қолгач, оловдан тушириб, пишиқ латтадан ўтказиб сузилади-да, яна қайтариб қозонга солинади. Кейин устига олти *дирҳам* гальбан елими ва ўн *дирҳам* асал қўшиб, чўғ устига қўйилади; улар эригач, оловдан олинади ва суюқ стиракс елими, оқ нефть ва бальзам ёғларининг ҳар биридан ўн *дирҳамдан* аралаштириб, шишага солинади-да, оғзи яхшилаб беркитиб қўйилади. Бир ичим чорак *дирҳамдан* бир *мисқолгача* бўлиб, нўхат суви билан [ичирилади].

Қуст ёғи. Бу ичилади ва у аъзоларнинг, хусусан, жигар ва меъданинг совуклигига фойда қилади, асаблардаги тикилмаларни очади ва уларни кучайтиради, рангни яхшилади ва сочнинг коралигини сақлайди.

Таркиби. Аччиқ қустдан ўн *дирҳам*, Цейлон дорчинидан олти *дирҳам* ва хушбўй канавча баргидан ўн *истор* [олинади]. Буларни

йирик қилиб янчиб, бир кеча шаробда ивитиб қўйилади, кейин бир ярим *ратл* кунжут ёғи қўшиб, қўшалок идишга солинади ва шароб [буғланиб] кетиб, ёғнинг ўзи қолгунча қайнатилади.

Қуст ёғининг бошқаси. Меъда ва жигар оғриғига, совукдан бўладиган бўғин оғриғига, шунингдек, [гавданинг] ярми бўшашганига фойда қилади.

Таркиби. Қалампирмунчокдан бир *уқия*, хушбўй қамиш, сунбул, Ҳинд *содажу*, *майъа* елими, ҳаворанг гулсапсар илдизи, кирфа, *ушина* ва қустларнинг || ҳар биридан икки *уқиядан*, қора андиз ва 515 Цейлон дорчинларидан бир *уқиядан* ва *муррдан* ярим *уқия* [олинади]. Бу дорилар йирик қилиб янчилади ва бир кеча сиркада ивитиб қўйиб, устига беш *ратлдан* ёғ ва сув қўшилади, кейин сув кетиб, ёғ қолгунча паст оловда қайнатилади ва сузиб, биринчиси билан аралаштирилади.

Борикар ёғи. Бу Ҳинд дориси бўлиб, ғализ елларга ва бачадон оғриғига фойда қилади.

Таркиби. Эрон қавраги, гальбан елими, тўпалоқ ва оқ хардалларнинг ҳар биридан ўн беш *дирҳамдан*, сақичдан саккиз *дирҳам*, говширдан тўрт *дирҳам*, *қирфа*, *қуст* ва узун ёки юмалоқ аристолохияларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, игир, қаврак елими, «санбар», – бу Ҳинд дориси¹, – *фулл* ва назла ўтларининг ҳар биридан икки ярим *дирҳамдан*, [399] ёввойи занжабил, дарунак, қундуз қири, газাগўт, темиртикан, бўйимодарон, чучукмия² илдизи, тоғ газাগўти, ёввойи укроп илдизи, *ардаширон*³, карам, самсақ, тошчўп ва боғ қалампирмунчокларининг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, *мурр*, хушбўй ва сассик ангуза ва болдирғонларнинг ҳар биридан чорак *дирҳамдан*, зайтун ёғидан тўққиз *ратл* ва сувдан ўн саккиз *ратл* олиб, [ҳаммаси] паст оловда сув кетиб ёғ қолгунча қайнатилади. Бир ичими ярим *дирҳамдан* икки *дирҳамгача* бўлиб, укроп суви билан [берилади].

Абу Симод деб аталувчи Синд ёғи. Йўталга ва ғализ елларга фойда қилади, қуюқ хилтларни тортади ва бавосирга ҳам фойда қилади.

Таркиби. Арча бужури, мурч, узун мурч, *кошим*, занжабил, Ҳинд чакамуғи, кизил туз ва зираларнинг ҳар биридан олти *дирҳамдан* ва *қунор* мевасининг толқонидан бир *қафиз* олинади; кейин анор уруғидан бир *қафиз* олиб, сувда ивитилади-да, шу дориларнинг устига сузилади.

Катта⁴ канакунжут ёғи. Бу [аъзолар] бўшашганда ҳамда фалаж

ва юз фалажигга фойда қилади, жигар ва талок тикилмаларини очади, шунингдек, бу куланж ҳукналарига қўшилади.

Таркиби. Жувона, каклигўти, тоғ ялпизи, мурр, хушбўй канавча, петрушка уруғи, арпабодиён уруғи, Рум арпабодиёни, қора йўнғичка уруғи, туёғўт, мастаки ва сарик йўнғичқаларнинг ҳар биридан етти *дирҳамдан*, *шулл*, *бил*, *фулл*, игир, Ҳинд чакамуғи ва муклларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, Эрон кавраги, каврак елими ва говширларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, петрушка уруғи, арпабодиён илдизининг пўстлоғи, қорачайир, чучукмия¹ илдизи, қурук қора андиз ва темиртиканларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, чўл қовоғи ва «қора ток»ларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, занжабил, дорчин, қалампирмунчок, қокила, кичик қокила, келиндона, узун мурч, мурч, мускат ёнғоғи, мускат ёнғоғи қокиғи, седана, куст ва қора зираларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, ёввойи занжабил ва дарунакларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан* [олинади]. Бу дорилар йирик қилиб янчилади ва устига кўмадиган қилиб сув солиб, улар титилиб кетгунча қайнатилади. Кейин сузиб, [қайнатмага] етти *ратл* сиқиб олинган канакўнжут ёғи солинади ва сув кетиб ёғ қолгунча паст оловда қайнатилади. Керагида бундан икки ёки уч *мисқолли* илдизлар суви билан бирга истеъмол қилинади².

Содда канакунжут ёғи³. У сувнинг ёлғиз ўзи билан қайнатилади. У ёлғиз сувнинг ўзида қайнатилса, ҳарорати камаяди. Сувнинг ўзи билан ювилгани⁴ *рикобий*⁵ зайтун ёғига ўхшаш бўлади.

Ковок ёғи. Бу [ёғнинг] ёлғиз ўзи бутун бадандаги ҳар қандай ҳароратга фойда қилади. Агар [ҳарорат] ташқи аъзода бўлса, бу ёғ ўша ерга суртилади, агар қовук ва буйракда бўлса, уларнинг устига суртилади, [бу ёғ] ичирилади ва [овқатга] қўшиб берилади. Агар ҳарорат бутун баданда бўлса, у ичирилади ва [овқатга] қўшиб берилади; агар [ҳарорат] бошда бўлса, бу [ёғ бошга] суртилади ва бурунга тортилади. Агар ичакларда ўткир ўт бўлса, бу ичирилади, [400] у ҳақиқатан ҳам, буларнинг ҳаммасида фойда етказади.

Тайёрлаш. Катта пишган қовокни олиб, пўчоғи артилади ва майдалаб сиқилади; унинг сувидан тўрт қисм ва янги кунжут ёғидан бир қисм олиб, [иккаласи] паст оловда сув кетиб, ёғнинг ўзи қолгунча қайнатилади, кейин сузиб, шишага солиб қўйиб, истеъмол қилинади.

Райҳон ёғи. Тизза, бўғинлар ва бутун бадандаги бодга фойда қилади.

Тайёрлаш. Райҳон сувидан бир қисм ва кунжут ёғидан ҳам

бир қисм олинади-да, сувнинг ҳаммаси [буғланиб] кетиб, ёғ қолгунча қайнатилади. Кейин сузилади ва шиша идишга солиб, оғзи маҳкамлаб беркитиб қўйилади. Бир ичими биз юқорида айтган [касалликлар] учун¹ бир *мисқолдан* ярим *уқиягача* бўлиб, уни бир оз зира қўшиб қайнатилган нўхат сувининг икки *уқияси* билан ичирилади ва устидан *зирбож* билан овқатлантирилади. Аъзоларга бу ёғ суртилса ҳам фойда қилади.

Ладан ёғи². Кунжут³ ёғидан икки *ратл*, каклигўтидан ўн беш *дирҳам*, рўяндан икки *уқия*, говшир, Эрон кавраги, *мурр*, муқл, каврак елими, сабр ва ладанларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* [олинади]. Буларни янчиб, *тинжсирга* солинади ва устига озгина сув қуйиб, қўл билан яхшилаб эзилади; кейин ёғни солиб, паст оловда қуюлгунча қайнатилади ва истеъмол қилинади.

Ладан ёғининг⁴ **бошқаси**. Майдаланган *нилдан* икки *уқия*, зайтун ёғидан бир *ратл* ва самсақ сувидан ярим *ратл* олиб, ҳаммаси темир ёғлоғида паст оловда қайнатилади || ва сузиб, қулоққа томи- 516 зилади.

Филфилод⁵ **ёғи**. Бўғин оғриқлари ва тиришишда, шунингдек, аъзолар бўшашганда мувофиқ келади.

Таркиби. *Шулл*, *фулл*, *бил*, игир, Ҳинд⁶ чакамуғи, қора андиз, узун мурч, қустирувчи ёнғоқ, гулсапсар илдизи⁷, арпабодиён уруғи, *қуст*, *мурр*, *дабидор*⁸, ёввойи занжабил ва дарунакларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан* олиб, йирик қилиб янчилади, кейин қозонга солиб, устига икки *манндан* кунжут ёғи, сут ва сув қуйиб, қўшалок идишда сув билан сут кетиб, кунжут ёғининг ўзи қолгунча қайнатилади ва сузиб, истеъмол қилинади.

Бошқа нусхаси. Қовуқ ва бачадондаги совуқлик оғриқларга, шунингдек, *ирқуннасо*, буйраклардаги совуқлик, аъзоларнинг бўшашуви, қуланж, юз фалажи, фалаж, асабларда бўладиган ғализ ва совуқ еллар, орқа оғриғи ҳамда совуқ ва ғализ [моддадан] бўладиган ҳар қандай оғриққа фойда қилади; бу Ҳинд ёғидир.

Таркиби. *Шулл*, *бил*, *фулл*, игир, Ҳинд чакамуғи, хаво ранг гулсапсар илдизи, қора андиз, узун мурч, қустирувчи ёнғоқ, сарв ёнғоғи, санавбар [бужури], *қуст*, арпабодиён уруғи, ёввойи занжабил, *дабидор* ва дарунакларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан* олиб, ҳаммаси йирик қилиб янчилади. Кейин янги соғилган сут ва сувларнинг ҳар биридан ўн *ратлдан* ва кунжут ёғидан беш *ратл* олиб, қўшалок қозонга солинади ва сув *билан сут⁹ кетиб, ёғнинг ўзи қолгунча қайнатилади.

Тухум ёғи. Бу пиширилган тухум сариғини эзиш ёки копқокли идишда [қиздириб] томчилатиш, ёки ҳайдаш йўли билан олинади¹.

Калкалонаж² ёғи. Бу *сакта*, фалаж, [аъзоларнинг] бўшашуви, [мизож] совуқлиги, тиришиш, меъда заифлиги, *ирқуннасо* ҳамда бўғин ва бел оғриқларига [ишлатса] мувофиқ келади, куланжга фойда қилади, хайз конини юргизади, бачадонни қиздиради, тошни эритади, орқа тешик оғриғини босади ва бадан тикилмаларини очади.

Таркиби. Кобул ҳалиласи, қора³ ҳалила, балила ва омиларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, петрушка илдизи ва арпабодиён уруғларининг ҳар биридан етти *дирҳамдан*, узун мурч, мурч ва занжабилларнинг ҳар биридан олти *дирҳамдан*; говшир, [401] мингдевона ва Эрон қаврақларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, турбуддан тўрт *истор*, хўл карам, хўл газাগўт ва хўл темиртиканларнинг ҳар биридан бир тутамдан олинади. Қурук нарсалар йирик қилиб янчилади, сабзавотлар эса қирқилади; [ҳаммасини] *козонга солиб⁴, устига йигирма тўрт *ратл* сув қўйилади ва ярим қолгунча қайнатилади. Кейин сузиб устига тўрт *манн* канакунжут ёғи солинади-да, сув кетиб, ёғнинг ўзи қолгунча қайнатилади. Баъзилар бунга гулсапсар илдизидан икки *истор*, чакамуғдан тўрт *дирҳам*, Рум арпабодиёни, *аднис*, исириқ ва *ақракарҳонларнинг*⁵ ҳар биридан икки *дирҳамдан* қўшадилар.

Заъфарон ёғи. Асабни юмшатади, тиришишни кетказади бачадон қаттиқлигига фойда қилади ва рангни яхшилади.

Таркиби. Заъфарондан олти *дирҳам*, хушбўй камишдан беш *дирҳам*, *муррдан* ярим *дирҳам* ва ёввойи зирадан олти *дирҳам* олинади. Ёввойи зирадан бошқа дорилар сиркада алоҳида ивителиди, *мурр* ҳам алоҳида [ивителиди]; уларни [сиркада] беш кун қўйилади; олтинчи кун ёввойи зирани ҳам сиркага солиб, бир кун ивитиб қўйилади. Еттинчи кун буларнинг устига беш *истор* ёғ солиб, паст оловнинг устида сирка кетиб, ёғ қолгунча қайнатилади.

Ушна ёғи. *Ушнадан* беш *истор*, *қустдан* ўн *дирҳам*, Цейлон дорчини ва хушбўй камишларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, хушбўй канавчадан икки *дирҳам*, *майъа* елимидан беш *дирҳам* ва мирт ёғидан бир ярим *ратл* [олинади]. Дориларни майдалаб, сиркада уч кун ивитиб қўйилади, кейин сузиб, ёғ билан [қўшилади] ва сирка кетиб, ёғ қолгунча қайнатилади.

Биз [тайёрлаган] фарфиюн ёғи. Совуқ оғриқларга, хусусан, асабдагисига, шунингдек, *ирқуннасо*, бел ва оёқ оғриқларига фойдалидир.

Сифати. Аччик *қустдан* ўн *дирҳам*, кундуз қиридан беш *дирҳам*, курук ялпиздан ўн икки *дирҳам*, назла ўтидан етти *дирҳам*, етмакдан тўрт *дирҳам* ва тоғ майизидан уч *дирҳам* олинади. Буларнинг ҳаммасини майдалаб, тўрт юз *дирҳам* хушбўй шаробда бир кеча-кундуз ивитиб қўйгандан кейин, [шаробнинг] учдан биридан камроғи қолгунча қайнатилади. Сўнгра қаттиқ эзиб сузилади ва [шаробнинг] ярмича кунжут ёғи ёки оқ гулсапсар ёғи ёки *шаббўй* ёғидан солинади-да, шароб кетиб, ёғ қолгунча қайнатилади. Кейин шу ёғнинг ҳар ўн *дирҳамига* икки *дирҳам* ҳисобидан янги оқ *фарфиюн* олиб, ғубордек қилиб янчилади ва ёғ билан аралаштириб, оловда бир қайнатиб олгандан кейин || кўтариб олинади.

517

Юнончада¹ домомун, яъни «ўн таркиб эгаси» деб юритилувчи ёғ. Бу меъда ва асаб совуклигига фойда қилади, аъзоларни кучайтиради, чиқиндиларни ҳайдайди ва асабни юмшатади.

Таркиби. *Майъа* елимидан тўрт *уқия*, мастакидан ўн икки *уқия*, *Ҳинд содажи* ва сунбулларнинг ҳар биридан тўрт *уқиядан*, *фарфиюндан* уч *уқия*, дорчиндан олти *уқия*, оқ мумдан ўн икки *уқия*, бон ёғидан қирқ саккиз *уқия*, бальзам ёғидан ўн икки *уқия* ва мурчдан бир *уқия* олинади. Қуруклари янчилади, бошқалари эса эритилади-да, кўтариб қўйилади.

Лола ёғи. Совуқ меъдани киздиради; агар ўрдак ёки товук ёғи билан қўшилса, салқин² ва шишни тарқатиб юборади.

Таркиби. Бир *ратл* яхши зайтун ёғи ва икки *уқия* лола гулидан олиб, бир идишга солинади-да, ўн кунгача офтобга қўйилади, кейин олинади. *у яхши [ёғ]³, бироқ унинг хиди йўқ.

Содда ёғлар. Гулсапсар, беҳи, олма, хардал ва ёввойи бодринглардан [ёғни] мана бундай тайёрланади: [402] кунжут ёғидан бир ҳисса ва сувдан уч ҳисса олиб, қирқ кун офтобга қўйилади⁴.

Самсақ ёғи. Самсақдан олиб янчилади ва тоза қозонга солиб, устига хушбўй шаробдан уни тўрт энлик кўмадиган микдорда қуйилади. Кейин [қозонни] оловга қўйиб, [шаробнинг] ярми кетгунча [қайнатилади] ва эзиб сузилади. Шундан сўнг [қайнатмани] қозонга қайтариб солиб, унга шаробнинг ярмича ёғ қўшилади ва шароб кетиб, ёғнинг ўзи қолгунча қайнатилади. Бу кучли ёғ бўлиб, агар у ичилса ва суртилса, қиздиради, латифлаштиради ва ҳароратни қўзғатади. Унинг иссиқлиги ва куруклиги учинчи даражада; агар у қулоққа томизилса, қулоқ оғриғига фойда қилади.



ЎН БИРИНЧИ МАҚОЛА

МАРҲАМЛАР ВА ҚУЮҚ СУРТМАЛАР²

Қўрғошин упаси марҳами. Олов куйдирганига ва териси шилинганга фойда қилади.

Таркиби. Куйдирилган қўрғошиндан бир *дирҳам*, қўрғошин упасидан беш *дирҳам*, оқ мумдан етти *дирҳам* ва гул ёғидан икки *уқия* олинади. Мум ва ёғни эритиб туриб, ҳовончада унга қўрғошин упаси билан куйдирилган қўрғошин кўшилади ва совумасдан олдин ҳаммаси аралаштирилади; бунга яна битта тухум оқини аралаштириб, истеъмол қилинади.

Бошқаси. Қўрғошин упасидан беш *дирҳам*, куйдирилган қўрғошиндан икки *дирҳам*, кумуш чиркидан бир *мисқол* ва катиродан бир *дирҳам* [олинади] ва янчиб, ипак элакдан ўтказилади. Кейин бир *уқия* оқ мум, уч *уқия* гул ёғи билан эритилади ва устига юқоридаги дориларни солиб, ҳовончада эзилади.

Катта босиликун³ марҳами. Бу яраларга фойдали бўлиб, уларни [эт билан] тўлдиради, [бадандаги] асабга бой жойларга ҳамда ҳарорати йўқ жароҳатларга мос келади.

Таркиби. Мумдан бир *ратл*, зифтдан саккиз *уқия*, *мурр* ва *ротинажларнинг* ҳар биридан тўрт *уқиядан*, саккичдан тўрт *уқия* ва зайтун ёғидан беш *ратл* олинади. *Мум билан зифт зайтун ёғида эритилади, *мурр* билан санавбар елими эса эзиб янчилади-да, кейин [ҳаммасини] ҳовончада кўшиб, марҳам тайёрланади⁴.

[405] **Кичик босиликун марҳами.** *Ротинаж*, зифт ва мумлардан баробар миқдорда олиб, истеъмол қилинади.

Сирка кўшилган қўрғошин упаси марҳами. Янчиб эланган қўрғошин упасидан бир *манн* ва зайтун ёғидан икки *ратл* олинади-да, қўрғошин упасини зайтун ёғи билан кўшиб чалинади. Кейин сиркадан ўн *ратл* олинади ва оз-оздан аралашмага куйиб туриб чалинади [аралашма] қуюлгандан кейин идишга кўтариб олиб, керагида ишлатилади.

Сирка кўшилган куйдирилган қўрғошин марҳами. Куйдирил-

ган кўрғошиндан исталганча олиб эланади ва тосга солиб, устига сирка ва зайтун ёғидан қуйилади-да, қўл билан яхшилаб аралаштирилади; сўнгра керагида истеъмол қилинади.

Зангор марҳами. Эски яраларга фойда қилади *ва ортиқча этни ейди.

Таркиби¹. Зангордан – икки *дирҳам*; мум, *ротинаж* ва санавбар елимларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан* олинади. Зангор янчилади, бошқа дориларни эса керакли миқдордаги зайтун ёғида эритилади, кейин буларга зангорни солиб, бир текис аралашгунча чалинади-да, истеъмол қилинади.

Оқ зок марҳами. Буни Жолинуc *фуниқий* деб атаган; бу *тоунга*, шунингдек, битиши қийин бўлган ва конли яраларга фойда қилади; у яна синган ва лат еганга ҳамда *ҳуср*² ва барча шишларга ҳам фойда етказилади.

Таркиби. Эски чарви ёғидан уч *ратл*, *қуйдирилган кўрғошиндан уч *ратл*³ ва оқ зокдан тўрт *уқия* олинади.

Ёғ эритилади, зок эса янчилади-да, булар уч *ратл* зайтун ёғи билан аралаштирилади. Кейин уч *ратл* қуйдирилган кўрғошинни янчиб, уни бошқа [дорилар] ва ёғ⁴ билан ҳовончада аралаштирилади. Кейин буларни тоза товага⁵ солиб, хурмо чўпи билан бир текисда аралаштирилади ва истеъмол қилинади.

Қора марҳам. Қуйдирилган кўрғошиндан бир *уқия*, ўткир сиркадан уч *уқия* ва зайтун ёғидан икки *уқия* олинади-да, ҳаммаси қуйиб кетмасин учун эҳтиётлик билан кавлаб туриб, қайнатиб қуюлтирилади.

Диёхилун марҳами. *Сальаларга*⁶ ҳамда қулғуна ва каттиқ шишларга фойда қилади.

Таркиби. Сарик йўнғичқа, зиғир уруғи ва оқ гулхайриларнинг ҳар биридан бир *қайлажасдан* олинади ва ҳар бири алоҳида бир кеча-кундуз ивитиб қўйилади. Кейин ҳар бирининг ширасидан биру чорак *ратлдан*, қуйдирилган кўрғошиндан бир ярим *ратл* ва зайтун ёғидан икки *ратл* олинади. Ширалар бир қайнатиб олиб, оловдан туширилади, сўнгра зайтун ёғи янчилган кўрғошин упаси билан қуюлиб, ранги ўзгаргунча қайнатилади, кейин унга бирин-кетин ширалар қўшиб, паст оловда қуюлтирилади.

Қизил марҳам. Янчиб эланган қуйдирилган кўрғошиндан бир *манн*, зайтун ёғидан икки *ратл* ва сиркадан ўн *ратл* олиб, || ҳаммаси 518 қуюлгунча чалинади. Қуюлгандан кейин устига бир *ратл* *янчиб эланган⁷ зарчава қўшилади.

Русуллар марҳами. Бу *дашлиҳо*, яъни ҳаворийлар марҳамидир; бу яна *аз-заҳра* марҳами ва *мандиё* марҳами исми билан ҳам машҳурдир. Бу марҳам битиши қийин бўлган окма яралар ва оғир қулғуналарни аста-секин тузатади, бу жиҳатдан унинг тенги йўқ. Бу жароҳатларни ўлик эт ва йирингдан тозалаб битказади. Ҳаворийлар ўн иккиталиги учун бу [марҳам] ҳам ўн иккита доридан иборат, дейдилар.

Таркиби. Оқ мум ва *ротинажларнинг* ҳар биридан йигирма саккиз *дирҳамдан*, говшир ва зангорларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, қаврак елимидан ўн тўрт *дирҳам*, узун аристолохия ва эркак кундур елимларининг ҳар биридан олти *дирҳамдан*, *мурр* ва гальбан елимларининг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, муқлдан олти *дирҳам* ва куйдирилган қўрғошиндан тўккиз *дирҳам* олинади. Муқл узум сиркасида ивитилади ва ёзда икки *ратл*, қишда эса уч *ратл* зайтун ёғида қайнатилади.

Шангарф марҳами. Қулғуна ва саратонга ҳамда мояк шишларига фойдалидир.

Таркиби. Куйдирилган қўрғошин ва гальбан елимларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, кундур елими ва қаврак елимларининг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, [406] сақичдан олти *дирҳам*, мумдан¹ ўн *истор*, шангарфдан саккиз *дирҳам* ва зайтун ёғидан етарли микдорда [олинади].

Қирмиз қуртлари² марҳами. Бунинг орқа тешик оғриғи ва *нори форсийга* фойдаси бор.

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг эти, етмак, ишқор ва олтин-гугуртларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, куйдирилган қўрғошин ва *момисо* шамчаларининг ҳар биридан олти *дирҳамдан*, исириқ ва *мармур ал-қирмиз*³, яъни қирмиз қуртларининг ҳар биридан ўн икки *дирҳамдан*, симобдан икки *дирҳам* ва зифтдан ўн *дирҳам* олинади. Қуртлар ёғда ивитилади ва истеъмол қилинади.

Доғловчи марҳам. Қовурилган сариқ зокдан ўн *дирҳам*, ўчирилмаган оҳак ва стиракс елимларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* [олинади].

Заранжий тажрибадан ўтказган марҳам. Кончўп, зарчава, гальбан елими, қаврак елими, анзиратгўштхўр, [араб] елими ва бақам дарахти елимларининг ҳар биридан бир ҳиссадан, куйдирилган қўрғошиндан барча дориларнинг оғирлигича, кунжут ёғи ва зайтун ёғларининг ҳар биридан бутун дориларнинг микдорича, мумдан эса керагича олинади. Мумни ёғ билан биргаликда янги сопол қозонда

эритилади, кейин устига янчиб эланган дориларни солиб аралаштирилади ва истеъмол қилинади.

Андромах қуюқ суртмаси. Томоғи касал, истисқо билан оғриган ва икки биқини тортишадиган кишиларга, шунингдек, бўғин оғриқлари, *ирқуннасо* ва эски касалликларга фойда қилади.

Таркиби. Мум ва зифтларнинг ҳар биридан бир *ратлдан*, савнабар елиmidан бир *ратл*, зайтун ёғидан саккиз *қавосус*, тилладек қизил зирних, Яман аччиқтоши ва ўчирилмаган оҳакларнинг ҳар биридан икки *уқиядан* олиб, кўрсатилган йўсинда [марҳам] тайёрланади¹.

Андромахга нисбат бериладиган ажойиб қуюқ суртма. Бу марҳам [бадандаги] бирон нарсани сўриб чиқариш керак бўлган жойга ишлатишга мосдир; у ўшандай жойни ёриб, шикастланган суяк, зирапча ва тиканларни тортиб чиқаради. У яна *ирқуннасо* ва қон туфлашга, шунингдек, ичдаги қаттиқлик ва бир аъзонинг иккинчи аъзо устига буралиб қолганида фойда қилади ҳамда жароҳатларни битиради.

Таркиби. *Сумоло*² деб аталувчи ўсимликнинг мевасидан олинадиган уруғ, қизил бурак, навшадил, Крит аристолохияси, ёввойи бодринг уруғи ва сақичларнинг ҳар биридан йигирма *мисқолдан*, мурч, узун мурч, қаврак елими, амом ва бальзам ёғочларининг ҳар биридан ўн *мисқолдан*, эркак кундур елими, *мурр*, қуруқ *ротинаж* ва ишланган асал майвизакларнинг ҳар биридан ўн *мисқолдан*, тут дарахти сутидан ўн *мисқол*, мумдан ўттиз *мисқол*, эчки ёғидан ўн беш *мисқол*, гулсапсар ёғининг қуйқасидан эса, шу дориларни қориш учун етарли миқдорда олинади. Қуруқ дориларни янчиб эланади, эрийдиган дориларнинг ҳар бири эса алоҳида кучли равишда эзилади, сўнгра ҳаммасини аралаштириб, яна эзилади. Эзувчи киши қўлларига гулсапсар ёғини суртиши лозим. Ҳаммаси яхши аралашгандан кейин [идишга] кўтариб олиб, саклаб қўйилади. Буни чарчашни кетказиш учун истеъмол қилиш исталса, бундан уч *уқияни* уч *уқия* ўрдак ёғи ва уч *уқия* хина ёғи билан аралаштириб ишлатилади.

Бошқа қуюқ суртма. Бу бўғин оғриқлари ва подаграга фойдали³ бўлиб, нажот берувчи даводир.

Таркиби⁴. Сассикалаф уруғи, қуст, дарахт пўкағи, сарик йўнғичқа ва бурақлардан бир *уқиядан*, мумдан⁵ бир *ратл*, пиширилган *ротинаждан* бир *ратл*, эски зайтун ёғидан бир *ратл*, тоғ эчкиси илигидан тўрт *уқия* ва гулсапсар илдизидан тўрт *уқия* [олинади].

Қурук дориларни янчиб эланади, эрийдиганлари эса эритилади-да, совугунча қўйилади. Кейин курук дориларни қўшиб аралаштирилади ва олиб қўйиб, истеъмол қилинади.

Филагрий куюк суртмаси¹. Агар бу сиртдан суртилса, меъда ва жигар оғриқларига, шунингдек, бачадон оғриқлари ва шишларига фойда қилади; буни бачадонга суртиш учун жун парчада [кўтариб] ҳам истеъмол қиладилар.

Таркиби. Заъфарондан – икки *дирҳам*, [407] бошқа бир нусхада – ўн икки *дирҳам*; муқл, мастаки, каврак елими, сабр ва ҳўл: майъа елимларининг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан*, мумдан уч истор, ғоз ёғидан ўн икки *дирҳам*, курук ёки ҳўл зуфодан ўттиз *дирҳам* ва Рум сунбули ёғидан етарли миқдорда [олинади].

Бошқа марҳам. Жигар ва меъданинг ҳаддан ташқари заифлигига фойда қилади; каттикликни юмшатади ва жигардан бўладиган ич кетишни тўхтатади.

Таркиби. Шом *каъкидан* – тўрт *дирҳам*, чаёнўт, эрман ва кун-
519 дур елимларининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*, || *мурр*, сабр, хушбўй қамиш, уд ва араб акацияси шираларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*, ладандан – икки *дирҳам*, пўсти ва уруғи тозаланиб пиширилган беҳидан – олти *дирҳам*, хурмо қоқисидан – эллик дона; мум, Рум сунбули ёғи ва гул ёғидан [дориларни] марҳамга айлантирадиган миқдорда [олинади]. Хурмо ва *каък тило* шаробида ивителиди. Кейин беҳини олиб, пўсти ҳамда уруғидан тозаланади ва *тило* шаробида пишгунча қайнатилади; сўнгра уни яхшилаб майдаланади-да, хурмо билан *каъкка* эзиш орқали аралаштирилади. Мум ёғда эритилади, бошқа дориларни эса янчиб эланади-да, ёғда эритилган мумга сепилади. Кейин ҳаммаси ҳовончада қўшилади ва *дастаси билан² яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра буни биронта саҳифага суртиб, жигар ва меъда устига қўйилади.

Абу Жаҳл тарвузининг этидан тайёрланадиган марҳам. Нуханинг охирида кўрсатилган ҳолларда фойда еткази.

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг этидан – ўн тўрт *дирҳам*, турбуд, *сақамуниё* ва *фарфиюнларнинг* ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*, укроп уруғи, туз, *мурр*, сабр, корамол ўти, Ҳинд тузи, седана, тоғ майвизаги, мурч, занжабил, сарик ҳалила, *мозариюн* ва балилаларнинг ҳар биридан – ўн икки *дирҳамдан*, *кавр*³, каврак елими, говшир ва Эрон кавракларининг ҳар биридан – етти *дирҳамдан*; бурак ва сарик олтингугуртларнинг ҳар биридан ўн олти *дирҳамдан*, сарик йўнғичка, бобуна ва зиғир уруғларининг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*,

стиракс елими ва мумларнинг ҳар бирдан ўн *истордан* [олинади]. Булардан эрийдиганлари сигир сути ёғида эритилади, ивийдиганлари *тило* шаробида ивитилади, куруклари эса янчиб эланади. Кейин ивитилганлари эзилади, сўнгра хаммасини аралаштириб, марҳам қилинади. Бу меъда ва жигар устидан сургилса, сарик сувни суриб чиқаради. Сургига мухтож бўлган киши дори ичолмаса, шу [марҳамни] меъдасининг устидан суртса, ичини суради.

Ёввойи зира қўшиб тайёрланадиган марҳам. Бу меъда, жигар ва талоқда бўладиган эски оғрикларга, шунингдек, улардаги каттиқлик ва совуқликка фойда қилади.

Таркиби. Ёввойи зира, сунбул, амом, мурч, узун мурч, куст, тозаланган Цейлон дорчини, кундур елими назла ўти, *кавр*, қаврак елими, чаёнўт, *мурр*, стиракс елими, бальзам уруғи, узун ва юмалоқ ари-столохия, тўпалок, кашқарбеда, ладан ва қалампирмунчоқларнинг ҳар бирдан тўрт *дирҳамдан*, заъфарондан икки *дирҳам*, гулсапсар илдизи, гальбан елими, бальзам ёғи, қорамол ва ўрдак ёғларининг ҳар бирдан беш *дирҳамдан*, аччиқ бодом елимидан беш *дирҳам* [олинади]. Мум Рум сунбули ёғида эритилади, кейин биз [юқорида] айтгандек қилиб ишланади.



ЎН ИККИНЧИ МАҚОЛА¹

АЙРИМ-АЙРИМ АЪЗОЛАРДАГИ КАСАЛЛИКЛАРГА МУВОФИҚ КЕЛАДИГАН МАЪЖУН, ЖУВОРИШН ВА БОШҚА ХИЛ МУРАККАБ ДОРИЛАР

Бошнинг совуқлиги – бунга *шалисо*, *анақардиё*, *каммуний* ва бурунга тортиладиган дори фойда қилади.

Бошдаги оғирлик – бунга *иёраж* ивитмаси фойдалидир.

[408] **Бошни тозаловчи нарса** – Бармакий ҳаби.

Эски совуқ бош оғриғига – *сутиро*, айтишларича, *шалисо*, Букрот *иёражи*, *иёраж фикро*, Архиген *иёражи*, *тиёдаритус*, Тағму *иёражи* ва юлдуз кулчаларини пешанага суртилади.

«Темир қалпоқ» – бунга Рум сунбули ёғи [фойдали].

Шақика – юлдуз кулчаларини пешанага суртиш, Рум сунбули ёғи, элаки дори, *иёраж* ивитмаси, Ҳермес маъжунини бурунга тортиш.

Бош айланишга – *сутиро* – буюк қутқарувчи, Ҳермес маъжуни, *анақардиё*, Архиген *иёражи*, *тиёдаритус* ва анбар *жуворишни*.

Унутувчанлик, хотира ва зехнга – *анақардиё*, *балозур жуворишни*, айтишларича *шалисо*, Аристотелнинг бурунга тортиладиган дориси, элаки дори, анбар *жуворишни*, *фирузнуш* ва *иёраж фикро*.

Васваса ва жинниликка – тарёқ, *митридат*², Азра тарёқи, айтишларича, *шалисо*, Яҳё Зомихрон тарёқи, Тағму *иёражи*, мушк дориси, хусусан, унинг сафровий савдога қарши тайёрланадигани, агар мўътадил микдорда истеъмол қилинса – *анақардиё*, ёқутдан тайёрланадиган бизнинг маъжун.

Ҳисларни кучайтирувчи нарсалар – тарёқ, *митридат*, *истумаҳиқун* ҳаби ва ал Киндий ҳаби³.

Тутқаноққа – тарёқ, *митридат*, Азра тарёқи, тўртта [доридан ясалган] тарёқ, *сутиро*, *шалисо*⁴, бизнинг тарёқ. Қайсар маъжуни, *коскабинаж*, хусусан, болалар учун *тиёдаритус*, Филагрий *иёражи*, бизнинг *иёраж*, ширин ва аччиқ мушк дориси, *иёраж фикро*, денгиз пиёзи сиркаси ва унинг *сиканжубини*.

Сактага – тарёқ, *митридат*, Азра тарёқи ва *калкалонаж* ёғи.

Фалаж ва аъзоларнинг бўшашиб қолишига – тарёқ *митридат*, Азра тарёқи, тўрт [доридан тайёрланган] тарёқ, аччиқ ва ширин мушк дориси, *анақардиё*, *даҳмурто*, *бодмуҳраж*, бизнинг *иёраж*, анбар *жуворишни*, нажот берувчи ҳаб, индов ёғи, Жолинуслинг *усқуф* [еписков] *иёражи*, *фарфиюн* ҳаби, Симарий¹ маъжуни, бурунга юбориладиган Аббос дориси, *иёраж фикрони* ҳукна қилиш.

Юз фалажига – *шалисо*, ширин ва аччиқ мушк дориси, *анақардиё*, анбар *жуворишни*, нажот ҳаби, *ҳабб ус-салотин* ҳаби ва туз.

Қалтироқликка – тарёқ, *митридат*, Азра тарёқи, *сутиро*, анбар *жуворишни*, бизнинг *жуворишин*, || Тағму *иёражи*.

520

Тиришишга – *сутиро*, *калкалонаж* ёғи, ҳаб, заъфарон ёғи, Жолинуслинг *иёражи* ва Тағму *иёражи*.

Кўз оғриғига – *сутиро* ва *иёраж фикро*; шоҳ Кубод дориси – *кўз олди қоронғилашувига.

Катаракта² – бунинг бошланишида Архиген *иёражи* *фойда қилади³.

Қулок оғриғига – юлдуз кулчалари, совук [оғриқларга] Рум сунбули ёғи, [қулоқда] яра бўлмаганда – денгиз пиёзи сиркаси ва *сиканжубини*.

Тиш оғриғига – *сутиро*, *шажазониё*, [темир] чирки маъжуни, юлдуз кулчалари.

[**Тишларнинг**] **ейилишига** – файласуфлар маъжуни; денгиз пиёзи *сиканжубини* ва сиркаси қонни тўхтатиб, милкларни йиғиштиради.

Тилнинг дудукланиши ва бўшашганлигини тузатиш – бунинг учун *шалисо* жуда яхши, шунингдек, файласуфлар маъжуни ва *иёраж фикро* ҳам [ишлатилади].

Томоқ шиши ва оғриқларига – мушк маъжуни ва шоҳ Кубод дориси; Жолинуслинг дориси ўпка найи касалликларига фойда қилади.

Юракни кучайтирувчи [дорилар] – тарёқ, *митридат*, Азра тарёқи, тўртта [доридан тузилган] тарёқ, *бузургдору*, [409] *нушдорру*, ал-Киндий маъжуни, бизнинг тарёқ, ёқутдан тайёрланадиган бизнинг маъжун, Жолинуслинг маъжуни, анбар *жуворишни* ва бошқа *жуворишин*.

Хафаконга – тарёқ, *митридат*, *шалисо*, бизнинг тарёқ, Қайсар маъжуни, *майбиҳ*, иссиқлик олма шарбати, мушк маъжуни, ширин ва аччиқ мушк дориси.

Хушдан кетишга – мушк дориси, *митридат*, *калкалонаж*.

Ўпка найи ва кўкракни тозаловчи [дорилар] – Жолинуслинг дори-

си, *ал-Маёмирда* [келтирилган] ҳаб, саримсоқдан тайёрлаб яланадиган дори, *Аристухудус*¹ кулчаси ажибдир, зуфо шароби ҳам [фойдали].

Товушнинг хириллаши ва бўғилиб қолишига – қовундан тайёрлаб яланадиган дори, денгиз пиёзи сиркаси ва *сиканжубини*, *ал-Маёмирда* товуш бўғилиши учун [келтирилган] ҳаб, тарёқ ва *митридат*.

Нафас олишнинг қийинлигига – Қайсар маъжуни, мушк дориси, *ал-Маёмирда* [келтирилган] ҳаб, *даҳмурто*, *куркум дориси*, олтингугурт дориси, *филуниё*, шоҳ Қубод дориси.

Ҳарсиллаш ва «тик туриб нафас олишга» – денгиз пиёзидан тайёрлаб яланадиган дори, денгиз пиёзи сиркаси ва *сиканжубини*, нафас олиш қийинлашганда ва нафас сикканда кўкнор кулчалари [фойдали].

Ўпка, кўкрак ва қовурға учлари тагидаги оғриқларга – *сутиро*, *қуфий*, тарёқ, *митридат*, Азра тарёки ва маъжун.

Эски йўталга – [турли] тарёқлар, *митридат*, айтишларича, *шалисо*, олтингугурт дориси ва Синд ёғи; ўткир [йўтал] учун – кўкнордан тайёрлаб яланадиган дори ва кўкнор кулчалари.

Қон оқиши, қон туфлаш, қон қусиш ва йиринг оқишига – Жолинус дориси, хусусан, йирингда; Аристомах кулчалари эса ажибдир; кўкнордан тайёрлаб яланадиган дори, ал-Аҳрур дориси, қовундан тайёрлаб яланадиган дори ва *табоширдан* тайёрлаб яланадиган дори.

Жигар совуқлигига – укроп ёғи, Хузий² *жуворишни*, *шаҳриёрон*, темиртикан ёғи ва *ал-Маёмирда* [келтирилган] ҳаб.

Жигар оғриғига – уруғлар *жуворишни*, гентиана илдизи дориси, эскирган [оғриққа] – ёввойи зира марҳами; *гофит* кулчалари, илдизлар суви, ўнта [таркибли] кулчалар, мушк маъжуни ялпиз суви билан, *асоносиё*³, Ҳермес маъжуни *жуланжубин* суви билан; *куркум* дориси, *қуст* дориси, *филуниё*, *калқалонаж*, игирдан тайёрланган ўткир элаки дори, *гофит* уруғи кулчалари, *тиёдаритус*, туз, денгиз пиёзи сиркаси.

Жигар заифлиги ва уни кучайтирувчи дорилар – *лакк* дориси, ал-Киндийнинг *истумаҳиқун* ҳаби, Абу Жаҳл тарвузининг этидан тайёрланадиган марҳам, туз⁴, *ал-ломзун* дориси, *куркум* дориси, ал-Киндий ва бошқалар Жолинусга нисбат берган дори, Хузий [*жуворишни*], [темир] чирки маъжуни, Жолинус *жуворишни*, дорчин *жуворишни*, жигарнинг озиб кетишига қарши Убода элаки

дориси; *нушдору* [жигарни] жуда кучайтиради, бизнинг тарёк, ал-Киндий маъжуни, мушк маъжуни, *шаъжасонийё*, *анақардийё* ва [жигар] оғриғига фойда қиладиган барча нарсалар.

Жигар шишига – Қиюмо табиб дориси, зирк кулчаси, ровоч кулчаси ва *арузунюи*¹ кулчаси.

Жигар қаттиқлигига – ровоч кулчаси ва болдирғон *жуворишни*.

Жигар ва талокнинг қаттиқлашувига – тарёк, *митридат*, Азра тарёки, *куркум* дориси ва *лакк* дориси.

Истиско ва унинг бошланишида – тарёк, *митридат*, Ҳермес маъжуни, Қиюмо дориси, Архиген *иёражи*.

Мизож бузилишига – *фарфиюн* ёғи, ҳаб, элаки дори, Бўхтъешу² *калқалонажи*, олтингугурт дориси.

[410] **Мизож бузилишининг бошланғичига** – *амрусийё*, *куркум* дориси, *лакк* дориси, зирк кулчаси, Қиюмо дориси, илдизлар суви, *калқалонаж* ҳаби; [мизож] кучли бузилганда Хузий [*жуворишни*], *шаҳриёрон*, *фанжнуш*; қонга эса бошқа *жувориш* тўғри келади.

Меъда заифлигига – Қиюмо дориси, жигар ва меъда заифлигига [ишлатиладиган] марҳам, уд *жуворишни*; туз мўътадил даражада қиздиради, [меъданинг] заифлиги ва бузилганлигига қарши «тангри ҳадяси» номли элаки дори; Хузий *жуворишни*, [бошқа] *жувориш*, меъда бузилишини тузатувчи кап отиладиган дори.

[**Меъда**] **бузуклиги ва бўшашганлиги** – Абу Симод ёғи, Ҳермес маъжуни, *куркум* дориси, || бошқа ёғ, илдизлар суви, тарёк, *митридат*, Хузий [*жуворишни*]³, бизнинг тарёк, анбар *жуворишни*, юлдуз кулчалари [меъдадан] чиқиндиларни ҳайдади, *калқалонаж* ҳаби, *иёраж фикро*, *каммуний*, ал-Киндий маъжуни, *иёраж* ивитмаси [меъдани] тозалайди, Бармакий элаки дориси, денгиз пиёзи сиркаси ва *сиканжубини*, *майбиҳ*, иссиқлик олма шарбати, шунингдек, нок шарбати, цитрон мураббоси ва беҳи мураббоси.

[**Меъдага**] **фойдали [дорилар]** – Жолинус *жуворишни*, барча *истумаҳиқун* кулчалари, [темир] чирки *атрифули* ва бошқалар.

[**Меъданинг**] **бўшашувига** – қатта *атрифул*, [темир] чирки *атрифули*, Убода элаки дориси ва илон ёғи⁴.

Меъданинг ҳароратлилиги – бунга узум ғўраси шарбати фойда қилади.

Меъданинг совуклигига – уд *жуворишни* мўътадил [таъсир этади], *домомум* ёғи, *қуст* ёғи, лола ёғи, ҳаб, болдирғон *жуворишни*, *фанжнуш жуворишни*, *фандодиқун*, Хузий [*жуворишни*], *шаҳриёрон* [темир] чирки *атрифули*, *толисфар жуворишни*⁵.

Меъданинг рутубатлигига – *иёраж фикро*, Ҳинд хаби, Ҳаюфикротис¹ *иёражи*, *атрифул* ва Убода элаки дориси.

Меъда оғригига – уруғлар маъжуни, хурмо [маъжуни], гентиана илдизи дориси, илдизлар суви, Андромах *иёражи*, *фалофилий жуворишни*, *шаҳриёрон*, ёввойи зира марҳами, Ҳинд хаби, қизил гул ёғи, *қуст* дориси, Жолинус *жуворишни*, Ҳермес маъжуни, ичдаги оғрикка яхши [фойда килувчи] хаб, Филагрий куюк суртмаси, Ари-стун маъжуни², *куркум* дориси, *филуниё*, ялпиз маъжуни.

Меъда елига – *сутиро*, *бузургдору*, Ҳузий [*жуворишни*], катта *атрифул*, Рум сунбули ёғи.

Меъда шишига – зирк кулчаси, *гофит* кулчаси, мастаки ёғи.

Меъдадаги қаттиқликка – мастаки ёғи.

Иштаҳа – *жуворишнлар* ва *калкалонаж* иштаҳани оширади.

«**Ит иштаҳаси**» – *каммуний* бунинг даволаридан биридир.

Ҳазм бузуклигига³ – тарёк, *митридат*, файласуфлар маъжуни, Қайсар маъжуни, Ҳузий [*жуворишни*], беҳи [*жуворишни*], хусусан, ични тўхтатадигани, катта *атрифул*, мушк маъжуни, *шаҳазоний*, *каммуний*, анбар *жуворишни*, Аристотель элаки дориси, [бошқа] *жуворишн*, [бошқа] элаки дори, сақич дарахти уруғининг *жуворишни*, ёқутдан тайёрланадиган бизнинг маъжун, бошқа *жуворишн*, цитрон мураббоси, яна [бошқа] *жуворишн*.

Ҳикичоққа – Қайсар маъжуни бунга жуда яхши; *майбиҳ* ялпиз шарбати ва *мозариюн* кулчалари.

[411] **Қусиш ва кўнгил айнашга** – Аристомах кулчаси, Ҳинд тузи маъжуни, хусусан, балғамли ва савдоли [қусишга]; турли мева шарбати, хусусан, сафро [қусишга]; *майъа* елими кулчаси, ялпиз шарбати, олма шарбати ва олхўри шарбати.

Ташналик билан бўладиган кўнгил айнашга – [қуйидагилар] фойда қилади; узум ғўраси шарбати ва кофур кулчалари⁴, агар шу билан бирга ич ҳам кетаётган бўлса, *табошир* кулчалари [ишлатилади].

Нордон кекирикка – *каммуний*, юлдуз кулчалари, *фалофилий*.

Талоқ шишига – *сутиро*, *амрусий*, *калкалонаж*, уруғлар маъжуни, *анақардий*, Ҳузий [*жуворишни*] ва *дахмурто*.

[Талоқ] **тиқилмаларини очувчи [дорилар]** – *бодмуҳраж*, *куркум* дориси, олтингугурт дориси, Абу Симод ёғи, биз тайёрлаган ёқут маъжуни, *тиёдаритус*, бизнинг *иёраж*, ёввойи зира марҳами, туз, элаки дори, ўнта [таркибли] кулчалар.

Ичакларнинг совуқлигига – хаб, ичакни тозаловчи нарсалар, ал-Киндийнинг *истумаҳиқун* хаби, Бармакий хаби.

Қуланж ва табиатнинг қуруқлигига – *аристун, калкалонаж, индов ёғи, канақунжут ёғи, фирузнуш, шаҳриёрон, хурмо [жуворишни]*.

Қуланж¹ оғриғига – *канақунжут ёғи², *филинуё, усқуф [жуворишни], ични сурувчи беҳи [жуворишни], Ҳинд жуворишни, Қайсар жуворишни*.

Ични юмшатувчи дорилар – *иёраж фиқро, Ҳинд маъжуни, олхўри шарбати, чақамуғ қабилардан озгинаси, қулчалар, саримсоқ маъжуни*.

Ғализ сурғилар – ал-Киндийнинг *истумаҳиқун* ҳаби, савдо хилти учун бошқа бир ҳаб, чақамуғ ҳаби, Жолинус *иёражи, фарфиюн* ҳаби [хилтларни баданнинг] узоқ еридан ва асаблардан тортади; Филатрий *иёражи, Қайсар жуворишни, шаҳриёрон, Ибн Ҳарис* ҳаби.

Ич кетишни тўхтатишга – тарёқ, *митридат*, ични тўхтатувчи беҳи [жуворишни], ал-Киндий марҳами, сафро мизожлилар учун ғўра узум шарбати, элаки дори³, сафро мизожлилар учун туз, қап отиладаган дори, *фанжнушининг* биронта нусхаси, Аристотель элаки дориси, *майбиҳ*, олма шарбати, ялпиз шарбати, нок шарбати, беҳи мураббоси, анор гули қулчалари, *табошир* қулчалари, уруғлар қулчаси, қийналиб [сийишга]⁴ *Диёсқиромотун* қулчалари.

Ичдан қон ва йиринг ўтишига – *Диёсқиромотун* қулчалари ва анор гули қулчалари.

Ичак яралари ва шилинишига – тарёқ, *митридат*, Азра тарёқи, Ҳермес маъжуни, бизнинг қулчалар, бошқа хил қулчалар, *асоносиё, шох Қубод* дориси, || анор гули қулчалари. *Диёсқиромотун* қулчалари, уруғлар қулчаси. 522

Ичак оғриғига – уруғлар қулчаси, кучли оғриққа қарши – *мақлиёсо; фирузнуш, Рум* сунбули ёғи, элаки дори.

Заҳирга – *мақлиёсо, Ҳермес* маъжуни, уруғлар⁵ қулчаси, анор гули қулчалари, элаки дори.

Ҳайзага – тарёқ, Абу Салма⁶ *жуворишни, сақич* дарахти меваси *жуворишни*.

Орқа тешиқ оғриғига – *калкалонаж* ёғи.

Бавосирга – мушқ *жуворишни, Ҳинд* маъжуни, ҳаб, Ибн Ҳубайра ҳаби, «тангри ҳадяси» *элаки дориси⁷, [бошқа] элаки дори, *мақлиёсо, Синд* ёғи.

Буйрак ва қовуқ оғриқларига – тарёқ, *митридат*, Азра тарёқи, бизнинг тарёқ, бизнинг *иёраж, [412] калкалонаж* маъжуни, канақунжут ёғи, буйрак совуқлигига [ишлатиладиган] ҳаб, қулчалар,

амирий [маъжуни], *жуворишин*; ҳар иккала [аъзонинг] совуклигига – болдирғон *жуворишини*.

Буйрак ва қовуққа¹ фойда қилувчи дорилар – уларни қучайтирувчи барча нарсалар, пақ-пақ қулчалари, қанакунжут ёғи, буйрак совуклигида [ишлатилувчи] ҳаб, қулчалар, амирий [маъжуни], *жуворишин*.

Бу аъзоларнинг оғриғига – Ҳермес маъжуни, қурқум дориси, пақ-пақ маъжуни, ёнғоқ мураббоси; *майъа* ёғи уларни қиздиради.

Буйрак ва қовуқни тозаловчи дорилар – *тиёдаритус*, *митридат*, *анақардиё*, бизнинг *иёраж*, *анбар *жуворишини*; буларнинг совуклигига пақ-пақ қулчалари фойда қилади².

Қовуқнинг бўшашувига – Жолинус *иёражи*, [темир] чирки *атрифули* ва бошқа *атрифуллар*.

Қовуқ оғриғига – ҳаб.

Қон ва йиринг [аралаш] сийишга – пақ-пақ маъжуни ва пақ-пақ қулчалари.

Чакмазақ ва [сийдикнинг] томчилаб чиқишига – файласуфлар маъжуни, айтишларича, *шалисо*, Жолинус *иёражи*³.

Тошга⁴ – тарёқ, *митридат*, Азра тарёки, *амбрусие*, лакк дориси, олтингугурт дориси, *ал-Маёмирда* келтирилган ҳаб қумни сийдик билан чиқаради; Аристомас қулчалари [хам фойдали].

Бачадон совуклигига – *майъа* ёғи, *борикар* ёғи, Рум сунбули ёғи, *қалқалонаж* ёғи, *даҳмурто*.

Бачадон ели – *қосқабинаж*.

Бачадон оғриқларига – айтишларича, *шалисо*; *анақардиё*, *даҳмурто*, *бодмуҳраж*, *филуниё*, хусусан, ҳомиладорларга *фирузнуш*, Архиген *иёражи*, ҳаб, Филагрый, қуюқ суртмаси, қурқум дориси, *фарзижа*⁵.

«**Бачадон бўғилиши**»га – *қалқалонаж*, денгиз пиёзи сиркаси ва *сиканжубини*.

Бачадон қаттиқлигига – ҳаб, *Бармакий дориси⁶, қурқум дориси, заъфарон ёғи.

Ҳайзнинг бузилишига – *тиёдаритус*, *қалқалонаж*, уруғлар қулчаси, [темир] чирки маъжуни.

Ҳомиладорлар ва қориндаги болани сақлашга – элаки дори, тарёқ, *митридат*, айтишларича, *шалисо*, *қафторгон*, *фурузнуш*, қулчалар.

Бўғин [оғриқлари], подагра ва ирқуннасога – *сутиро*, айтишларича, *шалисо*, файласуфлар маъжуни, Ҳермес маъжуни, *анақардиё*,

уруғлар маъжуни, Архиген *иёражи*, *тиёдаритус*, *сақамуниё жуворишни*, *куюк суртма*, *Ҳинд жуворишни*, *Қайсар жуворишни*, *хусусан*, *подаграга*; *майъа* ёғи *хукна қилинса*, *бўғинларни қиздиради* ва у ерлардан *чикиндиларни* ҳайдади.

Иркуннасога *фойдали дорилар¹ – *балғамли касалликларга*² *жувориши*; *шоҳ Қубод дориси*, *иёраж фикро*, *ромшод*³ ёғи, *финфилод*⁴ ёғи, *калколонаж* ёғи, *хусусан*, *иркуннасога* [фойдали], *калколонаж* [маъжуни] эса *бўғинлардаги елга* [фойдали], *Тағму иёражи* – [бўғинларнинг] *калтироклигига* [яхши]; *чакамуғ хаби*, *туз*.

Орқа оғриғига – Архиген *иёражи*, *нажот берувчи ҳаб*, *ҳабб уссалотин* хаби, *ромшод* ёғи, *калколонаж* ёғи, *фарфиюн* ёғи, *чакамуғ хаби*, *бошқа калколонаж хаби*, *Ҳинд жуворишни*, [темир] *чирки маъжуни*, *ёнғок мураббоси*.

Умуртқа оғриғига – *хукна*⁵.

Икки ёнбош оғриғига – *бизнинг нусхамиз бўйича чакамуғ хаби*, *фарфиюн* ёғи, *Ҳермес маъжуни*.



ИККИНЧИ ЖУМЛА

**АЙРИМ-АЙРИМ
КАСАЛЛИКЛАР УЧУН
ТАЖРИБАДАН ЎТГАН
ДОРИЛАР**





Биз жумлада ҳар бир касалликка кўпроқ хос бўлган мураккаб дориларни келтирамиз, шунда ҳам олдин Биринчи жумлада айтилганларни эслатамиз, натижада бу китобни ўқиган киши барча хил даволарни ёки уларнинг жуда кўпини ихота қилиб олади. Масалан, у қўтир дориларини аниқламоқчи бўлса, Иккинчи китобга, яъни содда дорилар китобига мурожаат қилиб, тезда унинг жадвалларидан барча жузъий дориларни топа олади; кейин у Учинчи ва Тўртинчи китобга ўтиб, улардан қўтир бобини ахтаради-да, уларда келтирилган даволарни белгилайди; сўнгра «Қарободин»га ўтиб, қолган мураккаб дориларни аниқлаб олади. Шундай қилиб, унинг учун жузъий даволарнинг барчасига ёки асосийларига йўл очилади.

Бу жумлани биз саккиз мақолага тақсим қилдик.





БИРИНЧИ МАҚОЛА

БОШНИНГ АҲВОЛИ ВА УНДА БЎЛАДИГАН [КАСАЛЛИКЛАР]

Бош оғриғи. Бунга Антиллнинг¹ бош оғриғи учун [тайёрланган] увуштирувчи дориси фойда қилади.

Таркиби. *Фофоданун*² сутидан ўн олти *мисқол*, кўкнор сути, яъни афюндан || тўрт *мисқол*, заъфарондан тўрт *мисқол*, Рум арпа- 523 бодиёнидан тўрт *мисқол*, мингдевона уруғидан тўрт *мисқол*, *муррдан* тўрт *мисқол* ва *сақамуниёдан* тўрт *мисқол* [олинади]. Буларнинг ҳаммаси сирка билан қорилади ва кулчалар ясаб, сояда қуритилади. Қачон буларга эҳтиёж тушса, уларни сиркада ивитиб, пешанага бир чаккадан иккинчи чаккагача етказиб суртилади; агар касалнинг иситмаси бўлса, [кулчаларни] сувда ивитиб суртилади.

Антилл³ истеъмол этган кулча.

Таркиби⁴. Дафна мевасидан – тўрт *мисқол*, *сақамуниё*, афюн, *мурр* ва *ғўра* узум шираларининг ҳар биридан – тўрт *мисқолдан*; петрушка уруғи, заъфарон ва тошчўпларнинг ҳар биридан саккиз *мисқолдан* [олинади]. Булар етарли миқдордаги сирка билан қориштирилади ва кулчалар ясаб, суртма шаклида истеъмол қилинади.

Бурунга тортиладиган дори⁵. Бу [дори] бошни тозалайди, шунингдек, кўпдан бери кўз оғриғига мубтало бўлган, тутқаноққа йўлиққан ҳамда бошидан кўп рутубат тушадиган кишиларга фойда қилади.

Таркиби. Седанадан икки *мисқол*, навшадилдан бир *мисқол* ва ёввойи бодринг ширасидан бир *мисқол* [олиб], ҳаммаси майдалаб янчилади ва *суқровиюн*⁶ деб аталувчи зайтун ёғида ёки гулсапсар ёғида, ёки хина ёғида қориб, ёғда суюқ қилиб эритилган мум ҳолига келтирилади-да, бир идишга солиб қўйилади. У [шундай] истеъмол қилинади: уни бурун тешикларининг ичига суртиб, касалга ҳаво тортиш буюрилади.

Бошқаси. [Бошни] азиятсиз тозалайди ва ундаги оғриқ ва аламини тезда тўхтатади.

Таркиби. *Бахур Марямдан* саккиз *мисқол*, гулсапсар илдизидан икки *мисқол* ва қизил буракдан бир *мисқол* [олиб], аралаштириб истеъмол қилинади.

Бошқаси. *Бахур Марямдан* уч *уқия*, қўйпечак барги ширасидан бир ярим *уқия*, *фофонундан*¹ олтидан бир *мисқол* ва ёввойи бодринг ширасидан олтидан бир *мисқол* [олиб] аралаштирилади-да, шиша идишда сақлаб қўйилади. Унга эҳтиёж тушганда, озгинасини олиб, хотин сутида ивитиб, бурунга тортилади.

Бурунга тортиладиган дорининг [бошқаси]. Фалаж, юз фалажи, аъзоларнинг бўшашганлиги ва қалтирокликка, шунингдек, барча совуқ ва ҳўл оғриқларга ҳамда мушак ва асабларда совуқ ва рутубатдан пайдо бўладиган тикилмаларга фойда қилади.

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг ҳўл илдизидан сиқиб олинган сув, лавлаги илдизидан сиқиб олинган сув ва ҳўл беда илдизидан сиқиб олинган сувларнинг ҳар биридан бир қошиқдан², седана ва исирик уруғларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* олинади. *Седана билан исирик уруғи майдаланади ва³ яхшилаб эзиб янчилади, кейин бу иккаласини юқоридаги сиқиб олинган сувлар билан қўшиб, аралаштирилади⁴. [414] Бунга эҳтиёж тушганда, бир *донақ* вазнида олиб, бурунга бир марта тортиладиган миқдордаги хотин сутида ивтилади-да, касалнинг бурнига торттирилади. Бу [дори] тикилмаларни очади, мия ва бошни қиздиради ва уларни чиқиндилардан тозалайди.

Бурунга тортиладиган бошқа дори. Бу эски бош оғриқларига фойда қилади.

Таркиби. Мумиё, мускат ёнғоғи, анбар, кофур ва мушкларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олиб, ҳар бири айрим-айрим янчилади. Кейин буларни аралаштириб, бир оз бальзам ёғи қўшилган оқ гулсапсар ёғида қорилади; бундан олти *ҳаббани* баъзи бир суюкликларда ивитиб, бурунга тортилади.

Тажрибадан ўтган иёражнинг сифати. Бошни тозалайди, ундаги чиқиндиларни ва ёмон касалликларни ҳайдайди.

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг пўчоқ ва уруғидан тозаланган этидан ўн *мисқол*, кундур елими, оқ мурч, қорамурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*, заъфарондан бир *мисқол*, *мурр*, сабр⁵, каврак елими ва тоғжамбилларининг ҳар биридан бир *мисқолдан*, ковурилган *сақамуниёдан* олти⁶ *мисқол* ва эрман ширасидан икки *мисқол* олинади. Булар янчилади ва элаб сув билан қорилади. Бир ичим – тўрт *мисқол*.

Юстусга нисбат берилган иёраж. Бош оғриғи ва кўз олди қоронғиланишига¹, шунингдек, меъда, талоқ ва жигар оғриқларига фойда қилади.

Таркиби. Тозаланган кундур елими ва дарахт пўкакларининг ҳар биридан ўн олти *мисқолдан*, Абу Жаҳл тарвузининг пўчоқ ва уруғидан тозаланган этидан икки *мисқол*, Рум райҳони, оқ мурч ва қорамурчларнинг ҳар биридан ўн олти *мисқолдан*, *муррдан* уч *мисқол*, заъфарондан олти *мисқол*, қора харбақ пўстлоғи, сабр, *сақамуниё*, [кўрда] пиширилган денгиз пиёзи, сунбул ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан ўн олти *мисқолдан*, сандарак елими ва *фарфиюнларнинг* ҳар биридан саккиз *мисқолдан* олинади. Қурук дорилар янчилади, елимлар эса ивителиди, кейин ҳаммасини аралаштириб қорилади. Бир ичимни – тўрт *мисқол*.

Дариюсга нисбат берилган иёраж. Абу Жаҳл тарвузининг пўчоғи, уруғидан тозаланган эти ва кундур елимларининг ҳар биридан йигирма *дирҳамдан*, думалоқ аристолохия, тоғ петрушкаси уруғи ва оқ мурчларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, Эрон каврағи ва говширларнинг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан*, хушбўй сунбул, куш тили, дорчин, Цейлон дорчини, заъфарон, занжабил ва *жулаҳларнинг* ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* олинади. Қурук дориларни янчиб, елимларни ивитиб, кейин [ҳаммаси] аралаштирилади.

Салим ҳаби. Бу бошни тозалайди.

[Таркиби]. Турбуд ва сабрларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, Абу Жаҳл тарвузининг эти ва *сақамуниёларнинг* ҳар биридан уч *дирҳамдан*, Рум арпабодиёни ва тузларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* [олинади]. Кучли бир ичимни – икки *дирҳам*, заифи – бир *мисқол*.

[Бошқа] ҳаб. Бу савдодан бўладиган бош оғриғига фойдалидир.

Таркиби. Девпечак ва дарахт пўкакларининг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, чилпоядан уч *дирҳам*, || *иёраждан* етти *дирҳам*, туздан 524 икки ярим *дирҳам*, қора ҳалиладан беш *дирҳам* ва ложувард тошидан икки *дирҳам* [олинади]. Бир ичимни – икки ярим *дирҳам*.

[Бошқа] ҳаб. Балғам ва савдодан бўладиган бош оғриғига фойда қилади.

[Таркиби]. Кобул ҳалиласи, балила ва омилаларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, туздан тўрт *дирҳам*, Рум райҳонидан икки *дирҳам*, *иёраж фикродан* саккиз *дирҳам*, Абу Жаҳл тарвузининг этидан тўрт *дирҳам*, эрмандан икки *дирҳам*, дарахт пўкагидан саккиз *дирҳам*, турбуд ва девпечакларнинг ҳар биридан ўн беш *дирҳамдан*

ва кора харбакдан беш *дирҳам* [олинади]. Бир ичими – [415] икки ярим *дирҳам*.

Илдизлар қайнатмаси. Балғамдан бўлган бош оғриғида, шунингдек, бош айланиши ва тутканокда бу [қайнатма] канакунжут ёғи билан ичирилади.

[Таркиби]. Петрушка илдизининг пўстлоғи ва арпабодиён илдизи пўстлоқларининг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, қорачайир илдизи, тоғ ялпизи, хушбўй сунбул ва думалок аристолохияларнинг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан*, шоҳтарадан етти *дирҳам*, сарик ҳалиладан саккиз *дирҳам*, девпечакдан тўрт *дирҳам*, мастакидан уч ярим *дирҳам*, жулахдан тўрт *дирҳам* олинади. Буларни тўрт *ратл* сувга солиб, шундан бир *ратли* қолгунча қайнатилади; кейин шу қайнатмада тўрт *дирҳам иёраж фикро* ивителиди. Ҳар куни шундан уч уқияси бир *дирҳам* канакунжут ёғи билан истеъмол қилинади.

Қайнатма. Бу хилтларни суриб чиқарувчи умумий [қайнатмадир].

[Таркиби]. Қора, сарик ва Кобул ҳалилаларининг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, олхўридан ўттиз дона, *тамр ҳиндийдан* ўн беш *дирҳам*, шоҳтарадан етти *дирҳам* ва эрмандан уч *дирҳам* [олиб], уч *ратл* сувда бир ярим *ратли* қолгунча қайнатилади. Шу [қайнатмадан] учдан икки *ратл* олиб, ичида бир *дирҳам* турбуд, тўрт *донақ* сабр ва икки *донақ* дарахт пўкагини эзиб ичирилади. Агар бунинг кучсизи керак бўлса, юқоридаги нарсаларни қўшмасдан, фақат уруғи олинган *хиёршанбардан* ўн *дирҳами* эзиб ичирилади.

Шақиқа¹. Бунга [қуйидаги] кулча дори фойда қилади, агар у чаккадан чаккагача икки ёки уч марта суртилса, яхшигина таъсир кўрсатади.

Таркиби. Заъфарондан – ўн беш *мисқол*, яшил зокдан – ўн *мисқол*; *мурр*, аччиктош, афюн, узум ғўрасининг қуритилган шираси ва сарик зокларнинг ҳар биридан уч *мисқолдан* ва [араб] елимидан ўн беш *мисқол* олинади. Булар янчилади ва устига буриштирувчи шаробдан етарли миқдорда солиб, яна *шиёфни* эзиб, янчгандек қилиб эзилади-да, кулчалар тайёрланади. Бунга эҳтиёж тушганда, сув қўшилган сиркада ивитиб, истеъмол қилинади.

Эскирган шақиқа *дорисининг нусхаси². Оқ мурчдан икки *мисқол*, заъфарон аралашмасидан³ икки *мисқол*, *фарфиюндан* ярим *мисқол*, каптар тезагидан ярим *мисқол* ва котиблар сиёҳидан⁴ ярим *мисқол* [олинади]. Бу дориларни янчиб, аралаштирилади ва сирка билан қориб, [бошнинг] оғриётган томонидан чаккага –пешананинг ярмига суртилади.



ИККИНЧИ МАҚОЛА

КЎЗ* ВА УНГА ТЕГИШЛИ КАСАЛЛИКЛАР¹

Кўзнинг яллиғланиши² ва унга моддаларнинг оқиб келиши. Бунга Баклус аҳолисидан бўлган бир кўз табиби тайёрлаган *шиёф* фойда қилади.

Н у с х а с и . *Момисо* шамчаларидан³ қирқ саккиз *мисқол*, анзират гўштхўрдан йигирма тўрт *мисқол*, шоданадан ўн икки *мисқол*, афюндан ўн икки *мисқол*, меҳригиёҳ илдизидан саккиз *мисқол*, [араб] елимидан ўн олти *мисқол* ва катиродан ўн икки *мисқол* [олинади] *ва сув билан⁴ қориб, истеъмол қилинади.

«Уйқу келтирувчи» деб аталадиган *ш и ё ф* . Қаттиқ оғриқ ва барча хил шишга, шунингдек, моддалар кучли равишда қуюлиб келганда фойда қилади.

Н у с х а с и . *Момисодан* йигирма тўрт *мисқол*, анзиратгўштхўрдан саккиз *мисқол*, заъфарон, *мурр*, афюн ва куйдирилган зокларнинг ҳар биридан саккиз *мисқолдан* ва [араб] елимидан ўн икки *мисқол* [олиб], ёмғир суви билан қорилади ва тухум оқи билан истеъмол қилинади.

Эразистрат дориси. Бу трахома ва эски кўз яллиғланишига, шунингдек, йиринг оқадиган қулоққа, битиши қийин яраларга ва оғизда бўладиган ел яраларга фойда қилади.

Т а р к и б и . Куйдирилган мисдан икки *мисқол*, *муррдан* бир *мисқол*, куйдирилган зокдан бир *мисқол*, мурчдан учдан бир *мисқол*, заъфарондан ярим *мисқол*, [416] шаробдан тўққиз *уқия* ва шиннидан тўрт ярим *уқия* олинади. Қурук дорилар эзиб янчилади ва эзиш вақтида устига шароб қуйиб турилади; қуригач, шинни қўшиб яна эзилади ва бир идишга солиб, паст оловда қайнатилади; кейин мис идишда сақланади.

Филоксен таркиб қилган суртма. Бу модданинг кўплиги ва каттиқ оғриққа фойда қилади.

Н у с х а с и . Янги қизил гулдан икки *мисқол*, мингдевона уруғидан саккиз *мисқол*, кундур елимидан олти *мисқол*, арпа толқонидан

ўн саккиз *дирҳам*, *муррдан* тўрт *мисқол*, ковурилган битта тухум сариғи, меҳриғиёх илдизининг ширасидан тўрт *мисқол*; заъфарондан икки *мисқол* ва афюндан тўрт *мисқол* [олинади]. Буларни етарли микдордаги буриштирувчи шароб билан қориб, кулчалар тайёрланади-да, истеъмол қилинади.

Лаҳабий деб аталувчи бошқа *дорининг нусхаси¹. Куйдириб ювилган мисдан ўн икки *мисқол*, заъфарондан олти *мисқол*, оқ мурчдан тўрт *мисқол*, *мурр* ва афюнларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан* 525 ҳамда [араб] елимидан ўн икки *мисқол* [олинади] || ва шароб билан қориб, истеъмол қилинади:

Ҳаммомдан олдин ишлатиладиган шиёф. [Кўздан] кўп модда оққанда, хусусан, кўзнинг рутубатланиши оғир аҳволда бўлса ва унинг шиши рангда оққа мойил бўлиб, унда кўзнинг оқи қорасини босадиган даражада кучли яллиғланиш аломатлари бўлса, бу [шиёф] фойда етказди. Биз бу [шиёфни] касални ҳаммомга тушишга буюрган вақтимизда ёки унга [киргандан] кейин истеъмол қилишимиз лозим.

Таркиби. *Шижистус* деб аталадиган тошдан – саккиз *мисқол*, кундур елимидан – етти *мисқол*; куйдириб ювилган мис, афюн ва [араб] елимларининг ҳар биридан саккиз *мисқолдан* ва *муррдан* тўрт *мисқол* олиб, етарли микдордаги шароб билан қорилади. Буни тухум оқи билан [кўшиб], суюқ ҳолда кўзга кўп марта томизиш йўли билан истеъмол қилинади.

Бошқаси. Бу [шиёф] ҳам ҳаммомдан олдин истеъмол қилинади; уни кўз табиби Армиёс² таркиб қилган бўлиб, у қаттиқ оғриққа фойда қилади ва уни ўша куниек жуда яхши босади; у яна эски кўз яллиғланишига ҳам фойда қилади.

Таркиби. Сабрдан саккиз *мисқол*, куйдириб ювилган мис, афюн ва [араб] елимларининг ҳар биридан ўн олти *мисқолдан*, *муррдан* ўн икки *мисқол*, заъфарондан саккиз *мисқол*, қалимиёдан тўрт *мисқол* ва кундур елимидан уч *мисқол* олиб, қандисун³ деб аталган шароб билан қорилади ва тухум оқида суюқ қилиб эритиб, истеъмол қилинади. Буни турли вақтда – ҳар уч ёки тўрт соатда кўзга қўйиб, кейин кўзга дам бериб қўйилади, шундан сўнг касал ҳаммомга туширилади.

Нажот берувчи шиёф. Бу [шиёф] оғриқни ўша куниек тўхтатади, бу «ит [шиёфи]⁴» деб аталади, у шишни тарқатиб, дарров ёради.

Таркиби. Сурма⁵ ва араб акацияси шираларининг ҳар биридан қирқ *мисқолдан*, қалимиёдан олти *мисқол*, куйдириб ювилган

мисдан ўн тўрт *мисқол*, қалай упасидан саккиз *мисқол*, сунбул ва ҳузазларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*, кундуз қири, сабр, афюн ва қиздирилган сарик зокларнинг ҳар биридан бир¹ *мисқолдан* ва [араб] елимидан қирк *мисқол* [олинади]. Буларни қизил гул солиб қайнатилган сув билан қорилади ва тухум оқи билан бир оз куюк қилиб ивитиб, истеъмол қилинади.

Жолинус тузган шиёф. Бу «содда таркиб» номи билан маълум бўлиб, кучли оғриқларга ҳамда пасаяётган касалликларга фойда қилади.

Таркиби. Ювилган қалимиёдан ўн олти *мисқол*, араб акацияси ширасидан қирк *мисқол*, куйдириб ювилган мисдан ўн тўрт *мисқол*, афюн, ҳузаз, содаж, хушбўй сунбул, заъфарон, сабр ва кундуз қирилариининг ҳар биридан икки *мисқолдан*, муррдан тўрт *мисқол*, қалай упаси ва ювилган сурмаларнинг [417] ҳар биридан олти² *мисқолдан* ва [араб] елимидан қирк *мисқол* [олиб], сув билан қорилади ва тухум оқи билан бирга истеъмол қилинади. У касалликнинг бошланишида ҳам истеъмол қилинади.

Қакнус³ деб аталувчи шиёф. Буни бир хотин малика таркиб қилган бўлиб, у [кўзнинг] кучли оғриқларига фойда қилади.

Таркиби. Қалимиёдан ўн олти *мисқол*, ювилган [қўрғошин] упасидан қирк *мисқол*, крахмал, катиरो, араб акацияси шираси ва афюнларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан*, [араб] елимидан ўн икки *мисқол* [олиб], ёмғир сувида қорилади. Бундан *шиёф* тайёрлаб, [ишлатиш] зарур бўлган вақт келганда, шу [аралашмага] тўртта хом тухум оқи солинади.

Сайфий⁴ деб аталувчи шиёф. Қуйдириб ювилган қалимиё, Самос лойи ва қалай упаларининг ҳар биридан йигирма *мисқолдан*, ювилган мис тўполи, араб акацияси шираси ва кундур куқунларининг ҳар биридан икки *мисқолдан*, катиродан беш *мисқол* ва [араб] елимидан ўн беш *мисқол* [олиб], сув билан қорилади ва тухум оқи билан қўшиб истеъмол қилинади.

«Енгилмас юлдуз» деб аталувчи шиёф. Бу кучли оғриқлар, тошмалар, *мурсараж*⁵, чиркли яралар, еювчи яралар ва эски касалликларга фойда қилади ҳамда [кўзни] равшан қилиб, ундаги [яра] изларини кетказди.

Таркиби. Қуйдириб ювилган қалимиё ва ювилган қалай упаларининг ҳар биридан ўн олти *мисқолдан*, крахмал ва сурмаларнинг ҳар биридан ўн икки *мисқолдан*, мис қуйилган қолипдаги кул, куйдириб ювилган қўрғошин ва Самос лойларининг ҳар биридан

саккиз *мисқолдан*, *муррдан* икки *мисқол*, афюндан икки *мисқол* ва катиродан саккиз *мисқол* [олиб], ёмғир суви билан қорилади.

Бовкиротус¹ шиёфи. Бу нажот берувчи *шиёфдир*.

[Таркиби]. *Қалимиё* ва заъфаронларнинг ҳар биридан ўн икки *мисқолдан*, афюн ва мис тўполларининг ҳар биридан олти *мисқолдан*, тозаланган *шобурқон* тўполи ва куйдириб ювилган кўрғошинларнинг ҳар биридан беш *мисқолдан*, *муррдан* уч *мисқол*, хушбўй сунбулдан икки *мисқол*, араб акацияси ширасидан *икки *мисқол²*, қизил гул шираси ва [араб] елимларининг ҳар биридан ўн икки *мисқолдан* [олиб], сопол кўзачадан сизиб чиққан сув билан қорилади³.

«Гул [шиёфи]» деб аталган ва Нилус⁴ таркиб этган **шиёф**. Бу [кўздаги] кучли оғриққа, латиф ва кўп модда оқишига, шунингдек, тошма ва *мурсаражга* фойда қилади.

Таркиби. Косачаларидан тозаланган янги қизил гулдан тўрт *мисқол*, заъфарондан тўрт *мисқол*, афюндан олтидан бир *мисқол*, хушбўй сунбулдан олтидан бир *мисқол* ва [араб] елимидан уч *мисқол* [олиб], ёмғир сувида қорилади ва тухум оқи билан истеъмол қилинади.

«Чиройли» деб аталувчи бошқа бир гул **шиёфи**. Бу ҳам юкорида эикр этилган касалликларга фойда қилади.

Таркиби. Тозаланган янги қизил гулдан йигирма тўрт *мисқол*, 526 заъфарондан || ўн икки *мисқол*, крахмалдан олти *мисқол*, анор гулдан тўрт *мисқол*, афюндан тўрт *мисқол* ва катиродан саккиз *мисқол* [олиб], сарв баргининг шираси билан қорилади.

Диагор⁵ таркиб этган гул шиёфи.

[Таркиби]. Янги қизил гулдан ўн икки *мисқол*, мис қуйилган қолип кули, сунбул, заъфарон, афюн ва [араб] елимларининг ҳар биридан тўрт *мисқолдан* [олиб], ёмғир сувида қорилади.

Диагор таркиб этган гул шиёфининг бошқаси. Бу «буюк *шиёф*» деб аталиб, кучли оғриқ, тошмалар, мугуз қаватида бўладиган чуқур ва чиркли яралар, *мурсараж*, узоқ вақтлардан бери оқиб туншаётган модда ва тузалиши қийин эски кўз яллиғланишига фойда қилади.

Таркиби. Косачаларидан тозаланган янги қизил гулдан [418] етмиш икки *мисқол*, куйдирилган ва ювилган *қалимиёдан* йигирма тўрт *мисқол*, заъфарондан олти *мисқол*, афюндан саккиз⁶ *мисқол*, сурмадан уч *мисқол*, баъзилар бундан олти *мисқол* кўшадилар, мис тўполдан икки *мисқол*, хушбўй сунбулдан икки *мисқол*, *муррдан*

тўрт *мисқол*, – баъзи кишилар бундан олти *мисқол* кўшадилар, – зангордан икки *мисқол*, – баъзилар бундан уч *мисқол* кўшадилар, – [араб] елимидан йигирма тўрт *мисқол* [олиб], ёмғир суви билан қорилади ва сут билан истеъмол қилинади.

Ясминдан тайёрланидиган нажот берувчи шиёф. *Моддалар оқиб келишида фойдаси бор.

Таркиби¹. Араб акацияси шираси ва ясмин шираларининг ҳар биридан қирқ саккиз *мисқолдан*, мис қуйиладиган қолипдаги кул ва заъфаронларнинг ҳар биридан йигирма тўрт *мисқолдан*, афюндан тўрт *мисқол* – бошқа бир нусхада олти *мисқол*, – *муррдан* тўрт *мисқол*, мингдевона ширасидан тўрт *мисқол*, куйдириб ювилган мисдан тўрт *мисқол* ва [араб] елимидан қирқ *мисқол* [олиб], шаробда қорилади.

Нуффохий² деб аталувчи шиёф. Бу [*шиёф*] кўзи дори тегишини кўтаролмайдиган кишиларга мувофиқ келади, шунингдек, тошмаларга, мугуз қаватида бўладиган чуқур ва чиркли яраларга, *мурсаражга*, кўп модда ва янгигина пайдо бўлган касалликларга фойда қилади.

Таркиби. Куйдириб, сутда ўчирилган *қалимиёдан* ўн олти *мисқол*, ювилгай қалай упасидан саккиз *мисқол*, заъфарондан тўрт *мисқол* ва катиродан икки *мисқол* [олиб], сопол кўзачадан сизиб чиққан сув билан қорилади ва тухум оқи билан бирга ишлатилади.

[Бошқа] шиёф. Бу *шиёф* уни таркиб қилган Суриёснинг исмидан олинган ном билан аталади. Бу нажот берувчи *шиёф* бўлиб, [кўздаги] эски оғриқларга, шунингдек, кўзнинг ички бурчагидаги этнинг йўқолишига, яъни «ёш оқиши» деб аталувчи касалликка ҳамда кўзнинг шу бурчагидан чиқадиган чиқик, яъни оқма ярага фойда қилади.

Таркиби. Ювилган *қалимиё* ва куйдириб ювилган шоданаларнинг ҳар биридан йигирма саккиз *мисқолдан*, мис қуйиладиган қолип кулидан йигирма тўрт *мисқол*, *муррдан* қирқ саккиз *мисқол*, заъфарондан тўрт *мисқол*, афюндан олти *мисқол*, *мурчдан ўттиз икки дона³ ва [араб] елимидан олти *мисқол* [олинади]. Булар шароб билан қорилади ва тухум оқи билан кўшиб, суюқ ҳолда яқинда [касаланган] жойларга ишлатилади. Баъзи одамлар бунга заъфарондан ўн икки *мисқол* кўшадилар.

Ҳиндча деб аталувчи ҳавоий шиёф. Бунинг хусусиятларидан бири ҳар қандай кўз яллиғланишининг олдини олишдир; у яна [кўздаги] бузилиш ва қичимага ҳамда кўз бурчагидаги ейи-

лишга фойда қилади; [яра] изларини кетказади. Бу кўзга сурма килиб қўйилса, шу [қўйилган] вақтда ва ундан кейин ҳам кўзни яллиғланишга¹ қўймайди.

Таркиби. Қалай упасидан қирқ саккиз *мисқол*, Қибрис қалимиёсидан йигирма тўрт *мисқол*, Ҳинд сиёҳидан беш *мисқол*, *армониюн*² ва *фасуриқун*³, – бунинг маъноси кўтир [дориси] демакдир⁴, – узум ғўрасининг қуритилган шираси ва афюнларнинг ҳар биридан беш *мисқолдан*, оқ мурчдан олти *мисқол*, бальзам ёғидан саккиз *мисқол* – бошқа бир нусхада бундан олти *мисқол* қўшилади, – [араб] елимидан ўн олти *мисқол* ва дорчиндан икки *мисқол* [олиб] янчилади ва сопол кўзачадан сизиб чикқан сувда қориб ишлатилади.

Дори. Кучли шишга⁵, шунингдек, ҳарорат ғалаба қилганидан кўзғалувчи кўз шишига фойда қилади.

Таркиби. Афюн, катиरो, *филзаҳра* ва [қўрғошин] упаларининг ҳар биридан олти *дирҳамдан* ва араб елимидан ўн икки *дирҳам* [олинади]. Буларнинг ҳаммасини янчиб эзилади. Кейин ҳўл райҳондан олиб, икки *ратл* ёмғир сувида учдан бири қолгунча қайнатилади [419], ва сузиб, шу сувда дорилар қорилади; сўнгра бундан нўхатга ўхшаш ғўлакчалар тайёрлаб, сояда қуритилади. Қачон буни кўзга қўйишни истасанг, уни совуқ сув ёки хотин сути, ёки тухум оқи, ёки сариқ йўнғичка қайнатмаси билан садаф парча ёки қайроқтош устида эзиб, эрталаб сурмачўпни кўзга ўн бир ёки етти марта тортиш орқали қўясан, кечқурун ҳам шундай қилинади. Бу [кўздаги] ҳароратни синдириб, унга оқиб келаётган рутубатни тўхтатади, шунингдек, кўзни кучайтиради ва кўз оғриғини кетказади.

[Бошқа] дори. Кучли кўз яллиғланишига фойда қилади, шишни босади, рутубатни кетказади ва ҳароратни сўндиради.

Таркиби. *Момисо шиёфидан* қирқ саккиз *дирҳам*, заъфарондан йигирма тўрт *дирҳам*, афюндан ўн икки *дирҳам*, *филзаҳрадан* ва оқ мингдевона ширасининг қуритилган кулчасидан олти *дирҳамдан*, оқ қисми қирқиб ташланган янги қизил гул япроқларидан қирқ *дирҳам* ва араб елимидан қирқ саккиз *дирҳам* олинади. Буларнинг 527 ҳаммасини янчиб, ёмғир суви ва кашқарбеда сувида эзилади; || агар [қашқарбеда] ҳўл бўлса, у сиқилади, агар курук бўлса, сувда қайнатиб сузилади-да, мана шу сувда дориларни эзиб қорилади. Сўнгра нўхат сингари ҳаблар ясаб қуритилади, кейин уни қайроқтош ёки садафда совуқ сув, ёки хотин сути, ёки тухум оқи билан эзиб, эрталаб ва кечқурун кўзга қўйилади.

«Қизил и к с и р и ю н»¹ деб аталувчи дори. Бу кўзда бўладиган яраларга ва кучли ҳароратга фойда қилади, шунингдек, рутубат ва чиқиндиларнинг кўплиги сабабли кўзга оқиб келадиган намликни тозалайди ва «кўз либосини»² кучайтиради.

Таркиби. Афюн, шодана, куйдирилган мис ва буғдой мағизларининг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан*, араб елимидан қирқ саккиз *дирҳам*, [кўрғошин] упасидан олтмиш тўрт *дирҳам* ва *қалимиёдан* йигирма саккиз *дирҳам* [олинади]. Шодана билан куйдирилган мисни сув билан яхшилаб алоҳида эзиб янчилади, кейин ҳаммасини аралаштириб, куруқ ҳолда яна янчилади; шундан сўнг уни сурма қўйган йўсинда кўзга қўйилади.

Кўзга қўйиладиган марҳам. Кўзда кўзғаладиган кучли ҳароратга фойда қилади, унга оқиб келадиган рутубатни тўхтатади, кўзни бақувват қилади ва оғрикни босади.

Таркиби. Қуритилган қизил гул япроқчалари, хўл анор пўсти ва ясмиқларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан* олиб, устига бир *ратл* сув қўйилади ва яхшилаб қайнатиб сузилади; [турпи] яхшилаб янчилади-да, бир оз сув ва гул ёғи билан қориб, кўзга қўйилади.

[Бошқа] дори. Кўздаги иссиқ оғриқларга фойда қилади.

[Таркиби]. Заъфарон, кундур елими, сабр, *мурр*, афюн ва анзиратгўштхўрларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан* олиб, янчиб эзилади ва оғриқ бошланишида шу [аралашмани] сирка ва сачратқи суви билан ёки *фарфиюн* суви, ёки мингдевона суви, ёки хўл кашнич суви билан қўшиб, кўзга суртилади. Агар оғриқ чўзилиб кетса, бу дори *тило* шароби билан биргаликда кўз ва пешанага суртилади ва бир оз қиздирилади. Ёки арпа толқонидан тўрт *дирҳам*, ёввойи маҳсардан икки *дирҳам* ва афюндан бир *дирҳам* олиб, яхшилаб янчилади ва гул ёғи билан қориштириб, яллиғланган кўзга ва ундаги иссиқ шишга қўйилади.

Истотикун деб аталувчи сурма. Агар бу кўзга томизилса ва назлалар бошланаётганда кўзга қўйилса ҳамда гул сурмаси билан аралаштириб [ишлатилса], кўз хиралашганда³ ва қизарганда фойда қилади.

Таркиби. *Қадмиё*⁴, куйдирилган мис ва сабрларнинг ҳар биридан бир ҳиссадан, сунбул ва *муррларнинг* ҳар биридан беш ҳиссадан, заъфарон ва афюнларнинг ҳар биридан ярим ҳиссадан, тоза араб акацияси ширасидан тўрт ҳисса, *ҳузаздан* беш ҳисса ва араб елимидан тўрт ҳисса олинади. *Қадмиё*, мис, сабр ва араб акацияси шираси чучук сувда тўрт ой⁵ эзилади. [420] Кейин *ҳузаз*, заъфарон ва

афюнларни бошқа бир *салоя* тошида беш кун эзилади-да, сўнгра ҳаммаси бирга аралаштирилади. Елимни сувда ивитиб эритилади-да, юқоридаги дориларга кўшилади ва эзиб аралаштирилади. Кейин кулча ёки ҳаблар ясаб, кўзга қўйилади¹.

Сурма. Назлалардан пайдо бўладиган барча хил кўз оғриқларига фойда қилади.

Таркиби. Маймунжон барглари олиб, суви сиқилади ва сузиб, бир оз қуюлгунча *салояда* ишқаб эзилади. Кейин шунча микдорда араб елимидан олиб, асалдек бўлиб эриши учун бир оз сувда ивитилади, сўнгра буни маймунжон суви билан қўшиб, бир неча кун давомида, *то қуриб² ҳаб тайёрлаш мумкин бўладиган [ҳолга келгунча] кориштирилади. Шундан кейин ҳаблар ясаб, сояда қуритилади ва кўзга сурма килиб қўйилади.

Кўздаги яралар, тошмалар ва йиринг. Билгинки, юқорида зикр этилган *юлдуз шиёфи* буларга жуда яхши фойда қилади; нажот берувчи *шиёф* билан *туффоҳий шиёфи* ҳам ниҳоятда [фойдали].

Моҳурга нисбат бериладиган ш и ё ф. Бу эски касалликларга ва кўзда бўладиган йирингга фойда қилади.

Таркиби. Тўтиёдан ўттиз икки *мисқол*, куйдирилган мисдан йигирма икки *мисқол*, заъфарондан ўн олти *мисқол*, шоданадан ўн *мисқол*, оқ мурчдан қирк дона ва [араб] елимидан қирк *мисқол* олиб, шароб билан қорилади. Бошқа бир нусха бўйича бунга ўн *мисқол* афюн ҳам қўшилади.

Мугуз қаватининг йиртилиши. Қизил гул *шиёфи мурсаражнинг* барча турларига ҳам фойда қилади.

Мугуз қаватидаги чуқурликни тўлдирадиган кукун дори. Куйдирилган йирик садаф ва шоданаларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* [олиб] янчиб, кўзга сепилади.

[Кўздаги] **оқма яра³.** Суриёс таркиб этган *шиёф* оқма ярага фойда қилади.

[Кўзга тушган] **оқ ва ундаги яра излари.** Оққа қибтий-миср дориси ва Ҳинд *шиёфи* фойда қилади; геккон калтакесагининг те-загини қўйиш ҳам фойдали.

Сарик ш и ё ф. Бу «хираланишга қарши» номи билан маълум бўлиб, кўз олди хираланиб қоронғилашганига ҳамда эски касалликларга фойда қилади, шунингдек, [яра] излари ва қаттиқликни кетказди.

Таркиби. Қалимиёдан йигирма тўрт *мисқол*, узум ғўрасининг куруқ ширасидан ўн икки *мисқол*, навшадилдан шунча, афюндан

саккиз *мисқол*, араб елимидан йигирма *тўрт мисқол*, қалай упасидан шунча, заъфарондан ўн олти *мисқол ва* оқ мурчдан йигирма *тўрт мисқол* [олиб], ёмғир суви билан қорилади.

Ажойиб сурма. Масих¹ буни [кўзга тушган] оқ ва ёш оқиш [касаллигида] синаб кўриб мақтайди. Бу кўз хиралигини ҳамда ковоқларда бўладиган барча хил қалинликни кетказди || ва кўришни жуда 528 ўткирлаштиради.

Таркиби. Ҳинд тўтиёсидан – икки ярим *дирҳам*, Исфаҳон сурмасидан – тўрт *дирҳам*, марказитдан – икки ярим *дирҳам*, куйдирилган мисдан – икки *дирҳам* ва *тўрт *донақ*², тилла *қалимиёси* ва кумуш *қалимиёларининг* ҳар биридан – бир *дирҳамдан*, *содаждан* – бир *дирҳам*; маржон, майда марварид ва мис тўполларининг ҳар биридан икки *донақдан*, куйдирилган дарманадан иккию учдан икки *дирҳам*, эритилган шишадан³ ярим *дирҳам* ва фиръавн шишасидан ярим *дирҳам* [олинади]. Бу дорилар ёмғир суви билан эзиб янчиллади, етарли даражада янчилгач, устига бир *донақ* янчилган кофур ва бир *қирот* мушк солиб эзиб янчиш орқали аралаштирилади, кейин ҳаблар ясаб, сояда қуритилади. [Керагида] садафда сув билан эзиб, кўзга қўйилади.

Бошқа [дори]. Бу [кўздаги] оққа ажойиб фойда келтирувчи ва синалган доридир.

Таркиби. Игна қипиғидан икки *дирҳам* ва симобдан бир *дирҳам* олиб, иккови биргаликда эзилади ва қамиш найнинг ичига солиб, найнинг оғзи хамир билан беркитилади, [421] найнинг усти ҳам хамир билан ўралади; бунинг устидан жун билан қорилган лой қопланади, сўнгра буни тасма билан ўраб, устидан яна бир марта лой қопланади-да, кейин чўққа [кўмиб, лой] худди сопол сингари қотиб, тош бўлиб кетгунча пиширилади. Шундан кейин [найни] чиқариб олиб, ичидан дори ажратиб олинади⁴. Сўнгра янчилган оқ *қалимиёдан* уч *дирҳам* олиб, мана шу дорига аралаштирилади ва бошқа бир найнинг ичига солиб, олдинги гал қандай қилинган бўлса, шундай қилинади. [Лой] тош бўлиб қотиб кетгач, [дори] чиқариб олинади. Кейин зиғир баргидан олинади, уларни ҳам ёмғир тегмасдан бурун териб қуритилади; мана шундан бир *дирҳам* ва тешилмаган марвариддан ярим *дирҳам* олиб, бошқа дорилар билан биргаликда майдалаб янчиллади; умуман, булар кукундек бўлиб кетгунча жуда яхшилаб янчиллади.

Бу билан даволаш керак бўлганда касалнинг кўзига уч кун сидирғасига гулсапсар илдизининг шираси сурма қилиб қўйилади,

сўнгра мана шу дори қўйилади, шундан кейин бир кун бу дори, бир кун – гулсапсар илдизи шираси қўйиб турилади.

Кўзга тушган оққа ишлатиладиган кукун дори.

Таркиби. Зангор, каврак елими ва куйдирилган денгиз қис-кичбақаларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, Абу Жаҳл тарвузининг этидан икки ярим *дирҳам*, хўкиз ўти ва Арман бурақларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, Дароний тузидан уч *дирҳам*, оқ мурчдан йигирма *дирҳам*, денгиз кўпигидан тўрт *дирҳам*, жўжа чикқан тухум пўчоғидан уч *дирҳам*, қайроктош кукунидан беш *дирҳам*, уромастика калтакесагининг тезагидан ўн *дирҳам* ва тешилмаган марвариддан тўрт *дирҳам* [олинади].

Паннус. Паннус елига¹ қарши синаб кўриб макталган сурмалардан бири [мана бу].

Таркиби. Товуққа бостирилган тухумдан жўжа чиқиши билан унинг пўчоғини олиб, ўткир сиркада ўн кун сурункасига қайнатилади, кейин сузиб, шишага ёки сопол идишга қўйилади ва уни қуригунча [чангдан] сақланган бир ерда офтобга қўйиб қўйилади. Сўнгра олиб, эзиб янчилади ва кўзга қўйилади.

Ёш оқиш. Суриёс таркиб қилган нажот берувчи *шиёф* ёш оқишда фойдалидир; биз эслатадиган *антусомун шиёфи* ҳамда тўтиёдан тайёрланадиган ва Масих кўз оқиға қарши эслатиб ўтган *шиёф* ҳам шундай.

Қовоқларнинг қалинлашуви ва қотиши. *Нусомдарус* номи билан танилган ва биз трахома бобида эслатиб ўтган сурма бунга фойда қилади. Шунингдек, эслатиб ўтилган Эразистрат дориси ва Масих томонидан кўзга тушган оққа [ишлатиш] учун келтирилган тўтиё *шиёфи* ҳам фойдали.

Қибтий шиёфи. Бу [кўздаги] қаттиқлик ва оққа фойда қилади ва ўша заҳоти қаттиқ пардани қиркиб туширади.

Таркиби. Зангор ва қаврак елимларининг ҳар биридан олти *мисқолдан*, тош туздан уч *мисқол*, Абу Жаҳл тарвузининг этидан учу учдан икки *мисқол*, қорамол ўтидан икки *мисқол*, қора бурақдан бир ярим *мисқол*, мурчдан қирқ дона, яхши асалдан бир *қавосус*² [олинади] ва аралаштириб, бир идишга солиб қўйилади³.

Бошқа шиёф. Бу *антусомун*⁴ деб аталади; у [кўзга] эскидан моддаларнинг оқиб тушуви, қовоқларнинг оғирлик ва дағаллиги, кўз бурчагидаги этчанинг эриб камайиши ва ейилиши, кўзда бўладиган кўп рутубатга ва [кўз] қаватларининг туртиб чиқишига фойда қилади, [яра] излари ва қаттиқликларни кетказди.

Таркиби. Сурмадан тўрт *мисқол*, куйдирилган мис ва қалай упаларининг ҳар биридан икки *мисқолдан*, заъфарон, мурр, кундур елими кукуни, зангор ва яшил ясмикларнинг ҳар биридан бир *мисқол*, оқ мурчдан ярим *мисқол* ва араб елимидан икки *мисқол* олиб, шароб билан [қорилади] ва сув билан ивитиб, истеъмол қилинади.

Сариқ шиёф. Бу *фонҳаритус* деб аталади; бу нажот берувчи *шиёф* бўлиб, трахомага, кўз бурчакларининг ейилишига, [422] каттиқ қичмага ва ковоқлар оғирлашганга фойда қилади.

Таркиби. Қалимиёдан саксон *мисқол* ва оқ қалқатордан қирк *мисқол* [олиб], сопол кўзадан сизиб ўтган сув билан қорилади.

Трахома ва кўз қичимаси. Ҳинд *шиёфи* қичмага фойда қилади.

Хато қилмайдиган сурма. Кўз табиби Қаритун томонидан тузилган бу сурма қичмага ва ковоқлар қалинлашганга фойда қилади.

Таркиби. Қибрис қалимиёсидан йигирма тўрт *мисқол*, шоданадан олти *мисқол*, – бошқа бир нусхада, – ўн олти *мисқол* олиб, толқондек қилиб янчилади ва асал билан қориб куйдирилади-да, устига || шароб куйиб ўчирилади. Кейин қуритилади ва янчиб кўзга тортилади. 529

Капитон¹ шиёфи. Кўздаги қичима ва рутубатга, шунингдек, кўз бурчакларининг ейилиши ва ковоқлардаги кучли трахомага фойда қилади.

Таркиби. Қалимиёдан олиб, майда бўлақларга синдирилади ва асал билан қориб, сопол кўзачага солинади, кейин кўзачанинг оғзи беркитилади, усти лой билан қопланади; дори куйганда кўтарилган тутун чиқиб турсин учун қопқоғининг ўртасидан тешик қолдирилади, сўнгра кўзачани ёниб турган кўмирнинг ўртасига тик қилиб қўйилади. Қалимиё куя бошлагач, ундан кўтарилиб чиқаётган тутун кузатиб турилади: [тутун] қорамтирлигича қола берса, дори куйиб битгунча қўйиб қўйилади, у оқариб чикса, билгинки, дори яхши куйиб бўлибди. Шундан кейин кўзачани оловдан тушириб, қалимиё чиқариб олинади ва уни совутиш учун устига шароб қўйилади. Сўнгра ҳовончага солиб янчилади ва қуритиб, ўзи қўшиладиган сурмага аралаштирилгунча сақлаб қўйилади.

Шу сурманинг нусхаси мана бу. Юқоридаги қалимиёдан саккиз *мисқол*, куйдирилган мисдан саккиз *мисқол* ва сурмадан² саккиз *мисқол* олиб, ҳаммаси янчилади ва сақлаб қўйиб, эрталаб ва кечқурун ковоқларга қўйилади.

Аполлоний¹ шиёфи. Трахома, киприкларнинг тўкилиши ва эски касалликларга фойда қилади.

Таркиби. Куйдириб ювилган шоданадан ўттиз икки *мисқол*, куйдирилган ва ювилган мисдан ўн олти *мисқол*, куйдириб ювилган *сижистус* тошидан ўттиз икки *мисқол*, эритилган зангордан ўн олти *мисқол*, афюндан уч *мисқол*, бошқа бир нусхада олти *мисқол*, *қалимиёдан* тўрт *мисқол*, куйдирилган сарик зокдан тўрт *мисқол* ва [араб] елимидан ўн олти *мисқол* олиб, ёмғир суви билан қорилади.

Катаракта ва [ортикча] киприк. Кассий² таркиб этган дори катарактага [фойда қилади].

Таркиби. Хўкиз ўтидан олиб, мис идишга солинади ва ўн кун қўйиб қўйилади. Кейин [шу] ўтдан ўн икки *мисқол*, заъфарон, бальзам ёғи ва говширларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан*, мурчдан ўн икки дона ва яхши асалдан ўтга икки баробар олинади. Буларнинг ҳаммасини аралаштириб, мис идишда қайнатилади, кейин мис қутичага солиб, сақлаб қўйилади.

Баулусиюс таркиб қилган бошқа дори.

Таркиби. Денгиз кўпигидан олиб, сопол идишда куйдирилади ва кулини янчиб, кана қони билан қорилади-да, шохдан қилинган идишга солиб қўйилади. Ортикча киприкни юлиб ташлаб, ўрнига шу дори суртилади.

Филоксен таркиб этган дори³. (Кўздаги) кўп модда ва қаттиқ оғриққа фойда қилади.

Таркиби. Янги кизил гулдан икки *мисқол*, мингдевона уруғидан саккиз *мисқол*, кундур елимидан олти *мисқол*, *муррдан* тўрт *мисқол*, арпа толқонидан ўн саккиз *мисқол*, битта пиширилган тухумнинг сариғи, меҳригиёх илдизининг ширасидан тўрт *мисқол*, заъфарондан икки *мисқол*, афюндан тўрт *мисқол* [олиб], етарли миқдордаги буриштирувчи шароб билан қорилади ва кулчалар тайёрлаб, истеъмол қилинади.

Ҳиндий ва маликий деб аталувчи шиёф. Катарактанинг бошланиши ҳамда кўзда бўладиган барча хил хўл пардаларга фойда қилади [423] ва кўздаги яра изларини кетказди.

Таркиби. Куйдирилган ва ювилган *қалимиёдан* ўн олти *уқия*, Ҳинд сиёҳидан олти *уқия*, қалай упасидан тўрт *уқия*, оқ мурчдан олти *уқия*, битта уромастика калтакесагининг ўти, еттита *шуққор* ўти, – *шуққорни* зоғора балиқ деб гумон қиладилар, – тўртта какликнинг ўти, кўкнор сутидан бир *уқия*, бальзам ёғидан икки *уқия*, говшир ва Эрон қавракларининг ҳар биридан икки *уқиядан* ва [араб]

елимидан ўн икки *уқия* [олиб], арпабодиён шираси ёки *ирофлююс* деб аталувчи ўсимликнинг шираси билан қорилади.

[Бошқа бир] сурма. [Кўз] хиралашганда ва катарактанинг бошланишида фойда қилади.

Таркиби¹. Айикнинг ўтидан тўрт *дирҳам*, говшир ва мурчларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, эски зайтун ёғи, бальзам ёғи ва ҳўл арпабодиёндан сиқиб олинган шираларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, *қалимиёдан* бир *дирҳам* ва асалдан бир *уқия* [олинади]. [Қуруқлари] янчилади, *кейин [ҳаммасини] аралаштириб² тоза шишага солинади ва етти кун офтобга қўйиб қўйилади. Шундан сўнг, эрталаб ва кечкурун сурмачўпнинг учида кўзга қўйилади.

Бошқа дорн. [Кўз] хиралашганда ва шабкўрликда, шунингдек, узоқдаги нарсаларни кўриб, яқиндагисини кўрмайдиган кишиларга ва кўзга сув тўпланганга фойда қилади.

Таркиби. Қора қарға ўти, бедана ўти, турна ўти, уромастика калтакесаги ўти ва эчки ўтларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, тоза асалдан уч *дирҳам* ва бальзам ёғидан бир ярим *дирҳам* [олиб], ҳаммасини эзиб, ишқаб аралаштирилади, кейин эрталаб ва кечкурун кўзга сурма қилиб тортилади.

Кўрмай қолиш. Кўриш ҳаддан ташқари заифлашиб кетганда сариқ *шиёф* фойда қилади; Масих [кўзга тушган] оққа қарши эсла-тиб ўтган тўтиё *шиёфи* ҳам [шундай].

Павел³ ишлатган ш н ё ф .

Таркиби⁴. Араб акацияси шираси, қуритилган қизил гул ва қашқарбедаларнинг ҳар биридан қирқ саккиз *мисқолдан*, мис қуйилган қолип кулидан йигирма тўрт *мисқол*, меҳригиёҳ мевасидан ўн икки *мисқол*, мингдевона уруғидан ўн саккиз *дирҳам*, афюндан олти *мисқол*, [араб] елимидан қирқ *мисқол*, || шаробдан тўққиз *уқия* 530 ва ёмғир сувидан тўққиз *уқия* [олинади]. Сувни шароб билан аралаштириб, устига қизил гул, қашқарбеда, мингдевона ва меҳригиёҳ меваси ёки меҳригиёҳ илдизининг пўстлоғини солиб, ивисин учун уч ёки беш кун қўйилади. Сўнгра сиқиб, сувига дорилар қорилади ва *шиёфлар* тайёрлаб, истеъмол қилинади.

Босилиқун⁵, яъни шоҳ дориси. Бу кўзни равшан қилади. Бу соғлик вақтида ҳар куни бир марта ёки икки кунда бир марта кўзга қўйилади; шунда у кўзни равшан қилиб, уни соғлом ҳолда сақлайди.

Таркиби. *Қалимиё* ва денгиз кўпикларининг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, куйдирилган мисдан беш *дирҳам*, [кўрғошин] упаси

ва Дароний тузларининг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, навшадил ва узун мурчларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, қалампирмунчок ва *ушналарнинг* ҳар биридан бир *дирҳамдан*, мурчдан тўрт *дирҳам* ва кофурдан ярим *дирҳам* [олиб] янчилади ва эзиб ишқаб, кўзга тортилади.

Бошқа босиликун. *Юқорида кўрсатилган [қасалликларнинг] ҳаммасига фойда қилади.

Таркиби¹. *Қалимиёдан* етти *дирҳам*, шодана ва узун мурчларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, навшадилдан икки *дирҳам*, куйдирилган мис, мурч, [кўрғошин] упаси ва Дароний тузларининг ҳар биридан тўрт² *дирҳамдан*, денгиз кўпигидан тўрт *дирҳам*, Ҳинд тузи, қаламширмунчок, кичик қокила, *ушна* ва сунбулларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* [олиб] янчиб эзилади ва кўзга тортилади.

Бошқа дори. Кўзни бақувват қилади, унинг соғлиғини сақлайди ва кўздан кўп ёш оқишини йўкотади.

Таркиби. Сурмадан³ олиб, йигирма бир кеча давомида ёмғир сувида ёки сопол кўзадан сизилиб ўтган сувда ивитиб қўйилади. [424] Кейин шундан ўн икки *дирҳам*, марказитдан саккиз *дирҳам*, тўтиё ва *қалимиёларнинг* ҳар биридан ўн икки *дирҳамдан*, тешилмаган майда марвариддан икки *дирҳам*, мушкдан икки *донақ*, кофурдан бир *донақ*, заъфарон ва *содажларнинг* ҳар биридан бир *дирҳамдан* олинади ва ҳаммаси айрим-айрим янчилади. Кейин сурма, марказит, *қалимиё*, тўтиё ва марваридларни аралаштириб, ҳар куни бир неча мартадан сув қўшиб, то қуригунча яхшилаб эзиб янчилади. Сўнгра *содаж* ва заъфаронни ҳовончага солиб, иккаласи биргаликда яхшилаб янчилади, кейин булар билан бирга мушк ва кофурни эзиб янчиб, шиша идишга кўтариб қўйилади. Бу [дорини кўз] соғлик вақтида эрталаб ва кечқурун қўйиб турилади, у заиф кўзни кучайтириб, уни сақлайди.

Буруд⁴. Бу [кўзга] алам беради, [бирок] уни равшан қилиб, кучайтиради.

*Таркиби. Ювилган⁵ шодана ва куйдирилган мисларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, Сукутро сабри ва Арман бурақларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, зангор, ок мурч, узун мурч, Абу Жаҳл тарвузининг эти, заъфарон ва жувоналарнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан* олинади ва янчиб эзиб, истеъмол қилинади.

УЧИНЧИ МАҚОЛА

КУЛОҚ *ВА УНГА ТААЛЛУҚЛИ КАСАЛЛИҚЛАР¹

Кулоқ оғриғи, шиши, йиринги ва оғирлиги. Кўз бобида эсла-тиб ўтилган Эразистрат дориси йиринг оқадиган кулоққа ҳам фойдалидир.

[Бошқа] дори. Барча хил кулоқ оғриқларига ва унда бўладиган ҳамма яраларга фойда қилади.

Таркиби. *Муррдан* бир *мисқол*, кундур елимидан уч *мисқол*, содадан уч *мисқол*, заъфарондан тўрт *мисқол*, кўкнор ширасидан икки *мисқол*, гальбан елимидан² икки *мисқол*, чақилган бодомдан йигирма дона [олиб], ҳаммаси янчилади ва сирка билан кориб, кулчалар ясалади. Бунга ҳожат тушса ва кулоқда қаттиқ оғриқ бўлса, уни гул ёғида ивитиб, кулоққа томизилади, агар эшитиш³ оғир бўлса, сиркада ивитиб томизилади.

Ғолис⁴ тавсифлаган дори.

[Таркиби]. *Муррдан* тўрт *мисқол*, сабрдан тўрт *мисқол*, кундур елимидан уч *мисқол* – бошқа бир нусхада бир *мисқол*, – заъфарондан уч *мисқол*, содадан уч *мисқол*, кўкнор ширасидан уч *мисқол*, аччик бодомдан ўттиз дона, гальбан елимидан икки *мисқол*, яхши сиркадан * [аралашмани] асал қуюқлигига келтиришга⁵ етарли микдорда олинади.

Ғолис⁶ дориларидан бўлган кулоқ дориси. [Кулоқдаги] шишлар ва азоб берувчи қаттиқ оғриқларга фойда қилади.

Таркиби. Гальбан елими, яъни *борзаддан* икки *мисқол*, дорчиндан икки *мисқол*, *муррдан* саккиз *мисқол*, заъфарондан саккиз *мисқол*, кундур елимидан тўрт *мисқол*, содадан уч *мисқол*, сиркадан эса [ҳаммасини] асал қуюқлигига келтириш учун етарли микдорда [олинади].

Бошқа дори. Кулоқ шишларига, кулоқдан оқадиган *мадда* ва йирингга ҳамда эски кулоқ оғриқларига фойда қилади.

Таркиби. Аччик мазали Миср боқиласининг ички қисми, Яман аччиқтоши, оқ мурч, сода, заъфарон, афюн, анор пўсти, *мурр*,

кундур елими ва сунбулларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан*, кундуз қиридан бир *мисқол*, сирка ва асалдан шу дориларни қорадиган микдорда олинади; баъзи кишилар асалдан олти *мисқол* кўшадилар.

Брутонис дориларидан бўлган бошқа бир дори.

[Таркиби]. Заъфарон, *мурр* ва сунбулларнинг ҳар биридан ярим *мисқолдан*, қуйдирилган мисдан яриму учдан бир *мисқол*, афюндан ярим *мисқол*, кундуз қиридан учдан бир *мисқол*, [425] Яман аччиқтошидан бир *мисқол* ва думалок аччиқтошдан¹ бир *мисқол* [олинади]. Агар кулоқда йиринг бўлса, уни шу дорига учдан бири қолгунча қайнатилган [узум шарбати] кўшиб даволанади; агар кулоқда қаттиқ оғрик бўлса, гул ёғи билан даволанади; агар кулоқда курт пайдо бўлган бўлса, бу дорига икки *мисқол* қора харбақ аралаштирилади.

Йиринг оқадиган кулоқнинг дориси.

531 [Таркиби]. Анор косачалари, анор пўсти, аристолохия², || сарик зок, Қибрис зоки, мози ва мис тўполларининг ҳар биридан бир *мисқолдан*, *мурр*, кундур елими, қиздирилган яшил зок ва Яман аччиқтошларининг ҳар биридан ярим *мисқолдан* [олиб], сирка билан биргаликда янчиб эзилади ва қулчалар ясаб, истеъмол қилинади.

Антикотус дориси. Бу – кучли ва зўр оғриққа фойдали.

Таркиби. Заъфарондан икки *уқия*, – баъзи одамлар бундан бир *уқия* кўшадилар, – *мурр* ва навшадилларнинг ҳар биридан бир *уқиядан*, Яман аччиқтоши ва қаврак елимларининг ҳар биридан ярим *уқиядан*, гулсапсар ёғининг қуйқаси ёки боғ зайтуни ёғининг қуйқасидан икки *уқия* олинади ва [хаммасини] асал қуюқлигига келтириш учун кифоя қиладиган микдордаги ширин шароб ёки асал кўшилган шароб билан эзиб, истеъмол қилинади.

Бошқа дори. Қулоқ оғирлигига ҳамда унинг шанғиллаши ва ғувуллашига фойда қилади.

Таркиби. Оқ харбақдан бир *мисқол*, содадан чорак *мисқол* ва кундуз қиридан ярим *мисқол* олиб аралаштирилади ва сирка билан истеъмол қилинади. Бу [дорини] ишлатувчи киши унга эътимод этсин, чунки у нажот берувчи доридир.

Жалаҳруний деб аталувчи дори. Бу қулоқ касалликларининг эскисига фойдалидир.

Таркиби. Оқ харбақ, *мурр*, кундур елими, заъфарон, кундуз қири ва афюнларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*, яшил зокдан олти *мисқол* ва мурчдан икки *мисқол* олинади. *Мурр*, афюн, кундуз қири

ва кундур елимларини ичида анор пўсти титилгунча қайнатилган сиркада ивителиади. Кейин бунга харбақ, заъфарон, мурч ва яшил зокни янчиб кўшилади. Кейин ҳаммаси аралашиб кўшилсин учун биргаликда майдалаб, янчиб эзилади ва асал кўшилган шаробдан солиб, суюқ асалдек бир ҳолга келтирилади. Қачон бунга эҳтиёж тушса, илитиб, кулоққа томизилади; бу ажойиб бир доридир.

Бошқа дори. Кулоқнинг барча оғриқларига ва унда пайдо бўладиган ҳамма яраларга фойда килади.

Таркиби. *Муррдан* бир *мисқол*, кундур елимидан уч *мисқол*, – баъзи одамлар бундан етти *мисқол* кўшадилар, – содадан уч *мисқол*, заъфарондан тўрт *мисқол*, баъзи кишилар бундан бир *мисқол* кўшадилар, – кўкнор ширасидан икки *мисқол*, гальбан елимидан икки *мисқол* ва чақилган бодомдан йигирма дона олинади. Буларнинг ҳаммаси янчилади ва сирка билан қориб, кулчалар ясалади. Қачон бунга эҳтиёж тушиб, кулоқда каттиқ оғриқ бўлса, уни гул ёғида ивителиб кулоққа томизилади, агар кулоқ оғир бўлса, сиркада ивителиб томизилади. Бу ҳақиқатан ҳам очик-ойдин фойда еткази.

Темир чирки дориси. Бу – кучли дори.

Таркиби. Темир чиркидан олиб майдаланади ва сирка билан ювиб, товада қуритилади, сўнгра иккинчи ва учинчи марта шундай қилинади, [умуман] бу етти марта қайтарилади. Кейин бунини ўткир сиркага солиб, асалдек ҳолга келгунча каттиқ қайнатилади ва олиб кўйиб, керагида кулоққа томизилади.

Бурун яраларига [ишлатилладиган] сакрамусус деб аталувчи дори. Бу дори баданда ўсадиган хар қандай ўсиқни қирқиб туширади.

Таркиби. Куйдирилган зок, куйдирилган сариқ зок, куйдирилган яшил зок, қизил зок ва мис тўполларидан баробар хиссадан олиб янчилади. Бунинг қуруғи билан даволанади. Бу дори билан даволашдан олдин ўсиқни саримсоқ билан ишкалаш лозим, сўнгра эрталаб, касал овқатлангандан кейин бу дори билан даволанади. Бу дори билан бурун ўсмалари даволанса, бундан олдин бурун ичига *қафр*¹ ёки хўл зифт ёки *мурр* ёғи суртиш керак.



[426] ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА

ТИШНИНГ АҲВОЛИ ВА УНГА ТЕГИШЛИ [КАСАЛЛИКЛАР]

Тиш оғриғи. [Куйидаги] дори [тишнинг] қаттиқ оғриғини босади, ейилган тишга мувофиқ келади; у йўталга ҳам фойда қилади.

Таркиби. Афюндан икки *мисқол*, *муррдан* ҳам шунча, асалдан ҳам шунча, оқ мурчдан бир *мисқол*, гальбан елимидан ҳам шунча олиб, етарли миқдордаги шиннига корилади, кейин майдалаб янчиб, *шиёф* тайёрланади ва тишларга суртилади, уни тишнинг ейилган жойига қўйилади.

Андромах тайёрлаган дори. Тишнинг барча оғриқларига ва тишда юз берадиган ҳамма касалликларга ҳамда тиш қамашганга фойда қилади.

Таркиби. Мурч, назла ўти, *яттуъ* сути ва гальбан елимларининг ҳар биридан бир ҳиссадан олиб янчилади ва *майъа* елими билан қориб, ейилган жойга қўйилади.

Бошқа дори. Бу тишнинг лўқиллашига фойда қилади.

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг этидан бир ҳисса ва сабрдан бир ҳисса олинади ва тош қозон ёки темир ёғлогига солиб, зайтун ёғи ва узум сиркасида қаттиқ қайнатилади, кейин [оловдан] тушириб, оғриётган тиш томондаги кулоққа кетма-кет томизилади.

Тишни доғлаш. Қаттиқ лўқиллаб [оғриб], ҳеч бир дори фойда бермайдиган тиш [доғланади]. Бунинг учун зайтун ёғидан бир *уқия*, самсақ суви ёки куруқ самсақ ва исириқларнинг ҳар биридан бир ярим *дирҳамдан* олиб, майдалаб янчилади ва зайтун ёғига солиб қайнатилади. Кейин иккита жуволдиз олиб, иккаласини тешиклик томонидан бир-бирига бириктириб қўйилади¹. Сўнгра касалнинг оғзини очиб, доғланиши керак бўлган тишига қаралади, агар унда бирон нарса бўлса, тозаланади-да, унга темир ёки жез ёки кумушдан қилинган найча қўйилади ва жуволдизнинг биттасини ҳалиги

зайтун ёғига тиқиб, шу найчага киргизилади ва тишга тегизилади. [Жуволдиз] совугач, бошқаси олинади, бу олти марта қайтарилади. Шунда тишнинг оғриғи босилиб, суви чиқади.

Тишларнинг ранги. || Тишларга ишқаланадиган [қуйидаги] до- 532
рини Демократ ўз китобида келтирган.

Таркиби. Тўрт марта куйдирилган тоғ эчкиси шохидан ўн олти уқия, туздан икки уқия, мазаси аччиқ бўлмаган, бўлаклари йирик ва қурук қаврак елимидан бир *ратл*, мастакидан учдан бир *ратл*, қустдан учдан бир *ратл* ёки бундан бир оз кўпроқ, оқ *изхирдан*¹ ҳам шунча, оқ мурчдан бир уқия ва *содаждан* икки уқия олинади. Ҳаммаси янчиб эланади ва тишга ишқалаш оркали² истеъмол қилинади.

Сурни тахон³ деб аталувчи дори. Милклар шиши ва бўшашганига фойда қилади ва тишларни тозалайди.

Таркиби. Анор пўстидан икки уқия, зарчава⁴, анор гули ва татималарнинг ҳар биридан бир уқиядан, аччиқтош ва мозилардан бир уқиядан олиб, янчиб эзилади; шундан бармоқ билан олиб, оғрик жойга ишқаланади, сўнгра зиғир латтага олиб, ўша жойга қўйиб қўйилади.

Тиш дориси⁵. Тишларни тозалайди, милкни махкамлайди ва оғиз ҳидини яхшилайди.

Таркиби. Дароний тузидан олиб янчилади ва асал билан қориб, папирус қоғозига ўралади-да, чўққа қўйилади. У [қуйиб] чўғ бўлгач, оловдан олиб *қитрон* ёки хушбўй тоза асал, ёки *май-сусан* билан ўчирилади ва совигунча қўйиб қўйилади. Сўнгра янчиб, шундан бир ҳисса ва денгиз кўпигидан бир ҳисса олинади-да, буларга дорчиндан бир ҳисса, *муррдан* бир ҳисса, дармана кули ва тўпалоқдан бир ҳиссадан, қорачайир гулидан олтидан бир ҳисса, уд ёғочи увокларидан ярим ҳисса, шакардан уч ҳисса ва кофурдан ўн ҳисса қўшилади. Булар янчиб аралаштирилади ва ҳар куни эрталаб тишга ишқаланади.

[427] **Бошқа дори.** Олд ва жағ тишлар бўшашган бўлса, уларни бақувват қилади.

Таркиби. Мум ва асалларнинг ҳар биридан икки ҳиссадан олиб, иссиқ сув билан офтобда эритилади. Сўнгра шунга бир ҳисса *зифт* қўшиб, марҳам ҳолига келтирилади-да, касалга чайнатилади.

Агар сен бу дорини қурук эканлигини кўрсанг, унга озгина зайтун ёғи аралаштир. Мастаки чайналса ҳам, бу жиҳатдан жуда яхши таъсир кўрсатади.

Бошқа дори. Тиш ва милкларни мустаҳкамлайди.

Таркиби. Куйдирилган тоғ эчкиси шохидан ўн *дирҳам*, куйдирилган сарв баргидан беш *дирҳам*, сарв бужуридан беш *дирҳам*, ёввойи ғозпанжа илдизидан ўн *дирҳам*, куйдирилган сунбулсочдан беш *дирҳам*, косачаларидан тозаланган қизил гул ва хушбўй сунбулларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан* олиб янчилади ва ипак [элакда] элаб, истеъмол қилинади.



БЕШИНЧИ МАҚОЛА

ОҒИЗ, ТОМОҚ ВА [ГАВДАНИНГ] ЮҚОРИ БЎШЛИҒИ

З а б х¹ ва томоқ оғриқлари². Жолинус айтади: «Бир гуруҳ [кишиларнинг] фикрича, қалдирғоч болалари янгилигида ҳам, тузлаб қотирилган ҳолда ҳам томоқ оғриқларини дарҳол босади». Болалар ва кексаларга уни гулсапсар илдизи билан аралаштириб [берилади].

Тилча ва бодомсимон безлар. [Қуйидаги] дори бўшашиб шишган тилчага мувофиқ келади.

Таркиби. Оқ мурчдан бир *мисқол*, муррдан бир *мисқол*, Яман аччиқтошидан икки *мисқол* ва кўк мозидан икки *мисқол* олинади ва янчиб, истеъмол қилинади.

[Гавданинг] юқори бўшлиғи. Кўкрак рутубатига фойдали дори.

Таркиби. Гальбан елими ва суюқ *майъа* елимларининг ҳар биридан икки *уқиядан*, курук гулсапсар илдизидан икки *уқия* ва афюндан чорак *уқия* олинади. Булардан янчиладиганларини янчиб, *майъа* ва гальбан елимлари ҳамда бир оз кўпиги тозаланган асал билан аралаштириб яланади.

Томоқ дориси. Жолинус бу билан даволаганини айтади.

Таркиби. Кундур елиmidан бир *мисқол*, – бошқа бир нусхада тўрт *мисқол*, – муррдан бир *мисқол*, – бошқа бир нусхада тўрт *мисқол*, – заъфарондан бир *мисқол* – бошқа бир нусхада тўрт *мисқол*, – денгиз пиёзидан икки *мисқол* ва ширин шаробдан уч *қист* олинади. Денгиз пиёзини шароб солиб, то шароб қуюлгунча қайнатилади, кейин денгиз пиёзи олиб ташланади-да, шаробга бошқа дорилар солинади.

Болоустисга нисбат бериладиган томоқ дориси. Жолинуснинг айтишича, у ўпкасида яраси бор кишиларни шу дори билан даволаган; бу – жуда фойдали дори.

Таркиби. Иклит сунбулидан тўрт *мисқол*, амомдан саккиз *мисқол*, Ҳинд содажидан тўрт *мисқол*, Ҳинд сунбулидан уч *мисқол*, қорачайирдан икки *мисқол*, Цейлон дорчинидан саккиз *мисқол*, дорчиндан ўн *мисқол*, кундур елиmidан уч *мисқол*, муррдан тўрт

мисқол, қустдан тўрт мисқол, содаж аралашмасидан тўрт *мисқол*, чучукмия ширасидан уч *мисқол*, меҳригиёҳ илдизининг ширасидан беш *мисқол* ва заъфарондан олти *мисқол* олиб, шу дориларнинг ҳаммаси аралаштирилади. Сўнгра хурмодан олиб, асалли сув ёки ширин шаробда қайнатилади; [шу қайнатмадан] бир *ускурража*¹ олиб, йигирма *ҳабба* янчилган йирик санавбар бужури қўшилади ва [юқоридаги] доридан бир *бундуқа* микдоридан аралаштирилади. У бир неча кун ичирилади, бундан кейин икки ёки уч кунгача дорининг ўзи ҳеч нарса аралаштирмасдан ичирилади, бунинг кетидан бир кун сабрдан тайёрланган *иёраждан* бир *мильақа* микдордагиси сув билан ичирилади. Ўпка найида касаллик бўлган кишиларни бу дорини эшак сути билан [ишлатиб] даволанади; бу билан касалнинг томоғи чайдирилади, кейин у бир неча кун тинч қўйилади. Кейин уни шу дорига биронта оғрик қолдирувчи дорини қўшиб, [ишлатиш орқали] даволанади. Агар модда кучли равишда оқаётган бўлса, бу маъжун дорига афюн ва кундуз кири қўшилади.

[428] Жолинус дориларидан бўлган бошқа бир дори. Ўпка найи касалликлари ва ўпка яраларига ҳамда йиринг ва қон туфлашга, шунингдек, кўкракка модда сизиб келганга ва балғам ташлаш қийинлашганда фойда қилади. Бу – жуда кучли дори.

533 Таркиби. Сақичдан² || тўрт *мисқол*, заъфарон³, кундур елими, *мурр* ва дорчинларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*, амондан уч *мисқол*, йирик санавбар донасидан тўрт *мисқол*, пўстлоғи тозаланган чучукмия⁴ илдизидан шунча, Шом сувбулидан икки ярим *мисқол*, кора Цейлон дорчинидан икки *мисқол*, катиродан уч *мисқол*, Шом хурмоси этидан уч *мисқол*, «юлдуз» деб аталувчи Самос тупроғидан тўрт *мисқол*, тоза ва тиниқ гальбан елиmidан учдан икки *мисқол*, *қустдан* тўрт *мисқол* – бошқа бир нусхада биз унинг бир *мисқол* эканлигини кўрдик, – ва яхши асалдан тўрт *қутулий* олинади. Сақич билан асални қўшқават идишга солиб, бир қадар қуюлгунча қайнатилади, кейин уларга гальбан елими аралаштирилади ва [аралашмадан] томизилган томчи ёйилмайдиган бўлгунга қадар қайнатилади. Шундан кейин совутилади-да, бошқа дорилар янчиб қўшилади ва истеъмол қилинади⁵.

Тил тагига солинадиган ҳаб. Ўпка найи дағаллашганга, товуши бўғилиб қолганга, шунингдек, ўпка найининг бошқа касалликларига фойда қилади.

Таркиби. [Араб] елими ва катироларнинг ҳар биридан уч *мисқолдан*, *мурр* ва кундур елимларининг ҳар биридан бир ярим

мисқолдан, заъфарондан бир *мисқол*, чучукмия ширасидан ярим *мисқол*, олтита хурмонинг эти, ширин шаробдан эса, [ҳаммасини] коришга етарли миқдорда [олинади]. Бу доридан бир *боқила* миқдоридегисини тил тагига солиб, касалга эриб чиққанини ютиш тавсия этилади.

Йўталга бериладиган нотиғ¹.

[Таркиби]. Қовуриб янчилган зиғир уруғи ва уруғи олинган этли майизларнинг ҳар биридан бир *қистдан*, қовуриб чақилган йирик санавбар донаси ва чақилган фундуқларнинг ҳар биридан бир *қутулийдан*², ок мурчдан икки *уқия*, заъфарондан бир *уқия* ва яхши асалдан тўрт *ритл* [олинади]. Булар майдалаб янчилади, асал эса зиғир уруғи билан биргаликда қуюлгунча қайнатилади. Кейин шунга бошқа дорилар солинади-да, аралаштириб қорилади; бундан [касалга] етарли миқдорда берилади.

Қоҳин дориси. Йўталга фойда қилади. Бу нафис бир дори бўлиб, Жолинус у билан даволаганини айтади.

Таркиби. Афюндан ўн *мисқол*, коху уруғидан йигирма *мисқол*, кундуз қиридан ўн саккиз *мисқол*, қуритилган боғ газাগўтидан ўн тўрт *мисқол*, зиғир уруғидан ўн олти *мисқол*, говшир илдизидан ўттиз олти *мисқол*, *муррдан* ўн тўрт *мисқол* ва заъфарондан етти *мисқол* [олиб], асал билан қорилади ва бир *боқила* миқдориде ичирилади. Иситмаси бор киши буни сув билан, иситмаси йўқ одам эса шароб билан ичиши лозим; шунда ҳам кечқурун [ичилади].

Йўтал ҳаби.

Таркиби]. *Майъа* елими, *мурр* ва афюнларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*, бальзам ёғи ва заъфаронларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан* [олиб], биргаликда янчилади ва қориб, истеъмол қилинади.

[Бошқа] дори. Бу ҳар қандай йўталга ва ички чиқиқлардан оқиб келадиган ҳар қандай моддага [қарши] фойда қилади; буни Абдуллуқиюс³ таъсис этган.

[Таркиби]. Эрон қавраги, гентиана илдизи, *мурр*, говшир ва ок мурчларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан*, тозаланган дафна мевасидан тўрт *мисқол* [олиб] янчилади ва сув билан кориштирилади.

[Бошқа] дори. Бу қон туфлаганга фойда қилади, буни Андромах кашф этган.

[Таркиби]. Араб акацияси ширасидан тўрт *мисқол*, қуритилган қизил гулдан саккиз *мисқол*, ёввойи анор мевасидан саккиз *мисқол*, *муррдан* икки *мисқол* ҳамда катиродан бир *мисқол* [олинади] ва сув

билан кориб, ҳар бири бир *мисқоллик* кулчалар тайёрланади; бу сопол кўзачадан сизиб ўтган сув билан ичирилади.

[429] Йўтал дорисининг бошқаси. Бу турли хил йўталга ва товуш бўғилишига фойда қилади.

Таркиби. Кўкнор анорлари, яъни кўзачаларидан пўчоғи билан биргаликда юз эллик дона, янчилган тоғ петрушкасидан уч *ратл*, тозаланган *суқутун*¹, Чин *ровочи*, куритилган *қизил гул*, гулсапсар илдизи ва анор гулларининг ҳар биридан уч *уқиядан*, дорчиндан икки *дирҳам* ва сунбулдан бир ярим *дирҳам* олинади. Бу дориларни майдалаб, беш *қист* ёмғир сувида уч кун ивитиб қўйилади, кейин сувнинг учдан бири колгунча паст оловда қайнатилади, сўнгра сиқиб сузилади-да, турпи ташланади. Шундан кейин араб елими ва катируларнинг ҳар биридан бир *ратлдан*, *муррдан* ярим *ратл*, қуюлтирилган чучукмия ширасидан бир *ратл*, *мастаки* ва заъфаронларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* [олиб], яхшилаб янчилади ва булар бир текисда [корилгунча] юқоридаги сув оз-оздан қўшилади. Сўнгра бунга йигирма тўрт *ратл* шинни солиб, паст оловда то қуюлгунча қайшатилади ва шиша идишга солиб қўйилади. Бу билан ҳар қандай йўтал ҳам даволанади.

Санавбар [донасидан тайёрлаб] яланадиган дори. Йўтали зўриққан ва йўтал кўзғалган вақтда йиринг ва турли чиқиндилар қусадиған кишиларга фойда қилади.

Таркиби. Қовурилган зиғир уруғи, тозаланган ширин бодом, санавбар донаси, араб елими ва катируларнинг ҳар биридан тўрт *уқиядан* ва *ҳайрун* хурмосидан ўн дона [олинади]. Дорилар билан хурмо янчилади-да, устига етарли миқдорда асал билан сариёғ солиб, қуюқ асалдек ҳолга келгунча эзиб ишқаланади. Бир ичими бир мози миқдорда бўлиб, эрталаб ва кечкурун [истеъмол қилинади].

Сақичдан тайёрлаб яланадиган дори. Томоқ дағаллашиб қирилганга, овоз бўғилиб қолганга ҳамда қон, йиринг ва балғам туфлаганга фойда қилади; тиқилмаларни ҳам очади.

Таркиби. Қовурилган зиғир уруғи ва уруғи олинган майизларнинг ҳар биридан – бир *ратлдан*, санавбар донаси, ширин бодом ва аччик бодомларнинг ҳар биридан – олти *уқиядан*, пиширилган гулсапсар илдизи, сақич, чучукмия илдизи ва араб елимларининг ҳар биридан – тўрт *уқиядан*, қайнатилган сариқ йўнғичқа ва катируларнинг || ҳар биридан – тўрт *уқиядан*, оқ мурч, туйилган таратизак, туйилган нўхат, аристолохия, буғдой мағзи, жувона, индов ва стиракс елимларининг ҳар биридан – бир *уқиядан*; *мурр*, заъфа-

فذوقها في الكفاية من رجل السر الطويل العلى اعانة للحمه العلى الصلحة وقال ان من خفف اللحم
 بالثقل يحاسر العنفة الازوية المركبة يكون كما لقرا من الكفاية تسنا هذا الكفاية في قوله على وصفها المثل
 بل التركيب والخلقة المركبة لراسه في الترابيات وحده من الازوية المركبة الجربة في مرضه
 فاذ ذوقها في الكفاية من رجل السر الطويل اعانة للمركبة اذ ذوقها في الكفاية من رجل السر الطويل اعانة للمركبة

وما يتبادر الى الذهن من ان هذه الازوية المركبة هي التي تسمى بالركبة في قوله تعالى ان من خفف اللحم بالثقل يحاسر العنفة الازوية المركبة يكون كما لقرا من الكفاية تسنا هذا الكفاية في قوله على وصفها المثل بل التركيب والخلقة المركبة لراسه في الترابيات وحده من الازوية المركبة الجربة في مرضه فاذ ذوقها في الكفاية من رجل السر الطويل اعانة للمركبة اذ ذوقها في الكفاية من رجل السر الطويل اعانة للمركبة

فاذ ذوقها في الكفاية من رجل السر الطويل اعانة للمركبة اذ ذوقها في الكفاية من رجل السر الطويل اعانة للمركبة اذ ذوقها في الكفاية من رجل السر الطويل اعانة للمركبة اذ ذوقها في الكفاية من رجل السر الطويل اعانة للمركبة

«Қонун» V китобининг биринчи varaғи. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 11195 рақамли кўлэзма (XIV асрнинг боши).

рон ва кундур елимларининг ҳар биридан—ярим *уқиядан*. Буларнинг ҳаммаси майдаланади ва яхшилаб янчиб, асал ёки қайнатилган *тило* билан корилади-да, эрталаб ва кечкурун бир *мозича* [микдордагиси] яланади; ухлаганда уни тил остига қўйиш ҳам мумкин.

[Бошқа] дори. Йўталга ва кўкракнинг каттиқ куруклигига фойда қилади.

[Таркиби]. Ширин бодом, аччиқ бодом, ковурилган зиғир уруғи ва санавбар доналарининг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*; Рум арпабодиёни, катиरो ва араб елимларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, чучукмия шираси ёки илдизидан бир *дирҳам*, шакар ва каллақандларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* олинади. Булар майдалаб янчилади ва ҳўл арпабодиён суви билан қориб, ҳаблар ясалади-да, ухланадиган вақтда битта ёки иккитаси тилнинг остига ташланади.

Бошқа хил яланадиган дори. Совуқ ва ёпишқоқ қаймусдан бўладиган йўталга *фойда қилади¹.

[Таркиби]. Дорчин ва арпабодиён уруғларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, суюқ *майъа* елимидан ўн *дирҳам*, pista ва аччиқ бодомларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, кундур елими, бодом елими ва сакичларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, кишмишдан йигирма *дирҳам* ва дарахт пўкагидан беш *дирҳам* [олинади]. *Майъа* елими асал билан янчилади, кундур, бодом елими ва кишмишлар шиннида ивителиди; [430] қолганларини эса янчиб, асал билан қорилади. Бир ичими – бир *дирҳам*.

Қон туфлаш. Нобулус² аҳолисидан бўлган бир табиб таркиб этган кулчалар қон туфлайдиган, ўпкаси яра, кўкрагида йиринг йиғилган ҳамда сизиб келувчи моддалар жинсидаги касалликларга учраган кишиларга фойда қилади.

Таркиби. Оқ мингдевона уруғи ва меҳригиёҳ илдизи пўстлоқларининг ҳар биридан – беш *мисқолдан*, эркак кундур елими, афюн, *майъа* елими ва тоғ эчкиси панирмояларининг ҳар биридан – ўн *мисқолдан*, мастакидан – йигирма *мисқол*; қахрабо, гулсапсар илдизи ва заъфаронларнинг ҳар биридан ўттиз *мисқолдан*, испағулдан қирқ беш *мисқол* ва чучук сувдан уч *қист* [олиб] аралаштирилади ва кулчалар тайёрлаб, истеъмол қилинади.

Филфилий³ деб аталувчи бошқа кулчалар. Қон туфлайдиган, ичи кетадиган⁴, ичагида яралари бор ҳамда меъдасига модда оқиб келадиган кишиларга фойда қилади.

Таркиби. Анор *набизи⁵*, Миср акацияси, ёввойи анор, така-

соқол шираси ва араб акацияси шираларининг ҳар биридан олти *мисқолдан*, *ҳузаз*, ровоч илдизи ва афюнларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан* ва *муррдан* икки *мисқол* [олиб], майдалаб янчилади ва ичида мирт уруғи қайнатилган сув ёки совуқ сув билан қориб, истеъмол қилинади.

Аристомомахга нисбат бериладиган маъжун. Бу ажойиб бир дори бўлиб, қон туфлайдиган, йўталадиган, ўпкасида яраси бор ва ўпкасига йиринг тўпланган кишиларга, шунингдек, мушакларда бўладиган узилиш, меъданинг овқатни қайтариб чиқариб ташлаши, *ҳайза*, ич суриш, ичак яралари, қовуқ касалликлари ва «бачадон бўғилиши»га фойда қилади. У даврий иситмаларнинг тутишидан бир соат олдин ичирилса ҳам [фойда етказди], шунингдек, у мизож бузуқлиги, озиб кетганлик, ўлдирувчи дорилар ва заҳарли ҳашаротлар чаққанда ҳам фойда қилади.

Таркиби. Дорчин, *қуст*, гальбан елими, кундуз кири, афюн, қорамурч, узун мурч ва *майъа* елимларининг ҳар биридан бир *уқиядан*, асалдан эса бир *қист* [олинади]. Дорилар янчиб эланади, гальбан елими эса, асалга солиб, эригунча қайнатилади, кейин сузиб, бошқа дорилар қўшилади-да, шиша ёки кумуш идишга кўтариб қўйилади. Бундан бир *боқила* микдоридегиси асалли сув билан устига уч томчи сиркали ёғ томизиб ичирилади.

Хориқлонусга нисбат бериладиган шароб. Бу қийналиб нафас олишда фойда қилади¹.

Таркиби. Уруғи олинган майиздан бир *уксубофун* [олинади], бу бир қисмни ташкил этади, ювилган сариқ йўнғичқадан ҳам шунча ва ёмғир сувидан бир *қист* [олиб], булар титилиб кетгунча қайнатилади ва сувини сузиб, сақлаб қўйилади. Буни иситиб, бир неча марта кетма-кет ичирилади.

[Бошқа] дори. Бу қон, йиринг ва *кўкракка оқиб келувчи² чиқиндиларни туфлашда ёрдам беради.

[Таркиби]. Оқ мингдевона, меҳригиёх илдининг пўстлоғи, яхши *тило* шароби, оқ кундур елими, стиракс, афюн, санавбар ва сарв бужурларининг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, мастаки, қаҳрабо ва *асфаюшлар* [*испағул*]нинг ҳар биридан ўттиз *дирҳамдан* олинади. *Асфаюшни* иссиқ сувда бир кеча ивитиб қўйиб, кейин сиқилади-да, суви олинади; бошқа дорилар эса яхшилаб янчилади, сўнгра буларни аралаштириб, ҳар бири ярим *дирҳамлик* кулчалар ясалади ва уйку олдидан бир кулчани совуқ сув билан ичириб турилади.

[Бошқа] дори. Қон туфлашда фойда қилади.

Таркиби. Афюндан – бир *дирҳам*; дорчин, кундуз кири, мурч, узун мурч ва *муррларнинг* ҳар биридан бир *дирҳамдан*, заъфарондан икки ярим *дирҳам*, қаҳрабодан ярим *дирҳам*, анор гули, Рум арпабодиёни ва [араб] елимларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олиб янчилади ва откулоқ шираси билан қориб, ҳар бири ярим *дирҳамлик* 535 кулчалар ясаб, || [431] сояда қуритилади. Ҳар гал бир кулчаси илик сув билан ичирилади.

Бошқа кулча. Қаҳрабо ва маржонларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, араб акацияси шираси, такасоқол шираси ва анор гулларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, семизўт¹ уруғидан етти *дирҳам*, оқ ва қора кўкнор, кизил гул ва *табоширларнинг* ҳар биридан икки *дирҳамдан*, тоғ эчкисининг куйдирилган шохидан икки ярим *дирҳам*, ровочдан² бир ярим *дирҳам*, куйдирилган садафдан икки *дирҳам* ҳамда тупрокдан тўрт *дирҳам* олинади ва бир *мисқоллик* кулчалар ясаб, истеъмол қилинади.

Бошқа кулча. Бу *рутубат ва толаларнинг бўшашуви сабабли бўладиган³ қон туфлашга фойда қилади.

[Таркиби]. Кундурнинг чорилари ва кундур елимларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, қорачайир илдизидан етти *дирҳам*, ровоч ва мастакиларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, қандул, ковурилган зира ва тоғ ялпизларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, *мурр* ва заъфаронларнинг ҳар биридан етти *дирҳамдан*, оқ зок, сунбул, кундуз кири, такасоқол шираси, араб акацияси шираси ва кизил гулларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* [олинади]. Буларни, янчиб, мози қайнатмаси билан қорилади ва ҳар бири бир *мисқоллик* кулчалар ясалади.

Кўкракда қоннинг ивиб қолиши. [Қуйидаги] дори бунга фойда қилади.

Таркиби. Туйилган сарик йўнғичқадан икки *дирҳам*, ровочдан бир *дирҳам*, *муррдан* уч *дирҳам*, Рум арпабодиёни ва кизил гулларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, гулсапсар⁴ илдизи, мурч ва тузларнинг ҳар биридан [олиб] майдаланади ва янчиб, совуқ сув билан қорилади-да, ҳар бири бир *дирҳамлик* кулчалар ясаб, сояда қуритилади. Бундан бир кулчани арпабодиён илдизи⁵ ва петрушка илдизи қайнатмаларининг бир *ускурражаси* билан ичирилади, [бунинг учун] кулчани янчиб, қайнатмада ивителиди. Бу яхши дори бўлиб ивиган қонни эритади ва уни чиқариб, ўрнини тозалайди.

Сил ва ўпка яралари. [Қуйидаги] дори кўкрак ва ўпка яраларига фойда қилади ва уларни битириб, тузатади.

Таркиби. Анор гули ва қурук қизил гулларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, бакам дарахти елими, буғдой мағзи ва кундуз елимларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, араб елими, катиरो ва мастакиларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, араб акацияси шираси ва заъфаронларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, қаҳрабо ва *муррларнинг* ҳар биридан бир *дирҳамдан*, *норикайводан*¹ беш *дирҳам* олиб янчилади-да, беҳининг қуюлтирилган шираси ёки миртнинг қуюлтирилган шираси билан қориб, ҳар бири бир *мисқоллик* кулчалар ясалади ва сояда қуритиб ичирилади.

Юракнинг аҳволи². **Юрак дорилари**. Таркибига исирик қўшиладиган маъжун фойдалидир³.

[Таркиби]. Исирик уруғи, седана, кофур, кундуз қири, мингдевона уруғи, аристолохия, тўпалок, чўл ковоғи, *фоширастин*, назла ўти, мурч, какликўти, Абу Жаҳл тарвузи, сунбул, петрушка уруғи, газавўт уруғи, қора зира, афюн, заъфарон, мускат ёнғоғи, Цейлон дорчини ва *қустларнинг* ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, Эрон қавраги ва говширларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, шакардан бир *дирҳам* ва асалдан етарли микдорда олинади. Бир ичимини – кучли кишилар учун – бир *дирҳам*, заифлар учун – ярим *дирҳам*.

Бошқа дори. Хафакон, чўчиш ва тутканокка фойдали.

Таркиби. Сувбул, дорчин, ёввойи занжабил ва дарунакларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан* ва укроп уруғидан бир ярим *дирҳам* [олинади]. Бу дорилар янчиб аралаштирилади; шундан бир *дирҳами* ичида говзабон ивитилган бир *уқия* шароб билан ичирилади. Бундан ҳар ойда уч кун кетма-кет ичирилади.



[432] ОЛТИНЧИ МАҚОЛА

[ГАВДА] ҚУЙИ БЎШЛИГИНИНГ АҲВОЛИ

Меъда заифлиги. Меъданинг бўшашганлиги ва заифлигига [қуйидаги] ёғ фойдалидир.

Таркиби. Мастаки, сабр, эрман шираси, афюн, Рум сунбули ёғи ёки беҳи ёғларидан етарли миқдорда [олиб] аралаштирилади ва юмшоқ жун билан меъда устига суртилади. Агар бу дорининг иссиқлигини оширишни истасанг, унга бир хисса ладан ва икки хисса *майъа* елимидан қўш; агар унинг буриштирувчи ва кучайтирувчи бўлишини хоҳласанг, унга ғўра узум шираси ёки такасоқол ширасидан қўшасан.

Меъда заифлиги ва ҳазм бузуклигига фойдали¹ дори.

[Таркиби]. Беҳисувида қайнатиб, ковурилган Кобулҳалиласидан – тўрт *дирҳам*; балила, омила, сиркада ивитиб ковурилган² зира, тўпалок ва мастакиларнинг ҳар биридан – икки *дирҳамдан*, Рум арпабодиёни билан петрушка уруғларининг сиркада ивитилганидан – бир *дирҳамдан*, уд ва омила шираларининг ҳар биридан – бир ярим *дирҳамдан*, ялпиздан – уч *дирҳам*, *мақдунисдан*³ – бир ярим *дирҳам*, қизил гулдан – тўрт *дирҳам*, анор донасидан – саккиз *дирҳам*, татимдан – тўрт *дирҳам*, *қирфа*, кундур чориси ва сунбулларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*.

Меъдани кучайтирувчи лаҳлаҳа⁴.

[Таркиби]. Сабр суви, гул суви, олма суви, беҳи суви ва тол сувларининг ҳар биридан – бир хиссадан, оқ ва қизил сандал ёғочи, қизил гул, заъфарон, кофур, ладан, анор гули, *оромангиз*, уд ва омила шираларининг ҳар биридан – ярим хиссадан.

Меъдадаги қаттиқ шишга қарши куюқ суртма.

[Таркиби]. Эрман, сунбул ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан – саккиз *дирҳамдан*, сабр ва *майъа* елимларининг || ҳар биридан – тўрт *дирҳамдан*, заъфарондан – икки *дирҳам*, бальзам ёғочи ва уруғи ҳамда *муррларнинг* ҳар биридан – бир *дирҳамдан*, мастакидан – икки *дирҳам*, Рум сунбули ёғидан – керагича.

Антиёфатрусга нисбат бериладиган иёраж. Бу меъдаси касалларга фойда қилади.

[Таркиби]. Сабрдан тўрт *мисқол*, мастакидан икки *мисқол*, туёғўтдан ярим *уқия*, курук кизил гул, қорачайир гули, тоғ сунбулинг гули ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан ярим *уқиядан* [олинади]. Бу курук ҳолда *иёраж* сингари истеъмол қилинади.

Амёдунус¹ кулчалари деб аталувчи кулчалар. Бу *иловусга* яқин бўлган «меъда ағдарилишига», ич дамлигига ва алангаланишига фойда қилади; шунингдек, еган овқатини қусиб ташлайдиган кишиларга ҳамда эскирган ички касалликларга мувофиқ келади.

Таркиби. Петрушка уруғидан – олти *мисқол*, Рум арпабодиёнидан – олти *мисқол*, эрмандан – тўрт *мисқол*; бошқа бир нусхада кўрдикки, яна мастакидан тўрт *мисқол*, мурчдан икки *мисқол*, *муррдан* икки *мисқол*, дорчиндан олти *мисқол*, афюндан икки *мисқол*, кундуз қиридан ҳам шунча [олиб], сув билан қорилади ва кулчалар ясаб ичирилади. Меъдаси касаллар учун ўртача бир ичими бир *мисқол* бўлиб, сув аралаштирилган шароб билан [ичирилади].

Сомисунга нисбат бериладиган иёраж. «Меъда ағдарилишига» ва унинг алангаланишига фойда қилади ва ҳар қандай дамликни кетказди. Овқатни суст ўзлаштириш ва бачадон касалликларига ҳам фойда қилади, шунингдек, сийдикни юргизади. У жигари касал ва буйраги оғрийдиган кишилар учун ажойиб доридир; у ҳайз конини ҳам юргизади.

Таркиби. Сабрдан юз *мисқол*, мастаки, заъфарон, сунбул, дорчин, туёғўт ва бальзам уруғларининг ҳар биридан бир *уқиядан* олиб янчилади ва элакдан ўтказиб, курук ҳолда сақлаб қўйилади. Овқатни суст ўзлаштирадиган кишиларга бундан бир *мисқоли* совук сув билан ичирилади. Ўт қусадиган ёки меъдасига модда оқиб келадиган кишиларга ярим *мисқол* ичирилади. Баъзи бир ички аъзоларида шиш бор кишиларга [433] бу асал суви билан ичирилса, фойда қилади. Сийдик ёки ҳайз қонини юргизишга муҳтож бўлганларга буни янчиб, қайнатилган арпабодиённинг сузилган суви билан ичирилади.

Булуархис қуюк суртмаси. Барча ички касалликларга фойда қилади.

Таркиби. Тўпалоқ, ёввойи зира, кундур майдалари ва мумларнинг ҳар биридан бир *манндан*, сақичдан бир ярим *манн* ва хина ёғидан етарли микдорда [олинади]; баъзан бунга бир *манн* яҳуд муқлидан ҳам қўшилади.

Дабид ирсо деб аталувчи дори. Меъда мизожининт бузилиши, [коринда] сув йиғилишида фойда қилиб, ични ҳам юмшатади.

Таркиби. Гулсапсар илдизидан йигирма тўрт *дирҳам*, мурчдан йигирма *дирҳам*, занжабил ва болдирғонларнинг ҳар биридан ўн икки *дирҳамдан*, Рум арпабодиёни, мастаки ва арпабодиён уруғларининг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, жувона ва петрушка уруғларининг ҳар биридан саккиз *дирҳамдан* [олиб] янчилади ва асал билан қорилади. Ҳар гал бир нўхатдагиси сув билан ичирилади.

Қора зира жуворишни. Меъда оғриғига ва унда ҳам жигарда бўладиган тикилмага ва ҳазмнинг камлигига фойда қилади.

Таркиби. Қора зира, жувона, петрушка уруғи, занжабил, уруғи олинган майиз, Рум сассиқ қавраги ва сабзи уруғларининг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, пўчоғи тозаланган аччиқ бодомдан олти¹ *дирҳам* [олинади] ва янчиб, асал билан қорилади. Ҳар гал *кунор* дарахти мевасидагини илиқ сув билан ичирилади.

Хавлинжон жуворишни. Меъда ва жигардаги қаттиқ совуқликка фойда қилади, овқатни ҳазм қилади, елларни ҳайдайди ва меъдани яхшилайти.

Таркиби. *Хавлинжон*, *қирфа* ва оқ мурчларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, кичик қоқила, дорчин ва *норимушқларнинг* ҳар биридан уч *дирҳамдан*, узун мурчдан олти *дирҳам*, занжабилдан саккиз *дирҳам*, петрушка уруғи, Рум арпабодиёни, Кермон зираси, қора зира ва *толисфарларнинг* ҳар биридан бир *дирҳамдан*, каллақанд ва шакарларнинг ҳар биридан [барча] дориларга қараганда уч ҳисса кўп [олинади] ва янчиб, аралаштирилади. Бир ичими – икки *дирҳам*.

***Кесакка бўлган² иштаха.** [Қуйидаги] маъжун кесакка бўлган иштахани кесади.

Таркиби. *Иёраждан* олти *дирҳам*, қора ҳалила, балила ва омилаларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан* ва *гавз гандумдан* беш *дирҳам* [олинади] ва кўпиги олинган асал билан қориб, шундан уч *дирҳами* ичида мастаки, Рум арпабодиёни, ялпиз ва ивитилган темир чирки қайнатилган сув билан ичирилади.

Қусиш ва кўнгил айнаши. [Қуйидаги] шарбат балғам қусишни тўхтатиб, *кўнгил айнашни босади³.

Таркиби. Кермон зирасидан тўрт *дирҳам*, мастакидан уч *дирҳам*, анор донасидан йигирма *дирҳам*, ялпиз ва тошчўпларнинг ҳар биридан беш *тоқадан* [олиб], тўрт *ратл* сувга солинади ва бир *ратли* қолгунча қайнатиб сузилади-да, бир *дирҳам* омила шираси қўшиб, эрталаб ва кечқурун ичирилади.

Ҳикичок. Мана бу дори хикичокка фойдали бўлиб, ажойиб ва кучли доридир.

Таркиби. Саккиз *ратл* хушбўй яхши набизни икки *ратл* кўпиги олинган асал билан қўшиб, олтидан бирига камайгунча қайнатилади, кейин оловдан туширилади-да, унга *қуст* ва мастакиларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, эрмандан етти *дирҳам*, қорачайир, сунбул, || *содаж*, кизил гул, сабр, дарахт пўкаги ва заъфаронларнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, тўёғўт, Ҳинд уди ва Цейлон дорчинларининг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* [олиб], янчиб қўшилади. Бир ичими – бир қошиқ. 537

Жигар шишлари. Лат ейиш ва бошқа сабабдан пайдо бўладиган шишга *мурдисфарам* марҳами фойда қилади.

Таркиби. *Мурдисфарамдан*¹ тўрт *дирҳам*, уд², заъфарон, дафна меваси, хушбўй камиш, *мурр* ва чаёнўтларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, мумдан тўрт *дирҳам* [олинади]. Бу дорилар майдаланади ва эзиб янчиб, аралаштирилади; [434] мум эса керакли даражада эритилади, [буларга яна] уч *дирҳамдан* гулсапсар ёғи ва оқ гулсапсар ёғидан қўшилади.

Жигар қаттиқлиги. Бўри жигаридан тайёрланадиган маъжун жигар, талоқ ва меъда оғриқларига ҳамда еллар, *дусинторийё* ва эски йўталга, шунингдек, қон қусадиганларга фойда қилади.

Таркиби. Заъфарон, *мурр*, афюн, қундуз қири, мингдевона уруғи, *қуст*, ёввойи зира, кўкнор, сунбул, *гофит*, бўри жигари ва тоғ эчкисининг куйдирилган ўнг шохи – шуларнинг ҳар биридан баробар [қисмда олинади-да], янчиладиганлари янчилади, эрийдиганларини эса шароб билан эритиб, [кейин ҳаммаси] кўпиги олинган асал билан қорилади. Бу олти ойдан кейин истеъмол қилинади; ҳар гал нўхатдагиси мувофиқ келадиган биронта ичимлик билан ичирилади.

Жигар³ мизожининг бузилиши. Бунга *мозариюн* ёғи фойда қилади.

[Таркиби]. *Мозариюндан* ўн *дирҳам* олиб, бир *ратл* сувда бир кеча-қундуз ивителиди, кейин қозонга солиб, сувдан ярим *ратл* қолгунча паст оловда қайнатилади. Сўнгра оловдан тушириб сузилади ва [қайнатмани] яна қозонга қайтариб солиб, устига чорак *ратл* ширин бодом ёғидан солинади-да, кейин суви кетиб, ёғнинг ўзи қолгунча қайнатилади. Кейин қуйидаги дориларни янчиб элаб, шу ёғ билан хўлланади: сариқ ҳалила, балила ва омилаларнинг ҳар биридан – ўн *дирҳамдан*, тамр ҳиндийдан – ўттиз *дирҳам*,

олхўридан – ўттиз дона, чилонжийдадан – шунча, *хиёршанбардан* – бир *ратл*, майиздан¹ – ярим *ратл*. Бу дориларнинг *хиёршанбардан* бошқасини аралаштириб, тош қозонга солинади ва устига ўн *ратл* сув қуйиб, сувнинг учдан бири қолгунча қайнатилади. Кейин [қайнатма] *хиёршанбар* устига сузилади ва уни қўл билан эзиб яна сузилади-да, [қайнатмани] қозонга қайтариб солинади; бунга бир *манн* каллақанд солиб, асал қуюқлигига келгунча қайнатилади. Сўнгра бунга ярим *ратл* бодом ёғи қўшиб, устидан юқоридаги элаб, [ёғ билан] ҳўлланган дорилар солинади ва қуюлгунча қайнатиб, кейин оловдан туширилади-да, шиша идишга солиб қўйилади. Бир ичими – олти *дирҳам*.

Истисқонинг бошланғичига фойдали бўлган элаки дори. Бу янги тукқан туянинг сути ёки оғиз суви, ёки сабзавот сувлари билан ичирилади.

[Таркиби]. *Гофит* ширасидан – бир ярим *дирҳам*, *лаккдан* – икки *дирҳам*, ровоч илдизидан – бир ярим *дирҳам*, қорачайир гулидан – бир *дирҳам*, заъфарондан – бир ярим *дирҳам*, зарпечак уруғидан – икки *дирҳам*, таррак ва семизўт уруғларининг ҳар биридан – бир *дирҳамдан* ва *сақамуниёдан* – бир *дирҳам*. Бир ичими – бир *миққол*.

Талок². Талок дорилари. Асал майвизак дориси деб танилган нажот берувчи дори.

Таркиби. Дубдаги асал майвизакдан икки *ратл* ва оҳакдан бир *ратл* [олинади]; асал майвизакни сопол идишга солиб, эрисин учун чўғ устига қўйилади, у эригач, устига оҳакни сепаиб, яхшилаб аралаштирилади ва буни иссиқлигича бўри терисига суртиб, [талокқа] қўйилади. Бу дорини истеъмол қилганда, уни ишлатган касални ҳаммомга киритиш лозим, бу дорини [бўри терисига] қўйиб ёпиштириб, унинг ўзи тушиб кетмагунча кўчирилмайди; шу вақтда диққат билан караб, [бўри терисининг] пеш кўчган қисмини пеш қирқиб туриш керак.

Бошқа [дори]. Бунинг талоғи касалларга етказган фойдаси ўшақуниёк равшан билинади. Буни қўйиб боғлашдан олдин касал уч кунгача ўзига зарур бўлган тадбирни ишлатиши лозим.

Таркиби. *Муррдан* уч *уқия*, кундур майдаларидан уч *уқия*, Искандария хардали ва ёввойи зираларнинг ҳар биридан икки *уқиядан* ва денгиз пиёзи сиркасидан етарли миқдорда [олинади]. Хардал билан ёввойи зирани янчиб эланади, кундур билан *муррни* эса янчиб эзилади-да, буларга куруқ дорилар қўшилади ва қориштириб, марҳам ҳолига келтирилади. Бу икки соатдан то тўққиз соатгача

боғлаб қўйилади. Кейин касални шу дори билан ҳаммомга киритилади, у бўшашгач, *обзанга* киритиб, унинг ичида кўпроқ ўлтиришга ва сувини ҳам ўша ерда чиқаришга¹ буюрилади. Унинг кўнгли озиб қолмаслиги учун сирка ва чўл ялпизлар хидлатиб турилади. Дори боғлаб қўйилган латта оз-оздан ечилади. [Касал] ҳаммомдан чиққандан кейин, унга нонсиз тузланган балиқ едирилади; биринчи [435] ва учинчи кунлари [бирон нарса] ичирилади. Бундан олдин унга нафас олишни тезлаштирадиган даражада бадантарбия қилдирилади.

Кучли алам берувчи бошқа [дори]. Бу нажот берувчи дори бўлиб, кўкрак *пардаси* касалланганларга² ҳамда талоғи оғрийдиган ва эски касаллиги борларга фойда қилади.

[Таркиби]. Пиширилган санавбар елимидан тўрт *ратл*, мумдан икки *ратл*, *олов* тегмаган олтингугуртдан бир *ратл*, кундур майдасидан бир *ратл*, зифтдан икки *ратл*, аччиқтошдан бир *ратл*, қизил бурақдан || бир *ратл*, аристолохиядан уч *уқия*, ёввойи бодринг илдизидан уч *уқия*, сабрдан олти *уқия*, назла ўтидан олти *уқия*, тут сутидан уч *уқия*, сиркадан бир ярим *қист*, антокий шаробидан ярим *қист* [олинади]; биз сирканинг ўрнига уч *қутулий* зайтун ёғи сола- миз. Бу ҳам олдинги [дори] сингари тайёрланади. 538

Кучли алам берадиган бошқа дори. Бу кучли таъсир кўрсатади.

Таркиби. Дарё қисқичбақасини олиб, оёқ ва панжалари қирқилади ва қуришиб янчилади, шундан бир *мисқол* олиб, унга олтидан бир *мисқол* афюн аралаштирилади ва *ўша* қисқичбақа тутилган дарёнинг суви билан хўллаб, касалга ичирилади. Баъзи вақтларда касаликка қараб, афюннинг ўрнига ўшанча вазнда бальзам ёғи қўшилади.

Талок қаттиқлиги. [Қуйидаги] марҳам талокда юз бериб, эскириб кетган қаттиқликка фойда қилади.

Таркиби. Ёввойи зира, хардал, назла ўти ва пиширилган сарик йўнғичкаларнинг ҳар биридан бир ҳиссадан олиб, яхшилаб янчилди ва сирка билан эзиб, устига зайтун ёғи қуйилади, кейин у талок устига суртилади; касални ҳаммомда ювинтириб, кейин унга шу марҳам қўйилади.

Хукна. Бу [хукна] касалнинг ичидан қон ўтишга олиб келадиган қорин яраларига фойда қилади, [бу касаллик] Рум тилида *дусинториё* деб аталади.

Таркиби. Соғлом эчки буйраги атрофидаги чарвисидан олиб, *кишк*³ билан пиширилади. Кейин *кишк* суви ва чарви ёғидан икки

ускурража олинади, яна қайнатилган гуруч суви ва гул ёғларининг ҳар биридан бир *ускурражадан*, араб акациясининг эзилган ширасидан ярим *дирҳам*, янчилган араб елими ва янчилган кўрғошин упаларининг ҳар биридан ярим¹ *дирҳамдан* ва битта тухумнинг пиширилган сариғи олинади. Буларнинг ҳаммасини аралаштириб, марҳам ҳолига келтирилади ва шу билан ҳукна қилинади. Ёки бир *ускурража* хўл *барсиёндору*² суви ва ярим *ускурража* гул ёғи олиб, шулар билан ҳукна қилинади.

Касалнинг овқати бодом ёғи ва анор доналари билан тайёрланган нўхат шўрва бўлсин; овқатни ёқимли қилишга ҳаракат қилинади, мевалардан эса унга беҳи берилади.

Ич кетиши. Эски ич кетишга фойда қилувчи элаки дори.

Таркиби. Анор гули, сиркада ивитиб, кейин қовурилган дуб ёнғоғи, татим, мирт уруғи, Миср акацияси³ ва «ер олатларининг» ҳар биридан – икки *дирҳамдан*, сиркада ивитгандан кейин қовурилган зира билан мози, ширин анор косачалари, юлғун меваси ва *оромангизларнинг* ҳар биридан – бир *дирҳамдан*, уд, омила шираси, мастаки ва сунбулларнинг ҳар биридан – бир *дирҳамдан*, кўзиқулоқ уруғи, [араб] елими, тўпалоқ, такасоқол шираси, қовурилган майиз уруғи, жингак ва салеplarнинг ҳар биридан – ярим *дирҳамдан*.

Совуқ ва шамолдан бўладиган ич кетишни тўхтатувчи жуворишн.

[Таркиби]. Петрушка уруғи, хушбўй қамиш, тўпалоқ, жувона, бальзам ёғочи, ладан ва мускат ёнғоғи қобиқларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, қоқила ва омила шираларининг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, кизил гулдан – ўн *дирҳам*, ушнадан беш *дирҳам*, Рум арпабодиёнидан уч *дирҳам*, оқ мурчдан икки *дирҳам*, *қирфадан* уч ярим *дирҳам*, заъфарондан етти *дирҳам*, кофурдан уч *дирҳам*, «хушбўй тирноқлардан» уч ярим *дирҳам*, корачайир илдизидан тўрт *дирҳам*, ёввойи зирадан икки *дирҳам*, оқ сандалдан [436] тўрт *дирҳам*, ёввойи сабзи уруғидан уч *дирҳам*, дорчиндан уч *дирҳам*, занжабилдан уч *дирҳам* ва мирт уруғидан етти *дирҳам* [олиб], олманинг қуюлтирилган шираси билан қорилади.

Мева шарбати. Ич кетишни тўхтатиб, сафрони хайдайти.

[Таркиби]. Цитроннинг нордон суви, зирк ва ровочларнинг ҳар биридан бир *ратлдан*, дўлана, анор донаси ва татимларнинг ҳар биридан уч *ратлдан*, нордон-чучук беҳи, олма, анор ва нокларнинг ҳар биридан тўрт *ратлдан*, сувдан ҳам шунча [олинади]. Буларни

[шу сувда] икки кун ивитиб қўйиб, кейин пишгунча қайнатилади ва сузиб, [суви] яна қайнатилади-да, шакар қўшилади.

Ичак шилиниши ва ундаги яралар. «Беркитгич»¹ деб аталувчи дори ичак яраларига фойда қилади.

Таркиби. Араб акацияси ширасидан йигирма беш *мисқол*, анор пўстидан етмиш беш *мисқол*, мозидан йигирма беш *мисқол*, афюндан йигирма беш *мисқол*, мингдевона уруғидан эллик олти *мисқол*, янчилган *холовусдан*² бир юз олтмиш *мисқол*, Шом татимидан етмиш *мисқол*, Шом татим ширасидан икки ярим *мисқол* ва кундур елимидан йигирма беш *мисқол* [олинади]. Буларни янчиб қўшилади-да, кора шароб билан аралаштирилади. Тўла бир ичими – бир *мисқол*.

Лукюс ат-Тарсусийга нисбат берилган дори. Бу дори сизиб келувчи ҳар қандай моддага ва ҳар хил дамликларга фойда қилади.

Таркиби. Рум арпабодиёни ва петрушка уруғларининг ҳар биридан икки *мисқолдан*, арпабодиён уруғи, ёввойи сабзи уруғи ва *тардилун* уруғи, – бу Рум сассиқ қаврагининг бир тури, – шуларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*, афюн ва мингдевона уруғларининг ҳар биридан бир ярим *мисқолдан* [олинади] ва сув билан қориб, истеъмол қилинади.

Жолинус ишлатган ҳукна. Бу Антиновус ҳукнаси бўлиб, қадимги [табибларнинг] кўп нусхаларига мувофиқ келади.

Таркиби. || Узум ғўрасининг қуритилган ширасидан олти *мисқол*, Яман аччиқтошидан ҳам шунча, сув тегмаган оҳак ва мис тўполларининг ҳар биридан олти *мисқолдан*, қизил зирнихдан уч *мисқол*, сариқ зирнихдан саккиз *мисқол*, куйдирилган папирус қоғозидан ўн *мисқол* [олинади] ва мирт уруғи шароби билан қориб, ҳар бири уч ёки тўрт *мисқоллик* кулчалар ясалади. Бу икки қавосус суюлтирилган шароб билан ҳукна қилинади, баъзан эса бу ёмғир суви билан ҳукна қилинади.

Мева кулчалари. Булар ич кетишга ва ичак яраларига фойда қилади, улар Биотиюс кулчалари деб аталади. Бу нажот берувчи дорилардан бўлиб, ич кетишни тезликда тўхтатади.

Нусхаси. Заъфарондан тўрт *мисқол*, Ҳинд сунбули ва Рум арпабодиёнларининг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*, *мурр*, Ҳинд сабри, такасоқол шираси, Ҳинд ҳузази, араб акацияси шираси, афюн, жуда серсув мози ва оқ мурчларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан* [олинади] ва шароб билан қориб, ҳар бири ярим *мисқоллик* кулчалар тайёрланади.

Шўр балғамдан бўладиган ичак шилинишига фойдали элаки дори. [Таркиби]. Қовурилган индовдан – ўн *дирҳам*, райхон уруғидан – етти *дирҳам*, мастакидан – беш *дирҳам*, канавча уруғидан – ўн *дирҳам*, гандано уруғидан – беш *дирҳам*, қовурилган крахмалдан ҳам – шунча, қовурилган [араб] елиmidан – етти *дирҳам*, арман лойидан – ўн *дирҳам*. Бир ичимидан – уч *дирҳам*.

Хукна. Дори ичиш сабабли бўлган ичак шилинишида сариёғ ва бакам дарахти елими билан хукна қилинади.

Чиқиқ бошланаётганда ҳамда сафрога [қарши] ва моддани хайдаш учун ишлатиладиган хукна¹.

Таркиби. Ясмикдан ўн *дирҳам*, мирт уруғи, анор пўсти ва дўланаларнинг ҳар биридан етти *дирҳамдан* уруғи тозаланган беҳи ва нокларнинг ҳар биридан ўн беш *дирҳамдан* ва мозидан беш *дирҳам* [олинади] Буларни уч *ратл* сув, тўрт *уқия* [437] нордончучук анор суви ва ғўра узум сувига солиб, бир *ратли* қолгунча қайнатилади, кейин сузиб, шу [қайнатманинг] учдан бири олинади ва унга бир *мисқол* арман лойи, шунча [араб] елими ҳамда бир *дирҳамдан* куйдирилган папирус қоғози, араб акацияси шираси ва [кўрғошин] упаси аралаштирилади.

[Бошқа] дори². Буни Жолинуc *иловус* деб аталадиган касалликка учраганларга ишлатар эди, бунга учраган киши ахлат қусади. Оғрик кучли бўлганда, бундан бир *боқила* миқдоридегисини уч ёки тўрт *қавосус* совук сув билан бирга ичир!

Таркиби. Мингдевона уруғи ва оқ мурчларнинг ҳар биридан қирқ *мисқолдан*, афюндан йигирма *мисқол*, заъфарондан ўн *мисқол*, хушбўй сунбул, *фарфиюн* ва назла ўтларининг ҳар биридан икки *мисқолдан* [олиб], қайнатилган асал билан қорилади.

Қуланж учун [бошқа] дори. Жолинуc буни Сукротнинг *Банқу* китобида учратган; у *асумовис*³ деб аталади ва меъдаси касалларга ҳамда кўзи яллиғланиб, қаттиқ оғрийдиган кишиларга фойда қилади; агар у ичига газাগўт солиб қайнатилган асалли сув билан ичирилса, бачадон оғриғига ҳам [фойда қилади].

Таркиби. Заъфарондан бир ярим *мисқол*, сунбул, *мурр*, *қуст*, оқ мурч, узун мурч ва гальбан елимларининг ҳар биридан икки *мисқолдан*, бальзам ёғидан тўрт *мисқол*, дорчин, меҳригиёх илдизининг пўстлоғи, – бошқа бир нусхада меҳригиёх илдизининг шираси, – ва қундуз қирилларининг ҳар биридан икки *мисқолдан*, ёввойи сабзи уруғидан тўрт ярим *мисқол*, Эрон қаврагидан уч *мисқол* ва Цейлон дорчинидан тўрт *мисқол* [олиб], асал билан қорилади.

Орқа тешик бўшашиб, [кўтон] чиқиши. Мана бу Жолинус до-
риси кўтон чиққанга фойда қилади.

Таркиби. *Арбаий* деб аталувчи ўсимликнинг меваси, мози,
калай упаси, араб акацияси шираси¹, такасоқол шираси, *қатус* деб
аталувчи санавбар пўстлоғи, кундур елими ва *муррларнинг* ҳар би-
ридан тўрт *мисқолдан* [олинади]. Орқа тешикни тахир шароб билан
ювгандан сўнг [бу дори] курук холда сепилади.

Буйрак тоши. Мен айтаманки, қовуқдаги тошни майдалайдиган
ҳар бир нарса, ҳеч шубҳасиз буйракдаги тошни ҳам майдалайди,
сўнгра у қайталамайди.

Маъжун. Бу [маъжун] тоши борларга фойда қилади, чунки бу
дори тошни майдалайди ва уни янгитдан пайдо бўлишга қўймайди.

Таркиби. Цейлон дорчинидан икки *мисқол*, петрушка уруғидан
уч *мисқол*, **муррдан* тўрт *мисқол*², оқ мурчдан икки *мисқол*, кундур
елимидан уч *мисқол*, эркак Шом тошидан бир *мисқол*, сабзи уруғи
ва Рум арпабодиёнларининг ҳар биридан икки *мисқолдан*, *майъа*
елимидан уч *мисқол*, ҳаворанг гулсапсар илдизидан уч *мисқол*,
оқ кўкнор уруғидан икки *мисқол*, сунбулдан ҳам шунча, чақилган
аччиқ бодом ва туёғўтларнинг ҳар биридан – уч *мисқолдан*, гулсап-
сар уруғи ва тўпалоқларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан* ва яхши
асалдан етарли микдорда [олинади]. Бу ҳар куни ичирилади.

Бошқа дори. Жолинус айтади: «Мен буйраги касалланган кўп
кишиларни биламан, улар шу [дори] билан даволаниб, тузалиб
кетганлар». Бу дорини кўп кунлар давомида истеъмол қилиш ло-
зим. У тоши бор ва қуланж касаллигига учраганларга ҳам шифо
бағишлайди, шунингдек, қовуқ касалликларини ҳам тузатади. Мана
уни тайёрлаш усули.

Таркиби. Чақилган фундук, чақилган бодом, тозаланган тар-
рак уруғи ва тозаланган қора зира уруғларининг ҳар биридан уч
мисқолдан, сассикалаф уруғи, заъфарон, бодринг уруғи ва афюн-
ларнинг ҳар биридан олти *мисқолдан*, оқ мингдевона уруғи ва пет-
рушка уруғларининг ҳар || биридан ўн икки *мисқолдан* олинади ва ⁵⁴⁰
асал билан қориб, кулчалар ясалади. Шундан ярим *мисқолни* уч
қавосус илитилган тиниқ асал суви билан ичирилади. Бошқа бир
нусхада бунга яна олти *мисқол* қўшилади, дейилган.

Қовуқдаги тош. Бу ҳақда айтилган ва гувоҳлик берилганлар
орасида шу ҳам борки, агар куённи тутилган заҳоти секинлик би-
лан куйдириб, куйиндиси сақлаб қўйилиб, бир неча кунгача икки
дирҳамдан илиқ сув билан ичириб турилса, тошни майдалайди³.

Чаёндан тайёрланадиган дорининг тавсифи. Бу [дори] буйрақларда пайдо бўладиган тошни майдалайди; уни истеъмол қилган киши буйрагида тош пайдо бўлишидан қутилади. [438] Бу дори ўзининг мизожи¹ билан эмас, хоссаси билан таъсир кўрсатади.

Таркиби. Ўнта тирик чаённи тутиб, тоза темир қозонга солинади ва қозоннинг усти буғдой уни хаамири билан сувалади. Кейин ўчоққа қараб, унга ток ўтин ёкиб, кизаргунча қиздирилади, сўнгра шу ўчоқ [ичига] қозонни кўйиб, бир кеча қолдирилади. Шундан кейин қозон олинади ва у совугач, ичидан чаён қулини олиб, бир идишга солиб кўйилади. Буйрақ оғриқларини даволашда шундан икки *қиротни хандиқун* деб аталувчи шароб билан ичирилади; бу тошни майдалаб, сийдик орқали бўлак-бўлак қилиб чиқаради. *Афъо* илонининг гўшти илонлар ва бошқа хил захарли ҳашаротларнинг захарига қарши тургани сингари чаённинг табиатида ҳам буйрақ ва қовуқда пайдо бўладиган тошга қарши туриш [хусусияти] бордир.

Биз таркиб этган дори. Агар буни олат ичига *зарроқа*² асбоби билан юборилса, қовуқ ярасига, шунингдек, олат ичидаги ярага фойда қилади.

[Таркиби]. Куйдирилган кўрғошин ва қовун уруғи мағизларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, *табоширдан* икки *дирҳам*, араб елими, кўкнор уруғи ва куйдирилган тоғ эчкиси шохларининг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, афюндан ярим *дирҳам*, мингдевонадан икки *донақ* ва *муррдан* бир *дирҳам* олинади. Буларнинг ҳаммаси яхшилаб янчилади ва *сачратки суви билан кўшиб³, кўз *шиёфлари* сингари *шиёфлар* тайёрланади. Буни сут ёки қовун уруғи ёғи билан аралаштириб, катетер⁴ ёрдамида истеъмол қилинади⁵.

Қовуқ ва буйрақларда пайдо бўладиган тошларни майдалайдиган кулчалар.

[Таркиби]. Ёввойи сабзи уруғи, *бартақий* тарраги уруғи, Рум арпабодиёни, *мурр*, тоғ петрушкаси уруғи, боғ петрушкаси уруғи, Цейлон дорчини, дорчин ва сунбулларнинг ҳар биридан бир ҳиссадан олинади. Шу дориларни янчиб эланади ва ҳар бири бир *дирҳам* ёки бир *мисқолли* кулчалар ясалади ёки нўхатдек ҳаблар тайёрлаб, нахорга ўнтадан ҳаб иссиқ сув билан ичирилади.

Тошни майдалайдиган маъжун.

[Таркиби]. Ҳинд сунбулидан уч *драхмий*, занжабилдан тўрт *драхмий*, узун мурчдан ҳам шунча, Цейлон дорчинидан ўн икки *қирот*, дорчиндан тўрт *драхмий*, тўпалоқдан ҳам шунча, туёғўтдан бир *дирҳам*, ёввойи сабзи уруғидан ҳам шунча, заъфарондан икки

драхмий, кундуз киридан тўрт *драхмий*, қорачайир гулидан ҳам шунча, ёввойи саримсоқдан ҳам шунча, кустдан икки *драхмий*, оқ мурчдан ҳам шунча, тоғ петрушкасидан ҳам шунча, бальзам уруғидан тўрт *драхмий* ва игирдан икки *драхмий* [олиб], асал билан қорилади.

Томчилатиб сийиш. [Қуйидаги] кулча томчилатиб сийиш ва *за-рабга* фойда қилади.

[Таркиби]. Қундуз киридан икки *дирҳам*, самсақ, газлагўт, мингдевона уруғи ва Рум арпабодиёнларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан* ва анор донасидан ўн беш *ҳабба* олинади ва янчиб, кулчалар ясалади. Бунинг бир ичими – бир *дирҳам*. Ёки тозаланган таррак уруғидан бир *дирҳамни* тухум оқи билан бирликда наҳорга ичирилади.

Олат кўзғалиши ва шаҳватнинг заифлиги. Бунда қуйидаги дори фойда қилади.

[Таркиби]. Пиёз уруғидан икки *дирҳам*, таратизак уруғидан тўрт *дирҳам*, наша уруғи, *бузайдон*¹ ва пиширилган денгиз пиёзларининг ҳар биридан олти *дирҳамдан*, ёввойи сабзидан уч *дирҳам*, тозаланган² кунжутдан беш *дирҳам*, кичитқийўт уруғи ва оқ кўкнорларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* ва каллақанддан олти *дирҳам* олинади ва янчиб, аралаштирилади. Бир ичими икки *дирҳам* бўлиб, сув кўшилган *тило* шароби билан ичилади.

Бунга [439] қуйидаги дори ҳам фойда қилади.

Таркиби. *Форсуяж*, яъни морчўба илдиши, сигир сути ва сариёғларнинг ҳар биридан уч *ратлдан*, таратизак уруғи, сабзи уруғи ва шолғом уруғларининг ҳар биридан уч *уқиядан* олинади. Қуруқ дориларни янчиб, сут ва ёғ билан аралаштирилади. Бир ичими – беш *истор* ёки ўн *истор*; уни сути кетиб, ёғи қолгунча қайнатилади-да, кейин сузиб ичирилади.

Ҳинд жувориши. Бу жинсий қувватни орттиради ва шаҳватни ниҳоятда кўзғатади.

Таркиби. Занжабил, мурч, узун мурч, дорчин, *содаж*, *қирфа*, сунбул, Ҳинд чакамуғи, мускат ёнғоғи, кизил сандал ёғочи, қоқила, бальзам уруғи³, мускат ёнғоғи қобиғи, *ноғбушт*, *толисфар*, қалампирмунчок, тўпалоқ, *табошир* ва *тоза Ҳинд удларининг⁴ ҳар биридан уч *уқиядан*, мушк ва кофурларнинг ҳар биридан ўн *мисқолдан*, новвотдан эса шу дориларнинг ҳаммасича олинади. Булар янчилади ва элакдан ўтказиб, кўпиғи олинган асал билан қорилади. Бир ичими – икки *дирҳам*.

Бошқа дори. Бу жинсий қувватни оширади ва шоҳларга мувофик келади.

[Таркиби]. *Сақанқурнинг* думидан бир ярим уқия, *сатжам*¹ уруғи, сабзи уруғи, шолғом уруғи, ширин ок пиёз уруғи, кичитқиўт уруғи ва таратизак уруғларининг ҳар биридан бир уқиядан, корамурч, ок мурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, пиширилган денгиз пиёзидан тўрт *дирҳам*, пўчоғи тозаланган санавбар
541 [бужуридан]² || икки ярим уқия, назла ўтидан тўрт *дирҳам*, куш тилидан олти *дирҳам*, деворларда яшайдиган эркак чумчуқларнинг миясидан тўрт *дирҳам* ва хўроз моягидан бир уқия олинади. Шу дориларни янчиб, сариёғ ва асал билан қорилади, шунда ёғдан учдан бир, асалдан эса учдан икки [хисса олинади]. Буни бир идишга солиб, қўйиб, ҳар гал овқатдан кейин ярим *дирҳамни* ширин шароб билан ичилади.

Ёғ. Бу қовуқ ва олатга, шунингдек, буйрак атрофларига суртилса, шаҳватни қўзғатиб кучайтиради.

Таркиби. *Фарфиюн* ва гальбан елимларининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, мускат ёнғоғи қобиғидан бир *дирҳам*, узун мурчдан бир ярим *дирҳам*, назла ўтидан икки ярим *дирҳам*, таратизак уруғи ва кундуз қирилариининг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, наргис ёғидан бир ярим уқия ва мумдан ярим *дирҳам* олинади. Қурук дорилар янчилади, мум билан ёғ эса эритилади, кейин буларга дориларни қўшиб, яхшилаб аралаштирилади ва суртилади.

***Бачадон совуқлиги**³. Бачадон совуқлигига мувофик келадиган *фурзажа*⁴.

Таркиби. *Диёхилун* марҳамидан бир уқия, *босилиқун* марҳами, буқа ёғи, бодом елими, товук ёғи, ўрдак ёғи, тоғ эчкиси оёғининг илиги, қўй сути қаймоғи, анор дарахти елими⁵ ва Рум сунбули ёғларининг ҳар биридан бир уқиядан, тоза *муррдан* ярим уқия ва заъфарондан икки *дирҳам* [олинади]. Ҳайвон ёғлари ўсимлик ёғлари билан бирга эритилади, сўнгра ҳаммаси қўшилади ва жундан қилинган *фурзажага* қўйиб, истеъмол қилинади.

Бачадон қаттиқлиги. Юқорида бачадон совуқлиги учун келтирилган *фурзажа* бачадонда бўладиган қаттиқ шишга ҳам фойдалидир.



ЕТТИНЧИ МАҚОЛА

БЎҒИН ОҒРИҚЛАРИ, ПОДАГРА ВА ИРҚУННАСО

Бўғин оғриғи ва подаграга ишлатиладиган куюк суртма. Бу сассикалаф ва дарахт пўкагидан тайёрланадиган, нажот берувчи до-ридир.

Таркиби. Сассикалаф уруғидан бир *қист*, дарахт пўкагидан бир *қист*, сарик йўнғичкадан бир *қист*, буракдан бир *уқия*, мумдан бир *ратл*, пиширилган санавбар елимидан бир *ратл*, қаврак елимидан бир *ратл*, эски зайтун ёғидан бир *ратл*, тоғ эчкиси суяқларининг илигидан тўрт *уқия*, *арутақий* гулсапсарининг илдизидан тўрт *уқия* [олинади]. Қуруқ дориларни янчиб, элакдан ўтказилади, эрийди-ганларини эса эритиб, совутилади, сўнгра [440] бунга қуруқ дори-ларни солиб, аралаштирилади ва олиб кўйиб, истеъмол қилинади.

Бу [касалликларга] мана бу дори ҳам фойда қилади.

Таркиби. Савринжондан ўн икки *дирҳам*, арик [бўйида ўса-диган] ялпиздан уч *дирҳам*, мурч ва зираларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан* олиб янчилади. Бундан ҳар гал бир *дирҳами* асалли сув билан ичилади.

Марҳам. Бу оёқлар заифлашганда фойда қилади.

Таркиби. Туёғўт, сабр, *момисо шиёфи*, чакамуғ, *касб*¹, анзи-ратгўштхўр ва *муррларнинг* ҳар биридан уч *дирҳамдан* ҳамда кундуз қиридан тўрт *дирҳам* олинади. Буларни майдалаб янчилади ва хушбўй *тило* шароби билан қориб, [оёкка] суртилади.

Ҳаб дори. Бу *ҳазаржашон* номи билан маълум бўлган «чўл ковоғидан» тайёрланади. Бу подаграга ҳамда ёнбош ва бўғин оғриқларига фойда қилади.

Таркиби. *Фошаро*² деб аталувчи доридан бир *дирҳам*, саврин-жондан йигирма *дирҳам*, Кермон зирасидан бир *дирҳам*, дорчин, форс какликўти, думалоқ аристолохия, занжабил, ковул барги ва қалдирғоч кулларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан* олинади. Бу до-риларни эзиб янчиб, шароб билан қорилади ва кичик ҳаблар ясаб, со-яда қуритилади. Бир ичими ярим *дирҳам* бўлиб, укроп қайнатилган

сув билан ичирилади; ёки бундан ярим *дирҳам*ни курук ҳолда истеъмол қилиб, [устидан] укроп қайнатилган иссиқ сувдан икки қошиқ ва зайтун ёгидан бир қошиқ [ичирилади].

Бошқа ҳаб. Бу хинадан тайёрланади; бу [ҳаб] подаграда синаб кўриб мақталган.

Таркиби. Данаги олинган қора ҳалиладан ўн *дирҳам*, балила, омила, чакамуғ, занжабил, узун мурч ва Ҳинд тузларининг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, сабрдан ўттиз *дирҳам*, форс каклиғўти, ковул илдизи, муқл ва хиналарнинг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, савринжондан эса шу дориларнинг ҳаммасича олинади. Дорилар янчиб эланади, муқл эса шаробда ивителиди; [сўнгра] ҳаммасини аралаштириб қорилади ва майда ҳаблар ясалади. Бир ичимни – икки *дирҳам*.

Ирқуннасо. [Қуйидаги] дори *ирқуннасога* фойдали бўлиб, унинг [оғриғини] жуда яхши босади.

Таркиби. Зифтдан икки қисм ва олов тегмаган олтингугуртдан бир қисм олиб, иккаласи биргаликда янчилади-да, аралаштирилади. Дори ёпишсин учун касални ҳаммомга тушириб, кейин бу ўша оғриётган жойга сепилади ва устидан папирус қоғозини ёпиштириб, ўзи тушиб кетгунча қўйилади.

Подагра. Бўғин оғриқлари бобида эслатиб ўтилган сассикалаф дориси бунга ҳам гоятда фойдалидир.



САККИЗИНЧИ МАҚОЛА

«ТУЛКИ КАСАЛЛИГИ»

«Тулки касаллигида» чапиладиган дори.

[Таркиби]. *Фарфиюн*, тоғ газাগўтнинг елими ва дафна ёғларининг ҳар биридан икки *мисқолдан*, олов тегмаган олтингургурт ва қора ёки оқ харбак, – қайсиниси топилса ўшаниси, буларнинг ҳар биридан бир *мисқолдан* олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин қўшилади || ва дафна ёғи ёки канақунжут ёғи, ёки эски зайтун ёғида эритилган тўққиз *дирҳам* мум билан аралаштириб, истеъмол қилинади. «Тулки касаллиги» узоққа чўзилиб, даволаниши қийинлашиб кетганда бу дори жуда кучли даво бўлади. Жолинус: «Мен баъзи вақтларда бунга бир *мисқол* индов ва икки *мисқол* куйдирилган денгиз кўпиги аралаштирар эдим», – дейди.

Қорайтирувчи бўёк. Жолинуснинг айтишича, итнинг сийдигини олиб, беш ёки етти кун саситиб қўйилсаю, кейин [441] у билан [соч] ювилса, [қорайтирувчи] таъсир кўрсатиб, қоралигини сақлаб қолади.



**АС-СОҲИР «КУННОШИ»ДА
КЕЛТИРИЛГАН ҲАЖМ ВА ОҒИРЛИК ЎЛЧОВЛАРИ¹**

У айтади: «*Қист*: зайтун ёғи учун – ўн саккиз уқия, шароб учун – саксон *ратл*, асал учун – бир юз саккиз *ратл*.

*Ҳус*²: зайтун ёғи учун – тўккиз³ *ратл*, шароб учун – ўн *ратл*, асал учун – йигирма уч ярим *ратл*.

*Қусуй*⁴ зайтун ёғи учун – тўккиз уқия, шароб учун – ўн уқия, асал учун – ўн уч ярим уқия.

Катта *мастарун*: зайтун ёғи учун – уч уқия, шароб учун – уч уқия ва саккиз *гаромий*, асал учун – тўрт ярим уқия.

Укубофун: зайтун ёғи учун – ўн олти *драхмий*, шароб учун – икки уқия ва чорак *драхмий*, асал учун – уч ва тўртдан биру саккиздан бир уқия.

Қусус: зайтун ёғи учун – ўн икки *драхмий*, шароб учун – бир уқия ва яриму учдан бир *драхмий*, асал учун – иккию чорак уқия.

Кичик⁵ *мастарун*: зайтун ёғи учун – олти *драхмий*, шароб учун йигирма *гаромий*, асал учун – етти *драхмий*».

**ЮҲАННО ИБН САРОФИЮН
«КУННОШИ»ДАГИ ҲАЖМ ВА ОҒИРЛИК ЎЛЧОВЛАРИ⁶**

У дейди: «Бу тўпламда бундай бобнинг кераги йўқ эди, чунки мен ҳар бир ўлчов ва вазни зикр этганимда, уларнинг араб тилида сўзлашувчилар орасида маълум бўлган [номларини] ҳам бера бордим. Бироқ менинг нақлимга мушарраф бўлганлардан бир гуруҳ кишилар бу китобдан бошқа ерда ҳам фойдаланиш учун шу [ўлчовларни алоҳида] шарҳлаб боришимни илтимос қилишди.

Қист юнон тилида гаплашадиган халқ ўртасида маълумдир. Аммо уни ўлчов [сифатида қўллашда] уларнинг ҳаммаси бир фикрда эмаслар, яъни айримлари бир маънода ишлатса, бошқалари бўлак маънода ишлатадилар. *Қист* румликларда бир яриму олтидан бир *ратл*ни ташкил этадики, бу йигирма уқияга тенгдир: Антолиқий⁷ *қисти* – бир ярим *ратл*.

Ратл – ўн икки уқия.

Рум манни – йигирма уқия, *Антоликий ва Миср манни* – ўн олти уқия. *Бир манн* қирқ *истор* бўлади, *ратл* эса – йигирма *истор*.

Истор – олти *дирҳаму* икки *донақ*; бу тўрт *мисқол* демакдир.

Драхмий – бир *мисқол*.

Антоликий даврақи – саккиз *жуҳин*.

Жуҳин – саккиз *Рум қисти*.

Қутулий – саккиз уқия.

Катта мастарун – уч уқия.

Кичик мастарун – олти *драхмий*.

Уксубофун – ўн саккиз *драхмий*.

Қавосус – бир ярим уқия.

Фаромо – чорак *дирҳамдан* икки *донаққача* ёки бундан камроқ.

Унқуш – бир уқия; ҳар бир [уқия] етти *мисқолга* [тенг].

Ун – бир уқия.

*Оёб*¹ асал учун – икки ярим *ратл*, *оёб ёғ* учун – бир ярим *манн*.

Даврақ – уч *ратл*.

Қист асал учун – икки ярим *ратл*.

Ҳомин – беш *истору* йигирма *дирҳам* ва тўрт *убулу*.

Битта Миср боқиласи – тўрт *шомун*.

Убулу – бир ярим *донақ*.

Искандароний камовжиси [?] – уч *убулу*.

Бир бундуқа – бир *драхмий*.

Жавза – ўн тўрт *шомун*.

*Кичик ускурража*² – етти *шомун*.

Катта ускурража – ўн тўрт *шомун*.

Юнон боқиласи – икки *шомуну* икки *убулу*.

Ускурража – олтию чорак *истор*.

Милъақа [қошиқ] асал учун – тўрт *мисқол*, *дорилар* учун – бир *мисқолу* бир *дирҳам*.

Бир нитал – икки *истор*.

Драхмий – олти *убулу*; ҳар бир *убулу* – уч *қирот*; ҳар *қирот* эса – тўрт *шаира*; уч *убулу* тўққиз *қирот* [бўлади].

Қавосус – бир ярим уқия³.

* * *

«Тиб қонунлари» китобининг охири. Оламлар парвардигори Оллоҳга мақтовлар бўлсин, унинг раҳмати – [Муҳаммадга]⁴...



ИЗОҲЛАР



5-бетга

¹ Бунинг *акрабодин* шаклида ёзилиши ҳам учрайди. Бу сўз су-рёний тилидаги *графадин* сўзидан олинган, кейингиси эса, ўз навба-тида, юнонча *графидион* [киска рисола]дан келиб чиққан [Encycl. of Islam 1, 1913, p. 243].

6-бетга

¹ Даволашда бир неча амал қўллашни талаб қиладиган касал-ликларга мураккаб касалликлар дейилади. Содда касалликларда эса фақат бир амалнинг ўзи кифоя қилади, масалан, совутиш ёки киздириш, ёки хўллаш, ёки қуритиш, ёки эритиш, ёки фақат сафро-ни, ёки савдони ҳайдаш ва хоказо (ҚК, 1, 15–16).

² Ўша давр тиб назариясига биноан биринчи даражада иссиқ дори икки жузв иссиқликка, иккинчи даражада иссиқ дори тўрт жузв иссиқликка, учинчи даражадагиси саккиз жузв иссиқликка ва тўртинчи даражадагиси ўн олти жузв иссиқликка эга деб ҳисобланган [Н.А, 9].

7-бетга

¹ Б да шундай; О: «ажрамасдан».

² 12-бетнинг 1-изоҳига қаранг.

³ Аслида шундай; юкорида буриштирувчи кувват ҳақида гап борган эди.

⁴ Яъни иккала томонга ҳам бир хилда йўналадиган бўлади.

8-бетга

¹ Бу ҳақда ҚК да [1, 4-бет] шундай дейилади: «Билгинки, ғизо, шунингдек, дори модда кайфият ва суратга эга; модда ва сурат ҳар иккаласи жавҳар [субстанция] бўлиб, кайфият араз [акцидент]дир». Яна ўша ерда айтиладики, инсон баданига кирувчи нарса фақат ўз сурати билан таъсир кўрсатса, уни *зу-л-хоссия* [алоҳида хусусиятга эга] деб аталади.

² 1-изоҳга қаранг.

³ к, «Қонун» II, №423 (1).

⁴ Яъни алоҳида хусусиятидир; 1-изоҳга қаранг.

9-бетга

¹ к. «Қонун» II, №753, 755.

12-бетга

¹ Тарёк [ёки тирёк] – захарларга қарши ишлатиладиган жуда мураккаб таркибга эга бўлган дори. Бу сўз юнонча *тириака* [Lane, 304; Ковнер, 707]дан олинган; бу терминнинг келиб чиқиши ҳақида X–XI асрда яшаган олим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий шундай ёзади: «Бу юнончада илон ва шунга ўхшаш чакувчи ҳайвонларни билдирувчи *тирийун* сўзидан олинган» [«*Мафотиҳ ал-улум*», 175]. Тарёкнинг энг яхши хилини катта тарёк ёки *тарёқ форуқ* [айирувчи тарёқ] деб аталади. Ҳақиқатни ёлғондан ва яхшилиқни ёмонликдан усталик билан фарқ қиладиган кишига нисбатан *форуқ* дейилади. Яхши тарёк касалликни соғлиқдан [Lane, 2386] ёки ўлимни ҳаётдан, ёки захарни инсон табиатидан ажратгани учун [ҚК, I, 183] унга ҳам *форуқ* исми берилган.

² *Маъжун* [жами *маожин*] сўзининг луғавий маъноси қорилган ва хамир қилинган бўлиб, *ажин* [хамир] сўзидан олинган. Бу термин билан таркибий қисмлари яхшилаб янчиб, эзиб аралаштиргандан кейин асалга ёки қанд қиёмига, ёки бошқа бирон шарбатга қориш орқали тайёрланадиган мураккаб дори ифодаланади; бу таркибни қориштиргандан кейин қирқ ёки ундан ортик, ёхуд кам кунгача ачи тиш учун қўйиб қўйилади. *Маъжун* билан *жуворишн* тайёрлашдаги асосий айирма шундан иборатки, биринчисининг таркибига кирувчи моддалар жуда майдалаб янчиб эзилади, иккинчисиники эса бир оз йирикроқ янчилади [ҚК, II, 438–439].

³ Б да қўшилган: «ва унинг таркибининг баёни».

⁴ Андромах [отаси] Критда туғилган бўлиб, Рим императори Нероннинг [эрамизнинг 54–68 йиллари] сарой табиби эди. У тарёк ҳақида махсус шеърый рисола ёзган [Ковнер, 792].

13-бетга

¹ *Турмус* – Миср боқиласи; китоб охиридаги вазнлар жадвалига қаранг.

² к. I жумла, 6-мақола.

³ к. «Қонун» III, 2-жилд, 205-бет.

14-бетга

- ¹ Sontheimer [7-бет] *сумқутунни* *Symphytum officinale* [окопник аптечный] деб таржима қилган.
- ² қ. «Қонун» III, 1-жилд, 81-бет.
- ³ қ. «Қонун» III, 1-жилд, 189-бет.
- ⁴ МА нинг кўрсатишича, *андрухурун* кандулнинг юнонча исми-дир; О: «*андрухурун*».
- ⁵ Яъни йигирма тўрт мисколдан.
- ⁶ Қаранг: «Қонун», II, №473.
- ⁷ Б: «аччиқ куст».
- ⁸ О: «*солосфис*», Б: «*софаслис*». Қуйироқда [15-бет] Ибн Синонинг ўзи буни оқ индов деб изоҳлайди.
- ⁹ Қаранг: «Қонун», II, №341, 342.
- *¹⁰ Б: «мурр».

15-бетга

- ¹ Б да қўшилган: «ва иссиқ».
- ² Б да шундай, О: «*андрухурун*»; 14-бетдаги 4-изоҳга қаранг.
- ³ «*Тин ул-буҳайра*».
- ⁴ Б: «уд, пион гул». «Қонун», II, №533.
- ⁵ Б: «хўл».

16-бетга

- ¹ *Тило* шароби ёки *тилони* тайёрлаш ҳақида қ. шу китоб, 281-бет.
- ² Б дан қўшилди.
- ³ *Моқдуниё* – петрушка «Сайдана», №1010; Б: «*ал-моқдиюн*».
- ⁴ Б: «*Ҳинд содажи* баргидан»; бундан ташқари, Б да дориларнинг тартиби бир оз бошқача.
- ⁵ Б дан қўшилди.

18-бетга

- ¹ Б: «тўрт».
- ² Б да шундай; О: «ҳар бир ярмида».
- ³ Яъни уларни тутмаслик керак.
- ⁴ «*Комил ус-синоъа*» [529-бет]да бунинг акси айтилади: «Улар денгиз кирғоқларидан, дарахт ва ўсимликлар ўсадиган жойлардан тугилади».
- ⁵ *Баллутийа*.

⁶ «Комил ус-синоъа»да [530-бет]: «қуритиб янчилган яхши ок нондан гўшт вазнича олиб аралаштирилади».

19-бетга

¹ Б: «Ҳинд сунбули».

20-бетга

¹ Митридат VI Евпатор – Понт подшоларидан бўлиб, милоддан аввалги 132-63 йилларда яшаган; у захарларга қарши турадиган мураккаб дорини кашф қилган эди; бу дори шу подшонинг номи билан юритилиб, кўп асрлар давомида кенг қўлланилиб келган [Ковнер, 707; Sarton I, 214].

² Б: «Митридатнинг умумий нусхаси».

³ Б: *соласфис*.

⁴ Б: «*мост*, яъни сақич».

⁵ Б: «*молоясирун*».

⁶ Қуйироқда бу кулчаларни тайёрлаш усули келтирилади.

⁷ қ. «Қонун» II, №408.

⁸ «Суррат сақанқур». «Комил ус-синоъа»да [II, 541] кўрсатилишича, дарахт пўкаги [*зориқун*] шу ном билан ҳам юритилади.

21-бетга

*¹ Б дан кўшилди. Собур ибн Саҳл Гундишопур касалхонасига бошчилик қилган ва «Қарободин» тузган табиб; у 869 йили вафот этган [GAL, I, 232].

² Б: «Ибн Сарабиюн нусхасида».

³ Яъни Эзра.

⁴ қ. «Қонун» II, №339.

⁵ Б да шундай; О да бу сўз нуктасиз ёзилган, уни *каранб* [яъни *карам*] деб ўқиш ҳам мумкин.

⁶ Б: «*анобис*».

⁷ Б да шуидай, О: «гулидан».

22-бетга

¹ Б да шундай; О: *му*; қ. «Қонун» II, №404.

² Б: «*қуст*, *мурр*».

³ Б: «*ўтгиз*».

⁴ МА да кўрсатилишича [II, 84-бет], уч йиллик узум шаробига *жумҳурий* дейилади.

⁵ Б: «икки ярим».

⁶ «Идон суфр».

23-бетга

¹ қ. «Қонун» II, №242.

² Б: «керакли».

24-бетга

¹ Б: «адрумаъмаво», ҚК [1, 231] ва ҚС [225-бет] муаллифлари буни *акуркумаъмо* кулчалари, яъни заъфарон ёғи куйкаси [«Қонун», II, №621] кулчалари билан тенглаштирадилар; 48-бетдаги 2-изоҳга қаранг.

² Олдинги изоҳга қаранг.

³ Б: «бузург дору маъжуни»; «бузург дору» форсчада «буюк дори» демакдир.

25-бетга

¹ Б: «қолганларини».

² Б: «ёшлар учун озик-овқатдир».

³ Яъни гапиришни енгиллаштиради.

⁴ *Ибрида* – баданда совуқлик ва рутубатнинг ортиб кетиши натижасида келиб чиқадиган жинсий заифлик [ҚК ва Lane].

⁵ Баъзан *шиласо* шакли ҳам учрайди. ҲА да [446 варақ] кўрсатилишича, бу сўз юнончадан олинган бўлиб, арабча маъноси *ҳибат ул-лоҳ* [тангри совғаси] демакдир. Бу дорининг фойдаси жуда кўп бўлганидан шу ном берилган, дейдилар [МА, II, 134].

*⁶ Б дан қўшилдн.

⁷ *Ҳадис ун-нафс*.

⁸ Б: «қусиш».

26-бетга

¹ Илдизлар деганда одатда тўрт ўсимликнинг илдизи тушунилади: арпабодиён, сачратки, петрушка ва ковул [МА, I, 167].

² П да шундай, О ва Б да: «ғолиб оғрикларда».

³ Ибн Синонинг бу сўзларидан маълумки, у *шалисонинг* деярли барча касалликларга даво бўлиши ҳақидаги табибларнинг гапига шубҳа билан қарайди; унинг таркибига бу қадар кўп нарсаларни киритиш ҳам унга кераксиз туюлади. Қуйироқда Ибн Сино ўз рецептини келтиради, ундаги моддаларнинг миқдори анча кам.

⁴ «Қизил олтингугурт» деганда фосфор назарда тутилса керак, чунки МА да [III, 158] олтингугурт кони кечаси ёруғлик чиқаради, дейилган.

⁵ Б: «ок исирик».

⁶ *Шашбандон* – *фоширистиннинг* форсча исми [МА, II, 121]; *фоширистин* ҳақида «Қонун» II, №577 га қаранг.

⁷ Б: «икки».

⁸ Шундан кейин матнда қайтариш бор: «қорачайир гулидан – ўн дирҳам»..

⁹ қ. «Қонун» II, №81.

¹⁰ *Хум ул-мажус* – Morettia; «Сайдана», №1100.

27-бетга

¹ Бу *асоби суфрнинг* форсча таржимаси бўлса керак; бу ҳақда «Қонун» II, №28 га қаранг.

² қ. «Қонун» II, №69.

³ Б: «тўрт».

⁴ Б да қўшилган: «бу боғ қалампирмунчоғидир».

⁵ Б дан қўшилди.

*⁶ Б: «нон тузи, яъни хамир тузи».

⁷ қ. «Қонун» II, №803.

⁸ *Кавардон* – grillus, L. [Dozy II, 498].

28-бетга

¹ Б: «тоғ сунбули илдизидан».

² Б да қўшилган: «ва бир донақ».

³ МА [I, 273]да кўрсатилишича, *бадашгон* – *қотил ул-абиҳнинг* бошқа номидир. Dozy [II, 308] *қотил ул-абиҳни* arbousier деб аниқлайди [русчаси – толокнянка].

⁴ Б ва Sontheimer: «анжир», яъни улар *тибн ўрнига тин* ўқийдилар.

⁵ *Анушдору* – форсчада «ҳазм қилувчи дори» демакдир [ҚК, I, 273], у *жуворшинлардан* бири ҳисобланади.

29-бетга

¹ Б дан қўшилди.

² МА да шундай ёзилган; Б: «*шажарий*». Бунинг таркибига канддан ташқари «юлғун асали», янтоқшакар ва арпа уни қўшилади [МА, II, 252],

³ Яшил идиш деганда, устига яшил сир берилган сопол идиш тушунилса керак.

⁴ *Фаланжа* (ёки *афланжа*) – манбаларда кўрсатилишича, бу Ҳиндистонда ўсадиган бир ўсимликнинг уруғидир. Бу ўсимликнинг баландлиги бир газ, барглари бодом баргларига ўхшаш ва гуллари оқ бўлади. Уруғи хардал уруғига ўхшайди, бироқ тўқ кизил рангли, ўткир ҳидли ва аччиқ мазали бўлади. Антокий, I, 235; Dozy, I, 29.

30-бетга

¹ Б дан қўшилди.

² Яъни юрак сиқилишини тарқатади.

³ 29-бетдаги 2-изоҳга қаранг.

⁴ «Қуст, мурр» деб ўқиш ҳам мумкин.

31-бетга

¹ *Итрифул* ва *атрифал* шаклида ўқилиши ҳам учрайди. ҚҚ [I, 314] ва «Ғиёс ул-луғат»да айтилишича, бу сўз ҳиндча «*три пхал*» [уч мева]нинг арабчалаштирилганидир. Уч мевадан мақсад бу дорининг асосий қисмини ташкил этувчи ҳалила, балила ва омиладир. Хоразмийнинг МУ да ҳам [176-бет] шунга яқин фикр келтирилади. Бу маъжунни тайёрлаган биринчи табиб сифатида милодий эллигинчи йилларда яшаган Андромах I ни кўрсатадилар [бу табиб хақида қаранг: Ковнер, 792].

² *Ширамлаж* – сут билан пишириб ишланган омила [М.А].

³ қ. «Қонун» II, №102.

⁴ Зомихрон – шу дорини тайёрлаган Ҳинд табибининг исми [ҲА, 44 б варақ].

32-бетга

¹ Ратба.

² Б: «ёввойи таррак».

33-бетга

¹ *Ратоб* – *Medicago sativa* [Sontheimer, 29].

² Б да хато босилган: *ал-қунно ал-баррий*.

³ *Норикайво* – *Papaver rhoeas* [Sontheimer, 30].

⁴ Арабча матнда қайтарик бор.

34-бетга

- ¹ Б дан қўшилди.
² к. «Қонун» II, №215, 216.

35-бетга

- ¹ Б да шундан кейин «яъни *ал-азиз*» дейилган. О даги сўз ноаниқ ёзилган.
² Б да шундай, О: «сув қўшилган сирка».
³ *Хуноқ* – к. «Қонун» III, 2-жилд, 471-бет.

36-бетга

- ¹ Аслида *фижсан*; МА [II, 278]нинг кўрсатишича, бу газাগўтнинг юнонча исмидир.
² ҲА [45а варақ]да кўрсатилишича, бу сўзнинг маъноси «кўп фойдага эга» демакдир. Бу маъжунни форс табиблари ихтиро қилганлар [МА, III, 4; Қ.К, I, 257].
³ Баъзи китобларда [*Ақрабодин ал-Қалонисий*, ЎЗР ФАШИ қўлёзмаси, №4641, 15 б варақ] *кашута* [ёки *кашусо*] шаклида ёзилиши ҳам учрайди. Қуйироқда Ибн Синонинг ўзи бу дорининг қандай тайёрланишини баён қилади.
⁴ Бу сўз иккала матнда ҳам ноаниқ ёзилган; ҚК га асосланиб тузатилди.

37-бетга

- ¹ «Қонун» I, Биринчи фан, IV таълим, I-фасл.

38-бетга

- ¹ Б дан қўшилди.
² *Шажазониё* – «кўп манфаатга эга» маъносида [*Комил ус-синоъа*, II, 535]; ҲА [44 б варақ]нинг муаллифи буни *сажазаниё* шаклида келтиради ва «иссиқ дори» маъносида деб изоҳлайди.
³ Ёки бодларга – *риёҳ*.

39-бетга

- ¹ Б дан қўшилди.
¹ Б: «бир *фула* [яъни боқила] донаси».
³ Б: «*Амрусие* ва унинг фойдалари». Бу сўз юнончадаги ўлмаслик, мангуликдан олинган. Баъзи нусхаларда *амирусие* шаклида ёзилиши ҳам учрайди.

40-бетга

- ¹ Балозур ҳақида қаранг: «Қонун» II, №86.
- ² Б: «ровоч».
- ³ Балозур ўсимлигини сикқанда чиқадиган ёпишқоқ қора шира «балозур асали» деб юритилади [МА, II, 210].
- ⁴ Б да қўшилган: «уч марта».
- ⁵ Б: «Собур нусхаси», яъни Собур ибн Саҳл нусхаси демоқчи.

41-бетга

- ¹ Юнончаси – *аристон*.
- ² Иккала нусхада ҳам шундай. МА [I, 96]да: «озарбу». «Қонун» II, №16, 533.
- ³ Б: «ўн».
- ⁴ ҚК [I, 233]да айтилишича, *бодмуҳраж* – *дахмурто* сўзининг таржимасидир [42-бетнинг 1-изоҳига қаранг]. «Захира» муаллифи *дахмуртонинг* нусхасини келтиргандан кейин бу дорининг баъзи китобларда *бодмуҳраж* деб аталганлигини ёзади [526 а варақ]. «Қарободин ул-Қалонисий»да бу сўзнинг маъноси «сурувчи, ҳайдовчи» [*ал-ҳодура*]дир, чунки у елларни ва ҳайз қонини ҳайдайди дейилган [15 б варақ].

42-бетга

- ¹ Бу *подзаҳр* сингари форсча қўшма сўз бўлиб, арабча маъноси *тарёқ ар-риҳ*, яъни елни йўқотувчидир [ҚК, I, 360].
- ² Б дан қўшилди.
- ³ Б: «ҳарам ул-мажус», 26-бетнинг 10-изоҳига қаранг.
- ⁴ Б дан қўшилди.
- ⁵ Б дан қўшилди.
- ⁶ Бу маъжунни биринчи марта таркиб қилган табиб Салим ибн Довуд бўлганидан, у шу ном билан аталган; унинг таркибига кирадиган заъфарон рангини сариқ қилади [ҚК, I, 213]. «Қарободин ул-Қалонисий»да кўрсатилишича, [15 б – 16 а варақлар], бу маъжунни биринчи марта тайёрлаган Салим исмли киши Абдуллоҳ ибн Абу Бакрнинг вакилларида бири бўлган.

43-бетга

- ¹ «Қонун» II, №576–577.
- ² Бунинг таркибига китрон қўшилганидан, ранги қора бўлади [1-изоҳга қаранг].

- ³ *Масс.*
⁴ Ҳаддан ташқари хазинлик маъносида.
⁵ Б: «Набат».
⁶ Б: «собизаж».
⁷ Б: «Абу Муслим».
⁸ Луғавий маъноси «кутқарувчи»дир.

44-бетга

- ¹ Матнда шундай.
² Юнонча *атанасиа* [«ўлмаслик»]дан олинган. Шарқ тиб китобларида бу сўзни *мунқиз* [«кутқарувчи»] деб изоҳлайдилар [ҚК, I, 211; МА, I, 125; «Қарободин ул-Қалонисий», 15 б варақ].
³ Қон аралаш ич ўтиши; бу ҳақда «Қонун» III нинг 2-жилдига қаранг.
⁴ Лотинча «*Philonium*» – милоннинг 20-йилларида *Herennius Philo* томонидан кашф этилган дорининг исми [Ковнер, 791]. *Филуниё* икки хил бўлади: румий ва форсий [ҚК, I, 214].

45-бетга

- ¹ Б: «гулсапсар».
² *Куркум* деганда одатда заъфарон назарда тутилади.

46-бетга

- ¹ *Баност.*

47-бетга

- *¹ Б дан кўшилди.
² *Маёмир* – сурёний тилида «мақола» маъносида бўлган *маймар* сўзининг кўплиги. Жолинуслинг ўн етти мақоладан иборат *De Compositione medicamentorum* асари Шарқда шу ном билан машҳур бўлган [Забихулло Сафо. «Тарихи улуми ақлий дар тамаддуни исломий», Техрон, 1336/1958, 357 ва 372-бетлар].

48-бетга

- ¹ *Ҳандиқун* – ичига асал ва турли дориворлар солиб қайнатилган шароб [қуйироқда, 108-бетга қаранг].
² Бу ҳақда қуйироққа қаранг; шуни ҳам айтиш керакки, у ерда гап *қурқумаъмо* маъжунни эмас, кулчалари устида боради; 24-бетдаги 1-изоҳга қаранг.

³ Б: «ва».

⁴ Қалдирғоч кули куйидагича тайёрланади: қалдирғоч боласини сўйиб, патлари юлинади ва қорнини ёриб, ичидаги нарсалари олиб ташланади. Кейин ювиб, туз сепилади ва кўзачага солиб, оғзини лой билан яхшилаб беркитгандан кейин тандир ёки ўчоқда чўққа кўмиб қўйилади, шу ҳолда қалдирғоч куйиб бўлгунча колдирилади [ҚК, I, 25].

49-бетга

¹ қ. «Қонун III, 1-жилд, 186-бет.

² Б: «бир йилдан».

*³ Б: «ёшига қараб».

⁴ Юҳанно [ёки Яҳё] ибн Сарофиюн [Серапион] – IX асрда яшаган табиб, у ўз асарларини сурёний тилида ёзиб, кейин араб тилига таржима қилган [GAL, I. 233].

⁵ қ. I жумла, 6-мақола.

⁶ Б: «меъдани тозалайди».

⁷ *Қубод* – Сосонийлар сулоласига мансуб бўлган Эрон шоҳларидан бири; 531 йилда вафот этган.

50-бетга

¹ Б: «ёввойи газাগўт уруғи»

² Б дан кўшилди.

³ Б да кўшилган: «ёки *жумҳурийда*».

⁴ *Қафторгон* – форсча *кафторгоннинг* арабчалаштирилган шаклидир; бу дорининг таркибига *кафтор* [сиртлон, ёлдор бўри] нинг қайнатмаси кўшилгани учун уни шу исм билан атаганлар [ҚК, I, 256].

⁵ «Қонун» II, №197, 576, 577.

51-бетга

¹ Бу Қибрис [Кипр] оролидан чиқариладиган бир турли лой; уни офтобда қуришиб куйдирилади, шунда у тошга ўхшаб қотиб қолади [МА, I, 172; II, 33].

² Қаранг: «Қонун» II, №69.

³ *Сурборид* – *норимушкнинг* бошқа бир исми [ҚК, I, 256].

⁴ Б. «Эригандан».

52-бетга

- ¹ қ. I жумла, 1-мақола.
- ² Бунинг бошка исми – *бадошқон, кафф ул-калб* [русчаси – толокнянка].
- ³ Бу сўз одатда шу шаклда ёзилса-да [«Қонун» II, №103], бу ерда *баранж* шаклида ёзилган, уни *биринж* ўқиса ҳам бўлади, бунда у бронза маъносида бўлади.
- ⁴ Бу сўз хиндча *пхалпхалонадан* олинган; *пхал* хинд тилида мева демақдир, бу ерда мевадан мақсад шу маъжуннинг таркибига қўшиладиган ҳалила, балила ва омиладир [ҚК, I, 333].

53-бетга

- *¹ Б: «қизил туз, набат тузи».
- *² Б дан қўшилди.
- ³ Б дан қўшилди.
- *⁴ Б: «*атмот*, яъни *кашт бар кашт*»; *кашт бар кашт* ҳақида «Қонун» II дан №354 га қаранг.
- ⁵ Бироқ юқорида *хиёршанбар* кўрсатилгани йўқ.
- *⁶ Б дан қўшилди.
- ⁷ Арабча аслида шу жумла бир оз ноаниқроқ, умумий маънога қараб, тузатиб таржима қилинди.
- *⁸ Б дан қўшилди.

54-бетга

- ¹ Б: «уч».
- ² Б: «тоза».
- ³ *Фирузнуш* – форсча қўшма сўз бўлиб, маъносини «муборак ҳазм қилувчи»дир [*ал-ҳозим ал-муборак*]; ХА, [44 б варақ].

55-бетга

- ¹ Уруғлар деганда арпабодиён, петрушка ва Рум арпабодиёнларининг уруғи назарда тутилади.
- ² Ақиқ – сердолик.

56-бетга

- *¹ О да шу сўзларнинг устидан чизиб қўйилган.
- ² Яъни ҳўллаб, қуригунча ишқалаб эзиш.
- ³ Бирон нарсанинг оҳаги деганда у нарсани куйдириш натижасида ҳосил бўлган модда тушунилади.

⁴ Гален одатда «ж» ҳарфи билан Жолинус шаклида ёзилар эди. Бу ерда ҳамма нусхаларда ҳам «ғ» билан ёзилган.

*⁵ Б: «юқори нафасга».

⁶ *Ино музоаф*; баъзан *қидр музоаф* [икки қават қозон, қўшалок қозон] деб ҳам келади. Бу шундан иборатки, бир идишга сув солиб, сувга бошқа бир кичикрок идиш қўйилади, қиздирилиши ёки қайнатилиши керак бўлган нарсани мана шу кичик идишга солинади; кейин биринчи идишнинг тагидан олов ёкиб, унинг ичидаги сувни қайнатади, сув эса иккинчи идишдаги нарсани иситади. Бу ҳозир «сув ҳаммоми» дсб аталадиган асбобнинг ўзидир.

⁷ *Хилфа* – ич суришнинг бир тури бўлиб, бунда ейилган овқат қоринда керакли даражада ушланиб турмай, бирдан – тезликда ичдан ўтиб кетади; шунда баъзан ҳазм бўлади, баъзан эса бузилган ҳолда ўтади. Баъзилар уни *зарабдан* фарқ қилмайдилар. Бироқ ич суриш даврий равишда бўлса, *ихтилоф* деб аталиб, хилма-хил бўлса, *хилфа* деб юритилади [Арзоний, 23].

57-бетга

¹ Луғатларда [Dozy I, 403; МА, II, 163] *хомадрус* билан *камодриус* [ёки *камодариус*]ли бир нарса деб кўрсатилган. Кейинги ўсимлик ҳақида «Қонун» II дан №342 га қаранг.

² *Хурф* – индов.

³ Б: «суюлтирилган асал шароби».

⁴ Б дан қўшилди.

⁵ Б дан қўшилди.

⁶ Б: «ёки».

58-бетга

¹ Қаранг: «Қонун» II, №97, 569, 695.

² Б да қўшилган: «тангрининг изни билан».

³ Б дан қўшилди.

59-бетга

¹ Б: «Қиюмо».

² *Уср ул-бавл*.

³ *Фул* – боқиланинг бошқа исми; баъзан нўхат шу исм билан аталади. «Сайдана», №132 (2).

60-бетга

¹ «Қонун» II, №143.

62-бетга

¹ *Иёраж* – юнонча *ийра* сўзининг арабчалаштирилган шакли. Б: «*Иёражлар* тўғрисида қаноатлантирувчи сўз».

*² Б дан қўшилди

³ *Таъвил* – бирон сўз ёки иборанинг зохирий эмас, балки ички маъносини бошқа бир ибора билан ифодалаб тушунтириш.

⁴ Б дан қўшилди.

⁵ Хамир тузи деганда ўсимликдан олинадиган сода тушунилса керак [Dozy II, 99].

⁶ Иккала нусха [О ва Б]да ҳам ноаниқлик бор, П дан таржима қилинди.

63-бетга

¹ Б дан қўшилди.

² Сирка ва қалампирмунчок қўшиб, гўштдан тайёрланадиган овқат [МА, II, 120].

³ Юнончаси – *ийра пиксра*. Бунинг асосий таркибий қисми сабр бўлгани учун мазаси аччиқ бўлади.

*⁴ Бизга маълум қўлёзма нусхаларнинг ҳаммасида ҳам шундай; бироқ матннинг шу ерида ноаниқлик бор, чунки бу ерда кўрсатилган нисбат қуйроқда келтириладиган нусхадаги нисбатга тўғри келмайди. Б да текстнинг шу жойи жуда кенгайтириб берилган: «Улардан баъзилари сабр бир юз йигирма *мисқол* бўлганда, ислоҳ қилувчи дориларнинг вазнини ўттиз олти *мисқол* қилиб оладилар-да дорчин, бальзам ёғочи, туёғўт, сунбул, заъфарон ва мастаки билан чекланиб, буларнинг ҳар биридан олти *мисқолдан* қўшадилар; ёки қирк саккиз *мисқол* қилиб, бу олтита дори билан чекланмайдилар, балки уларга яна ҳар бири олти *мисқолдан* олинган Цейлон дорчини билан бальзам уруғини ҳам қўшадилар. Баъзи [табиблар] эса ислоҳ қилувчи [дориларнинг] оғирлиги юқорида кўрсатилган икки вазндан бирига [яъни ўттиз олти ёки қирк саккиз *мисқолга*] тенг бўлганда сабрдан саксон *мисқол* оладилар; бошқалар эса ислоҳ қилувчи дориларнинг оғирлиги юқорида кўрсатилган икки вазндан бирига тенг бўлганда сабрдан юз *мисқол* оладилар; баъзилар бу дориларнинг микдорини сабр вазнининг учдан бирига тенг қилиб оладилар, бошқалар эса бу дорилардан сабрнинг ярим вазнича оладилар, баъзан бундан

бир оз орттирадилар ёки камайтирадилар. Юханно айтганларининг ҳаммасининг маъноси Жолинуслининг «Соғлом кишилар тадбири» [асарининг] Олтинчи мақоласида ва «Искандарияликлар тўплами»дадир. «Тўплам» [ва] «Соғлом кишилар тадбири»нинг Олтинчи мақоласидаги сўз шундай тузатилган [?]: *иёраж фикро* уч хил тайёрланади, биринчисида юз *мисқол* сабрга бошқа дориларнинг ҳар биридан олти *мисқолдан* солинади, иккинчисида тўқсон *мисқол* сабрга бошқа дориларнинг ҳар биридан олти *мисқолдан* солинади ва учинчисида саксон *мисқол* сабрга бошқа дориларнинг ҳар биридан олти *мисқолдан* солинади.

65-бетга

¹ Павел Эгинский; арабчада Бавлус ёки Фавлус шаклларида ёзилади.

² Яъни қора, ок ва узун мурчлар.

66-бетга

¹ Арабчада Аркоғонис шаклида ёзилган.

67-бетга

¹ Юнончаси *теодоритос* [«тангри хадяси»]. ҚК [II, 186]да кўрсатилишича, бу юнон подшоларидан бирининг исми бўлиб, шу дори унинг учун ёки унинг замонида тайёрлангани учун шу исм билан аталган.

68-бетга

¹ Б дан кўшилди.

69-бетга

*¹ Б дан кўшилди.

71-бетга

¹ МА да кўрсатилишича, бу узун аристолохия ёки Абу Жаҳл тарвузининг кичик тури, ёки гентиана бўлиши мумкин. Sontheimer [74-бет] эса «узун бодринг» деб таржима қилган.

² О да «*Филогурос*», Б да эса «*Биёгуро*» шаклида ёзилган.

³ Бир нусхада: «*Юстус*».

72-бетга

- ¹ Sontheimer да «Тһму» [75-бет]; Б: «Таъмуво».

73-бетга

¹ *Жуворишн* – форсча *гўворишн* ёки *гўворишининг* арабчалаштирилган шаклидир. Бу сўз форсчада «овқатни ҳазм қилмоқ» маъносида бўлган *гўворидан* феълидан олинган, шунинг учун *жуворишн* сўзининг луғавий маъноси «ҳазм қилиш» демакдир. Умуман бу термин билан меъданинг ишини яхшилаш ва ҳазмни кучайтириш учун хизмат қиладиган дорилар ифодаланани. *Жуворишнлар* ҳам маъжунларга ўхшаш бўлади; лекин уларнинг бошқа хил маъжунлардан фарқи шуки, улар меъдада узоқроқ ушланиб турсин учун таркибий қисмлари жуда майдалаб юбормасдан, йирикроқ қилиб янчилади. Бундан ташқари, *жуворишнлар* доимо хушмаза қилиб тайёрланади, бошқа маъжунлар эса ширин ҳам, аччиқ ҳам бўла беради [ҚК, I, 441].

² *Ал-жуворишн ал-каммуний*.

*³ Б: «кексаларда балғам ғалаба қилганда».

⁴ Яъни Арманистонда чиқариладиган содадан; «Қонун» II, №87.

⁵ Бурақ – к. «Қонун» II, №87 (1).

74-бетга

¹ Яъни овқатдан кейин.

² Б: «Арискулитус».

75-бетга

¹ Ал-Хузий; кўпинча *ал-жуворишн ал-Хузий* деб келади. Бу иборани Хузистон *жуворишни* ёки хузистонликнинг *жуворишни* деб таржима қилиш мумкин. Ал-Хузий [яъни хузистонлик] деганда Хузистондаги Гундишопур касалхонасида мудирлик қилиб, 22 китобдан иборат «Қарободин» ёзган ва 869 йилда вафот этган табиб Собур ибн Саҳл назарда тутилса керак, чунки ал-Хузий нисбаси одатда кўпроқ шу табибнинг исмига кўшилади [Ибн Аби Усайбиъа, I, 161 ва 176-бетлар].

² Салмавайх ибн Бунон халифа ал-Муътасимнинг [833–842] шахсий табиби бўлган ва 840 йилда вафот этган [ММ, XIX бет; Ибн Аби Усайбиъа, I, 164–170-бетлар].

³ Мутаваккил аббосий халифаларидан бўлиб, 847–861 йиллар мобайнида ҳукмронлик қилган.

⁴ Бу Ҳунайн ибн Исҳоқнинг [877 да вафот этган] замондоши Исроил ибн Закарийё ат-Тайфурий бўлса керак [бу ҳақда қаранг: Ибн Аби Усайбиъа, I, 157-бет].

76-бетга

¹ Б дан қўшилди.

² Ал-жуворишн ал-фалофилий.

³ Б: «алфандадиқун»; ҚК [I, 444]да «кандариқун» шаклида ёзилган ва бу Рум жуворишнларидан деб кўрсатилган.

⁴ Ҳирозмо Sontheimer да (81-бет) ёввойи турп деб таржима қилинган. Антокий [322-бет] ва Ягелло луғатларида [Полный персидско-арабско-русский словарь, Ташкент, 1910], «ялпиз» деб кўрсатилган.

77-бетга

¹ 75-бетдаги I-изоҳга қаранг.

² Б дан қўшилди.

³ Яъни шакарқамиш шираси.

⁴ Бу термин билан истиско вақтида қоринга суюқлик йиғилиши ифода этилади [ҚК, I, 34], бироқ сариқ катаракта ҳам шундай аталади [Dozy, II, 625].

*⁵ Б дан қўшилди.

⁶ Аслида: «новвот асали».

78-бетга

¹ Яъни Эрон.

² Яъни подшоҳлар.

³ Хурмонинг қизил рангли майда хили. «Сайдана» №219 (1).

79-бетга

*¹ Б дан қўшилди.

² Б да шундай, О: «уч дона».

³ Хурмонинг қизил рангли, қаттиқ, сергўшт ва ширин хили [МА, II, 171].

80-бетга

¹ Усқуф.

² Б: «мускат ёнғоғи қобиғи, крахмал».

81-бетга

¹ Б: «Фанжйуш». Бу форсча *панж нушининг* арабчалаштирилганидир. Унинг луғавий маъноси «беш ҳазм қилувчи» [*ал-ҳозим ал-хамса; ҲА, 446-варақ*] бўлиб, булардан қуйидаги бешта нарса назарда тутилади: уч хил ҳалила, темир чирки ва асал [ҚК, I, 273].

² Б: «ўн тўрт».

82-бетга

¹ Б: «набизга».

83-бетга

¹ Б дан қўшилди.

*² Б дан қўшилди.

³ Б: «Меъда заифлиги ва мизож иссиқлиги».

84-бетга

¹ *Сафаржалий*.

86-бетга

¹ Б дан қўшилди.

*² Б дан қўшилди.

*³ Б дан қўшилди.

⁴ Яъни икки соатдан кейин овқат ейлади.

*⁵ Б: «мускат ёнғоғи».

⁶ Б да қўшилган: «Оллоҳи таолонинг изни билан».

87-бетга

¹ *Сафара* [*суфор* шакли ҳам учрайди] – жигар ва қовурға учларининг тагида бўладиган касаллик бўлиб, бунда касалнинг ранги жуда сарғайиб кетади. Гоҳо истискодаги сингари коринга сув йиғилишини ҳам шу исм билан аталади [Арзоний, 36; ҚК, I, 51].

² Б: «йигирма икки».

³ *Масҳақуниё* – шиша, сурма, қалимиё, куйдирилган мис ва бошқа нарсалардан тайёрланадиган мураккаб дори [МА, III, 85]. Ўрта асрларда Европада буни *massacunia* деб юритилган [Dozy, II, 590].

88-бетга

¹ Б дан қўшилди.

89-бетга

¹ Иккала нусхада ҳам шундай ёзилган, эхтимол *филфилмуя* [яъни мурч илдизи] бўлса керак.

² *Нори қайсар* турли манбаларда турлича кўрсатилади: баъзилар уни *норимушк* десалар, бошқалар лолақизғалдоқ дейдилар [МА, III, 135].

³ Б дан кўшилди.

90-бетга

¹ Б дан кўшилди

**² Б дан кўшилди.

91-бетга

¹ Б да кўшилган: «қизил ва оқ».

93-бетга

¹ *Ҳабб ул-қилқил*; ҳар иккала нусхада ҳам *ҳабб ул-филфил* [яъни мурч донаси] шаклида ёзилган бўлса ҳам, биз юқоридагича ўқидик.

94-бетга

¹ Яъни кукунлар.

² *Қамиҳа*, кўплиги *қамойиҳ*.

³ Яъни машҳур ва фойдаси умумий бўлган элаки дориларгина келтирилади [Учинчи мақоланинг бошланишига қаранг].

⁴ Қовурилган индов уруғини *мақлийёса* дейилгани учун таркибига шу хил индов кўшиладиган элаки дори ҳам шу исм билан аталади [МА, III, 98].

⁵ Б да шундай, О: «учдан бир».

*⁶ Б дан кўшилди.

*⁷ Б дан кўшилди.

*⁸ Рум сақичи деганда, мастаки назарда тутилади [МА, II, 220].

95-бетга

*¹ Б дан кўшилди.

² *Барсом* – плевритнинг бир тури.

³ Б: «тўрт мисқолдан».

96-бетга

¹ Бармакийлар хонадонидан чиққан кўп кишилар аббосий халифалари ҳузурда вазирлик мансабини эгаллаб келган-

лар. Бу хонадоннинг асосчиси – Бармак табибчилик билан ҳам шуғулланган.

² Б: «шуларнинг ҳаммасича».

³ Қизиғи шуки, бу дорининг таркибий қисмлари ичида денгиз пиёзи йўқ.

*⁴ Б дан қўшилди.

97-бетга

¹ Б да бу дори юқорисидагидан олдин келтирилган.

² *Қирт* – ганданонинг бир хили; бу *қурт* деб ўқилса, форс тилида *шабдор* деб аталувчи ўсимликни ифодалайди [МА, II, 292]. Бу сўзни *қараз* деб ўқиса ҳам бўлади, *қараз* ҳақида «Қонун» II, №660 га қаранг.

98-бетга

¹ Б дан қўшилди.

99-бетга

¹ Яъни бу ерда ҳам машхур ва манфаати умумий бўлган нусхаларгина келтирилади.

² Б: «*Касмаҳоний*».

101-бетга

¹ *Шиёф*, асосан, икки хил бўлади: 1) кўз ва бурун касалликларида ишлатиладигани; 2) ичак ва бачадон касалликлари учун ишлатиладигани. У қуйидагича тайёрланади: зарур дориларни яхшилаб майдалаб янчгандан кейин сув ёки биронта ўсимлик шираси билан қориштирилади. Сўнгра шу хамирдан дуб ёнғоғига ўхшаш кичик шамчалар ёки думалоқ ғўлакчалар тайёрлаб, сояда қуритилади. Буларни истеъмол қилиш керак бўлганда, уларни яна бошқатдан сув ёки биронта мувофиқ келадиган ширада ивитиб, кўзга томизилади ёки суртилади. Ичак ва бачадон касалликларида *шиёф* остдан кўтарилади [ҚК, II, 171]. Ҳозиргина юқорида келтирилган нусха бўйича тайёрланган *шиёф* эса оғиз орқали истеъмол қилинади.

102-бетга

¹ *Ашриба* – бу арабча *шароб* сўзининг кўплигидир. Ибн Сино қуйироқда *шароб* нима эканлигини қисқача таърифлаб берган бўлса ҳам, бу атама «Қонун»да ва умуман Шарқ табобатида жуда кенг

маънода ишлатилганлигини эслатиб ўтиш лозим: у баъзан умуман ичиладиган суюқ дори, баъзан шарбат, баъзан эса маст қиладиган *шароб*, яъни май [вино] маъноларида ишлатилади. «Қонун»нинг олдинги китобларида бу сўз ўзбекчада ҳам «шароб» сўзи билан берилган эди. Бироқ ҳозирги ўзбек тилида «шароб» деганда фақат маст қилиш хусусиятига эга бўлган ичимлик тушунилгани учун биз бу бобда уни жойига қараб баъзан «шарбат», баъзан «шароб» деб таржима қилдик.

² Б да қўшилган: «*Уқсумолий* [охумел сўзининг арабчалаштирилган шакли].

Бу қадимги [табиблар] тайёрлаган ва таркиб қилган *сиканжубин* бўлиб, *ирқуннасо*, бўғин оғриқлари ва тутқаноққа фойда қилади. Агар у ичилса, қуюқ каймусни суриб чиқаради. Айтадиларки, уни ичиш *аъфо* илони чакқанга, шунингдек, афюн ва ўлдирувчи дорилар ичганга ҳам фойда қилади.

Тайёрлаш. Сиркадан беш *ратл*, [364] туздан икки *маннга* яқин, асалдан ўн *манн* ва сувдан ўн *қутулий* олиб, [хаммаси] аралаштирилади ва паст оловнинг устига ўн марта қайнаб чиққунча қўйилади. Кейин оловдан тушириб, совугунча қўйилади ва идишга солиб қўйиб, керак вақтида табиб буюрган миқдорда истеъмол қилинади».

103-бетга

*¹ Б дан таржима қилинди. О нинг шу жойлари ноаниқ.

² П дан таржима қилинди, Б: «Шунингдек».

104-бетга

*¹ П дан қўшилди; О ва Б нинг шу жойлари аниқ эмас.

² Б да шундай, О: «тортади».

³ Б да қўшилган: «Кейин оловдан тушириб, истеъмол қилинади, у жуда фойдалидир».

105-бетга

¹ Б дан қўшилди.

106-бетга

¹ Б да қўшилган: «Баъзи табиблар унга қайнатишдан олдин икки ҳисса асал, бир ҳисса *табарзад* [шакари] ва бир ҳисса новвот солиб, кейин паст оловда қайнатадилар».

*² Б дан қўшилди.

¹ Б да кўшилган: «Денгиз пиёзи солинган шарбат. Ҳазмнинг ёмонлиги, овқатнинг меъдада бузилиб қолиши, [367] меъда ёки ичаклардаги куюк балғамга, шунингдек, ўзлаштиришнинг ёмонлиги» деб аталувчи истискога олиб келадиган мизож бузуқлигига ҳамда истиско, сарик касаллиги, талок оғриғи, бўшашиш билан пайдо бўладиган фалаж, тикилмалар, эт увушиб титраш, мушак ва бўйин [гўштлири] учларининг узунасига ёрилганига фойда қилади. У яна сийдик ва ҳайз қонини юргизади; унинг асабга зарари кўп эмас. Бироқ иситмали ва баданининг ичида яраси бор кишилар буни ичишдан сақлансинлар.

Тайёрлаш. Денгиз пиёзини олиб, юқорида сен билган йўсинда тўғраб, офтобда қуритилади. Мана шундан бир *манн* миқдориди олиб майдаланади ва йирик элакдан ўтказилади. Кейин у янги юпка латтага тугилади ва шу тугунчани йигирма *қист* янгигина сиқилган [узум] шарбатига солиб, ичидагиси тарқалиб кетсин учун уч ойгача кўйилади. Шундан кейин шарбатни сузиб, бошқа идишга солиб оғзини маҳкамлаб беркитиб кўйилади.

Баъзилар буни ҳўл денгиз пиёзидан ҳам тайёрлаш мумкин дейдилар, у мана бундай: [денгиз пиёзини] шолғом тўғраганга ўхшатиб тўғралади ва бундан қуруғига қараганда икки хисса кўп олинади. Унинг устига узум шарбатини қуйиб, қирқ кунгача офтобга кўйилади ва эскитилади.

Бу [шарбат] яна бошқача усулда ҳам тайёрланади: денгиз пиёзини тўғраб тозаланади, шундан уч *манн* олиб, бир *итолиё жарраси* [кўзачаси] миқдориди яхши узум шарбатига солинади. [Кўзачани] беркитиб, олти ой кўйиб кўйилгандан кейин сузилади ва идишга солиб кўйиб, истеъмол қилинади.

Денгиз суви билан тайёрладиган шарбат. У иситмага фойдалидир, ични юмшатишда ҳам унинг фойдаси бор. У яна кўкрагида йиринг йиғилган, шунингдек, ичи қотган кишиларга ҳам фойда қилади. Бироқ меъдаси ёмон, қорин ва меъдаси дам бўладиган кишилар уни ичишдан сақланишлари лозим.

Тайёрлаш. Уни турли усулда тайёрлаш мумкин. Бири шуки, янги сиқилган узум шарбатидан олиб, унга бир *манн* денгиз суви кўйилади. Баъзилар офтобга кўйилган узум шарбатига денгиз сувини аралаштирадилар. Бошқалар узумни майиз қиладилар-да, шу майизни хумга солиб, денгиз сувида ивитадилар. Кейин ивиган майизни эзиб, ширасини чиқарадилар. Узумни майиз қилиб

куритмасдан сўлигунча кўйиб кўйилса ҳам бўлади. Денгиз суви билан тайёрланадиган бу хил шарбат ширин бўлади, унинг баъзиси бир оз нордон ҳам бўлади. Бу биз юқорида санаб кўрсатган касалликларга фойда қилади».

*² Б дан кўшилди.

*³ Б да шундай. О: «оловдан тушириб кўйилади».

108-бетга

¹ Б да кўшилган: «**Идрумолий**» деб аталувчи шарбат. Бунинг ҳам фойдалари юқорида зикр этиб ўтилган [шарбатларнинг] фойдаларига ўхшайди; қуввати ҳам, шундай.

Тайёрлаш. Ичига беҳи солинган асалдан бир *жарра* миқдорида олиб, икки *жарра* сув билан аралаштирилади ва қайнатиб, иссиқ бошланган вақтда офтобга кўйилади.

Малумолий деб аталувчи шарбат, яъни беҳили асал. У меъда оғриғи ва унинг совуқлигига ҳамда жигар ва ичакларнинг заифлигига фойда қилади, иштаҳани кўзғатади, меъда ва жигарни кучайтиради.

Тайёрлаш. Беҳини олиб, ичи тозаланади ва пўчоғини арчиб, тузли сувда бир оз вақт ивителиди. Кейин [сувдан] олиб, асалга солинади ва идишга бошқа нарса солиш мумкин бўлмайдиган қилиб тўлатиб солинади-да, оғзи маҳкамлаб беркитилади. У бир йилгача кўйиб кўйилади, шунда у яхши ва хушбўй бўлади. Баъзи кишилар унга заъфарон, дориворлар, мушк ва бошқа нарсаларни ҳам қўшадилар».

² Б: «беш».

109-бетга

*¹ Б дан кўшилди.

² Б да кўшилган: «Баъзилар унинг ширасини учдан бири колгунча қайнатиб асал қўшадилар-да, яна қайнатиб қиём қиладилар. Бошқа бировлар эса мирт донасини олиб, офтобда қуритадилар, сўнгра уни майдалаб бир *микёл*... [шу ерда бир ноаниқ сўз бор] миқдоридагиси уч *қутулий* сув ва уч *қутулий* эски шароб билан аралаштирилади ва сиқиб шираси олинади; шунга бир оз асал қўшиб, енгилгина қайнатиб олинади».

³ Б да кўшилган: «**Мирт баргидан тайёрланадиган шарбат.** Бошда бўладиган ҳўл яраларга, ундаги кепак ва чиқиқларга, шунингдек, милкларнинг бўшашганига, бўғиз мушакларидаги

шишга ва йиринг оқадиган кулокка фойда қилади; у терни ҳам тўхтатади.

Тайёрлаш. Қора мирт баргларининг учидан донаси билан бирга олиб янчилади; кейин шундан ўн *манн* олиб, устига уч *қулла* [кўзача] узум шарбати солинади ва учдан бири кетиб, учдан иккиси қолгунча қайнатилади. Сўнгра бир оз асал қўшиб, енгилгина қайнатиб олинади ва тоза идишга кўтариб қўйиб, истеъмол қилинади».

*⁴ Б дан қўшилди.

⁵ Б да қўшилган: «Ҳақиқатан ҳам бу катта фойда етказди.

Уксумолий шарбати. Бу денгиз суви, ёмғир суви ва асалдан [иборат бўлиб], ични кучли равишда бўшатади, шунинг учун унинг [хилтларни] парчалаш қуввати чучук сувнинг қувватидан кучлироқ.

Тайёрлаш. Асал, ёмғир суви ва денгиз сувларидан баробар миқдорда олиб сузилади ва сопол идишга солиб, «Калб» [«Ит»] юлдузи кўринган вақтда офтобга қўйилади. Баъзи одамлар денгиз сувини қайнатиб, ундан икки *жуз* ва асалдан бир *жуз* олиб, [идишга] кўтариб қўядилар».

⁶ Б: «маннига».

110-бетга

¹ Б да қўшилган: **Ғўра билан асалдан тайёрланадиган шарбатнинг бошқа нусхаси.**

Бу шарбат буриштирувчи ва совутувчи бўлиб, меъда бўшашганига ва эски ич кетарга фойда қилади. У бир йилдан кейин истеъмол қилинади.

Тайёрлаш. Ҳали қораймаган узум ғўрасини олиб, уч кун офтобга қўйилади кейин сиқилади. Унинг сувидан уч қисм олиб, устига кўпиги олинган яхши асалдан бир қисм солинади, кейин буни сопол идишга солиб, бир йилгача офтобга қўйилади, сўнгра истеъмол қилинади».

*² Б дан қўшилди.

*³ Б дан қўшилди.

⁴ Ёки шаробдан – *сулофа*; Б: «сулоқа» [қайнатма].

111-бетга

¹ Б да қўшилган: «Бу шарбат истискога фойда қилади, буни биз ўзимиз тажрибадан ўтказдик.

Эрман шаробининг бошқа нусхаси. Меъдани кучайтиради, сийдикни юргизади, жигар, буйрак ва сариқ касалликларига фойда

килади, шунингдек, овқатнинг сушт хазм бўлиши ва иштаҳанинг пастлигига ҳамда меъдасида оғриғи бор, эскидан коворға учларининг таги тортишадиган ҳамда қорнида дамлик ва гижжаси бор кишиларга, шунингдек, хайз қони тўхтаб қолганларга фойда қилади. Агар бу [шаробдан] кўп миқдорда ичиб, кейин қусиб ташланса, *уксиё* деб аталувчи ичимлик ичганларга ҳам фойдаси бор.

Тайёрлаш. Буни бир қанча усулда тайёрлаш мумкин. Баъзи кишилар қирк саккиз *қист* узум шарбатига бир *ратл* эрман солиб, учдан бири қолгунча қайнатадилар. Кейин шунга тўқсон *қист* узум шарбати ва ярим *ратл* эрман қўшиб, яхшилаб аралаштирадилар-да, идишларга солиб қўядилар; кўпиғи босилгандан кейин [ишлатиб], тажриба қиладилар. Баъзи кишилар ўша миқдордаги узум шарбатига бир *манн* эрман солиб, уч ой қўйиб қўядилар. Бошқалар эса эрмандан бир *манн* олиб янчадилар ва юпқа латтага тугиб, худди ўша миқдордаги узум шарбатига солиб, икки ой қўядилар. Баъзи бировлар эрмандан – уч ёки тўрт *уқия*; сунбул, дорчин, хушбўй қамиш, қорачайир гули ва ковулларнинг ҳар биридан бир *уқиядан* олиб, ҳаммасини йирик қилиб янчадилар. Сўнгра буларни бир *микёл* узум шарбатига солиб, идишнинг оғзини яхшилаб беркитадилар-да, икки ой қўядилар. Шундан кейин сузиб, бошқа идишга оладилар.

Баъзи кишилар узум шарбатидан бир *микёл*, *готикодан* [?] ўн тўрт *мисқол* ва эрмандан қирк *мисқол* оладилар. Бу [дориларни] зиғир латтага тугиб, [шарбатга] соладилар, қирк кундан кейин сузиб, бошқа идишга оладилар. Баъзилар йигирма *қист* узум шарбатига бир *ратл* эрман ва икки *уқия илк ал-анбот*, яъни қуруқ санавбар елимини қўшадилар; буни йигирма тўрт кундан кейин сузиб, [идишга] кўтариб қўядилар. Айрим табиблар [бу нарсаларнинг миқдорини] ўз кузатишларига қараб оширадилар ёки камайтирадилар».

112-бетга

¹ Б дан қўшилди.

² Б дан қўшилди.

*³ Б дан қўшилди.

⁴ Дамократэс ёки Демократэс – Нерон даврида яшаган юнон табибларидан бўлиб, дорилар ҳақида шеърий асарлар ёзган [Sarton I, 261].

⁵ Б: «қайнатмасидан».

113-бетга

¹ Китобнинг охирида Ибн Сарофиюн «*Куннош*»идан келтирилган жадвалда Ибн Сино бир *даврани* уч *ратлга* тенг деб кўрсатади; биз ўзимиз тузган жадвалда ҳам мана шу нисбатдан келиб чиқдик.

*² Б дан кўшилди.

³ Икки илдиздан мурод арпабодиён илдизи билан сачратқи илдизи бўлса керак. Чунки одатда арпабодиён, сачратқи, петрушка ва ковулларнинг илдизи «тўрт илдиз» деб юритилади [МА, I, 167].

⁴ МА [III, 44]да кўрсатилишича, *кадир* Ҳиндистон билан Яманда ўсадиган ва *кодий* исми билан танилган дарахтдир; *кодий* эса *Pandanus odoratissimus* деб аниқланади [Dozy II, 434].

114-бетга

¹ Б дан кўшилди.

² Бу ерда ковок шаклидаги идиш назарда тутилади.

³ Бустука – усти сирланган сопол кўвача [Dozy II, 83].

115-бетга

¹ Б дан кўшилди.

² Б дан кўшилди.

³ Б дан кўшилди.

⁴ Б дан кўшилди.

⁵ *Даҳ ёздаҳ* – ўн фоиз; яъни бир хисса дорига ўн хисса айрон зардоби олинади.

⁶ Шу ерда О нусхасида Иккинчи жумланинг Олтинчи мақоласига [яъни О нинг 540-бетига] тегишли бўлган бир дорининг нусхаси келтирилган. Бу хатони котибнинг ўзи ҳам сезган бўлса керак, шунинг учун у бу нусханинг атрофидан чизик тортиб кўйибди. П да ҳам, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланувчи 3316 ва 11195 рақамли «Қонун» қўлёзмаларида ҳам шундай. Шундан кейин Б да бир қанча ичимликларнинг нусхалари келтирилганки, уларнинг биронтаси ҳам бизга маълум қўлёзмаларга киритилмаган. Улар қуйидагилар:

Узум ғўраси шарбатининг бошқа нусхаси. Бу шарбат буриштириш қувватига эга бўлиб, меъдани кучайтиради ва овқатни ҳазм қилиши қийин кишиларга фойда қилади; шунингдек, бўшашган меъдага, бошқоронғи хотинларга ҳамда *илоус* деб аталувчи қуланжга йўлиққанларга фойда қилади; [*илоус* сўзининг] маъноси «рахим қил раббим» демакдир, чунки у қаттиқ азоб беради. Айтишларига

караганда, бу [шарбат] яна вабо касалликларига ҳам фойда қилади. Бу шарбатни кўп йил эскитиб қўйиш зарур, аксинча у юқоридаги таъсирларни кўрсатмайди ва уни ичиб ҳам бўлмайди.

Тайёрлаш. Ҳали унча яхши пишмаган нордон узумни олиб, бошлари сўлисин учун уч-тўрт кун ташлаб қўйилади. Кейин сикилади ва [сувини] хумга солиб, офтобга қўйилади, сўнгра юқорида айтилгандек истеъмол қилинади.

Эски ичимликлар ва уларнинг фойдаси. Бу ерда мен ичимлик деганда шароб [яъни май]ни назарда тутаман. Бу ташқи кўринишда содда туюлса ҳам, ҳақиқатда ноаниқ, шунинг учун биз уни «Қарободин»да келтирдик. [Шароб] ичиш миқдори ичувчининг ёши, йил фасли ва одатга ҳамда шаробнинг мизожи ва кучига қараб турлича бўлади. Шароб ичиш ташналик вақтига тўғри келмаслиги лозим; шунингдек, уни овқат билан бирга ичмасдан, балки олдин овқат еб, икки соатча сабр қилиб, кейин ичиш керак. Чунки овқат устидан шароб ичиш ёки шароб устидан овқат ейиш энг зарарли нарса бўлиб, ёмон касалликларни келтириб чиқарадики, уларнинг энг энгили кўтирдир.

Мастликка келсак, бу барча ҳолларда ҳам зарарлидир, айниқса узок вақт давом эттирилса, чунки у асабларга эритиб тарқатувчи таъсир кўрсатади; шунинг учун у узок давом эттирилганда, [асабларни] заифлаштириб, бўшаштиради. У, шунингдек, ўткир касалликларга, [ҳатто] тўсатдан ўлиб қолишга ҳам сабаб бўлади. Энг яхшиси шаробни мўътадил миқдорда истеъмол қилишдир. Ёш одамлар шаробдан кейин совуқ сув ёки анор суви ичишлари керак; булар шаробнинг кучини синдириб, зарарини босади, хусусан, ёз вақтида шундай қилиш лозим. Кексаларга бунинг ҳожати йўқ, чунки [совуқ сув] асаб ва ҳисларга зарар қилади, аммо [шароб] ширин мазали бўлса, [кетидан сув ичиш мумкин]. Ички аъзолари касал ва заиф бўлган кишилар [шаробдан] четлансинлар. Тани соғ одам яхшиси [шаробга] сув қўшиб, озгина миқдорда ичсин.

Янги шароб ҳазм қийинлигига фойда қилади, сийдикни юргизади ва ёмон тушлар кўргизади. Эски билан янги ўртасидаги шароб [хусусиятда] уларнинг ўртасида туради. Шунинг учун уни соғломлик билан касаллик [ўртасида] ичиш учун танлаш лозим. Суюқ оқ шароб эса осон ҳазм бўлиб, баданга тез сингади ва меъдага фойда қилади. Қора шароб қуюқ бўлиб, қийинлик билан ҳазм бўлади. Умуман булар орасидаги ўртача [шароб] ўртача хусусиятга эга бўлади. Ширин шароб қийинроқ ҳазм бўлади. Бундан ташқари, оқ шароб

турли мизожга эга бўлади: унинг ширин хили *матбух* сингари меъдани дам қилади ва корин ҳам ичакларни тўсади. Хушбўй шароб овқатни ҳазм қилади, ковуқ ва буйракларга фойда қилади, сийдик ва ҳайз конини юргизади, ични тинчлантириб боғлайди ва рутубатни қирқади. Кучсиз шароб асабларга камроқ зарар қилади, сийдикни юргизади ва [375] ични мўътадил даражада юмшатади. Ичига ганч тушган шароб эса асаб ва ковуққа зарар қилади, бошни оғритади ва бирон офатга йўлиқтиради; бу [шароб] кон туфловчилар учун ёмондир. Зифт ва санавбар елими кўшилган шароб қиздирувчи бўлиб, овқатни ҳази қилади, бироқ у ҳам кон туфловчиларга тўғри келмайди. *Ушна* кўшилган шароб ўша ондаёқ каттиқ тинчлантиради. Шаробда кулок чирки ивитилса ҳам шундай бўлади, чунки у маст қилади. Беҳининг қуюлтирилган шираси аралаштирилган шароб эса камроқ зарар еткази.

Ҳеч нарса аралаштирилмаган ҳар қандай соф шароб бир оз буриштириш хоссасига эга бўлса, қиздиради, баданга тез ўтиб боради, меъдани кучайтиради, иштаҳани оширади, уйқуни кўпайтиради, гавдани бақувват қилади ва рангни яхшилайти. Агар ундан анчагина миқдорда ичилса, *фарфиюн* ичганда фойда қилади, шунингдек, сассикалаф, афюн, [заҳарли] замбуруғ ва бошқа ўлдирувчи совуқлик дорилар ичганда ҳам [шаробнинг] фойдаси бор. Мўътадил шароб ўзининг совуқлик заҳари билан ўлдирувчи ҳашаротлар чакканда фойда еткази; у шунингдек, коворға учларининг ости ачишганда ва меъда бўшашиб заифлашганда ҳамда меъда ва ичакларга рутубатлар оқиб тушганда ҳам фойда қилади; унинг, хусусан, эски ва хушбўй хилининг кам терлайдиган кишиларга ҳам фойдаси бор. Эски ширин шароб ковуқ ва буйрак касалликларига фойда қилади. Агар ювилмаган юнгни бунга ботириб, чиқик ва шишларга кўйилса ҳам фойда еткази. Ёввойи қора узумдан тайёрланадиган буриштирувчи шароб меъда ва ичакларига чиқиндилар оқадиган кишиларга ҳамда буриштириш, туфлаш ва оқувчи суюқ моддани парчалашга эҳтиёж туширадиган касалликларга йўлиққанларга фойда қилади.

Асал шароби. Эски иситмага фойда қилади, ични юмшатади ва сийдикни юргизади, меъдага ҳам фойдаси бор. У яна бўғин ва буйраклари оғрийдиган кишиларга, шунингдек, боши заифларга ҳамда хотинларда бўладиган истискога фойда қилади. У ғизолантиради, иштаҳани оширади ва кексаларга жуда фойдали.

Тайёрлаш. Буриштирувчи [мазали] узум шарбатидан беш куз олиб, устига бир куз асал ва бир *қавосус* туз кўшилади, кейин ачиб

кайнашига жой қолдирадиган катта идишга солинади, оз-оздан туз солиб турилади, ачиб кайнаши босилгач, хум ёки сопол кўзаларга солиб қўйилади.

Асал шаробининг бошқа нусхаси. Бунинг энг яхшиси буриштирувчи кучли эски шароб билан яхши асалдан тайёрланадигани бўлиб, шу хили бошқаларига қараганда [ични] камроқ дам қилади ва [меъдадан] тезроқ тушади. У эскиса, ғизолиги ортади; мана шунинг ўртасидагиси ични юмшатади ва сийдикни юргизади. Уни овқат устидан, шунингдек, наҳорга ичиш зарарлидир. Уни ичганда олдин иштаҳани қирқади кейин уни кўзғатади.

Тайёрлаш. Икки *жарра* шароб олиб, унга бир *жарра* асал қўшилади. Баъзилар тез етилсин учун шаробни асал билан қайнатиб, кейин [идишга] кўтариб оладилар. Баъзилар олти *қист* узум шарбатини қайнатиб, унга бир *қист* асал қўшадилар, сўнгра совутиб қўядилар; бу ширинлигича қолади.

Қ а р о т у н с у в и, яъни асал суви. Бунинг қуввати асал қуввати кабидир. Унинг қайнатилмагани билан ичини суриш ва қустириш лозим бўлган киши даволанади. Бу [сувнинг] ёғ билан қўшилгани қустиргани учун ўлдирувчи дори ичганларни даволайди. Унинг қайнатилгани эса қувват тарқалиб, бадан заифлашганда, шунингдек, йўтал ва ўпка шишларида ичирилади.

[Асал сувининг] қайнатилиб, узок вақт қўйилганини баъзи кишилар *идрумолий*, яъни асал шароби деб атайдилар. Унинг эски билан янгининг ўртасидагиси, баданни кучайтириш жиҳатидан, кучсиз шароб қуввати каби қувватга эгадир. У шишларга ҳам меъдаси оғрийдиганларга фойдалидир. Қуввати тарқалган кишиларга эса аниқ фойдаси бор.

Т а р к и б и. Асалдан бир қисм ва эски ёмғир сувидан икки қисм олиб, аралаштириб, офтобга қўйилади. Баъзи кишилар булоқ сувини асал билан аралаштириб, [376] учдан икки қисми қолгунча қайнатадилар, кейин кўтариб қўядилар. Баъзилар эса уни хом асал билан сувдан тайёрлаб, кўтариб қўядилар. Сувдан озгина аралаштириш лозим.

Жингак ва дўлана шарбати. Бу шарбатларнинг барчаси меъдага буриштирувчи ва совутувчи таъсир кўрсатади ҳамда меъда ва ичакларга моддаларнинг оқиб келишини тўхтатади. Улар нок шарбатини тайёрлаган сингари тайёрланади.

Ёввойи ток гулининг шарбати. Меъданинг заифлиги, иштаҳанинг камлиги, эски ич кетиш ва ичак яраларига фойда қилади.

Т а р к и б и. Ёввойи токнинг куриган гулидан икки *манн* олиб, бир *жарра* узум шарбатига солинади-да, ўттиз кун қўйиб қўйилади. Кейин идишни ўраб, олиб қўйилади.

Анор шарбати. Меъда ва ичакларга чиқиндилар оққанда, шунингдек, узоққа чўзилган иситмаларга ва иссиқ [мизожли] меъдага фойда қилади, ични боғлайди ва сийдикни юргизади.

Т а й ё р л а ш . Доналари кизил ва пишган, уруғи эса заиф анор олиб сиқилади ва [сувини] учдан бири колгунча қайнатилади. Кейин унга бир оз шакар қўшиб, кўтариб олинади.

Қизил гул шарбати. Иситмага ва меъда оғриғига фойда қилади ҳамда овқатни ҳазм қилади. Агар у овқатдан кейин ичилса, ич кетиш ва ичак оғрикларига фойда қилади.

Т а й ё р л а ш . Бир йил қуритиб қўйиб, майдаланган кизил гулдан бир *манн* олиб, зиғир латтага тугилади ва ичида йигирма *қист* узум шарбати ва янги шароб бўлган идишга ташланади. Кейин идишни ўраб, оғзи беркитиладида, уч ой қўйилади. Сўнгра сузилади ва бошқа идишга қўйиб, олиб қўйилади.

Баъзан бу бошқача усулда тайёрланади: кизил гул ширасинн олиб, асал билан аралаштирилади. Бу ҳам *идрумолий* деб аталади; бу томоқ дағаллашганда мувофик келади. Уни бундан бошқа усулда ҳам тайёрланади: косачаларидан тозаланган янги кизил гулдан ярим *манн* олиб, ўзига уч ёки беш хисса келадиган сувда бир оз вақт қайнатилади. Кейин сузиб, [сувига] яна ўшанча янги гул қўшилади ва аввалгича қайнатиб сузилади. Учинчи марта [гул] қўшиб қайнатиб сузгандан кейин, [қайнатмага] бир оз янтоқшакар ёки асал қўшилади-да, қиём қилинади. Бунинг бир ичими ўн *дирҳамдан* йигирма *дирҳамгачадир*. У ични кўплаб суриб, рутубатларни суриб чиқаради ва меъдани тозалайди. Қайнатиб гул қўшиш қанча кўп такрорланса, [шарбатнинг] ични суриш хусусияти шунча ортади.

Мирт шарбати. Меъдага фойда қилади, рутубатларнинг меъда ва ичакларга оқиб келишини тўхтатади; у яна бадан ичида бўладиган яралар ва бачадондан рутубатлар оқишида [ишлатишга] ҳам ярайди.

Санавбар елими [қўшилган] шароб. Бу шароб эскиса, маза-си оша боради, бироқ у тутқанок ва бош айланишини келтириб чиқаради. У овқатни ҳазм қилади ва сийдикни ҳайдайди, шунингдек, назласи ёки йўтали бор кишиларга ҳамда эскидан ичи кетиб юрган, ичакларида яраси бор ва истискога учраган кишиларга мувофик

келади; доимо бачадонидан рутубат окиб юрадиганларга ҳам мос келади. Уни ичак яраларида хукна қилиб ишлатса ҳам бўлади. Бу [шаробнинг] қораси оқига караганда кучлироқ буриштиради.

Тайёрлаш. Санавбар елимини ўша дарахтнинг пўстлоғи билан биргаликда олиб янчилади-да, шундан беш [дирҳамни] ярим қутулий [шаробга] солинади. Баъзи кишилар уни шароб ачиб, қайнови босилгунча шаробда колдирадилар, кейин олиб ташлайдилар. Баъзилар эса уни шароб эскигунча қўя берадилар.

Қитронли шароб. Бу [шароб] эски йўталга, – агар унинг иситмаси бўлмаса, – фойда қилади; у киздиради ва латифлаштиради. У яна кўкрак ва коворға оғриқлари, ичакнинг бураб оғриши, ичдаги яралар, ичак оғриғи, *ал-ҳисс*, [377] ўпка ва бачадон оғриқларига фойда қилади; қориндаги гижжа ва қуртларни ҳайдаб чиқаради, эт увушишни кетказди; агар у қулокқа томизилса, оғриғини тузатади.

Тайёрлаш. Қитрондан олиб, чучук сув билан ювилади, кейин шунинг ҳар бир *уқиясига* бир *ратлдан* узум шарбати солиб, [ҳажми] камайгунча қайнатилади.

Зифтли шароб. Бу [шароб] киздиради, овқатни ҳазм қилади ва тозалайди, шунингдек, кўкрак, қорин, жигар, талоқ ва бачадонда иситмасиз бўладиган оғриқларга фойда қилади. Яна у ич суриш ва эскидан давом этиб келаётган ич кетишларга, ичда бўладиган яралар, йўтал, ҳазмнинг сустлиги, кўпчиш ва астмага фойда қилади.

Тайёрлаш. Ҳўл зифт ва узум шарбатидан олинади; бироқ олдин зифтни денгиз суви ёки шўр сув билан токи сув тиниқлигича қуйилгунча қайта-қайта ювилади, кейин унинг устидан чучук сув қуйилади. Ҳар саккиз *қавосус* узум шарбатига икки *уқиядан* зифт қўшилади. [Шароб] етилиб, қайнаши босилгач, бошқа идишга солиб қўйилади.

Зуфоли шароб. Кўкрак, биқин ва ўпкада бўладиган касалликларга, эски йўтал ва астмага фойда қилади. У яна сийдикни юргизади, ичак оғриқлари ва эт увушишига фойда қилади ҳамда ҳайз қонини яхши ҳайдайди.

